

Тимоти УОКЕР

# ФИНЛАНДИЯ тәъмми мўътизаси



Мароқли дарс ўтишнинг 33 сири

«Global books»  
Ташкент - 2023

**УЎК: 316.628:159**

**ББК: 74.03**

**У – 62**

**Тимоти Уокер**

**Финландия таълим мўъжизаси: Ҳамма гап танаффусдами? Мароқли дарс ўтишнинг 33 сири.** – Тошкент: «Global books», 2023. 272 бет.

### **Рус тилидан**

**Ботир Раҳманов таржимаси**

2001 йилда ўн беш ёшли фин ўқувчилари ўқиши, математика, ва табиий фанлар бўйича танқидий фикрлаш кўнгилларини баҳолаш учун мўлжалланган “Халқаро ўқувчиларни баҳолаш дастури” (PISA)да энг юқори балл олгани бутун дунёни ҳайратда қолдириди. PISA тести натижалари сабаб Финляндия мактабларининг таълим тизими энг яхши деб тан олингач, дунёнинг барча қитъаларидаги педагоглар фин ҳамкасларининг сири нимада эканлигини билиш учун уларнинг тажрибаларини ўрганишга киришдилар.

Хельсинкидаги мактабда икки йил ишлаган америкалик ўқитувчи Тимоти Уокер фин мактабларидаги муваффақиятнинг замирида жуда оддий тамойил – ўқув жараёнларида қувонч мавжудлигини таъкидлайди. Қисқа ўқув куни, енгил уй вазифалари ва кам стандартлаштирилган тестлар – бу фақат самарали таълим тизимининг ташки жиҳатлари, холос.

Уокер ўз китобида фин таълим тизими қандай ташкил этилгани, нима учун ўқувчилар билан уларнинг баҳоларини муҳокама қилиш кераклиги, болаларга ихтиёр эркинлигини бериш ва улар билан биргаликда кунни режалаштириш ўғил-қизнинг мустақил бўлишига қандай ёрдам бериши, деворлардаги кўргазмали материалларнинг ҳаддан зиёд кўплиги ўзлаштиришнинг пасайишига олиб келиши, нега танаффус чоғида ўқитувчи болалар билан бирга ўйнаши мухимлиги каби масалалар ҳақида ҳикоя қиласди. Ушбу китобда муаллиф ўзбек мактабларида ҳам қўлласа бўладиган 33 та стратегияни таклиф этади.

**ISBN 978-9943-8176-7-8**



© «Global books», 2022 йил.

© Тимоти Уокер, 2022 йил

## **ТАРЖИМОНДАН**

Аслида яхши китоб қайси жанрда бўлишидан қатъий назар, ортиқча шарҳга муҳтож эмас. Аммо энг кўп шарҳ ва талқинлар ёзиладиганлари ҳам яхши асарлардир.

Ўттиз йиллик педагогик фаолиятимда соҳага оид жуда кўп қизиқарли рисолалар билан танишдим, ҳаётий ва касбий тажрибамни бойитишга оид манбаларни кўпроқ ўқишига ҳаракат қилдим. Лекин шу чоққача таълим даргоҳига қувонч ва баҳт олиб келиш, рақобатсиз меҳнат, беминнат ҳамкорлик, касбий маҳоратга ишонч каби тушунчаларнинг бунчалар муҳим экани ҳақида дурустроқ ўйлаб ҳам кўрмаган эканман.

Охиригина пайтларда жамоатчилик ўқитувчи меҳнатининг қадрсизланаётгани, обрўси тобора пасая-ётганини айтмоқда. Хўш, нега бундай деган саволга жавоб қидиарканман, бир ҳамкасбимнинг тавсияси билан Тимоти Уокернинг “Финландия таълим мўъжизаси. Ҳамма гап танаффусдами? Мароқли дарс ўтишнинг 33 сири” номли китобини синчиклаб ўқиб чиқдим. Китобда шундай сатрлар бор: “Сиёsatчилар таълимни ўрни келса деярли уринишларсиз, шунчаки ҳамённи очиб, ҳал этиш мумкин бўлган вазифага айланишини хоҳлайдилар. Улар тахминан қуидагича мулоҳаза қиласидилар: ‘агар таълим технологияларига қанчадир сармоя киритсак, ўшанда мана шунча натижা

оламиз. Бизнинг рейтингларимиз бирдан осмонга чиқиб кетади, шунинг учун келинг, мана бу тутмачани босамиз”. Таниш ҳолат-а? Бутун дунё бўйлаб мактаб таълимида ўн йилликлар оша сақланиб қолаётган ҳисботлар ортидан қувиш, ўқитишининг техник воситаларини суиистеъмол қилиш, ўқувчиларга (шу жумладан, ўқитувчиларга ҳам) ишончсизлик билан қарааш, хўжакўрсинга рақобат, доимий стресслар, чорасизлик туфайли ўзининг севимли касбидан кўнгли совишлар – бари XXI асрнинг дастлабки ўн йилликларига, яъни сиз билан биз яшаб, меҳнат қилаётган бугунги кунга хос бўлган манзаралардир.

Рости, китобда баён этилган таълим жараёнлари, улардаги муаммо ва ечимлар билан танишиш асноси унда ўзимни, менга замондош ўқитувчилар, ишдан кўнгли совиётган минглаб устозларим, билимлар уммонида сарсон юрган ўқувчиларни кўргандек бўлдим. Муаллиф таъкидлаганидек, “наҳотки ўқитувчи бўлиб ишлаш билан бир вақтда, соглом ва баҳтли бўлиб яшаш мумкин бўлса?”. Бунинг учун нима қилиш керак? Кўлингиздаги шахсий тажрибага асосланган тадқиқот натижаси сифатида яратилган илмий ва амалий мазмундаги рисолада ана шундай саволларга жавоб изланади ҳамда айримларига ўта самарали ечимлар таклиф этилади. Энг эътиборлиси, Т. Уокер яқин келажакда ўз мамлакатидаги ёки глобал миқёсда анъянага айланиб ултурган таълим тизимларининг бирданига ўзгариб қолишига унчалик ҳам умид қилаётгани йўқ. Муаллиф таълим тизимининг энг пастки поғонасидан, яъни ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатларнинг ўзидаёқ қанчалар зиддиятли масалалар мавжудлиги, уларга

катта харажатларсиз ҳам ечим топиш мумкинлигини аниқ мисолларда тушунтиришга уринади.

Китобни ўқиб муаллиф қарашларида янги ва ўзига хос ажойиб ёндашувга – тараққий этган ўлкалар олимларининг бахт туйғусини қидираётганига гувоҳ бўласиз. Бундан икки аср муқаддам “ёввойи Гарбдан” олтин қидирган аждодларининг бугунги авлодлари эндиликда инсон кўнглига таскин берувчи, уни ҳаётдан мамнун бўлишига ҳисса қўшувчи омилларни қидиришмоқда. Хусусан, америкалик олим Раж Рагунатан бахтнинг тўртта таркибий элементини ажратиб кўрсатади (яъни, бу инсоннинг овқатга ва бошпанага бўлган асосий эҳтиёжлари қондирилган шароитда): дахлдорлик, мустақиллик, моҳирлик ва дунёқараш. Т.Уокер эса ушбу рўйхатга қолган барчаси учун пойдевор бўлиб хизмат қилувчи яна битта таркибий элементни қўшимча қиласди – бу яхши кайфиятдир. Бахтнинг бу таркибий элементларини у мактаб таълимининг кундалик амалиёти жараёнида таҳлил қиласди ва эътироф этиш керак, уларнинг аҳамиятини маҳорат билан ёритиб беради.

Азиз ўқувчининг эътиборини рисоладаги яна бир муҳим тушунчага қаратган бўлардим. Бу дунёқараш масаласидир. Т. Уокер фикрларини асослаш учун шундай дейди: “Дунёқарашни икки хил усуlda тасвираш мумкин: биринчиси, танқисликка (очкўзликка) йўналтирилган ёндашув, яъни бунда сизнинг ютуғингиз, албатта, бошқаларнинг муваффақиятсизлиги эвазига юз бериши керак (бу эса, табиийки, рақобатга элтади). Иккинчи ёндашув эса мўл-қўлчиликка (тўқчиликка) йўналтирилган бўлиб, бу дунёда барчанинг ютуққа эришиши учун жой етарли,

деб қаралади". Ўқитувчилик касбига содиқ қолиш, ундан фахрланиб яшаш, ўз касбидан завқланиш учун муаллиф ўқитувчиларга беғарал ҳамкорлик қилишни тавсия қиласди: "Ҳамкорлик қувончини ҳис этиш ва унинг барча афзалликларини ўз тажрибаларида бошдан кечиришни истаган ўқитувчилар, биринчи навбатда, ўзларининг дунёқараашларини ўзгартиришлари керак бўлади. Бу эса ўзимизга боғлиқ. Тўғри, фин педагогларида енгилроқ дарс жадвали бор (қисқароқ ўкув куни ва мунтазам равишдаги 15 дақиқалик танаффуслар), аммо улар бунга чинданам зарурат сезганлари учун шунчаки ҳамкорлик қиласдилар".

Бугун юртимиздаги энг муҳим ислоҳотлардан бири таълим билан боғлиқ. Кўлингиздаги ушбу китобда айнан таълим тизимида фидойилик билан меҳнат қилаётган ва соҳа ривожи учун ўзида дахлдорлик ҳиссини туловчи ҳар бир инсоннинг эътибор қаратишига арзигулик фикрлар ва ғоялар мисоли билан келтирилган. Эҳтимол, муаллиф Финляндиянинг бутун бошли таълим тизимини батафсил ёритиш ва унинг барча сир-асрорини очиб бериш фикридан йироқдир, аммо у кўзи билан кўриб ўргангандан ижобий тажрибаларини самимий оҳангда ўртоқлаша олган. Шу боис унинг бу соҳадаги изланишларига юксак эътирофимни таъкидлаб, китобхонларга рисоланинг ўзбекча матнини таништириш баҳтига мұяссар бўлаётганимдан мамнунман.

**Ботир Рахманов**

## СҮЗБОШИ

2000 йиллар бошида ҳам қўлингиздагига ўхшаш китоблар ёзилишига ҳали имкон йўқ эди. У даврларда жаҳон педагогикасининг анъаналари мутлақо бошқача манзара касб этган. Англияда ўн йилдан буён ўқувчини тез-тез аттестациядан ўтказишга йўналтирилган фундаментал ислоҳот-лар айни авжига чиққан, қолаверса, бу жараёnlар ўқувчию ўқитувчининг ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб юборган эди. Швецияда эса муаммони мутлақо тубдан ҳал этишга ҳаракат бошланганди: бу ерда ваучер тизими жорий қилиниб, унинг ёрдамида боласини муқобил билим билан таъминлашни истаган ота-она учун янги типдаги бепул мактабларни танлаш имкони яратилганди. Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёда (Япония, Ҳонконг, Жанубий Корея ва Сингапур) ҳам таълим тизими қайтадан кўриб чиқилди ва айниқса, ўқиш, математика, табиий фанларнинг таълим сифатини ошириш ҳамда юқори кўрсаткичларга эришиш масаласига асосий эътибор қаратилди. АҚШда эса ўқувчиларнинг натижаларини ва ўрга маълумот оловчиларнинг фоизини ошириш мақсадида қўпгина штатларда ўқитувчилар ва мактабларнинг ҳисобот беришига кучли урғу берувчи тажрибалар ўтказилди. Бир сўз билан айтганда, ўша пайтда таълим соҳасидаги асосий эътибор юқори кўрсаткичларга қаратилди. Агар ушбу китоб 2000 йиллар бошида ёзилганида эди, ўша йиллари пайдо бўлган жуда кўп шунга ўхшаш асаллар қатори унда ўқитишнинг самарасини оширишга қаратилган янги

**моделлар, қолоқ мактабларни янгилаш стратегиялари ва умуман, таълим тизимини тўлалигича ўзгартириш ҳақида сўз юритилган бўларди.**

Таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва сифатини оширишга оид энг яхши ғояларни бир-бири билан алмасиши мақсадида тўпланган педагогларнинг халқаро конференциясида эса қўпчилик ўқитувчилар ўзларига намуна сифатида юқорида қайд этилган мамлакатлар тажрибасини танлаган бўлишарди. Шунга ўхшаш учрашувларда ҳам Австралия, Янги Зеландия, Германия ёки Нидерландияда кечаётган жараёнлар ҳақида ҳикоя қилинган бўларди. У ерларда янги ва қизиқарли моделлар жорий этилаётган бўлиб, уларда таълимдаги ўсишни қузатиш, мактабдаги муваффақиятлар ҳақида ота-оналарни хабардор қилиш ва таълимни бошқаришнинг илгор шаклларини жорий этиш имкониятлари назарда тутилган эди. Ўша пайтлари бутун дунёдаги ҳамкасбларим, айнан, юқоридаги мамлакатларга боришар ва қўшма тадқиқот лойиҳалари ҳам ўша ерларда амалга ошириларди. Финляндия масаласига келсак, уларнинг ҳеч бири бу мамлакатда таълим соҳасига оид қизиқарли бирор бир нарса топишга умид ҳам боғлашмаганди.

Барчаси бир кунда, яъни Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) (Organisation for Economic Co-operation and Development, OECD) дунёнинг турли мамлакатларидан 15 ёшли ўқувчилар иштирок этган биринчи халқаро тадқиқот натижаларини эълон қилган 2001 йил-нинг декабрида ўзгариб кетди. Билимни баҳолашнинг халқаро дастури (ББХД) (Programme for International Student Assessment; PISA) номли тест фин ўқувчиларининг она тили, математика ва табиий

фанларни қай даражада ўзлаштирганини кўрсатиб берди, қолаверса, бунда уларнинг ушбу соҳалардаги нафақат назарий кўнникмалари, балки билимларини амалиётда қўллай олиш малакалари ҳам баҳоланди. Аҳолиси бор-йўғи 5,5 миллион кишига аранг етадиган Финляндия 31 мамлакатни ортда қолдирди. Унданам қизиги, ўлканинг турли ҳудудлари ва мактабларидаги ўқувчиларнинг ютуқлари бир-биридан деярли фарқ қилмас ва бошқа мамлакатлардаги сингари натижаларга оиласидаги вазият ҳам деярли таъсир кўрсатмаганди. Аксинча, финлар жуда кам маблағ сарфлаб бундай ютуққа эришгандилар. Бу ҳолат таълимга бевосита алоқаси бор инсонни гангитиб қўйганига ажабланмаса ҳам бўлади.

Кутилмаганди Финляндиянинг етакчи ўринга чиқиб кетиши, нафақат халқаро педагоглар ҳамжамияти ҳамда жаҳон оммавий ахборот воситаларини ҳайрон қолдирди, балки мамлакатдаги таълим тизими раҳбарлари, ўқитувчи ва тадқиқотчи олимларни ҳам лол қолдирди. Бирор кимса нима сабабдан фин болаларининг халқаро стандартлар бўйича энг юқори натижаларни кўрсатганини ишонч билан тушунтириб беролмасди. Финляндияда 1970 йилларда пайдо бўлган тўқиз йиллик мактаблар 2001 йилгача жамоатчиликнинг аёвсиз танқидига дучор бўлаётганди. Ўша пайтларда юқори синф муаллимлари ва университет ўқитувчилари мазкур янги таълим даргоҳлари мактаб ўқувчиларининг навбатдаги таълим босқичига ўтиши учун зарур бўлган билимларни астасекинлик билан, аммо қатъий равишда пасайтириб юборишини таъкидлашарди. Иш берувчиларнинг бир қисми ҳам омманинг дарғазаб хорига қўшилиб, ёш

авлоддаги мәхнат этикаси муаммога айланаётгани, мактабларда болаларга майший қулайликка интилиш ва оғир мәхнатдан қочиш ғоялари сингдирилаётганидан дод солишарди. Шу билан биргә, айрим ота-оналар иқтидори юқорироқ бўлган болалар учун мактабларда ўз имконият ва салоҳиятларини тўлиқ намоён этиши учун мавжуд муҳит торлик қиласи, деб ҳисоблашган. Агар вазиятни ўзгартириш учун қандайдир ечимлар таклиф этилса ҳам улар албагта бошқа мамлакатлар тажрибасидан кўчириб олинган бўларди. Таклиф этилган ислоҳотлардан қўйидагиларни санаб ўтиш мумкин: янада юқорироқ стандартлар яратиш, ўқувчиларнинг ютуқлари ҳақида батафсил маълумотларни тўплаш, ота- оналарга мактаб танлаш учун янада кенгроқ имкониятлар яратиб бериш ва истеъоддли болалар учун маҳсус ўқув муассасалари яратиш. Аммо 2001 йил декабридан сўнг финларнинг ўрта таълим тизимидағи кўнгилсизликлар амалий жиҳатдан ғойиб бўлди.

Шунинг учун ҳам PISA тестига раҳмат айтиш керак, шу тест бўлмаганида эди, эҳтимол, ушбу китоб ҳам бу ёруғ дунёни кўрмаган бўларди. Табиийки, хорижликлар бизнинг таълим тизимиизга жуда катта қизиқиши билдиришди ва уларда минглаб саволлар пайдо бўлди. Финларнинг ўзи бу муваффақиятни қандай қабул қилишди ва қандай изоҳлашмоқда? Мутахассислар фикрича, фин болаларининг бошқа мамлакатлардаги аксар тенгдошларига нисбатан яхшироқ ўқишилари учун муҳим бўлган бешта омил мавжуд. Улардан тўрттаси бевосита мактаб ва унинг жавобгарлик чегараси билан боғлиқ бўлиб, бешинчиси мактаб ҳовлисидан ташқаридаидир.

Аммо бирданига изоҳлаб ўтишимиз лозим: одатда, мураккаб ижтимоий тизимларда кечаётган жараёнларни тушунтириш чоғида кўплаб фаразлар илгари сурилади, шунинг учун ҳам уларга юз фоиз ишонч билан қарап қийин. Шундай қилиб...

Биринчидан, бизнинг юртимиизда ўқувчи етти ёшидан бошлаб қизиқишига қараб маҳсус фанларга йўналтирилган ўрта мактабда таҳсил олади. Мактаб ана шу қизиқишлиарни ривожлантиришга ёрдам беради ва ҳар томонлама меъёрга келтирилган таълимни таъминлайди. Бу орқали билимни барча ўқувчи сифатли ўзлаштириши учун асос яратилади деб ҳисоблашади. Финляндия мактабларининг ўқув дастурлари ҳамма фанни ўрганишга бир хил даражада эътибор қаратади, бу эса болалардаги турли қобилият, иқтидорни ҳар томонлама ривожлантириш ва тарбиялаш учун имкон беради. Хусусий мактаблар ва рақобатнинг йўқлиги (бу кўпинча ўзаро боғлиқ бўлади) шундан далолат берадики, мактаблар қаерда жойлашгани, кимни ўқитаётганидан қатъий назар, уларнинг бари яхши бўлиши керак. Финляндия мактабларининг кўпчилигига турли ижтимоий қатламларга мансуб болалар таҳсил олади ва ҳеч ким ирқи, ижтимоий-иктисодий мақоми ёки қобилиятига қараб табақаланмайди, таъқиб ҳам қилинмайди. Ўтган 40 йил давомида юзага келган бундай тенглик муҳити ҳар бир ўқитувчи ва ўқувчининг мақсад ва қарапларига таъсирини ўтказа олган. Бугун уларнинг бари, агар муқобил ва етарли даражада қўллаб-қувватланадиган бўлса, ҳар ким мактаб дастурининг катта қисмини бемалол ўзлаштира олишига аниқ ишонишади. Шу боис бутун мамлакат бўйлаб болалар хотиржамлиги,

соғлиги ва бахтли бўлиши мактаб таълимининг энг муҳим мақсадига айланди.

Иккинчидан, таркиби ҳар хил бўлган синфлар билан ишлаш учун 1970 йилгача бўлган даврга қараганда анча малакали ўқитувчилар керак бўлишини биз эрта англаб етдик. Натижада, педагог кадрларни тайёрлаш билан коллежлар эмас, балки университетлар шуғуллана бошлади. 1980 йилларда олий таълимда кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилди ва шундан кейин барча ўқитувчи илмий тадқиқотини қилиши ҳамда магистр илмий даражасини олиши мажбурий деб белгилаб қўйилди. Бугун бундай талаб Финляндиядаги барча малакали мутахассислар олдига қўйилади. Ҳар бир битирувчининг бола психологияси, педагогика, дефектология, ўқитиш методикаси ва ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича олган билимлари уларнинг тажрибали ҳамкасбларига қараганда бир неча баробар қўпроқdir. Бу эса ёш ўқитувчининг мактабдаги ваколатларини янада кенгайтириш имконини берди. 1990 йилларда педагоглар биргаликда ўқув режаларини тузишлари, энг самарали ўқитиш методларини танлашлари, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлашлари ва узлуксиз равишда касбий маҳоратини оширишлари талаб қилина бошланди. Ўқитувчи нуфузининг доимий равишда мустаҳкамланиши ўлкада ўқитувчи ва мактабга бўлган ишончни сезиларли даражада таъминлаб берди. Бу усул педагог мақоми ҳамда ушбу касбнинг ёшлар орасида жозибадорлигини ошириди.

Учинчидан, барча мактабларда болаларнинг соғлиги ва фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган механизмни ишга туширишга қарор қилдик. Бундан

асосий мақсад – ўқувчи оиласида парвариш ва ғамхұрлықдан мосуво бўлса-да, уни юқори даражада ўзлаштириш имкониятидан маҳрум этмасликни кафолатлаш бўлди. Ушбу қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш ниятида муаммоларни имкон борича эртароқ аниқлаш ва ҳал қилишга ёрдам берадиган алоҳида ташкилий тузилмани ишга туширдик. Бунинг учун фин мактабларининг ихтиёрига йирик миқдорда маблағ ва маҳсус штат бирликлари берилди. Болаларнинг жисмоний ва ақлий согломлигини таъминлаш учун ҳар бир ўқув муассасасида ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш гуруҳи ташкил этилди. Бундай гуруҳларга турли хилдаги мутахассислар (ўқитувчилар, психологлар, амалдорлар) киритилган бўлиб, улар юзага келаётган муаммоларни муҳокама қилишади, мақбул ечимларни излашади. Албатта, бундай маҳсус ташкилий тузилмаларнинг пайдо бўлиши мавжуд фонд маблағларини тегишли равищда тақсимлашни талаб этади. Яъни эҳтиёжманд болалари қўпроқ бўлган мактабларга анча-мунча маблағ ажратилади. Буларнинг барчаси бутун Финляндия бўйлаб тизимли равищда таълим олиш учун teng имконият ва шароитларни юзага келишини таъминлаб берди.

Тўртинчидан, биз таълим тизимининг ўрта бўғинида ишловчи раҳбарлар ҳам тажрибали ва малакали педагоглар бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. Яъни директор ўзи ишлаётган мактабда дарс бера олиш имкониятига эга бўлсин. Бундан ташқари, ушбу мансабдагилар атрофдагилар билан ишлашни билиши ва мустакил таълим олувчи ташкилотларни бош-қариш қобилиятига ҳам эга бўлиши лозим. Натижада таълим соҳасидаги раҳбар бевосита синфда ишлаш тажрибасига эга бўлади.

Ўқитувчи ўз ҳамкаслари томонидан бошқариладиган бўлса, таңқидни яхши қабул қилишини сездик. Чунки раҳбар ҳам бошқарувда синфдагига ўхшаш муаммоларга тўқнашиб туради. “Фин дарслари. Финляндия мактаб таълимидағи ислоҳотлар тарихи<sup>1</sup>” номли китобимда фин мактабларининг ўзига хослиги, уларда бошқарувчилар эмас, балки истеъодди, етакчилик фазилатига эга профессионал педагоглар раҳбарлик қилишини, улар маъмурий ишлар қаторида дарс бериш билан ҳам шуғулланишлари ҳақида ёзгандим.

Ниҳоят, бешинчидан, ўкув жараёнининг ўзига хослигига ўкувчининг мактабдан ташқаридаги ҳаёти ҳам кучли таъсир этишини унумаслик лозим. Гарчи Финляндияда бошқа мамлакатларга қараганда оиласлаги вазият боланинг ютуқларида кам даражада акс этса-да, мактабдан ташқаридаги ҳаёт унинг ўзлаштиришига кучли таъсир қиласи. Шунинг учун ҳам болалар ва ўсмирларга оид сиёсатни давлат даражасида амалга ошириш ҳамда бу ўзига хос ижтимоий капитал эканини эсда сақлаш муҳим вазифадир. Мамлакатимиздаги турли хил мактабдан ташқари ассоциациялар, клублар ва ташкилотларнинг кучли тизими ўсиб келаётган авлоднинг соғлиғи ва фаровонлигига улкан ижобий таъсир кўрсатади, уларнинг ўқиш-ўрганишида аксини топади.

Финляндияда 100 000 га яқин нодавлат ассоциация мавжуд бўлиб, уларда 1,5 миллион киши фаолият юритади. Финлар ўқиш ва иш билан бирга турфа жамоат ишларида фаол иштирок этадилар. Ёшларнинг беш нафаридан уч нафари бўш вақтида спорт, санъат

<sup>1</sup> Сальберг П. Финские уроки. История успеха реформ школьного образования в Финляндии. – М.: Классика-XXI, Арт-транзит, 2015.

ёки маданият каби соҳаларда фаолият юритувчи ассоциацияларга аъзо. У ерда ўқувчилар мактабда ўзлаштирган билим ва қўникмаларини тўлдирувчи қўшимча материалларни олишади. Бугун 90% ёш фин биттадан севимли машғулотига эга. Бу уларнинг мактабдаги муваффақиятларига ижобий таъсир кўрсатади. Яна ҳамма бориш имконига эга бўлган ва боланинг ёшлигиданоқ ривожланишига ҳисса қўшадиган мактабгача таълим муассасалари, оммавий соғлиқни сақлаш тизими, кенг тармоқли халқ кутубхоналари ўғил-қизларнинг муайян ютуқларга эришишида кўмаклашиб, уларни қўллаб-кувватлайди. Аммо чет элликлар учун бошқа мамлакат таълим тизимининг қандай ишлаши ва унинг турли элементлари якуний натижаларга қандай таъсир кўрсатишини тушуниш жуда қийин. Қоидага кўра, у ёки бу тизимни яхши таҳдил қилиш учун уни фақат ичкаридан кўра билиш керак. Аммо мактабларни кузатиш ва мутахассислар билан суҳбатлашиш мақсадида қилинган бир ҳафталик ташриф давомида финча таълим хусусиятларини ҳақиқатан ҳис этиш даргумон. Агар Финляндия сизга нимадир ўргатишини истасангиз, бу ерга ўзингиз келинг, ўзингизни ўқитувчи ролида синаб кўринг ва бу энг афзал усул бўлади. Тим Уокер айнан шундай қилди ва ноёб амалий тажриба ортириди. Мамлакатимизда бир неча йил яшаши ва ишлаши давомида у фин маданиятининг барча нозик жиҳатларини, мактаб таълимининг ўзига хос томонларини яхши тушунди. У ёзаётган китобларида чет эллик педагогларга янги ва фойдали тарафларни кўрсатаётгани учун уларни фин ҳамкаслари ҳам катта қизиқиш билан ўқимоқда.

Тим оиласи билан Бостондан Хельсинкига күчиб келган дастлабки кунлари у билан танишгандым. Иккимиз фин мактаблари Америка мактабларида нимаси билан фарқланишини бир неча бор муҳокама қилғанмиз. Тим Хельсинкидаги олий таълимгача бўлган халқаро моделнинг дастурини таклиф этувчи Ressu номли давлат умумтаълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишларди. Мен бу ўқув муассасасига авваллари тез-тез бориб турар ва у ерни жуда яхши билардим, аммо америкалик ҳамкасбимнинг бешинчи синф ўқувчилари билан бошдан кечиргандарини эшигатч, унга жуда қизиқиб қолдим. Четдан туриб янгича қараш ҳар доим фойдалидир. Тим ўз амалиётида фин мактабининг ўта хилма-хил аспектлари билан тўқнаш келган ва шундан кейингина уларни ушбу китобида батафсил тасвирлаб берган. Ишончим комилки, ҳеч ким буни ундан ўтказиб яхшироқ бажаролмаган бўларди.

“Фин дарслари” китобимнинг иккинчи нашрини босмадан чиқаришга тайёрлаётган чоғим муҳаррирдан муқованинг орқасига қуидаги огоҳлантиришни елимлаб қўйса бўлмайдими деб сўрадим: “ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ! Мустақил тарзда такрорлашга ҳаракат қилманг!”. Бундай дейишимнинг сабаби жуда кўплаб ўқитувчи, амалдор, ҳатто сиёсатчилар менга мурожаат этиб, фин таълим тизимини қай тариқа ўз мамлакатларида жорий этиш мумкинligини сўрашарди. Нашриётдагилар хавотиримни тушунишдию, юқоридаги огоҳлантиришни елимлаб қўйиш ғоясини маъқуллашмади. Шунга қарамай, камина таълим тизимини бир жойдан бошқасига шунчаки ўтказиб қўйиш мумкин эмас, деб биламан. Ахир, мураккаб ва табиий тарзда шаклланган маданий ҳосилалар худди майсаю дараҳтдек фақат ўзининг

жонажон заминида, ўзига мос иқлимдагина яхши ўсади. Тим Үокер “Финляндия таълим тизими: дунёдаги энг яхши мактаблар қандай ташкил этилган?” номли китобида бу ҳолатни етарли даражада ишончли қилиб тушунтириб беради ва мактабдаги ўқишини янада қизиқарли, ёқимли машғулотга айлантиришга кўмаклашадиган амалий қадамларни таклиф этади. Омад ёр бўлсин!

*Паси Сальберг*

## **КИРИШ**

Массачусетс штатининг Арлингтон шаҳридаги мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган пайтларимнинг биринчи йили мен профессионал сифатида кўнгил совиш ва куйиб қул бўлиш томон шиддат билан интилган эканман. Иш кунлари, эрталаб тахминан олти яримларда иш жойимда бўлар, ишдан эса одатда, педагогика ҳақидағи китоблар тўла рюкзагим билан кеч тушганда кетардим. Мактаб деворидан ташқарида ишдан чалғышга уринар, аммо бунинг ҳеч иложи топилмасди. Нонушта вақти асабийлашганча дарс режаларини ўрганар, кечқурунлари ўрнимда ётганча бугун нимани “ноўрин” қилганимни бирмабир таҳлил қиласдим. Одатда бир кечада тўрт-беш мартараб уйғонар, баъзан эрталаблари шунчалар кучли асабийлашардимки, кўнглим айниб, қайт қилиш учун ҳожатхонага югуришимга тўғри келарди (иштаҳани бўғадиган бунақа ошкора тафсилотлар учун узр сўрайман).

Ана шу биринчи ўқув йили бошлангунча ғайратга тўлиб, келажақда ўз ишимни яхши кўриб қолишимга ишонардим. Аммо октябрь кириши билан ишимдан нафратланишимни тан олишимга тўғри келарди. Афсуски, мен ҳеч қандай қувончни ҳис қиласдим.

Миллати фин бўлган рафиқам Йоҳанна мендан жуда хавотирлана бошлади. Агар шу зайл давом этаверсам, у бу масаланинг касаллик варақаси билан якун топишидан кўрқарди. Аммо унга бундай бўлмаслигини айтдим. Нима учун танаффус қиласлигим, келгусида ҳам худди шу режимда ишламоқчилигимни Йоҳанна

умуман түшүнөлмөди. Хотиним менга Хельсинкидаги ўқитувчи дугонаси бир кунда олти соатдан ортиқ ишламаслиги, бунинг ичига дарсларга тайёрланиш учун ажратылган икки соат ҳам кириши ҳақида сүзлаб берди. Бу ҳам етмагандек, у кундузги соат иккилардан кейин ишдан чиқибок, мактаб ташвишларини унутар ва бу ҳақда асло ўйламас экан.

Үзимча, Йоғанна ниманидир адаштириб қўйди ёки дугонаси номигагина педагог бўлса керак деб тусмолладим ва аёлимга яхши ўқитувчи тушдан сўнг теэза уйига шошилмайди, дедим.

“Бу фақат Финляндияда эмас!”, дея зътиroz билдириди Йоғанна.

Аёлим ҳам ўрта мактабни Финляндияда тутатган, кейинчалик бир неча ой Хельсинкида штатдан ташқари ўқитувчи бўлиб ишлаб, финча таълимнинг яширин томонларига назар ташлаш имконига ҳам эга бўлганди. Маҳаллий педагогларнинг қандай ишлашини у ўз таж-рибасида кўрганди. Ҳар бир академик соатдан (45 дақиқа) сўнг уларга 15 дақиқа танаффусга рухсат берилар, Йоғаннанинг кузатишича, кўпчилик ўқитувчилар танаффус чоғи бутунлай ҳордик чиқаришар, қаҳва ичиб, ҳамкаслари билан гап сотишар ва суратли журналларни варақлашар экан. Менинг америкача тажрибамга қарасак, бу усул назаримда ҳақиқатдан йироқ нарсага ўхшаб туюлди.

Массачусетсдаги мактабимизда бутун ўқув куни тушлигига мўлжалланган катта танаффус пайти ҳам мен қисман ишлашда давом этардим. Қўлимда арчилган банан билан синф хонани қадамлаб ўлчаганча, тик оёқда тамадди қиласар ва навбатдаги дарсларимга тайёрланардим.

Мактабда ишлаган биринчи йилларим аёлим бор кучини ишга солиб, мени бошқача ишлаш, шу билан биргә, нафақат рўзгор тебратиш, яна Финляндиядаги ўқитувчилардек ўзини жуда яхши ҳис қилиш, яйраб-яшнаш мумкинлигига астойдил ишонтироқчи бўларди. Аммо мен унга ишонмасдим.

Кўпгина америкалик педагог каби менинг ҳам ҳақиқий ҳаётим финларники билан ҳеч ҳам мос келмасди. Чунки ўқув куни давомида ҳар бир дарсдан сўнг 15 дақиқалик танаффуслар бўлмасди-да. Агар Йоҳаннанинг дугонаси соат 14:00 да мактабдан кетса, мен бу вақтда ҳали охирги дарсимни давом эттираётган бўлардим. Соат 15:00 да биринчи синфларим билан хайрлашардим, аммо эртанги дарсларга тайёрланиш ва бир талай турли ишларни қайта қўриб чиқиш вазифалари кутиб турарди.

Биринчи йили, одатта кўра, 12 соатлаб вақтимни мактабда ўтказганим учун ўзимни Йоҳаннанинг дугонасидан кўра анча профессионал деб ҳисоблардим. Лекин бора-бора унга ён берётганим аён бўлди. Иш мени бутунлай ўз домига тортиб олган ва шахсий ҳаётим учун умуман вақт қолмаётган эди. Шу сабаб жуда асабий ва доим ўта тажанг аҳволда юрадиган бўлдим. Энг ёмони, энди дарс бериш менга қувонч келтирмас, болаларда ҳам шунинг аксини сезардим. Ёш ўқувчиларим юз-кўзида тез-тез норозилик кайфияти билиниб қоларди.

Ўша ўқув йилида тажрибали бир ҳамкасбимнинг айтган гапи ҳамон эсимда: “Америкалик ўқитувчиларнинг ярми дастлабки беш йил ичида ўз ишини ташлаб кетади”. Рости, бу ҳолат мен билан ҳам юз берса керак, деб ўйладим. Февралнинг охирига келиб

доимий жонсараклик, сурункали уйқусизлик мени шу даражага олиб келдики, ҳатто дарсларга ҳам тузукроқ тайёрланолмай қолдим. Бир куни столдаги кундалик қайдлар дафтаримга маъносиз термилиб ўтирганим ҳамон эсимда. Яна бир куни кечга яқин самарасиз тайёргарлик соатидан сўнг уйга қайтдим ва ҳолдан тойиб ошхонага кирдим ўзимни полга ташладим. Мен сассиз, жимгина оёқ остида чўзилиб ётар, аёлим эса ишдан танаффус қилишимни сўраб ёлворарди. Ниҳоят бир неча уйқусиз ҳафталардан сўнг тақдирга тан бердим: директорга қўнфироқ қилиб, таътилга чиқаришларини сўрадим.

Касбимни ўзгартириш ва мактабдаги ишимни худди даҳшатли тушдек унугиб юбориш тарааддудига тушдим. Лекин ичимда бир савол гимирларди: кутилмагандা аёлим ҳақ бўлса-чи? Наҳотки ўқитувчи бўлиб ишлаш ва бир вақтнинг ўзида, соғлом ва баҳтли бўлиб қола олиш мумкин бўлса?

Уч йил ўтиб, Йоҳанна билан Финляндияга кўчиб кетишга қарор қилдик. Йўқ, бу Америка таълим тизимидан қочиш эмасди. Мен мутлақо кетишни хоҳламасдим. Ҳамон ўша мактабда ишлар ва ўзим учун уятли бўлган биринчи йилга бардош бера олганимдан кувониб юрардим. Ўшанда бир ойлик таътилдан сўнг ҳамкасбларим мадади билан аста-секин керакли тажрибани тўплаб, гарчи ҳар кеча мактабдан кейин жисмонан ва руҳан толиқсам-да, вақт ўтиши билан дарс беришдан кувонча бошладим.

Хельсинкига кўчиб ўтган йилимиз тўлиқ ставкада ўқитувчи бўлиб ишлар, ҳам ўқир, яна бир неча жойдан қўшимча пул ҳам ишлаб топаётган эдим. Аммо ўзим истагандек оилас билан истаганимча бирга бўлолмас,

касбимдан совиши даражасига яқинлашаверардим. Аёлим билан болаларимизнинг ҳали ёш эканидан фойдаланиш ва шиддатли кечаетган ҳаётимизни секинлатиш умидида Финляндияга кўчиб ўтишга қарор қилдик (ҳозиринки фарзандимиз борва уларнинг иккиси ҳам ҳали беш ёшга тўлмаган). Хельсинкидаги мактаб директорига ишга жойлашиш режаларим ҳақида сўзлаб берганимда, у менга бу кўчиши келажақдаги карьерам учун фойдали бўлишини таъкидлаб қўйганди. Эсимда, ўшанда унинг гапидан кулгум қистаган, чунки бу фикр фирт бемаъни эди. Хотиржам ва батартиб турмуш эвазига дарс беришдан умуман воз кечишга тайёр эдим. У ёқда мутахассислигим бўйича иш топаманми-йўқ, билмасдан туриб, таваккалига Хельсинкига чипта олдик. 2013 йил июнь ойининг охиригача, яъни океаннинг нариги тарафига кўчиб ўтгунимга қадар Финляндиядан ҳамон мактаб ўқитувчisi сифатида жой тополмаган эдим. Лекин кунларнинг бирида эрталаб электрон почтамга Хельсинкидаги мактаб директоридан қизиқ хат келди. Тан олишим керак, бу вақтга келиб умид қилишни ҳам йиғиштириб қўйгандим, чунки иш сўраб март ойи жўнатиб юборилган хатларимнинг барчаси жавобсиз қолаётган эди. Мана, марҳамат, олдимда Хельсинкидаги давлат мактабида ишлаш ва у ерда инглиз тилида сўзлашувчи бешинчи синфларни ўқитиш имконияти турарди. Мен жуда ҳайрон бўлиб қолгандим.

Ўша ҳафтадаёқ скайп орқали синов сухбати бўлиб ўтди ва охир-оқибат директор фин мактабидан иш таклиф қилди. Жуда қувондим ва миннатдорлик билан таклифга рози бўлдим. Кейин асабийлашдим: нимага имзо қўйдим ўзи?

Кўпчилик америкаликлар қатори мен ҳам Финляндияда ажойиб таълим тизими борлиги ҳақида эшиттандим. Бироқ амалиётда бу нарса қандай эканини тасаввур қилолмасдим. Тўғри, Йоҳанна фин мактаблари ҳақида нималарнидир, яъни у ерда ўқув куни қисқалиги, ҳар бир дарсдан сўнг 15 дақиқалик танаффус бўлиши кабиларни айтиб берганди. Бундан ташқари, бир неча ҳужжатли фильмларни ҳам кўргандим. Унда 15 ёшли фин ўқувчилари PISA тестларидан энг юқори баллар олишгани, бунда уларнинг матнни ўқиш ва тушуниш техникаси, математика ва табиий фанлардан билим даражаси баҳолангани ҳақида ҳикоя қилинганди. Бошқача айтганда, финляндиялик бешинчи синф болаларига дарс беришга рози бўлган чоғим бу мамлакатдаги таълим ҳақида ҳамон жуда кам маълумотга эга эдим.

Шундай бўлса-да, фин таълим тизимини ичкаридан билиш учун мени олдинда икки йиллик саёҳат кутиб турган эди. Мен ҳатто қаерга бориб жойлашишимни ҳам аниқ билмас ва Хельсинкида ўрнашиб қолиш анча қийин бўлади, деб ўйлардим. Хийла ортга қайтиб, америкача тажрибамни ҳисобга олган ҳолда айтсам, кейинчалик кутганимдек натижа олмадим ва кўп ҳолатларда қийинчиликларни енгиги ўтишимга тўғри келди.

Одатда инсон бир мамлакатдан бошқасига кўчиб ўтган чогда, у маданий шокни бошдан кечиради, яъни ўзини нотаниш вазиятда йўқотиб қўйгандек ҳис қиласди. Аммо рафиқамнинг фин бўлгани ва мен илгари ҳам унинг юртида ўн марталаб бўлганим сабабли касбимдан ташқаридағи маданий шокни четлаб ўтдим.

Мен ишга жойлашган Хельсинкидаги мактаб худди ҳали текширилмаган ерларга ўхшар ва ундан нимани

қутишни ҳам билмас эдим. Бу ерда янгидан-янги қоидаларга дуч келавердим. Мутлақо бошқа муҳитда Америка мактабларида орттирган “илғор тажрибам”ни қайтадан англай бошладим.

Хельсинкида ўтган икки йил давомида финча ўқитиши методини яқиндан ўрганиш учун бир олам имкониятларга эга бўлдим. 100 соатдан кўпроқ вақт давомида бу ерда дарслар қандай ўтилишини кузатдим, Америкадаги магистр даражасининг муқобили ҳисобланмиш “Бошланғич таълим” илмий даражасини<sup>2</sup> олиш мақсадида икки тажрибали ҳамкасбимнинг қўл остида педагогик амалиётини ўтадим.

Ушбу китобга материал йиғаётib, Хельсинкида кузатган методларни бошқа мактабларда ҳам қўллашармикин, дея мамлакатнинг турли ҳудудларидаги бир қанча мактабларга бордим. Бундан ташқари, таълимнинг барча босқичларида, яъни тайёрлов, бошланғич ва ўрта мактабларда фаолият юритаётган фин педагоглари билан гаплашиб кўрдим. Оқибатда, мени қизиқтирган методларнинг кўти бутун Финляндия бўйлаб самарали тарзда амалиётга жорий этилганининг гувоҳи бўлдим.

Мен сизга ҳикоя қилиб бермоқчи бўлган стратегиялар (ҳаракат қоидалари) орасида (“Ҳар бир болани айпад билан таъминлаймиз” сингари) баландпарвоз ва ғайриоддий гоялар йўқ. Лекин уларни (“Шунчаки ўқувчига ишонинг – сиз ҳам масини уddyalaisiz!” деган даъват сингари) идеалистик гояларга ҳам киритиб бўлмайди. Булар ҳар қандай синф учун мос келадиган оддий ва самарали усуллардир. Уларни қўллай

---

<sup>2</sup> Замонавий Финляндияда тўққиз йиллик мажбурий таълим олти йиллик бошланғич таълим ва уч йиллик юқори синф таълимини ўз ичига олади.

бошлашим билан ажойиб қашфиётлар қилдим: усуллар мактаб ҳаётига қувонч олиб келишини англадим. Эҳтимол, фин педагогарининг методларини бошқа мамлакатда, масалан, АҚШда қўллаш учун уларни қисман мослаштиришга тўғри келар, аммо ҳеч қаҷон буларнинг бари фақатгина Финляндиягагина хос деб таъкидламаслик зарур.

Мисол учун ушбу китобда мен тавсия қилаётган ўқув куни давомида мунтазам равишда унча катта бўлмаган танаффусларнинг зарурлиги стратегиясини олайлик. Албатта, мактабларда буни жорий этиш учун таълим сиёсатини давлат даражасида ўзгартириш керак бўлади. Аммо бошқа томондан америкалик ўқитувчилар фин ҳамкасларининг тажрибасига амал қилиб, истисно тариқасида машғулотлар оралиғида ўқувчиларга дам олиш учун оз-оздан вақт беришлари мумкин. Майли, улар бироз ўйнаб олишсин, шундан кейин яна соғлом ва тетик ҳолда синфга қайтишади.

Бу китобни ўқиб чиққач, таълимга финча ёндашувдан илҳомлана олган америкалик ўқитувчи бугуннинг ўзида нималар қила олиши мен учун жуда қизиқ. Паси Сальберг сўзбошисида тасвирлаганидек бизнинг таълим тизимларимиздаги аниқ кўзга ташланиб турган фарқларга қарамай, яхши томонга ўзгаришнинг ҳар доим имкони бор.

2001 йил PISA тестларининг натижалари эълон қилинганида финляндияликлар ўзларининг таълим тизими бутун дунёдаги энг яхшиси бўлиб чиққанини билишгач, роса ҳайрон қолишган. Амалдаги қисқа ўқув кунлари, камроқ ҳажмдаги уй вазифалари, стандарт тестларнинг минимум шакллари каби бирмунча енгил ёндашув орқали қандай қилиб аъло натижаларга эриш

мумкинлиги таълим ҳақидаги анъанавий тасаввурларни бироз четлаб ўтди.

Мана, шимолдаги кичик мамлакат ўқув режаларини қисқартирмай, ўқитувчию ўқувчини асабийлаштирмай ҳам таълим бериш мумкинлигини Америкага ва бутун дунёга кўрсатиб қўйганди. Шу билан бирга, методлардаги фарқлар давлат таълим сиёсатида ҳам, кичик қамровдаги оддий синфлар даражасида ҳам кўриниб турибди.

Эҳтимол, фин ўқитувчилари ўзларининг илғор методлари билан америкалик ҳамкасларини лол қолдира олмасликлари мумкин, чунки кўплаб педагогик инновациялар АҚШ ва бошқа мамлакатлардан ўзлаштирилган. Бироқ тажрибамдан маълумки, финляндиялик ўқитувчининг нималарга ургу беришига албатта эътибор қаратишимиш лозим. Бу мамлакатда болалар ҳам, ўқитувчилар ҳам ўқув жараёнидан қувонч олишлари учун ҳамма нарса қилишади. Финляндияда худди шу жиҳат энг қимматлисиdir. Ғалаба ва ютуқлар ҳақида кейинги ўринларда ўйлашади. Лекин нима бўлганда ҳам, фин ўқувчиларининг кишини лол қолдирувчи натижаларга эришганини кўп сонли PISA тестлари тасдиқлаб турибди.

Кўпгина америкалик педагоглар сингари мен ҳам Дуга Лемовнинг “Ўқитувчи маҳорати<sup>3</sup>” номли китобини ўқиб чиқдим ва унда амалий фаoliyатда қўллаш мумкин бўлган фойдали педагогик стратегияларга дуч келдим. Аммо стратегиялардан бири менга жумбоқдек бўлиб туюлди ва у “Қувонч омили” деб аталади. Синфдаги қувончли вазият,

---

<sup>3</sup> Лемов Д. Мастерство учителя. Проверенные методики выдаюющихся преподавателей. – М.: Манн, Иванов и Фербер, 2015.

дея фараз қиласы Лемов, бу ўқищдаги ютуқларни күпайтириш учун ўқитувчи томонидан құллаш мүмкін бўлган воситадир: “Албатта, ‘Кувонч омили’ ягона мақсад эмас. Тўғри қўлланганда у ёрдамчи вазифани бажариши лозим, яъни у маълум бир кунда, аниқ бир мақсадга эришиш учун ёрдам бериши зарур. Бундан ташқари, сиз уни тезда ёқиш ва ўчиришни ҳам билишингиз керак”.

Шу билан бирға, Лемов қувончни стратегия деб ҳисоблади, мен эса таълимга бўлган финча ёндашувдан илҳомланиб қувончни (ёки баҳтни ҳис этишни) синфимиизда биз эришишга интилаётган устувор вазифа ва олий мақсадга айлантиришни таклиф қиласман. Баҳтни “кучли ижобий ҳиссиятларни бошдан кечириш” деб ҳам ҳисоблаш мүмкін. У бизни дарс бериш ва ўқищдан чалғитмай меҳнат унумдорлигимизни ошириши, ижтимоий ва эмоционал интеллектимизни ривожлантириши мүмкін.

Баҳтни ўқув жараёнининг устувор мақсади қилиш жудаям мавҳум бўлиб туолар, буни тушунаман. Аммо ҳаммаси унга қайси томондан қарашга боғлиқ. Агар тиниқиб ухлашни хоҳласак, муайян қадамларни қўямиз: дейлик, уйқудан олдин югуриб, ўринга ётишдан олдин телефонни ўчирамиз. Худди шундай, турли методлардан фойдаланган ҳолда сиз синфингизда қувончнинг биринчи ўринга чиқишишга эришишингиз мүмкін.

Финляндияда ўтган йилларим давомида ўқув жараёнига қувонч нафасини олиб кириш учун қандай қадамлар ташлаш лозимлигини аниқлаб олдим. Остиндаги Техас университети қошида ташкил этилган Мак-комба бизнес мактаби ўқитувчиси ва “Шунчалар

доно бўлсанг, нега баҳтли эмассан?” (If You’re So Smart, Why Aren’t You Happy?) номли китоб муаллифи Раж Рагунатан баҳтнинг тўртта таркибий элементини ажратиб кўрсатади (яъни, инсоннинг овқатга ва бошпанага бўлган асосий эҳтиёжлари қондирилган шароитда): дахлдорлик, мустақиллик, моҳирлик ва дунёқараш. Мен бу рўйхатга қолган барчаси учун пойдевор бўлиб хизмат қилувчи яна битта таркибий элементни қўшимча қилган бўлардим – бу яхши кайфиятдир. Мен китобимда баҳтнинг ана шу бешта таркибий элементлари атрофига 33 та стратегияни жамлаб чиқдим ва уларни мактабда қандай ишлашини кўрсатиб бердим.

## ЯХШИ КАЙФИЯТ

Хельсинкига июлнинг охирида кўчиб келдик ва мактабда машғулотлар бошлангунча (Финляндияда ўқув йили августнинг ўрталарида бошланади) бундан буён ўзимиз яшайдиган шаҳарни сайд қилиб бир неча кечаларни ўтказдик. Эсимда, қайси боғга кирмайлик биз учун ноодатий туюлган манзарани кузатардик: ўнлаб маҳаллий аҳоли вакиллари ҳеч нарса қилмай, ёпинчиқларига ўраниб ўтиришар, мусаллас ичиб, суҳбат қуришарди. Улар ҳеч қаерга шошилишлари керак эмасдек, шунчаки дўстлари даврасида күёшли кунлардан роҳатланишарди.

Ичимдашундай бир хиспайдобўлдики, Финляндияда ҳаёт Америкага қараганда бир неча баробар секин ўтади. Тан оламан, Бостондаги шиддатли турмушдан кейин бундай хотиржам муҳит менга ёқимли туюлди. Бироқ ҳаётта нисбатан бундай ёндашув менда шубҳа ҳам уйготди. “Хўп, булар ёпинчиқларига ўранганча, соатлаб совуқда ўтириб, охир-оқибат нимага эришадилар?” хаёлимдан ўтказардим.

Гарчи Америка мактабида биринчи йили ишлаган пайтларим касбимдан қарийб кўнглим совиши даражасигача етиб борган бўлсам-да, йиллар ўтиб, Хельсинкига келганимдан кейин ҳам педагогнинг профессионал сифатида қадр-қиммати у бажарган ишнинг ҳажмига боғлиқ, деб ўйлардим. Бостондаги

ҳамкасб устозим тез-тез бир нарсаны эслатиб тургани ҳамон ёдимда: “Тим, сен робот эмас, тирик одамсан. Сен нафақат ишлаш учун, балки ишдан сүнг яшаш учун ҳам туғилгансан”. Финляндияда унинг бу ўгитларини кўп бора эсладим.

Кичкинагина шимол мамлакатидаги бамайлихотир ўтадиган ҳаёт тарзи менга ҳам таъсир қила бошлади. Хельсинки мактабидаги биринчи ҳафталарда машғулотлардан кейин атайн камроқ ишлашга уриндим. Кечга яқин уйга қайтгач, мактаб материалларини рюзагимда қолдириб, (аввалига бу бирмунча галати туюлди) бир яшар ўғлим билан ўйнаш ёки рафиқам билан гаплашиш учун вақт ажратардим.

Хельсинкида чинакамига яшай бошладим, аммо бу фақат уйда, мактабда эса масала бошқачароқ эди. Аввалига ишга бўлган ёндашувимни ўзгартиришга тайёр эмасдим. Фин ҳамкасларим буни пайқай бошладилар. Худди аёлим айтиб берганидек бу ерда ўқув куни давомида ҳар бири 15 дақиқалик бир нечта танаффуслар бўлади ва шу вақт оралиғида педагоглар ўқитувчилар хонасида дам оладилар (бир неча ўқитувчи навбат билан ҳовлидаги ва бино ичидағи катта-кичик синфларга кўз-кулоқ бўлиб туради). Аммо ўқув йилининг дастлабки уч ҳафтасида бўш вақтимни ўқитувчилар хонасида икки дақиқа бўлса ҳам ҳамкасларим билан ўтказмадим. У хонага эрталаблари почтамни олишга бирровга кириб чиқар ва синфимга югурадим.

Танаффуслар пайти бир зумга ўқитувчилар хонасига бош суққанимда худди Хельсинки боғларидағига ўхшаш манзарага кўзим тушарди. Ўқитувчиларнинг кўпи бемалол қаҳва ҳўплаб, газеталарни варақлаб,

шошилмай суҳбат қуришарди. Кўпинча эшикни очаётсам, баланд қаҳ-қаҳалар қулоққа чалинарди. Фин ўқитувчилари менинг наздимда чинданам эринчоққа ўхшарди.

Сентябрда бирданига уч ҳамкасбим агар аҳвол шу зайл давом этаверса, тез орада ишимдан кўнглим совишидан хавотирланишаётганини айтишди. Чунки мен ўқув куни давомида мутлақо дам олмас эканман. 15 дақиқалик танаффусларни мунтазам равишда синф хонасида педагоглик ишларига ажратишимни тан олдим. Бунга жавобан учаласи ҳам мендан қатъий тарзда бу одатимдан воз кечишимни илтимос қилишди. Аввалига уларнинг танбеҳнамо илтимосини кулгига олиб, кўл силтадим-қўйдим. Профессионал сифатида ёниб тамом бўлиш, яъни касбдан кўнгил совиш нималигини жуда яхши билишимни ва менда ҳаммаси жойида эканини айтиб, эътиroz билдиридим. Аммо улар кун давомида унчалик катта бўлмаган танаффуслар муҳим эканини айтиб, қатъий туриб олишди. Бир ҳамкасабам эса ҳар куни бир неча дақиқага ўқитувчилар хонасига келиш, бошқа педагоглар даврасида бироз ҳордиқ чиқариш унинг учун зарурат эканини айтди.

Айтишича, бу унга ишида ёрдам бераркан.

Буларнинг бари менга ғайриоддий кўринарди. Яхши кайфиятимдан воз кечган ҳолда танаффусларсиз ишлашга нисбатан альтуристик ҳаракат қилишим, айни соғда фин ҳамкасларим томонидан қўллаб-кувватланмаётган эдим. Мен ҳар доим энг яхши ўқитувчи – бу дарсларга тайёрланиш учун уйкудан ва тушлиқдан воз кечувчи, ҳамкаслари билан мулоқот қилишга умуман вақти йўқ, ҳаммадан кўп ишлайдиган педагог деб ўйлардим. АҚШда мен ҳавас қиласидиган

кўплаб ўқитувчилар ана шундай ишга муккасидан кетган ва ҳар доим касбий жиҳатдан ёниб кул бўлиш арафасида мувозанатни сақлаб юришар эди. Аммо Хельсинкида фин ҳамкасларимнинг бирор марта ҳам тушлик танаффуси чоғида ишлаганларини ёки ўқув куни давомида синфда ўралашиб юрганларини кўрмадим. Америкалик педагоглар билан қиёслаганда, улар деярли ҳеч қачон стрессга тушмайдиган тасаввур пайдо бўларди. Мантиқан уларнинг ўқувчилари ҳақида ҳам шундай хулоса қилиш мумкин эди.

Фин таълим моделининг танқидчилари Кўшма Штатлар учун ушбу модел мос келмаслигининг асосий сабаби сифатида битта мисолни кўп келтиришларини эшитганман, яъни иккала давлат ўргасидаги маданий фарқ жуда катта бўлиб, таълимга бошқача ёндашилади. Аммо америкалик педагоглар учун финлардан ўзлаштириш мумкин бўлган энг қимматли нарса ҳам айнан ана шу бошқача ёндашув бўлса керак, деб ўйлайман. Бизнинг маданиятимизда муваффақиятлар ортидан қувиш (ёки “энг зўр бўлишга интилиш”) – бу ҳаётда энг муҳим нарса деб ҳисобланади ва ана шу ҳолат нафақат катталарнинг, балки болаларнинг ҳам жисмоний ва руҳий ҳолатига салбий таъсир қиласи.

АҚШда болакайларни салкам эмизикли пайтиданоқ муваффақият томон ундей бошлашади. Бу, айниқса, бой оиласарда кўзга яққол ташланади. Ота-оналар гўдакларига дидактик ва ривожлантирувчи материаллар сотиб олишади, энг яхши болалар bogчаларини (баъзан уларга қатнашнинг нархи йилига 30,000 доллардан ортиқ) қидиришади ва жамики ҳаракат замирида уларнинг зурриёти ёшлигиданоқ ўқишида устунликка эга бўлиши лозим, деган ният ётади. Аксар америкаликлар

ўғил-қызларини ривожланишда ўз синфдошларидан олдинроқда бўлиши учун уларни тайёрлов синфларига атайнин бир йил кечиктириб юборишади. Болалари ўрта мактабда ўқиётганида эса ота-она автомобилининг бамперига “Аълочининг мағуротаси” деб ёзилган ёлимқоғозларни ёпиштириб олишади. Юқори синфга келиб болалар энг яхши университетларга қабул қилинишлари учун резюмелари устида фаол ишлашлари тавсия этилади ва улар ҳам бор кучлари билан баландроқ баҳо олишга тиришадилар, синфдан ташқари ишларга кўмилиб, алоҳида предметларни чуқур ўрганишади, давлат имтиҳонларини яхши топшириш учун қўшимча дарсларга қатнашади. Мамлакатнинг барча ҳудудларида ҳам болалар бир хил даражада босимга учрамайди, аммо айрим жойларда, масалан, Калифорниянинг Пало-Алто шаҳрида катта синфдагилар ўртасида ўз жонига қасд қилганлар фоизи кишини лол қолдирадиган даражада юқори.

Стэнфорд университети тадқиқотчиси ва “Бахтга йўл” (The Happiness Track) номли асар муаллифи Эмма Сеппала ёшлигига Парижнинг йирик бир газетасида амалиёт ўтаганини хотирлайди. Эрта тонгдан у хизмат хатлари ва турли топшириқларни бажариш учун бутун бино бўйлаб айланиб юрган. Ўшанда у учинчи қаватдаги оғисларда америкалик журналистлар ва ертўладаги француз босмахона ишчиларининг қай тариқа ишлашларини кузатган. “Учинчи қават жим-жит, фақат клавишларнинг тиқиллаши ва принтерларнинг вижиллагани эшитилиб турарди. У ерда, асосан, қорин қўйган ва қовоқларининг атрофи қорамтири рангга кирган муҳаррирлар буқчайганча доим мониторга қадалиб ўтиришарди. Улар танаффус қилишмас,

пицдаларини шундоққина иш столлари ёнида ейишар ва ҳамкаслари билан мутлақо сүзлашишмасди. Ертүлада эса тушлик танаффусида байрамона кайфият хукм сурар, каттакон стол устида француз виноси, пишлоқ ва нон кабилар пайдо бўларди. Ҳадемай мен ҳам ҳамма қувонадиган мана шу муҳитда кўпроқ қолгим келаётганини англадим. Кейин эса ўйланиб қолдим: бу икки хилгурух битта корхона ходимларининг жамоасига (муҳаррир, журналист ва босмахона ишчилари) мансуб бўлиб, улар тун-кун газетанинг янги сонини яратиш ва савдога чиқариш мақсадида тер тўкишарди. Тўгри, иккала гуруҳ вакиллари икки хил вазифани бажаар, турли маданият кишилари эди, аммо ҳар иккала томон ҳам ўз ишини битта вақтда, яъни қатъий белгиланган муддатда бажариш учун шошиларди... Кун кетидан тунлар ўтаверар ва барча қийинчиликларга қарамай, икки гуруҳ ҳам ўз вазифасининг уддасидан чиқаверарди. Аммо уларнинг ишга нисбатан ёндашуви бир-бирига мутлақо тескари эди: биринчи томон доим хомуш, ишларидан кўнгли совиб, кўринишлари ҳам бир аҳволда бўлса, бошқалари ҳаётдан жуда рози, куч-кувватга тўла ва аъло кайфиятда юришарди”.

Китобдаги бу парчани биринчи марта ўқиганимда таҳририятнинг учинчи қаватидаги вазият тўлалигича менинг Америка мактабларида дарс бериш тажрибамга ўхшашини, босмахонадаги ҳолат эса фин мактабларидаги тажрибамга мос келишини ўйладим. Америкалик журналистлар ва француз матбаачилари каби АҚШ ва Финляндия ўқитувчилари ҳам бир хил ишни бажарадилар ва меҳнатлари учун бир хил муддат берилади: бутун ўқув йили давомида болалар мактабда ўқишлари, билим эгаллашлари шарт. Аммо

тажрибамдан келиб чиқиб ишонч ҳосил құлдимки, бундай мақсад томон қўйилаётган қадамлар бир-бирига ўхшамасди: ҳамюртларим муваффақиятга элтувчи энг қийин ва оғир йўлни танлаган, уларнинг фин ҳамкаслари эса яхши кайфиятга ургу берив, анча секин ва мулойим ҳаракат қилишади.

“Ўнлаб йиллар давомида ўтказилган тадқиқотларда бахт муваффақият ҳосиласи эмас, балки унинг илк шароитидир, – деб ёзади Сеппала. – Бошқача айтганда, агар муваффақиятга эришмоқчи бўлсангиз, француз матбаачиларига ўхшанг”.

Агар инсоннинг бирламчи эҳтиёжлари қондирилмаса, унда бахт ҳақида гапириш ноўрин. Шу боис педагогнинг ҳам, ўқувчининг ҳам уйқу, овқат, кийим ва яшаш жойига бўлган эҳтиёжлари сўзсиз ҳамда етарли миқдорда бўлиши лозим. Одатда, АҚШ ва Финляндия каби ривожланган давлатларда ўқитувчилар бундай муаммога дуч келишмайди, деб ўйлашади. Аммо бугун 16 миллион америкалик бола (яъни умумий ҳисобдан 22 фоиз) қашшоқликда яшамоқда ва афсусла тан олишим керакки, америкалик ўқувчиларнинг каттагина қисми озиқ-овқат билан таъминланмаган, ҳатто бошпанаси ҳам йўқ. Агар болалар мактабга ана шу бирламчи эҳтиёжлари қондирилмаган ҳолда келса, педагоглар олдида ўзига хос вазифалар туради ва бундай вазиятларда уларга бирор-бир тавсия беришни ҳам зиммамга ололмайман. Шундай бўлсада, ўқитувчи ва ўқувчининг жисмоний, руҳий ҳолатига ижобий таъсир қўрсатувчи бир нечта стратегияларни таклиф этишим мумкин. Булар оддий қадамлар бўлиб, дарс бериш ва материалларни ўзлаштириш сифатини ошириб, синфдагиларга шодлик келтиради.

## ТАНАФФУСЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИНГ

Бешинчи синфдаги Сами<sup>4</sup> исмли ўқувчим мисоли зомбилардек, букилмай қолган оёқларини судраганча олдимга келиб, аста пичирлади:

– Ҳозир миям портлаб кетади! Бундай дарс жадвалига ўрганмаганман!

Унинг сўзларига ишондим. Чунки шўрликнинг пешонасига оч қизил тошма тошиб кетганди.

“Мана шунаقا гаплар, – хаёлимдан ўтказдим – Финляндиядаги биринчи ўқув йили ажойиб бошланяпти”.

Бугун машғулотларнинг учинчи куни. Мен эса ўқувчи асабини бузишгача етиб борибман. Уни астагина четга имлаб, кайфиятини нима бунчалик бузганини сўрадим.

Ишимнинг биринчи ҳафтасида бешинчи синф дарс жадвалидан озроқ ҷалғишига журъат қилгандим. Эсингизда бўлса, фин мактабларида ҳар 45 дақиқалик машгулотдан кейин 15 дақиқалик танаффус берилиши лозим эди. Бу пайтда болалар қоидага кўра бироз ўйнаб, ўртоқлари билан мулоқот қилиш учун ташқарига чиқишиади.

АҚШда ўқувчилар билан узлуксиз равища бир неча соатимни синфхонада ўтказганимга бунаقا “пит-стоп”ларда ҳеч қандай маъни кўрмаган эдим. Хельсинкида ҳам худди шундай моделни қайта тиклашга уриниб кўргандим. Финча ёндашув менга ўта енгилга ўхшаб кўринди: агар ўқув материалларини тушунтириш учун узоқроқ вақт сарфланса, болаларнинг яна ҳам яхшироқ ўқишига ишончим комил эди. Шунинг

<sup>4</sup> Ушбу китобда келтирилган ўқувчилар исм-шарифи ўзgartирилган – муаллиф.

учун режалаштирилган танаффуслардан фойдаланмай, бешинчи синфларни кетма-кет икки академик соат давомида ўқитиб, ундан кейин 30 дақиқалик құшалоқ танаффус беришга қарор қылған эдим. Бечора Самининг юз-пешонаси тошма билан түлгачгина хато қылғанимни тушундим.

Америкача ёндашув яхшиrok, дея ишонч билан тасдиқлаш мушкул экан. АҚШдаги ўқувчиларим 45 дақиқалик машғулотдан сүнг ўта суст ва қийинчилик билан фикр юритишарди. Аммо улар финляндиялик бешинчи синфлар каби ўқишининг учинчи куниёқ ўжарлик қилиб, исён күтаришга уринишмасди. Ноҳақлигимни тушундим ва мунтазам танаффуслар назарда тутилган финча моделни қабул қилишга қарор бердим.

Қисқа танаффуслар жадвалига қайтгач, синфимизда манқуртга ўхшаб, аранг қимирлайдиган болаларни бошқа учратмадим. Шундан кейин бутун ўқув йили давомида ўқувчиларим танаффусдан тетік бўлиб дарсга қайтадиган бўлишди. Муҳими, улар машғулотлар пайтида диққатни жуда яхши жамлай олишарди.

Аввалига даврий бир кашфиёт қылғанимга ишончим комил эди, яъни тез-тез бериладиган танаффуслар болаларга бутун кун давомида ғайратли бўлишга имкон беринини англаб етгандим. Аммо кейинчалик финлар бу нарсани кўп йиллардан буён билишини ва 1960 йиллардаёқ улар мактабларга мунтазам танаффусларни жорий қылғани ёдимга тушди.

Мазкур амалиётни муносиб баҳолашга ҳаракат қиласканман, таълим психологияси бўйича мутахассис, Миннесота университетининг фахрий профессори, “Танаффус: унинг таълим ва ривожланишдаги роли”

(Recess: Its Role in Education and Development) китоби муаллифи Энтони Пеллегринининг ишлари қўлимга тушиб қолдим. Бу профессор ўн йилдан ортиқ шунга ўхшаш ёндашувларнинг афзаликларини ёритиб келади. Кўплаб бошлангич мактабларда 40 дақиқалик дарсдан сўнг 10 дақиқалик танаффус жорий қилинган Шарқий Осиёда Пеллегрини худди Финляндиядаги каби феноменни кузатади. Етарли даражадаги қисқа танаффусдан сўнг болалар дарсларда диққатларини яхшироқ жамлаган ҳолда ишлайдилар.

Мунтазам танаффуслар ўқувчи фаоллигига қандай таъсир этишини аниқлаш учун Пеллегрини алоҳида мисоллар билан қаноатланиб қолмай ҳамкаслари билан бирга АҚШнинг бошланғич давлат мактабларида бир қатор тажрибалар ҳам ўтказади. Экспериментлар олдинги шароитдан кўра танаффуслардан сўнг болалар кўпроқ эътиборли бўлиб қолишини тасдиқлаб беради. Бундан ташқари, агар танаффуслар ортга суриладиган бўлса, яъни дарс тугамасдан давом этса, ўқувчилар диққатни жамлай олмаслиги ҳам маълум бўлади.

Финляндиядаги бошланғич мактаб ўқитувчилари буни ички бир туйгу билан ҳис қиласидигандек эди. Улар мунтазам равишда, яъни ёмғирли об-ҳавода ҳам, қуёшли кунларда ҳам болаларни ташқарига чиқариб юборишади, танаффусни қандай ўтказишни эса болаларнинг ўзига қўйиб беришади.

Гарчи менга финча модель маъқул бўлса-да, АҚШ мактабларининг маъмурияти кун тартибини бунақа кескин ўзгартираслигини яхши тушунаман. Чунки улар бешинчи синфларни ҳар бир дарсдан кейин ўйин майдончаларига чиқариб юборишни ортиқча тадбир деб ҳисоблайдилар. Пеллегринининг таъкидлашича,

танаффус фойдали бўлиши учун уни албатта кўчада ўтказиш шарт эмас. Профессорнинг бошлангич давлат мактабида ўтказган тажрибаларининг бирида болалар танаффус чоғи бино ичида қоладилар, натижалар эса болаларнинг кўчадан қайтиб келганидан ёмон бўлмайди, яъни ўқувчилар дарсда берилиб шуғулланадилар.

Финляндияда ўша тошма тошиб кетган бешинчи синф ўқувчиси туфайли агар мунтазам танаффус қилинса, материалларни тушунтиришга кам вақт қолади, деб ўзингни айблаш шарт эмаслигини тушуниб етдим, яъни билимларни яхши ўзлаштириш учун танаффусга стратегик восита сифатида қараш лозим. Пеллегринининг тадқиқотларига кўра, тез-тез бериладиган танаффуслар ўқувчиларнинг дикқатини оширади. Шу боис биз ўқув куни давомида болаларга бир неча маротаба ўқищдан узоқлашишга имкон берсак, улар барча зарур материалларни ўзлаштира олмайдилар, дея хавотирга тушишимиз ноўриндир.

\* \* \*

Хельсинкига кўчиб ўтишимдан бир йил олдин американлик тадқиқотчи ва кинезиолог Дебби Риа фин мактабларини келиб кўрганида, олимани 15 дақиқалик танаффуслар илҳомлантирган эди. АҚШга қайтгач Риа ўқув куни давомида кўп марталик танаффусларга риоя этувчи финча моделнинг афзаллигини баҳолаш мақсадида эксперимент ўтказади.

Айни кунларда бир қанча Америка мактабларида Рианинг тадқиқотлари давом этирилмоқда ва аллақачон умид уйғотувчи дастлабки натижалар ҳам

олинган. Масалан, Техас штати Форт Уэрт шаҳридаги бошланғич мактаб ўқитувчиси Игл Монтан ҳар куни түртта 15 дақықалик танаффус бериладиган ўқувчилар хулқида ўзгаришлар бўлганини қайд этади. Болалар энди дикқатлироқ ва гапга чалғимасдан ишлайдиган бўлишади. Яна бир муаллиманинг қайд этишича, болалар қаламларни ҳам чайнамай қўйишган.

Рианинг тадқиқотлари жуда қизиқ. Вақт ўтиб Американинг таълим соҳасидаги амалдорлари финча ўқув кунининг моделидан нусха олиши ва мактабларда давомлироқ танаффуслар сонини қўпайтириши ҳам мумкин. Аммо бу қачон юз берар экан... Хайриятки, дунёдаги ҳар қандай мактабнинг педагоглари юқорида баён этилган стратегияни мустақил равища қўллаб кўришлари ва мунтазам танаффуслардаги афзалликлардан фойда олишлари мумкин.

Аввалига финча услубдаги танаффусларнинг қиймати эркин ўйинлар билан боғлиқ бўлса керак деб ўйлаган эдим, аммо кейинчалик фикрим ўзгарди.

Кейин шундай холосага келдим: доимий танаффусларнинг асосий фойдаси – улар миянинг бироз дам олишига ёрдам беради, натижада дикқатни жамлаш осонлашади. Канаданинг Макгилл университети психология, хулқ-атвор неврологияси ва мусиқа фанлари ўқитувчиси Дэниел Левитиннинг фаразича, мунтазам танаффуслар меҳнат унумдорлиги ва ижодкорликни оширишга имкон яратади.

“Қабул қилинаётган барча маълумотлардан умумий холоса чиқариш учун мияга танаффус керак, – дейди Левитин таълим йўналишидаги MindShift блогига берган интервьюсида. – Аммо мактаб жадвалида назарда тутилган танаффусдан ташқари миянинг

ўзи ҳам орзулар ва хаёлларга кўмилиш учун табиий танаффуслар қиласи. Бу ҳолат сиз дикқатингизни жамлаган чоғингизда қўшилиб қолган нейронлар занжирини янгилайди ва уларни озод қиласи. Ўқув жадвалида юклама кўп бўлмаслиги керак. Кутимаган ва ижодий фикрлашни ривожлантириш учун болаларда эркин вақт оралиги бўлгани маъқул”.

Қуйидамиягатанаффус беришнинг турли усусларини тасвиirlаб ўтаман, улар мунтазам равищда амалга оширилсагина, фойдали бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, танаффусни Финляндиядаги каби ўқув куни давомида ҳар 45 дақиқадан сўнг режалаштириш лозим. Лекин шу вақт ҳам ўқувчиларингизга етарли бўлмаслиги мумкин. Уларнинг ҳолатини дикқат билан кузатиб боринг. Ўқувчи 45 дақиқалик машғулот тутамасданоқ толиқиб қолаётган бўлса, шу заҳоти дарсни тўхтатиб, танаффус таклиф қилиши керак.

Журналист хоним Брижит Шалти ўзининг “Ишга кўмилганлар” (Overwhelmed) китобида тўхтовсиз ишлаш муаммосини ҳар томонлама ўрганиб чиқади ва иш билан шахсий ҳаёт ўртасидаги соғлом мувозанатни сақлаб қолиш йўлларини топишга ҳаракат қиласи. У кайфиятни яхшилаш учун турли стратегиялар таклиф қиласи, айниқса, “пульсация”, яъни тез-тез ишдан чалғиб, дам олиш ва яна ишни давом эттириш ғоясини кўпроқ тавсия этади. Мазкур ҳолатнинг назарий асоси шундаки, агар инсон бор вақтини фақат ишга сарфлаётган бўлса, яхши кайфиятда юрадиган инсон организми учун зарур бўлган табиий ритм бузилиб кетади, шунинг учун ҳам иш билан дам олишни мунтазам равища алмаштириб туриш лозим.

“Пульсация” турли вазиятларда турлича күринишга эга. Шалти иш куни давомида бўладиган мунтазам танаффусларнинг муҳимлигини олқишилайди (худди Финляндия мактабларидағи сингари). Муаллиф мисолни ўзидан келтиради, яъни у мақола ёзаётган жараёнларини бир неча даврларга бўлади: ҳар бир давр бир ярим соат давом этиб, дам олиш вақти билан алмашиб туради ва бу даврда у телефон ҳамда электрон почтадан фойдаланмайди.

“Пульсация” методини мактабда қандай қўллаш мумкин? Фикримча, бу жуда осон. Шунчаки дарслар оралиғида танаффусларни режалаштириб олиш лозим. Умуман олганда, танаффус чоғида болаларнинг ўйнаб юриши ва Финляндиядаги каби ўз хоҳишиларига кўра вақт ўтказишлари шарт эмас деб ҳисоблайман. Ўқитувчилар ўқувчиларга бир қатор машғулотларни таклиф қилишилари мумкин. Масалан ёзиш, ўқиш ёки қизиқарли математика ўйинларини ўйнаш.

Фикримча, бу вақтни қандайдир ёқимли ва янги машгулотга бағишилаган маъқул. Ахир, 10 дақиқа давомида барча болаларни мустақил равищда жимгина ўқиб ўтиришга мажбурлашни танаффус, деб бўлмайди, боз устига, улар охирги соатда ҳам ўқиш дарсида ўтирган бўлса. Агар ўқиш дарсидан кейин бирорта қизиқарли машгулот таклиф этилса, болалар дам олиб, тетиклашади. Навбатдаги дарсни янги куч, ғайрат билан бошлайдилар.

Бундай дарслар орасига қўйилган “ҳар тамонлама” танаффуслар куни бўйи бирга бўладиган бошлангич синф ўқитувчи ва ўқувчиси учун ўта муҳим ҳисобланади. Ўрта ва катта синflарда бунга унчалик ҳам зарурат бўлмаслиги мумкин, чунки битта ўқитувчи

билин ўтказиладиган машғулот 40-50 дақиқа давом этади, навбатдаги дарс машғулоти бошлангунгача болалар ихтиёрида бир нечта бўш дақиқалар бўлади. (Эҳтимол, ўрта синфлар учун ҳар бир дарснинг боши ва охирида “англаб етиш” қобилиятини ривожлантиришига йўналтирилган машқлар мос келиши мумкин. Бу ҳақда “Хотиржам вазиятни сақлаб қолинг” номли бўлимда батафсил ҳикоя қиласиз).

Айрим ўқувчилар учун бошқаларга қараганда тез-тез танаффус қилиш зарурлигини кўрдим. Бундай эҳтиёжни қондириш, улар нафасларини ростлаб олишлари учун синфда маҳсус худуд ташкил этиш мумкин. Тадқиқотчи Аманда Морено ҳар бир синфда “хотиржам худуд” деб аталган жой бўлиши қанчалар муҳимлигини таъкидлайди. Ўқитувчилар бундай метод туфайли илгари кун бўйи бир неча бор асабийлашадиган ўқувчилар энди бу ҳолатни четлаб ўтишаётганини қайд этишган.

Ўқитувчиларга маслаҳатим: сизнинг вазифангиз ўқув куни давомида ўқувчиларни мунтазам танаффуслар билан таъминлаган ҳолда уларга яхши ўқишлари учун ёрдам беришдан иборат ва бу вақтни улар нимага сарфламоқчи эканини билишингиз лозим (яъни улар қанақа янги ва қизиқарли фаолият билан шуғулланишни хоҳлаётганини аниқлашингиз керак). Бундай ҳаракат болаларга нафақат ўқув жараёни учун мавжуд масъулиятни сиз билан бирга баҳам кўришга ёрдам беради, яна уларнинг ўзи ҳам сизга кўплаб қизиқарли ғояларни таклиф қилишлари мумкин.

## ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИКНИ ЭСДА ТУТИНГ

– Кечирасиз, бир дақиқага мүмкінми?

Бу воқеа Массачусетсдаги мактабимизда рүй берганди. Катта танаффус пайти эди. Жуда синчков ҳамкасбим бир оғиз гаплашайлик деб мени четга тортди. Одатдагидан фарқулы үлароқ, бу сафар аёлнинг юзида табассум йўқ эди.

– Тим, илтимос, гапимдан кўнглингиз ранжимасин, – дея оғиз жуфтлади у. – Қачон қарамай, биринчи синфлар билан доим гилам устида ўтириб, нималарни дир сўзлаётган бўласиз.

Унинг бу танбеҳи менга оғир ботди. Йўқ, у ноҳақ бўлгани учун эмас, балки аксинча. Токиянги материални тушунтириб бўлгунимча, биринчи синфларни ярим соатлаб гиламда жимгина ўтқизиб қўйиш одатим бу сафар уларнинг фойдасига хизмат қилмаётган эди. Машғулотдан сўнг ўқувчиларни мустақил дарс учун қўйиб юбораётганимда болакайларнинг кайфияти тушиб кетар, айримлари ҳатто ердан зўрга кўтарилаётганига гувоҳ бўлганман.

Шундан сўнг урфдан қолган эски бир секундомерни олиб, бу машгулотни 15 дақиқада уddeлашга ўзимни мажбуrlай бошладим. Натижалар мени илҳомлантириб юборди: бундай қисқа дарслардан сўнг болалар полдан парталарга ўтишгач, ўқув жараёнига тезроқ киришадиган ва самаралироқ ишлайдиган бўлишди. Тез орада мен яна худди шундай кўзга яққол ташланиб турган муаммони пайқадим, яъни ўқувчиларим ўқув вақтининг деярли 100 фоизини ўтирган ҳолда ўтказади. Ички бир туйгу билан буларнинг барчаси мени аллақандай муаммо сари етаклаб кетаётганини

ҳис қиласар ва бу қандай муаммо эканини кейинроқ англадим.

Ҳаммасини ўйлаб кўргач, мамлакатнинг қайси бурчагига борган бўлсам, ушбу феноменни барча Америка мактабларида кузатганимни тушуниб етдим. АҚШда дарс чоғи ўқувчилар асосий вақтини ўтирган ҳолда ўтказишга мажбур. Қолаверса, бутун ўқув куни давомида ҳам улар унчалик фаол бўлишмайди. Бу эса бир нарсадан дарак: бутун мамлакат миллионлаб болалар соғлиги учун зарур бўлган фойдани олиш имкониятини қўлдан бой бермоқда. Жисмоний фаоллик семириб кетишининг олдини олиши, юрак хасталиклари хавфини камайтириши, хотира ва диққат каби когнитив функцияларни яхшилаши ҳамда руҳий ҳолатга ижобий таъсир этиши кўплаб тадқиқотлар орқали исбот этилган.

Мактаблардаги узоқ давом этувчи ўқиши кунлари ва дам олиш учун чекланган имкониятларнинг оқибати бўлган жисмоний фаолликнинг етишмаслигини негадир фақат америкача муаммо деб холоса қилган эканман. Финляндияда дарс бера бошлаган пайларим Хельсинкининг Ressu номли давлат мактабида ҳам худди шу муаммони кузатдим. Аввалига буни тушуна олмадим, ахир Финляндияда 15 дақиқалик танаффуслари бўлган ўқув кунлари узун эмас-ку, деб ўйладим. Демак, танаффуслар ўқувчиларга синфда диққатларини яхшироқ жамлаш учун имкон бераётган бўлса-да, улар боланинг жисмоний фаоллигининг ортишига умуман кафолат бера олмас экан.

Ташқарида об-ҳаво қандай бўлишидан қатъий назар, кўплаб фин болаларининг танаффусни ўйин майдончасида умуман ҳаракатсиз ўтказаётганига

кўзим тушди. Уларнинг бир қисми янги компьютер ўйинларига берилганча смартфонларидан ажралмас, бошқалари гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўриндиқларда ўтирад ёки шунчаки бир жойда туриб гап сотишарди. Яна бир гуруҳ ҳовлида футбол ёки бекинмачоқ ўйнарди. Бироқ фаолларга қараганда, суст болалар кўпроқ эди. Мактаб йўлакларида эса юқори синф ўқувчилари танаффусдан кейинги дарснинг бошланишини кутиб, жимгина деворга суюниб туришар, чўккалаб ўтиришар ёки полга ярим ёнбошлаб олишарди.

Финляндиялик тадқиқотчилар кузатишларим натижаси ҳақиқат эканини тасдиқлашди. 2014 йилдаги “Финляндияда болалар ва ўсмирларнинг жисмоний тарбия бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари миллий ҳисботи”да жисмоний фаоллик даражаси учун “D” баҳоси<sup>5</sup> турибди. 2013 йили ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, сўровномада иштирок этган кичкина синф болаларининг ярми куннинг камида бир соатини “ўртадан интенсив даражагача” бўлган жисмоний машғулотларга қатнаш билан ўтказади. Ўрта синф ўқувчиларида эса бу кўрсаткич яна ҳам паст – бор-йўги 17 фоизни ташкил этган.

Финляндия жисмоний тарбия бўйича “ёмон ўзлаштирувчи” ягона давлат эмаслиги ҳам маълум. 2014 йилдаги “АҚШда болалар ва ўсмирлар жисмоний тарбия бўйича ўзлаштиришининг миллий ҳисботи”да жисмоний фаоллик даражаси учун ҳам “D” баҳоси турибди. Статистик маълумотларга кўра, олти ёшдан ўн беш ёшгача бўлган америкалик болаларнинг фақатгина 25 фоизи ҳафтанинг беш кунида камида бир соатдан жисмоний тарбия билан шуғулланишган.

---

<sup>5</sup> Бу ўзбек мактабларидағи “З”баҳонинг муқобили – таржимон.

Гарчи бугун Финляндияда ҳам, АҚШда ҳам болалар гиподинамиядан азият чекаёттан бўлса-да, уларнинг ўртасида битта асосий фарқ мавжуд: яқинда ушбу кичкинагина шимол мамлакатида янги эксперимент бошлаб юборилган, яъни болалар бутун ўкув куни давомида фаол турмуш тарзига риоя қилишлари учун “Финляндия мактаблари ҳаракатда” номли янги давлат дастури қабул қилинди. Мазкур тажриба бу муаммони давлат даражасида ҳал қилиш мумкинлигидан гувоҳлик беради.

Ушбу дастур 2010–2012 йиллари 45 та фин мактабида синовдан ўтказилган. Натижаларга умид боғласа бўлади. Агар чиндан ҳам бунга бор имконият сарфланадиган бўлса, ўқитувчилар болаларнинг жисмоний фаоллигини ошира оладилар. Тадқиқотларга кўра, кичик синфларнинг ярми ва ўрта синфларнинг учдан бир қисми анча фаол турмуш тарзига эга бўлишган.

Бу катта натижами? Мутлақо йўқ. Экспертларнинг ҳисоботида бу қуйидагича баён қилинган: “Кўрилган чора-тадбирлар кўзга ташланиши учун вақт керак, шу сабабли болаларнинг бутун ўкув куни давомида жисмоний фаоллигини ошириш учун узоқ муддатли ва тизимли меҳнат талаб қилинади”. Дастур қанчалар оддий бўлмасин, ҳар ҳолда у ишончли йўналиш томон бир қадам ташлаш имконини берди.

Мазкур экспериментларнинг натижалари ўрганилган LIKES фондининг тадқиқотлар бўйича директори Туйя Таммелин менга “Фин мактаблари ҳаракатда” дастури ўкув муассасалари томонидан қай даражада ўзлаштириб кетилганидан таъсирланганини айтиб берди. Бор-йўғи бир-икки йил ичида унда иштирок этувчи мактаблар сони 45 тадан 800 тага етди.

2014 йил күзида Хельсинкидаги бизнинг Ressu номли мактабимиз ҳам бунга қўшилди ва мен унинг қандай ишлашини кузатиш имконига эга бўлдим.

\* \* \*

Бу воқеа декабрь ойининг ўрталарида содир бўлганди. Ўшанда навбатдаги 15 дақиқалик танаффус пайти ташқарига чиққандим. (Бу пайтга келиб камина

Хельсинкида аллақачон иккинчи йил ишлаётган ва ўз ўқувчиларим билан олтинчи синфга ўтиб бу йил ҳам уларнинг ўқитувчиси бўлиб қолгандим). Биз яқиндагина “Фин мактаблари ҳаракатда” дастурига қўшилгандик ва шундан сўнг ўқувчиларнинг юриштуришида қандайдир ўзгаришни билиш мен учун қизиқ эди. Эҳтимол, танаффусни нофаол ҳолатда ўтказувчи болалар бирданига камайиб қолгандир?

Ўйин майдончасида ёрқин сариқ рангли камзулчалар кийиб олган икки нафар олтинчи синф ўқувчим Эмми ва Марианне бу ерда жуда кенг тарқалган қувлашмачоқ ўйинининг бир турини бошқаришаётган эди. Уларнинг атрофида кичикроқ ёшдаги ўн нафар бола югуриб юришарди. Эмми ва Марианне “танаффус ташкилотчилари” эди. Бу дегани улар маҳсус тайёргарликдан ўтган ва ўзларининг кичик ёшли ўртоқлари, асосан, биринчи ва иккинчи синф ўқувчилари билан ҳафтада бир марта ишлашлари керак эди. Мен келишимдан бир неча дақиқа олдин қизлар ушбу етти- саккиз ёшли болакайларни бугун нима ўйин ўйнашни келишиб олиш ниятида бир жойга тўплашган эди.

Атрофда болалар илонизи бўлиб югуриб юраркан, ўйиннинг ўртарогида Эммининг ёнига бориб, қизиқиб сўрадим:

– Нима дейсан, танаффусларда бундай ўйинларни ўйнагач, болалар янам фаол бўлиб қолищдимикин?

Катталар кундай равшан нарсалар ҳақида сўраганда болалар қандай қарайдиган бўлса, Эмми ҳам менга шундай қаради ва қошини чимириб, ҳа дегандек қизғин бош иргаб қўйди. Бу менинг югуратган болаларнинг йўлидан четга чиқишим кераклигига ишора қилувчи белги эди.

Ўша куни Эмми ва Марианне билан кузатган манзарам мутлақо одатий ҳолат экани тезда аён бўлди. Ҳар куни тушга яқин сунъий чим қопланган майдончада бир қанча “танаффус ташкилотчилари” ўзаро бўлинниб олишар ва болаларни фаол ўйинга жалб этиб, юқоридаги каби тадбирлар ўтказишарди.

Кейин мен Хельсинкидан 100 чақирим нарида жойлашган Сало шаҳридаги мактабга ташриф буюрдим. У ердаги олтинчи синфлар танаффусдаги машгулотларни бошқараб ташкил этишганини кўрдим. Дарс тугаши билан ўнлаб кичик синф ўқувчилари кўз ўнгимда вестибиол четига устки кийимлари ва этикларини қолдириб, бир қатор навбатга туриб олишди. Эҳтимол, улар олдинги дарс танаффусларида ташқарига чиқиб келишгандир, аммо ҳозир бино ичида қолиб, чиқиш йўлаги олдида навбатга туришарди. Ҳар бир бола қўлида ташриф қофози катталигидаги биттадан қофоз парчасини ушлаб олганди. Маълум бўлишича, бу уларга танаффус чогида ўйнашга керак бўладиган спорт анжомини олиш ҳуқуқини берувчи “паспорт” экан.

Тез орада столга икки ёши каттароқ ўқувчи келиб ўтириди. Улар ўқитувчилар хонасидан олиб келинган қалит билан стол остидаги яшикни очиб, навбат бошида турган малла сочли ўғил болани чақиришди.

– Хўш, сенга нима берайлик? – сўради каттароқ ёшли ўқувчи баланд овозда унинг “паспортини” оларкан.

Болакай баскетбол тўпини танлади ва уни олиши билан хурсанд бўлиб ташқарига югурди. Унинг ортидан думалоқ юзли, қора соч қизалоқ эса сакрайдиган арқонча сўради. Шу тариқа чуғурлаб турган болакайларнинг узун навбати тугаб кетгунигача жараён давом этди.

Бу ерда ҳам худди Хельсинкидаги мактабимизда бўлгани каби экспериментал давлат дастури самарали бўлган-бўлмаганини билгим келди. Шунинг учун стол олдига яқинлашиб, болалар танаффус чоғида анча фаоллашиб қолганини сездингизми, дея каттароқ ёшли ўқувчилардан сўрадим. Табиийки, улар ижобий жавоб қайтаришди.

Бироқ бу ҳам мени дастурнинг ҳамма жойда самарали кетаётганига ишонтира олмади. Тўғри, кичик синфларнинг ўқувчилари танаффусда кўпроқ ҳаракат қилаётганини ўзим ҳам кўрдим. Лекин ундан каттароқ болалар-чи? Ахир, ёш улғайган сари боланинг пассив турмуш тарзига бўлган мойиллиги ортиб боришини дастлабки синов ҳам кўрсатиб берди-ку! Бундан ташқари, анча кейин ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, дастурда иштирок этишларига қарамай 7-9 синф ўқувчиларининг фақат учдан бир қисмигина кўпроқ фаоллашгани кузатилган эди.

Шундан сўнг ушбу дастурни мактабимизда мувофиқлаштириб келаётган жисмоний тарбия

ўқитувчисининг олдига бордим. Гарчи бу ўқитувчи хоним Эмми ва Марианне каби “ташкилотчилар”ининг ишидан мамнун бўлса-да, у ҳам катта ёшли ўқувчиларга қандайдир йўл билан таъсир кўрсатиш зарурлигини ўйлаётган экан.

Шу тариқа ўқувчилар учун қизиқроқ жисмоний фаоллик билан шуғулланишга имкон яратиш учун мактабда янги дарс жадвалини жорий этишга қарор қилинди. Қисқа танаффуслар ўрнига ҳар куни ҳеч бўлмаганда бир марта ярим соатлик дам олиш таклиф этилди. Бу сакраш ва қувлашмачоқ каби ўйинлар давридан ўтиб кетган 7–9 синфлар учун айни муддао, негаки улар ёшларига мос келадиган анча муқобил жисмоний машғулотларга муҳтож, дея тахмин қилинган эди.

Янги лойиха туфайли юқори синфдаги болалар кун давомида фаол бўлиш учун ўзларига мос машғулотларни топищди. Пилатес, флорбол (залдаги ҳоккей) ёки гимнастика каби ўйинлар шулар жумласидан. Энди болалар орзуси аста-секин ушала бошлади. Қизик, фин мактабларида бу машғулотларнинг барини ташкил этувчилар фақат ўқувчиларми ё атайин уларнинг бўйнига қўйилганмикан?

Бу мамлакатда болаларга ғояларини ифода этиш имкони берилади, ўзларига қизиқ туюлган амалларни бажарышларига алоҳида вақт ва жой ажратилади. Шу йўл билан жавобгарликни зиммаларига олишга ундашади.

Аммо ушбу модел ўқувчига танлов эркинлигини бериш нақадар муҳим эканига эътиборни қаратади. Шу билан бирга, у жисмоний фаоллик фақатгина танаффуслар ва жисмоний тарбия машғулотларидаги каби бўлмаслигини кўрсатиб беради.

Маълум бўлишича, бу синфдаги машғулотларда ҳам керак экан. Бизнинг Ressu “Фин мактаблари ҳаракатда” номли лойиҳага қўшилган пайти дастур координаторлари болаларнинг дарс пайтида фаоллигига имкон берувчи бир қатор стратегияларни таклиф қилишди: болалар бир вақтнинг ўзида ҳам ўқиб, ҳам жисмоний юклама олишлари учун “энержайзерлар”ни жорий этиш (бу кичикроқ танаффус бўлиб, унда болалар дарс давом этаётган чоғда бемалол ўринларидан туришлари ва оёқ-қўлларининг чигилини ёзib олишлари мумкин), топшириқларни тик турган ҳолда бажариш ва стулларни фитболларга алмаштириш мумкин.

Ўша куздан бошлаб болаларнинг дарс пайтида фаоллигини ошириш учун янги усуслар қидира бошладим. Масалан, ҳали Америкадалик вақтимдаёқ ўйлаб топган ва ўзим “Галереяда сайд қилиш”, деб номлаган бир стратегияни тажрибадан ўтказдим. Ушбу метод туфайли болалар дарс пайтида жисмоний машқлар қиласди, аммо бўшашмасдан эътибор ва дикқатларини жамлаган ҳолда қоладилар.

Ушбу кашфиётнинг пайдо бўлишига менинг анъанавий методларни қабул қилишим ўта қийин экани сабаб бўлган. Коидага кўра, ўқувчи ўз ишларини тақдим этиш давомида анчагина имиллайди: улар ўз кўргазмалари билан бутун синф қаршисида туриб ёдлаган материалларини ҳикоя қилиб беришади. Бу кўп вақтни олиши билан бирга унчалик унумли ҳам эмас. Ўқувчи вазифасини нечоғлик моҳирона кўрсатмасин, баъзан кўплаб маърузаларни эсноқ тутгунча шунчаки эшитиб ўтириш ҳатто ўқитувчи учун ҳам зерикарли бўлади.

Албатта, болаларга билимини намойиш этиши учун имкон бериш зарур, аммо шу жараённинг ўзини ҳам қизиқарлироқ қилиш мумкин. Хусусан, “Галереяда фаол сайр қилиш” методи қўйидаги кўринишга эга: ўқувчилар тақдим этаётган плакатларини худди бадиий галереяда намойиш қилаётгандек синф ёки йўлак деворларига осиб чиқадилар. Ишлар рақамланган бўлиб, болалар бирин-кетин “экспонатлар”нинг ҳар бирини бир ёки дақиқа давомида батафсил ўрганиб чиқишиади. Жараён янада тушунарли кечиши учун улар ҳар қайси иш ҳақидаги фикрларини албатта ёзма баён қилишлари керак бўлади. Дарс бошланишидан олдин мен уларга икки хил рангдаги елимқоғоз тарқатаман: уларнинг биттасига ўқувчилар муаллифга бериладиган саволларни, иккинчисига фикр-мулоҳазаларини ёзадилар.

Гарчи улар хушхол бўлиб бир “экспонат”дан бошқасига ўтиб, фикрларини елимқоғоз (стикер) ларига ёзиб юришса-да, энг қизиги кўздан кечириш жараёни тугагандан кейин бошланади. Болалар ўз ишларини деворлардан ечиб олишга югурадилар ва ўз жойларига қайтиб келадилар. Кейин ўтириб, синфдошларининг фикр-мулоҳазаларини дикқат билан ўрганиб чиқадилар. Албатта, бунинг учун уларга вақт бераман. Энг қувонарлиси, муаллифлар бундан кейин менинг ёрдамимсиз ҳам тақдимотларини янаям бойитишга ҳаракат қиласадилар.

Финляндиялик ўқувчиларим билан бўлганана шундай “Галереяда фаол сайд қилиш” машғулотларининг бирида беихтиёр соатимга қараб, вақт қанчалар тез ўтиб кетганидан ҳайрон қолганман. Гўёки дарсни эндиғина бошлаган эдику, лекин аллақачон 20 дақиқа ўтиб бўлганди.

— Ана холос!, — дея хитоб қилдим.

Шунда Эмми менга қаради ва нимага ҳайрон қолганимни сўради. Мен қизга соатимни кўрсатдим ва у мендан ҳам кўпроқ ҳайрон бўлди. Шунда ҳаммамиз ўкув соатлари идеал тарзда худди шундай ўтиши лозим, деган хуносага келдик.

Юкка исмли бошқа бир ўқувчи қиз “галереядаги сайдан” сўнг олдимга келиб, кафтларини кафтигма уриб, машғулот учун миннатдорлик билдириди. Гўё бу дарсни Юкка ва унинг синфдошлари учун кутилмаган совғадек туҳфа қилгандим. Назарида, бу миннатдорлик ўринсиз эди. Фаол ўқитиш ва қизиқарли дарс ўтиш педагогнинг бурчи ва бунга барча ўқувчилар лойиқдир.

“Фин мактаблари ҳаракатда” дастури Америка ва бутун дунёдаги мактаб ўқувчиларига ташаббус кўрсатишлари учун имкон бериш ғоясини илгари сурди. Ўқитувчиларнинг ижодий фикрлашини рағбатлантириш орқали болаларнинг жисмоний фаоллигини оширишлари ва ўқувчиларни дарс пайтида ҳам жисмоний ҳаракатларга ундовчи методларни излашим мумкинлигига ёрдам берди.

Худди шунга ўхшаш амалларни ҳар қандай ёшдаги мактаб ўқувчилари учун ҳам ташкил этиш мумкин.

Болалар жисмонан фаолроқ бўлиши, ўтирган ҳолда камроқ вақт ўтказишлари учун қуйида айрим ғояларим билан ўртоқлашмоқчиман (уларни қисман “Фин мактаблари ҳаракатда” давлат дастурининг сайтидан ўзлаштириб олдим).

• Қандай бўлмасин болалар дарс вақтида ҳаракат қилишлари учун сиз табиий усулларни қидиринг. Агар бошлангич мактаб ўқитувчиси сифатида китобни овоз чиқариб ўқиётган бўлсангиз, болаларни ўринларидан туриб матндаги образларни ролга бўлиниб ижро этишларини сўраб кўринг. Масалан, Хельсинкида иккинчи йил ишлаётган чоғим “Чарли ва шоколад фабрикаси”ни овоз чиқариб ўқиганман. Синфда умпа- лумпаларнинг қўшиғига рақсга тушганимиз. (Бу болаларга жуда ёққан, чунки ҳаммада ўрнидан туриш ва оёгининг чигалини ёзиш имкони пайдо бўлган.) Каттароқ ёшли болалар учун “нотиклик бурчаги” ташкил этиш мумкин: стул ва столларни девор томонга суриб қўйиб, тик турган ҳолда айни чоғда ўрганаётган мавзуни қизиқарли қилиб муҳокама қилиш мумкин.

• Дарсни қанчалик қизиқарли қилишга уринсангиз ҳам баъзан ўқувчи узоқ вақт бир жойида ўтиргани учун барибир ланж бўлиб қолаётганини кўрасиз. Ана шундай ҳолларда жисмоний машқ албатта керак бўлади. Бундай вазиятда жисмоний тарбия учун танаффус эълон қилиш мумкин. Масалан, оёқларни ёзиб, йигиб, қўлларни бошлар узра кўтариб, қарсак чалган ҳолда 20 марта сакраш ёки 20 дақиқа турган жойида югуриш кабилар болаларга хушёр тортишлари учун етарли бўлиши мумкин.

• Худди фин ўқувчиларим Эмми ва Марианне сингари бошлангич синф ўқитувчилари каттароқ синфлардан

“танаффусда фаоллаштирувчи” бўлиб, ўйин майдонида назоратчи бўлишларини илтимос қилишлари мумкин. Эҳтимол айримлар бунга ишончсизлик билан қарашар, аммо Хельсинкида ишлаётган йилларим ҳар куни болаларга қизиқарли ўйинларда иштирок этиш учун имкон яратиб бера олсангиз, уларда албатта серҳаракат бўлиш истаги шаклланишига, ўйин майдончасида фаоллашишига гувоҳ бўлдим.

Аммо аввалига фаоллаштирувчиларнинг ўзларини тайёрлаб олишни унутманг: учалик катта бўлмаса-да, ташкил этиш лозим бўлган ўйинлар рўйхатини тузинг, ўқувчиларга ёши кичиклар билан қандай ишлашни ўргатинг.

Фаоллаштирувчилар янги ролларини ўзлаштиргунча уларни кузатиб, ҳар томонлама ёрдам беринг.

- Массачусетсда ишлаб юрган чоғларим тиним билмас бир болакай бўларди. У шунчаки бир жойда узоқ ўтира олмас, ҳар сафар мустақил топшириқ берсам, ўрнидан туриб олгиси келаверадиганга ўхшарди. Нихоят унга вазифаларни тик турган ҳолда бажаришига рухсат бердим. Лекин бундан унинг ўзлаштириши пасаймади. Одатда ўқувчиларда чиройли ҳусният ва тўғри қоматни шакллантириш муҳим. Аммо уларга синфда bemalol ҳаракат қилишлари, тик туриш ёки қимирлашларига рухсат бериш аҳамиятли. Ҳозир айрим мактабларнинг маҳсус парталар сотиб олаётганини эшитдим. Уларда тик турган ҳолда ҳам вазифа бажариш мумкин. Менимча, бу муаммонинг яхши ечими бўлиши мумкин. Аммо қиммат жиҳозларни сотиб олиш учун катта пул сарфлашнинг умуман кераги йўқ: масалан, ўқувчиларга ўрнидан турган ҳолда ўқишларига рухсат бериш ёки уларга хонанинг турли

бурчакларида турган ҳолда вазифа бажариш имконини берувчи планшет папкалар тарқатиш мумкин.

## КУЧ-ҚУВВАТИНГИЗНИ ҚАЙТА ТИКЛАБ ОЛИНГ

Гарчи Хельсинкида түлиқ ставкада ишлаған бўлсамда, бу бор-йўғи 24 соатни ташкил этарди. Шундан 15 дақиқалик танаффусларни олиб ташлайдиган бўлсак, кўпи билан 18 соат ўқув юкламаси қоларди. Финляндияда бу меъёр ҳисобланади. Америкада эса ҳамкаслар билан бундан 50 % кўп вақт сарфлаймиз. Ҳисоб-китобларга кўра, америкалик ўқитувчиларда бу кўрсаткич ўргача 26,8 соатни ташкил этади ва улар OECD (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти – ИХТТ)га аъзо мамлакатлар ичидаги юқори ўринни эгалладилар.

Аввалги холосам: “Фин ўқитувчилари синфда камроқ вақт ўтказса, мактабдан кейин кўпроқ ишлашади, ўқувчиларнинг ота-оналари билан мулоқот қилишади ва турли режалар тузишади” эди. Бундай тасаввур пайдо бўлишига сабаб, мен АҚШда баъзан яrim ставкага (Финляндияда бу түлиқ ставкага ўхшайди) ўтишни хоҳлаб қолар, дарсларга тайёрланишга кўпроқ бўш вақтим бўлишини истардим.

Аммо фин ҳамкасларим мени ҳайрон қолдиришди. Илгари касалхона вазифасини ўтаган баҳайбат мактаб биноси кўпинча соат 16:00 ларда деярли бўум-бўш бўлиб қоларди.

Хельсинкида биринчи йил ишлаётган чоғим турмуш ўртогим иккинчи фарзандимизга ҳомиладор эди. Бола туғилишига бир ҳафтача қолганида мактаб директори

олдимга келиб, күзимга қараб очиқасига: “Хўш, нима бўлди, уйда сизни кутишмаяптими?” деб сўраганди.

Бошқа сафар соат уч яримлар эди. Бўшаб қолган ўқитувчилар хонасида ишлаб ўтиргандим. Директор хоним олдимга келиб, қулоғимга пичирлаган: “Уйга кетиш вақти бўлди”.

Унинг бу ёндашуви Бостон яқинидаги мактабларнинг бирида раҳбарлик қилган америкалик директорниги нисбатан гирт тескари эди. Унинг сўзларига кўра, ўқитувчиларни иккита категорияга бўлиш мумкин: кечгача ишлайдиганлар ва автотураргоҳдан мактаб автобусидан ҳам олдин учиб чиқиб кетадиганларга. Директорнинг фикрича, уларни иккинчи тоифасини профессионаллар, дейиш мушкул.

Финляндияда дарс бера туриб, бундай ёндашувнинг нақадар самарасиз эканини тушуниб етдим. Бу ерда дарс тугаши билан ҳамкасларимнинг уйга юргуларини кўп кўрдим. Аммо тушундимки, қанчалар зарур бўлган куч-кувватингни қайта тиклаб олишинг учун иш соатларини чегаралай билиш эринчоқлик эмас, балки донолик белгиси экан.

Ҳеч бўлмаганда битта ўқув йили давомида мактабда ишлаб кўрган ҳар қандай одам дарс бериш бу спринтдан кўра кўпроқ марафонга ўхшаб кетишини яхши билади. Аммо тажрибамдан маълумки, АҚШда ўқитувчилар учун ҳатто организмнинг ўзи тезликни камайтиришни талаб этаётган бўлса ҳам иш ва дам олиш вақтларини ўзаро тўғри тақсимлай олиш жуда мушкул вазифадир.

Америка мактабида биринчи йили ишлаётib спринтерча ёндашувни қўллашга ҳаракат қилганман. Кечаси бошим ёстиққа осилиб тушмагунча ишлардим.

Мактабга эртароқ етиб келиш учун камроқ ухлардим. Тушлик танаффус дарсларга тайёргарлик кўриш билан ўтарди. Тез орада мутлақо ҳолдан тойиб қолдим, ваҳима хуружидан азият чека бошладим ва шундан сўнг касбимни ўзгартиришни ўйлаб қолганим ҳайратланарли ҳолат эмасди.

Ўша биринчи ўкув йилида йўл қўйган энг катта хатоим – ўзимга қандай баҳо берганим эди.

Мен иш соатларимнинг миқдори қанча кўпроқ бўлса, ўқитувчи сифатида шунчалар омадли бўламан, деб ўйлардим. Тўғри, берилиб ишлардим, аммо ростини айтганда, унчалик ҳам ақл билан иш тутмасдим. Ўша биринчи йили синф хонасининг жиҳозларини ўзгартириш ёки дарснинг идеал режасини тузиш билан овора бўлиб, мактабда узоқ вақт қолиб кетардим. Лекин баридан тўлиқ воз кечиб, бир-икки соатга иш ҳақида бутунлай унудиши қанчалар фойдали эканини энди тушуняпман.

Бир куни Хельсинкига келган америкалиқ ўқитувчи билан танишиб қолдим. У Виржиниядаги давлат мактабларининг бирида қайсиdir заводда бўлганидек электрон ўтиш йўлаги жорий қилинганини айтиб берди. Тўғри, округ таълим маъмурияти бунинг педагоглар аттестациясига таъсир қиласлигини айтган, лекин барибир вақтни ҳисоблаш тизими ўз таъсирини кўрсатган. Бечора ўқитувчи ушбу янги қоидани ҳикоя қилиб бераркан, мен у ва унинг ҳамкаслари қандай босимни бошдан кечирганини тасаввур қилиб, кўрқиб кетдим, чунки улар энди электрон йўлақда қайддан ўтиш учун мактабга эртароқ келишар ва ҳатто умуман зарурат бўлмаган тақдирда ҳам ишхонада узокроқ қолишга уринишарди. Бу ўкув муассасасида

таълим сифатига эмас, миқдорига ургу беришга қарор қилишганди.

Агар мактабларда қувонч түйғусини юқори даражага күттармоқчи бўлсақ, инсон қанчалик қўп ишласа, шунчалик қимматли мутахассис бўлади, деган заарли кўрсатмалардан воз кечишимиз лозим. Америкалик ўқитувчилар мактабларда бутун дунёдаги ҳамкасларига нисбатан анча қўп вақт ўтказадилар. Менимча, шундоқ ҳам унчалик қўп бўлмаган бўш вақтимизнинг бир қисмини куч-кувватимизни тиклаб олишга сарфлашимиз керак.

Шахсан мен ҳар куни кучни қайта тиклаб олиш одатини эгоизмнинг бир кўриниши, деб ҳисобламайман. Қанчалик ғайриоддий туюлмасин, эгоизм бу – стрессга тушгунимизча ишлашни давом эттиришимизнинг акси ҳисобланади, у ўзининг салбий таъсирини охироқибат ўқувчиларда акс эттиради. Болалар биздан барқарорликни қидирадилар ва агар мажбурий таътилга чиқиб кетадиган бўлсак (ёки қасбимиздан кўнглимиз совиб кетса), у ҳолда зарур пайти болалар ёнида бўла олмаймиз. Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, 46 % америкалик ўқитувчи ҳар куни катта босимни бошдан кечиради ва бу кўрсаткич бўйича (тибиёт ходимлари билан бир қаторда) бошқа барча қасблардан кўра энг юқори ўринни эгаллайдилар.

Қандай қилиб кучингизни яхшироқ тиклашингиз мумкин? Барчасига индивидуал тарзда ечим топиш мумкин. Кимнидир енгилгина югуриш тетиклаштиради, яна кимнидир кичкина болалари билан темир йўл ўйинини ўйнаганда дам олади.

Кўпчилик шунчаки ярим соатгина нимадир ўқишини хуш кўради. Бундай вазиятда энг муҳими, меҳнат ва

дам олиш орасидаги вақтни түғри тақсимлай олиш, улар ўртасида қатъий мувозанатни сақтай билишдир. Ҳар бир ўқитувчи ўзининг иш ҳажми қандай эканини ва мажбурий тарзда нималар қилиши лозимлигини яхши билади. Мен сизни ўз мажбуриятларингиздан қочишига ундаётганим йўқ, нотўғри тушунманг. Устувор нарсаларни шунчаки түғри аниқлаб олишингизни тавсия қиласман. Кўп йиллар аввал бир америкалик ўқитувчи аёл билан гаплашганим эсимда. Дарсдан сўнг у ўзининг мактаб ёшидаги болалари билан имкони борича кўпроқ вақт ўtkазишга ҳаракат қилишини ва улар ухлашга ётганидан кейингина дарсларга тайёрланиши, электрон почтадан келган хатларга жавоб ёзишини сўзлаб берганди.

Унга ана шундай кун тартиби мос келган. Менда эса бирмунча бошқачароқ ёндашув, яъни ҳамма ишимни мактаб остонасида қолдираман ва шу йўл билан дарс берищдан бутун кеч давомида дам оламан. Хельсинкида одатда, дарсдан сўнг икки соатча ушланиб қолар, бу вақт давомида асосий ишларимнинг барчасини қилишга улгурадим, яъни журналларга баҳоларни кўйиб, эртанги дарсларга тайёрланар ва почталаримни кўриб чиқардим.

Акс ҳолда мен тўлақонли дам олиш имконига эга бўла олмаслигимни тушуниб етдим. Яъни уйда болаларим билан ўйнай туриб ҳам миямда бугун қайси бир ишим бажарилмасдан қолиб кетди экан, деган фикр тинимсиз айланаверади. Шунингдек, ўзинг учун қатъий муддат белгилаб олиш ҳам ўта муҳимдир: мен роппа-роса икки соатдан сўнг уйга кетишимни билар ва бўшашмасдан ишни энг муҳимидан бошлар эдим. Бундай ёндашув натижасида эртанги кунга нисбатан соғлом ишонч

туйғуси шаклланди ва бу менга кечқурунлари ишдан چалғиб, дам олишимда ёрдам берарди.

Үқүв иили давомида қизиқарлы (аммо унчалик мұхим бўлмаган) ҳашамларда иштирок этиш васвасалари ҳам пайдо бўлиб қолиши мумкин: ижтимоий тармоқлар, турли волонтёрик лойиҳалари, китобсеварлар клуби ва шу кабиларни назарда тутяпман. Албатта, булар барчаси анчагина хурсандчилик олиб келишга қодир, аммо улар сизни энг мұхим бўлган ўқитувчилик фаолиятингиздан چалғитади. Натижада қувватингизни тиклаб олиш имконини берувчи чекланган бўш вақтингиз янада қисқаради. (Маслаҳатим, юқорида қайд этилган ишлар билан яхшиси, ёзда шуғулланинг. Бу ўқитувчилар учун энг мақбул давр, чунки бу пайтда фикру зикрингиз эртанги ўқув куни билан банд бўлмайди).

Биз ақл доирасидаги чегаралар ўрнатиб, уларга амал қилган тақдиримизда ҳам шундай пайтлар бўладики, унда барибир кўп соатлар давомида узлуксиз ишлашимизга тўғри келади. Масалан, Финляндиядаги мактабимизда йилида икки маротаба семестр (ярим йиллик) якунида табель тўлдирилар, кўп ҳолларда ҳамкасбларим шу иш билан алламаҳалгача шуғулланишар эди. Ёки ҳар йили бўладиган ота-оналар кечасига тайёргарликни олайлик. Баъзи кунлари ўқитувчиларнинг ишдан сўнг қувватини тиклаб олиши учун шунчаки имкониятнинг ўзи бўлмайди. Аммо бизда деярли ҳар куни ўзимизни тиклаб олиш одати бўлса, ҳар қандай тасодифий вазиятларга тайёр бўла оламиз.

Ушбу муаммонинг яна бир жиҳати бор: нафақат ўқитувчиларга, балки бизнинг ўқувчиларга ҳам мунтазам равищда “ўз батареяларини қувватлантириб олиш” керак бўлади (бу америкалик болалар учун айниқса муҳим. АҚШда ўқув куни ҳаддан зиёд давомий бўлиб, бу ҳолат шусиз ҳам эҳтимолий бўш вақтни қисқартириб қўяди).

Ўқитувчи ўқувчиларининг мактабдан кейин қандай машғулот билан банд бўлишларига таъсир этиши жуда қийин. Аммо бир нарса туфайли биз болаларнинг ҳар куни ўзларини тиклаб олишларига ёрдам беришимиз мумкин, яъни уй вазифаларининг ҳажми билан.

Мен кўпинча Финляндияда ўқувчиларга умуман уйга дарс берилмайди, деган гапларни эшитаман ва бу ҳақда интернетда ҳам ўқиганман. Аммо умидингизни пучга чиқарганимдан афсусдаман, чунки бу шунчаки оммабоп уйдирма холос. Шу билан бирга, финляндиялик ўқитувчиларнинг бу масалага ўта рационал ёндашишини кўрдим. Қанчалик ҳайрон қоларли бўлмасин, (бу ерда болаларнинг синфдаги ўқув юкламаси бошқа ривожланган мамлакатлардаги кўплаб тенгдошлариникига нисбатан анча кам) финляндиялик педагоглар уй вазифаси ўта мураккаб бўлмаслиги керак деб ҳисоблашади.

Қизиқ томони, Финляндияда уй ишига оид бирор-бир меъёрий ҳужжат ёки стандартлар мавжуд эмас. Бу ерда ўқувчилар уйда нимани ва қанча ҳажмда бажаришини ўқитувчиларнинг ўзлари ҳал қилишини билганимда лол қолганман. Бундан ташқари, бу ерда барча топшириқлар оддий ва тушунарли бўлади.

Бу ўқувчиларга, катта ёшлиларнинг ёрдамисиз ҳам, ўзлари мустақил равищда уларни уddyалай олишларига имкон беради.

Менимча, биз ҳам АҚШдаги ўқувчилар яхшироқ дам олишлари ва мактабдан кейин ўзларини тиклаб олишлари учун уй вазифаларининг ҳажмини зарурий минимумгача камайтириш ва уларни анча соддароқ қилиш ҳақида ўйлаб кўришимиз лозим.

## **СИНФХОНАНИ ТУРЛИ НАРСАЛАРГА ТҮЛДИРИБ ТАШЛАМАНГ**

Бир сафар америкалик меҳмонлар учун ўзимизнинг Хельсинкидаги мактабда экскурсия ўтказдим. Шунда улардан бири ҳайрон бўлиб менга юзланди.

– Деворларда деярли ҳеч қандай қогоз, плакат йўқлигини пайқадим, – деди у ва нима учун бундайлиги билан қизиқди.

Жавоб жуда оддий эди: мактаб ёзги таътилга ёпилган ва кўпгина ўқувчилар, шу жумладан, менинг ўқувчиларим ҳам ўз ишларини уйга олиб кетишган эди. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмақди. Агар сиз мактабимизга шу йилнинг май ойида келсангиз ҳам худди шу манзарани кўрган бўлардингиз. Шунда ҳам болаларнинг географиядан сўнгти мавзуларни ўргана туриб тайёrlаган плакатлари ёки тасвирий санъат дарсларида чизган расмларинигина кўрган бўлардингиз, холос. Бошқа фин мактабларига борган чоғимда ҳам худди шундай манзаранинг гувоҳи бўлганман. Бу ерда ўқитувчилар синф деворлари ва йўлакларга иложи борича камроқ материалларни осишга ҳаракат қилишларини пайқадим. Финляндияда бу одат тусига кирган.

Ушбу мамлакат амал қиласынан қоидалардан бири – “қанча кам бўлса, шунча яхши”. Буни минимализм қоидаларини афзал кўрадиган маҳаллий дизайнда ҳам сезиш мумкин. Финларнинг хонадонига борсангиз у ерда ашқол-дашқоллардан ҳоли, IKEA услугидаги маконга кўзингиз тушади. Агар уй эгаларини мақтамоқчи бўлсангиз, бунинг энг яхши йўли уларнинг уйидаги unnelma (муҳит)ни мақтанг. Бу ерда ўтказган йилларим давомида финляндияликлар тасаввуридаги шинам уй деганда, яаш жойининг максимал даражада оддий жиҳозлангани тасаввур қилинишини тушундим.

Фикримча, айнан ана шу тамойил синфларни жиҳозлашда ҳам асос бўлиб хизмат қиласи. Фин мактабларини келиб кўрган хорижликлар бу ерда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ниҳоятда хотиржам эканини қайд этади. Албатта, ушбу феномен ортида турли омиллар ётади, аммо, назаримда, улардан бири хоналарни оддий жиҳозлаш ҳисобланади.

2014 йили Карнеги Меллон университети олимлари синфлардаги жиҳозлар қай даражада ўқувчиларни ўқув жараёнидан чалгитишимумкинлигинианиқлашга қарор қилишган. Улар боғча болаларини лабораторияларга олиб келиб, шу ерда табиий фанлардан бир нечта кириш дарслар ўтишган.

Шу билан бирга, тадқиқотчилар хоналарнинг безагини ўзгартириб туришган, яъни бир дарсда деворлар турли кўргазмали қуроллар билан безатилган бўлса, бошқа бир дарсда улар мутлақо топ-тоза бўлган. Маълум бўлишича, биринчи ҳолатда болакайлар “нигоҳни ўзига тортувчи воситаларга қаттиқ чалғишишган ва бегона предметларни кўздан кечириш

учун кўп вақт сарфлашган ҳамда ўқув материалини ёмон ўзлаштиришган”.

Айниқса, кичик ёшли болалар ўқиёдиган кабинетларда эътиборни тортувчи воситаларни камайтириш жуда муҳим, чунки йиллар ўтган сайнин диққатни жамлаш қобилияти ортиб боради. Муаллифларнинг қайд этишича, мактаб ёшидагиларга қараганда, олтинчи синфлар учун муҳим бўлмаган нарсаларга эътибор қаратмаслик анча осонроқ кечади.

Экспериментга раҳбарлик қилган Анна Фишер The New York Times’га берган интервьюсида ўқув жараёнининг натижаларига ўта хилма-хил омиллар таъсир қиласди ва уларнинг кўпчилигини ўқитувчи шунчаки назорат қила олмайди, аммо бино ичидағи жиҳозларни ўзгартириш айнан уларнинг қўлида эканини айтади.

Баҳслашмайман, чунки болаларнинг синф деворларига осилган ва муваффақиятли чиққан ишлари кўз билан қалбни қувонтиради. Ўқувчи ўқитувчининг бубилан фахрланишга ҳаққи бор. Аммо бу ерда меъёридан ошириб юбормаслик жуда муҳим.

Менимча, биз ўқитувчилар кўп ҳолларда ўқув жараёнининг ташқаридан қандай кўринишига алоҳида эътибор қаратамиз. Баъзан муҳимроқ бўлган ишлар билан машғул бўлиш ўрнига, ўқувчиларнинг ишларини деворларга осиш учун ортиқча уриниб, жудаям кўп вақтимизни сарфлаймиз. АҚШда ишлаган дастлабки йилимда биринчи синф ўқувчилари тўғри ечган мисоллар варақларини эълонлар доскасига қистириб чиққан пайтларимни эсласам, ҳозир уяламан. Ҳамма нарса меъёри билан яхши. Лекин синфларнинг жиҳозларини соддалаштириш масаласи кўпчилик учун

анча мураккаб вазифа эканини ҳам жуда яхши тушуниб турибман.

Кўп йиллар аввал Массачусетсдаги давлат мактабининг ўқитувчилари билан танишган эдим. Гарчи ўқув йили эндиғина бошланган бўлсада, кабинетларда ўқувчиларнинг ишлари етарли даражада намойиш этилмагани учун уларни ўта қаттиқ танқид остига олишганди. Текширувчилар ўшанда негадир деворларнинг (шартли равища айтганда) “ялангоч”лиги болаларда билимнинг етарли эмаслигидан гувоҳлик беради, дея қарор қилишганди. Хўш, энди ўша баҳтиқаро ўқитувчилар нимани устувор деб ҳисоблашади?

Девордаги қоғозлар миқдорини ўқиш сифати, натижаси билан боғлаш ғояси менга мантиқсиз туюлади, чунки ўқитувчи нимани қаерга осиш кераклигини ўқувчиларга тушунтириш учун ҳам бир олам вақт йўқотади. Бундай ўқув хонаси зўр таассурот қолдирадигандек кўринса-да, моҳиятан ўқув йили давомида болалар амалда у ердан мухим билимларни ўзлаштира олмаслиги ва бу унчалик ҳам қувонарли ҳолат эмаслиги маълум бўлади.

Аммо бундай вазиятда синфнинг оддий жиҳозини сақлаб қолиш ва текширувчиларнинг таъна-дашномларидан кутулиш учун ўргадаги мувозанатни қандай ушлаш мумкин? Аввалига биз болаларнинг ишларини аслида нима учун кўзқўзлашимизни бир ўйлаб кўрайлик. Эҳтимол, бу хўжакўрсингадир, яъни билими бор экан деган тасаввурни шакллантириш йўлидаги шуҳратпарастлигимиз учун ягона воситасидир?

Агар шундай бўлса, Америкада орттирган иш тажрибамдан келиб чиқиб айтай: бу ўқитувчига

ортиқча юқ ва уни әнг мұхим нарсалардан chalғитади.

Йўқ, мен педагогларга синф деворларини умуман бўшатишни таклиф қўлмаяпман. Деворларни жиҳозлашга мақсадли ва мантиқан ёндашилса, бу албаттa, қувонч манбаига айланади. Аммо маълум чегаралар ўрнатишга тўғри келади. Тўғри, Массачусетсдаги сингари деворларни охиригача тўлдиришга бўлган ҳаракат таҳди迪 текширувчилар томонидан ҳам бўлиши мумкин. Аммо кўпроқ босим, деворларга кўпдан-кўп қофозларни осиб ташлашни хуш кўрувчи қўшни хонадаги ҳамкаслар ёки ота-оналар томонидан ҳам бўлиши мумкин. Одатда ота-оналар ҳам ўқувчиларнинг ишлари қанча кўп намойиш этилса, ўқув жараёни шунчалик яхши ўтади деган фикрда бўладилар. Бироқ ўқувчиларнинг деворларга катта ҳажмда осилган тасвирий ишлари ва кўргазмали қуроллар билимларни керакли тарзда ўзлаштирилганидан гувоҳлик бермаслигини барчамиз яхши тушунамиз. Таълимнинг әнг мұхим жиҳатларидан бири, бу фикрлаш жараёни, уни эса оддий кўз билан кўриб бўлмайди. Бошқача айтганда, биз болаларга ўргатган ҳамма нарсани деворга осиб бўлмайди ва уларни барчага намойиш қилиш ҳам мураккаб масала.

Калифорниялик боғча тарбиячиси Ингрид Бойдстон The New York Times мухбирига бир вақтлар у ҳам гуруҳ хонасининг деворларини кўргазмали қуроллар билан тўлдириб чиққани, аммо энди бўш жойларнинг ўзини қолдирмоқчи эканини айтган. Энди у бошқача йўл тутмоқда. Масалан, француз рассоми Клод Монега бағишиланган машгулотни ўтказиш учун тарбиячи вазиятга мос келадиган кенг блуза ва соябонли шляпа кийиб, ўзига хос европача талаффузда гапира бошлаган.

27 тарбияланувчининг барчаси унинг ҳикоясини алоҳида қизиқиш билан тинглаган.

Тушунтиришни тугаттагач, Бойдстон хоним болалардан қандай калит сўзларни эслаб қолишгани сўраган ва уларни доскага ёзиб қўйган. Кейин болакайлар расм чизиш учун ажратилган алоҳида жойга ўтишган ва латта қаламчалар билан ишлай бошлишган. Ниҳоят бўш турган деворларни безатиш вақти келган. Бойдстон хоним уларни расмлар билан тўлдирган, аммо бу расмлар энди Клоднинг суратлари эмас, балки унинг болалар томонидан чизилган асарлари эди.

Биз ўқитувчилар, агар стандартлар бўйича кутилган талабларга тўғри келмайдиган бирорта ишни (масалан, нима учун синф деворларига ҳеч нарса осмаганимизни) қиласдиган бўлсак, нега стандартни бажармаганимизни тушунтириб беришга тайёр туришимиз керак.

Ахир биздан ҳамкасбларимиз, ота-оналар ёки ўқувчиларимиз нима сабабдан хонанинг деворлари (нисбатан) бўш турибди, деб сўрашлари мумкин. Бундай холларда хижолат тортманг ёки ўзингизни оқлаб ўтирманг, яхшиси, ҳаммасини хотиржам ва батафсил тушунтириб беринг. Мана, менинг шахсий далилларим:

- Агар деворга камроқ иш осилса, у ерга илинган ҳар қандай иш, шубҳасиз, алоҳида аҳамият касб этади ва бу жуда яхши. Истардимки, хона деворлари болаларда ўзига хос ҳурмат ҳиссини уйғотсин, яъни мен ўқувчиларимга, “Топшириқларни деворга осиш мумкин бўладиган даражада бажаришларингизга умид қиласман”, дейдиган бўлсам, бу гапларим алоҳида аҳамият касб этсин. Ахир бажарган ишининг деворда намойиш этилиши ўқувчи учун катта бир эътироф

ҳисобланади ва буни бола тушуниши лозим. Агар нимани илаётганингга аҳамият бермасанг ва шошапиша бажарилган барча уй вазифаларини илиб ташласанг, бу тескари натижа беради. Болалар бунга шунчаки эътибор бермай қўйишади.

• Вақт – бу ўқитувчининг энг қимматбаҳо бойлиги ва у чекланган. Шунинг учун хона деворларини безатиш учун камроқ вақт сарфлашга қарор қилдим. Йўқ, буни муҳим деб ҳисобламайман, шунчаки менинг ундан-да кўпроқ эътибор талаб қилувчи яна бошқа бир дунё ишларим бор. Шахсан дарсдан сўнг қолиб болаларнинг ишларини деворга осиб чиқишим шарт эмас, деб ўйлайман. Деворларни жиҳозлаш жараёнини тезлаштириш учун унга бемалол ўқувчиларни жалб этиш мумкин. Кузатишлиаримга кўра, бажарилган ишларининг синфда намойиш этилиши, ҳатто биринчи синфларга ҳам жуда ёқиб тушади. Ўқув куни давомида бунга болаларнинг ўзини жалб қилиш керак. Ўрганилган билимларнинг натижалари учун улардаги масъулиятни ошириш ва сиз учун қимматли бўлган вақтни ҳам тежаш мумкин.

• Деворлар қанчалик тоза бўлса, бундай синф хонасида нигоҳни чалгитувчи нарсалар шунчалик кам бўлади, бу эса ўқувчи диққатини яхшироқ жамлашга ёрдам беради.

Шахсий тажрибамга кўра, синфни тўлдириб ташла-маслик, вақтни тежашга, иш сифатини оширишга ва ўқув жараёнида фикрни чалгитмасликка кўмаклашади. Фикримча, синф хонангиз оддий жиҳозланган бўлса, хона ўртасида турганча уни кузатар экансиз, ивирсисб кетган деворларни кўриб сиқилмайсиз ва уларнинг озода эканидан уялмайсиз ҳам. Сиз ҳам, ўқувчиларингиз ҳам қувонч ҳиссини туясизлар.

## ТОЗА ҲАВОДАН НАФАС ОЛИНГ

Куопио шаҳридаги Kalevala ўрта мактабидаги олтинчи синфлар ўқитувчиси Минна Райхянинг дарсига ташриф буюрганимда бир жиҳат эътиборимни тортди. Хельсинкида икки йил ишламасам, буни билишим даргумон эди. Биз танаффус чоғ суҳбатлашиб тургандик, кутимаганда ушбу тажрибали муаллима гапимнинг қоқ ўргасидан мени тўхтатди:

– Кечирасиз, деразани очишими керак, – деди ва у хонага тоза ҳаво киритишига шошилди.

Мен табассум қилдим: таниш манзара.

Фин ўқувчиларим мендан рухсат сўрамай ҳам тез-тез деразани очишар эди.

Баъзан “Жуда димиқиб кетдим” каби сўзлар кулогимга чалинар ва билардимки, ҳозир кимдир дераза томонга йўл олади. Мана, айни дамда ортга қарапканман, илгари тиш докторининг хонаси бўлган синф хонамизга 25 киши аранг сифишини ва нафас олиш қийин бўлганинин энди тушуняпман.

Финляндиялик ўқувчиларимга нисбатан ўзим шунчаки дим ҳавога бардошлироқ эдим, холос. АҚШдаги бир неча йиллик ўқитувчилик давримда ўқув хонасини шамоллатиш кераклиги хаёлимга ҳам келмаган экан. Аслида синф хонасида деразани очиб кўйиш арзимас ишдек туюлади, аммо фин ўқувчилари (ва ўқитувчилари ҳам, масалан, Минна) менга бу нарсанинг қанчалар муҳим эканини исботлашди.

Бинонинг ичи ва ташқарисида тоза ҳаво билан нафас олиш мия фаолияти учун фойдали эканини илмий тадқиқотлар ҳам тасдиқлаб турибди. Финляндияда эса бу мавзуда ким билан (болалар ҳам, катталар ҳам)

суҳбатлашган бўлсам, уларнинг бари, шубҳасиз, тоза ҳавода сайр қилишнинг фойдаси ҳақида гапиришарди. Бундай ёндашув кўплаб маҳаллий мактабларда қабул қилинганд меъёrlарда яна ҳам ёрқинроқ кўзга ташланади: агар ҳаво ҳарорати -15 дараҷадан юқори бўлса, бошланғич синф ўқувчилари ташқарига чиқишлари лозим.

Бу дегани, ҳавонинг ёмонлиги танаффус чоғида хонада ўтириш учун баҳона бўла олмайди. Хельсинкида дарс берган дастлабки йилимнинг кузидан деразадан ташқарига қараб, ёмғир остидаги ўйин майдончаси бўйлаб югуриб юрган ўнлаб болаларни кўрганим ва бундан ниҳоятда ҳайрон қолганим ҳамон эсимда. Фин қайнотам ҳам “ҳечқиси йўқ, эриб кетмаймиз, ахир биз қанд бўлаклари эмасмиз-ку”, дея ҳазиллашишни хуш кўради.

Минна ишлайдиган Kalevala ўрта мактабида ўқитувчи ва ўқувчилар деразаларни очиб ёпиш орқали синф хонасини табиий йўл билан тозалаб туришади.

– Финляндияда майдони, кенглиги ва баландлигини ҳисобга олган ҳолда у ёки бу хонада қанча болани жойлаштириш мумкинлиги ҳақида қатъий меъёrlар бор, – деди менга Минна. – Чунки болаларга нафас оладиган муҳит бўлиши керак.

Финларнинг тоза ҳавога бўлган муҳаббати биргина мактабларда кўзга ташланмайди. Хельсинкида ота-оналарнинг ёш гўдакларини, ҳарорат нолдан паст бўлган шароитда ҳам балконларда, болалар аравачаларида ухлаётган ҳолатда қолдирганларини кўрдим. Ҳайратимни яшиrolмай берган саволларимга улар болалар ташқарида яхши ухлашади, дея жавоб беришди (Финляндияга кўчиб келганимиздан сўнг биз

ҳам Йоҳанна билан бирга болаларимизда бу нарсаны синаб кўра бошладик. Аммо Америкада бундай қилишларини тасаввур ҳам қила олмайман).

Тоза ҳавонинг фойдаси ҳақидаги ҳамма гаплардан кейин ўйланиб қолдим. Эҳтимол, узоқ йиллар давомида яхши кайфиятга ва юқори натижаларга эришиш учун ёрдам берувчи оддий стратегияни шунчаки эътибордан четда қолдиргандирман? Буни Минна билан муҳокама қилмоқчи бўлдим ва у менга шундоққина ўқитувчилар хонасининг ўзида кичкинагина биология дарсини ўтиб берди.

– Нафас олган чоғимизда, – дея тушунтириди у, – кислородни ютамиз ва карбонат ангиридни чиқарамиз. Агар синф хонасидаги ҳавонинг карбонат ангирид гази билан тўйиниши ўта юқори бўлса, ҳеч қандай ўқиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, чунки мия шунчаки ишлашдан тўхтаб қолади!

Миннанинг бундай даъволари идора ходимлари иштирок этган тадқиқотларнинг натижалари билан ҳам қисман тасдиқланади. Йигирма чоғли малакали мутахассис навбати билан икки ҳафтадан икки бинода ишлашган. У ердаги ҳавонинг сифатини масофадан туриб, стандарт оғислар, “яшил оғислар” ва “ҳаво алмашиши яхшиланган яшил оғислар” режимларига ўтказган ҳолда бошқариб туриш имкони бўлган. Ҳар куни тушлиқдан сўнг барча эксперимент иштирокчиларнинг когнитив функциялари (англаш қобилияти) компьютерларда текшириб турилган. Маълум бўлишича, ҳаво сифати қанчалик юқори бўлса, натижалар ҳам шунчалик баланд бўлган.

Кимки “яшил оғис” шароитида ишлаган бўлса, у ўз вазифаларини стандарт оғисдагиларга қараганда

61% яхшироқ, “ҳаво алмашиши яхшиланган яшил офис” дагилардан эса 101% яхшироқ уddaлаган. Эксперимент фақат оффис биноларининг ички шароитлари яратилган жойларда ўтказилган эди. Аммо шундан сўнг тадқиқотчилар қуидаги қарорга келишган: “когнитив функция ва қарор қабул қилиш қобилиятининг ёмонлашуви меҳнат унумдорлиги, ўқув жараёнлари ва умумий хавфсизлик масалаларига сезиларли таъсир ўтказиши мумкин бўлган бошқа биноларда, яъни тураг жой бинолари, мактаблар ва самолёт салонлари кабиларда ҳам ушбу текширувни амалга ошириш зарур”.

Бу тажриба хусусида Миннага айтиб берганимда, у деярли ҳайрон қолмади ва:

– Умуман олганда шароитнинг кўп жиҳатлари ўқишига таъсир қиласди, – деб жавоб берди.

Қўлингиздаги китобимга материал тўплай туриб, атроф-муҳитнинг билим олиш самарадорлигига таъсир этувчи бошқа омилларини ҳам билиб олдим. Уларга хоналарнинг жиҳозланиши, ичкаридаги шовқин даражаси, ёритиш ва иситиш сифати кабилар киради.

2014 йили Policy Insights from the Behavioral and Brain Sciences журналида эълон қилинган илмий шарҳ муаллифларининг фикрича, “ўқув жараёни ва ўқувчиларнинг муваффақиятлари атрофдаги шарт-шароитлар билан чамбарчас боғлиқ эканини кўплаб илмий манбалар тасдиқламоқда”.

Айтайлик, ўқитувчи ўзи дарс бераётган мактабнинг жойлашуви каби масалаларга таъсир кўрсата олмаслиги мумкин. Аммо қайсиdir бир нарсаларни яхшилашга барибир қурбимиз етади. Қуида тадқиқотчиларнинг Sage Publications академик нашрининг пресс- релизида

эълон қилинган бир нечта фойдали тавсияларини келтириб ўтмоқчиман.

• Агар ўқувчилар табиий ёруғликда қўпроқ вақт ўтказадиган бўлишса, уларнинг натижалари сезиларли равишда яхшиланади. Шунни ёдда тутиб, синф хонасидаги сунъий ёруғликни бутунлай камайтиришга ҳаракат қилинг.

• Ўқув жараёни учун ҳавонинг энг қулай ҳарорати +20 дан +23 даражагачадир. Шунинг учун қиш вақтида хонани шамоллатишга ортиқча берилиб кетиш ярамайди: тоза ҳаво ҳам ўз меъёрида бўлгани яхши.

• Агар синфда анъанавий тарзда устувор аҳамият касб этмаган ижтимоий гуруҳларнинг илмий муваффақиятларини намойиш қилувчи обьектлар (масалан, олима аёлларнинг суратлари акс этган плакатлар) бўлса, бу ушбу гуруҳ вакилларининг натижаларини юқори кўтаришга ҳисса қўшиши мумкин.

• Синфларни жиҳозлашда қайсиdir бир этник озчиликнинг рамзларини атайлаб намойиш этиш (масалан, АҚШда ҳиндуларнинг туморлари), аксинча, ушбу гуруҳ вакилларининг ўзига бўлган баҳосини пасайтиради.

Юқорида қайд этилган тадқиқотларнинг натижаларини эътиборга олган ҳолда Вашингтон университети информатика ва машинасозлик факультетида аудиториялар (шу жумладан, лабораториялар ва компьютер синфларини ҳам) дизайнини ўзгартиришган.

Талабалар ҳам бунга ижобий фикрлар билдиришган. Улар ўқув жараёни анча ҳаммабоп ва муваффақиятга йўналтирилган хусусият касб этганини айтишган.

Болалар билан (мактаб ёшидан тортиб юқори синфларгача) ишловчи педагогларнинг барчаси

синфхоналаридаги шароитни ўзгартириб, шунга ўхшаш ижобий натижаларга эришишларига ишончим комил.

## ТАБИАТ ҚҮЙНИГА ЧИҚИНГ

Финляндиядаги уйимиз орқасида катта ҳовуз бор. Баҳор кунларининг бирида итим билан ўша ерда сайд қилиб юриб, тахминан тўртинчи синфлардаги бир нечта ўғил болаларнинг ўзлари мустақил балиқ овлаётганига кўзим туҳди. Об-ҳаво қанчалик қуёшли бўлиб боргани сайин ташқарида шунча кўп ота-онасининг кузатувисиз болалар пайдо бўла бошлади: улар велосипедларда сайд қилишар, ҳовузларда сузишар ва қармоқлари билан атрофда айланаб юришарди. Аммо уларни табиат қўйнига чиқишига илиқ ҳавогина илҳомлантиргмаган, балки шунга ўхшаш манзарани энг совуқ кунларда ҳам кузатиш мумкин эди.

Киши тонгларида кўпинча ўша ҳовуз атрофида югураман. Бир куни эллик нафарча биринчи ва иккинчи синф ўқувчилари устозлари бошчилигига ўша ҳовузнинг музлаб қолган юзасини чангиларда кесиб ўтишаётганини кўриб, роса ҳайрон қолганман. Бошқа сафар эса бир гурӯҳ ўсмирлар ўқитувчилари билан бирга ўша жойда муз остидан балиқ тутишаётганини кўрганман. Бундан ташқари, ҳовуздан унча узоқ бўлмаган тепалиқда кичик синфларнинг дарс вақтида ўқитувчилари назорати остида чана учайдиганига гувоҳ бўлганман (педагоглар бунга қарши бўлишмаган, балки кўзкулоқ бўлиб туришганди). Ана шу тепалиқдан икки юз метрча нарида болалар боғчаси жойлашган. Богча тарбиячилари билан ҳам суҳбатлашишга

мушарраф бўлдим ва улар менга табиат қўйнида тез-тез машғулотлар ўтказиб туришларини, жумладан, математика ҳамда табиий фанларнинг асосларини болаларга тушунтиришларини ҳикоя қилиб беришди.

Финляндияда болалар билан ўтказиладиган энг севимли тадбирлардан бири (ҳар ҳолда ўз ўқувчиларимдан шундай хулоса қилдим), бу мактаб лагери ҳисобланади. Бу тадбир доирасида бешинчи ва олтинчи синф ўқувчилари ўқитувчилари билан биргаликда бир неча кунни табиат қўйнида ўтказишади. Масалан, ўзим ҳам ўқувчиларим билан Хельсинкидан автобусда бир ярим соатлик масофада жойлашган спортчилар лагерида яшаганман ва у ерда вақтимизни жуда қизиқарли, аммо анча қийин жисмоний машғулотларга сарфлаганмиз. Ўтган йили Минна Райхя мактаб лагери доирасида ўзининг олтинчи синфларини бир неча марта экспедицияларга олиб борди. Кузатишларимга қараганда, фин ўқитувчилари болаларни бажонидил мактаб деворларидан ташқарига етаклайдилар.

Ричард Лоув “Ўрмондаги сўнгги болакай”<sup>6</sup> китобида ушбу шимол миллати вакилларининг ўз болаларини табиий шароитларда ўқитишиларига қойил қолади. У Финляндияда “табиат қўйнида ўқитиши рағбатлантирилиши ва кўплаб машғулотлар синфдан очиқ ҳавога олиб чиқилганини қайд этади”. Лоув “табиат билан мулоқотнинг етишмаслиги синдроми”, деган атамани фанга олиб киргани билан машҳур. У ўз китобида виртуал табиатни эмас, балки замонавий болалар ва ҳақиқий дунё ўртасида юзага келган жимжимадор бўшлиқни енгиб ўтишга даъват қиласди.

---

6 Лоув Р. Последний ребенок в лесу. – М.: Добрая книга, 2007.

Лоув фин педагогларидан намуна олиб, улардан табиий шароитларда ўқитиш методларини ўрганишни тавсия қилади.

Аввал бошида китобимга “Табиат қўйнига чиқинг” номли стратегияни қўшмоқчи эмасдим, чунки у менга ўта ўзига хос ва фақат Финляндияга мос келадиганга ўхшаб кўринганди. Ушбу шимол мамлакатида табиатдан лаззатланиш ва уни ўрганиш нисбатан осон кечади. Маҳаллий манзараларнинг суратларига қаранг, улар тўлиқ ўрмонлар ва кўллардан ташкил топган. Шунда савол туғилганди: бутун дунёдаги ўқитувчилар, айниқса, шаҳар шароитида ишлаётганлар ушбу стратегиядан фойдалана олишармикин? Аммо кейинчалик барча шубҳаларимдан халос бўлдим, ахир табиат билан алоқа қилиш ҳар бир инсон учун ҳаётий зарурат ҳисобланади-ку. Бир сафар Хельсинкидаги ўрмонли болалар боғчасини бориб кўрдим. У ерда тўрт-беш яшар болалар гуруҳи ҳар куни тўрт соатча вақтини тоза ҳавода ўтказаркан.

Сўнгра Лоувга электрон почта орқали хат ёздим ва бундай метод ҳақида мутахассислар қандай фикрда эканини айтиб беришини илтимос қилдим. У тарбияга нисбатан бундай ёндашувнинг кўплаб афзалликлари борлигини маълум қилди.

Лоувнинг жавобига кўра, ушбу тадқиқотлар боланинг мунтазам равишда табиат қўйнида вақт ўтказиши, унда ўзига бўлган ишончнинг ортиши, эътибор етишмаслиги ва гиперфаоллик синдромининг пасайишига ёрдам бериши ҳақидаги жиддий тахминларга асос бўлади. У боланинг асаб тизимини мустаҳкамлаб, дикқатини янада яхшироқ жамлашига ҳисса қўшади. Шунингдек, табиат қўйнидаги

ўйинлар синфдошларга нисбатан бағритошлиқ билан муносабатда бўлиш ҳолатларини камайтириши ҳақида ҳам илмий далиллар мавжуд. Бундан ташқари, ортиқча вазн ва танада ёғ тўпланишига тўсқинлик қиласди. Бу эса руҳий ва жисмоний соғломликни таъминлаш бўйича бир қатор афзаликларга эга.

Лоувнинг қўшимча қилишича, анча йиллардан буён боладаги когнитив функцияниң яхшиланиши табиий шароитларда таълим олиш билан боғлиқ дея баҳолаб келинади. У қуйидаги мисолни келтиради: яқиндагина Массачусетсдаги бошланғич мактабларнинг 900 нафар ўқувчиси иштирок этган ва 6 йил давом этган тадқиқот якунига етган. Олимларнинг аниқлашича, мактабнинг кўкаламзорлашгани ва болалар кўрсатаётган натижалар ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд (ушбу штатда кўпчилик ўқувчилар инглиз тили ва математикадан давлат тест синовларини топширишган).

Лоувнинг фикрича, ўрмон боғчалари сингари муассасалар барча муаммоларга ечим бўла олмайди, аммо “вазиятни назорат қила олмасликлари оқибатида стрессни бошдан кечиравчи болакайлар учун” бундай ўкув масканлари ниҳоятда фойдали бўлиши мумкин. Лоувнинг “Ўрмондаги сўнгти болакай” китобида табиат қўйнида ўқитиш ғояси, умуман олганда, янги эмас, бунга аллақачон 100 йилдан ошган дейилади. Жон Дьюи 1899 йили ёзган “Мактаб ва жамият” (The School and Society) номли асарида ҳам ушбу ёндашувни ёқлаб чиқсан. “Мактаб чегарасидан ташқарида олинган таассуротлар, – дея ёзган эди у, – ўзининг географик, адабий-бадиий, илмий ва тарихий хусусиятларига эга. Барча тадқиқотлар заминдан бошланади, зоро ҳаётнинг ўзи унда истиқомат қиласди”. Лоув заковатнинг турли

хиллари ҳақидағи назарияни таклиф этәётган Ҳарвард университети ўқитувчиси ва тадқиқотчи Говард Гарднер ҳам ўзининг рўйхатига янги бир турни, яъни “натуралистик заковат”ни (табиатни идрок этишни) қўшиб қўйган деб ҳисоблайди.

Кўпгина ўқитувчилар, айниқса, шаҳар мактабларида ишловчилар ўқувчилари билан чанғида сайд қилиш ёки муз остидаги балиқ овига бора олмаслиги мумкин. Хўш, у ҳолда улар нимадан бошлари керак? Қулай бўлиши учун болаларнинг ёввойи табиат билан алоқа қилишида уларни жалб этишнинг (нисбатан) пастдан юқорига қараб бир нечта даражасини таклиф этмоқчиман.

Биринчи даража – табиатни синфга олиб келиш. Бу ерда уни ўқув режасига мослаштириш учун деярли чексиз имкониятлар очилади. Масалан, АҚШдаги бошлангич мактабда дарс берган йилларим ўтаётган мавзуумиздан келиб чиқиб картошқа ўстирганмиз, қурбақа болаларининг туғилишини кузатганмиз ва ёнимиздан ҳовузнинг сувини микроскоп остида ўргангандиз.

Иккинчи даражада сиз дарсингизни тўлиқ ёки қисман ўтиш учун ташқарига чиқасиз. Бу билан тўлақонли экскурсия ўтказишингиз шарт эмас. Баҳслашмайман, тоғга чиқиш ёки ботаника боғига бориш – ажойиб иш, аммо ўқитувчи буни батафсил режалаштириши керак. Кўп вақт сарфламасдан ва олдиндан режалаштирмасдан туриб, мактаб ҳовлисидан табиий муҳит сифатида фойдаланиш ўқувчиларни табиат билан доимий алоқа қилишга ундашнинг энг мақбул усуllibаридан биридир.

Масалан, Массачусетсдаги бошланғич мактабда ишлаган кезларим болалар билан биргалашиб кузатув кундаликларини юритар, мактаб ҳовлисідан топилған турли хил табиат жисмлари (тошлар, қарағай ғуддалари, құш патлари)ни ўрганаңдардик; мактаб ҳудуди атрофидаги флора ва фаунани рақамли камера ёрдамида суратга олиб, расмларни интернетдаги жамоавий саҳифамизга жойлардик; балиқчаларимиз яшайдиган аквариумга турли тошлар ва барглар терардик. Мактабингизнинг шундоққина яқинида яна қандай табиий ҳудудлар жойлашгани ҳақида яхшилаб ўйлаб кўришингизни тавсия қиласман.

Бостон атрофидаги мен ишлаган бошланғич мактабдан бир чақирим нарида сунъий кўл бор эди ва ўқувчилар билан кўл қирғоғидаги ўсимликларнинг ўсишини кузатар, атрофини суратга олар, сўнгра уларнинг электрон маълумотномасини тузардик. Шу билан бирга, кўлнинг суви, сув ўсимликлари, чиганоқларини ҳам ўрганиб, у ерга елим ўрдакчалар ташлаб қўярдик.

Учинчи даража маҳсус лойиҳалар ёрдамида мактаб ҳудудини кўкаламзорлаштиришни назарда тутади. Лоувнинг ёзишича, “бу ишни капалаклар учун боғча яратиш, қушлар учун донлаш ва чўмилиш жойларини ясащдан бошлиш мумкин. Каттароқ лойиҳаларга ўтиладиган бўлса, сунъий кўлларни режалаштириш, табиат қўйнидаги маршрутларни шакллантириш ёки ирмоқ ва дарёчаларни қайта тиклаш мумкин”.

Кўп йиллар аввал Массачусетс штатидаги шаҳар мактабида ишлаган эдим. Ўша ерда иккинчи синф муаллимаси болалар билан бирга ўқув муассасаси ҳудудида катта бир сабзавотлар боғини яратганди.

Бу тадбир ўзига, ўқувчиларига ҳақли равища да фахрланадиган хурсандчилик манбаига айланган. Башқа бир мактабда ҳамкасабам синф деразаси ташқарисида қушлар учун донлаш жойини қурдирған ва ўқувчилар бутун ўқув йили давомида қушларнинг турларини аниқлаб, ҳеч бир муаммосиз уларни кузатардилар. Ўқувчилар ушбу қанотли мавжудотларни зўр иштиёқ билан ўрганишар эди.

Ўқитувчи олдига табиий шароитдаги таълимнинг бор фойдасига бирдан эришиш вазифасини қўймаслиги лозим. Биз ўқувчиларимиз ва табиат олами ўртасида алоқаларни ўрнатишдан қувонган ҳолда кичик қадамлар билан ҳам одимлашимиз мумкин.

## **ХОТИРЖАМ ВАЗИЯТНИ САҚЛАБ ҚОЛИНГ**

Финляндия шарқидаги Наарапіемі мактабига ишга ўтганимда унинг директори Юсси Куккола дарс пайтида менга бир-иккита синфларни кўрсатиш учун кичик бир экскурсия уюштирган эди.

Ҳамма жойда хотиржамлик муҳити хукмрон эди: ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам ҳаддан ташқари бехавотир ва ҳеч қаерга шошилмаётганга ўхшарди, уларнинг оёқларида пойабзали йўқлиги чандон диққатимни тортарди (финлар анъанага риоя этиб, уйда ва мактабда оёқ кийимларини ечиб қўядилар). Директор менга 2016 йил кузидан бошлаб, умумдавлат ўқув режасига мувофиқ ўқувчиларнинг хавфсиэлиги биринчи ўринга чиқиб, мактабда янги қоида жорий этилишини маълум қилди.

– Янги қоидаларнинг мазмунин қандай? – қизиқиб сўрадим.

– Тўлиқ хотиржамлик мухитини яратиш, – тушунтириди Куккола.

Бундан лол қолдим. Мана бу фин мактаби. Шусиз ҳам бу ерда ўқитувчилар ва ўқувчилар учун осойишта мухитни яратиш бўйича қанча муваффақиятларга эришилган, лекин бу нарса яна аввалгидай устувор бўлиб қолишига директорнинг ишончи комил.

Америкада мен астойдил ишлашни, янги ўқув лойиҳаларини жорий қилишни ёки янада юқори натижаларга эришишни хоҳлаётган мактаблар ҳақида кўп эшитганман. Аммо хотиржамликни ўта мухим деб ҳисоблаш нимаси?! Бу мен учун аллақандай бошқача янгилик эди.

Финляндиядаги бошқа мактабларни бориб кўрар эканман, ҳамма ёқда шунга ўхшаш тинч мухитни кузатдим ва мен бу нарса эътиборини тортган ягона инсон эмасдим. Хельсинкидаги мактабимизни кўришга хориждан тез-тез меҳмонлар келиб туришади. Бу борада уларнинг чин эътирофларини кўп эшитганман: Финляндияда ўқув жараёнлари ниҳоятда хотиржам ўтади, ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам, стрессни бошдан кечираётганга ўхшамайди.

Менинча, айнан шу ўқувчиларнинг материалларни яхши ўзлаштириши ва PISA тестлари сингари синовларда ажойиб натижаларни намойиш этишига асосий сабаб бўлса керак. Таълим бўйича Финляндия миллий кенгашининг сўнгги кўрсатмасида қўйидагилар айтиб ўтилган: “Муваффақиятли таълимга хайриҳоҳлик мухити, шунингдек, хотиржам ва тинчликсевар кайфият ёрдам бериши лозим”.

Финларнинг хотиржамликка бўлган бу ҳурмати уларнинг тилида ҳам ифодасини топган. Рождество

тинчлиги («joulurgauha»)<sup>7</sup> атамасига муқобил тарзда ҳаётдаги хотиржамлик, осойишталиқ, можаро ва ҳовлиқишининг йўқлиги каби ҳолатларни ифодалаш учун ушбу шимол ҳалқининг тилида бир қатор сўзлар мавжуд, масалан, “saunaraauha” (“ҳаммомдаги тинчлик”, ёки “саунадаги осойишталиқ”), “giokagauha” (“тановул осойишталиғи”, ёки “овқатланиш чоғидаги хотиржамлик”). Яна Финляндияда Мустақиллик куни ҳам ўта ибратли тарзда нишонланади. 4 июлда гумбурлаган мушакбозликни кўргани чиққан одамлар тўдаси билан тўлган АҚШдан фарқли ўлароқ, финлар ўз байрамини уйда шамлар ёқиб, ҳалок бўлган аскарларни хотирлаб, осойишталиқда нишонлашади.

Хозирги пайтда Америка мактабларида ўқитувчи камроқ гапириши, болалар эса жараёнга имкон қадар фаолроқ жалб этилишига ҳаракат қилинаётганини пайқадим. Масалан, “Юзма-юз” номли энг кенг тарқалган метод қоидаларига кўра ўқувчилар ўртоқлари билан юзма-юз сухбат қуришади ва фикрларини бир-бирига овоз чиқариб гапириб беришади. Эҳтимол, биз ана шундай анъаналар боис ўта муҳим омил ҳисобланган хотиржамликни унугиб қўяётгандирмиз. Аммо нимагадир хотиржам шароитда бажарилган мустақил иш фаол иштирок ҳисобланмайди. Менимча, бу масалада финлар оқилона ёндашадилар. Мамлакатда болалар топшириқни хотиржам ўтириб, мустақил бажаришлари учун ҳар доим етарлича узоқ вақт

<sup>7</sup> Бу ерда ўрта асрларда Швеция (Финляндия унинг бир қисми бўлган), Дания, Норвегия ва Германияда оддий ҳалқ Рождество байрамини хотиржам нишонлаши учун 24 декабрда қиролнинг маҳсус буйруғи билан ҳар қандай уруш ҳаракатлари тўхтатилган ва 20 кунга Рождество тинчлиги эълон қилинган. Бугун ҳам, мазкур анъанага ҳурмат бажо келтирилган ҳолда фин шаҳарларининг майдонларида ушбу буйруқнинг матни ўқиб эшилтирилади.

берилади. ҳолда фин шаҳарларининг майдонларида ушбу буйруқнинг матни ўқиб эшилтирилади.

Яқинда ушбу амалиётнинг муҳимлигини тасдиқ-ловчи бир тадқиқот натижаларини ўқиб чиқдим. Бир неча ўн йиллар Орегона университети олимлари бола яшаётган уйдаги шовқин даражаси ва боланинг иккита ўхшаш сўзни ажрата олиш ҳамда ўқиш қобилиятлари ўртасидаги ўзаро bogliqlik борлигини аниқлашган. Ўтказилган тажриба агар хонадонда шовқин даражаси қанча юқори бўлса, у ҳолда натижалар шунчалик ёмон бўлишини кўрсатиб берган. Кейинроқ Висконсин университети тадқиқотчилари мактабда ҳам худди шунга ўхшаш ҳолат юз беришини аниқлашди: атрофда шовқинли муҳит бўлса, бошланғич синф ўқувчилари янги сўзларни қийинчилик билан ёдда сақлаб қолишар экан. Atlantic журнали шарҳловчиси Ольга Хазан “Шовқинли муҳит ўқишига қандай халал беради?” (How Noise Pollution Impairs Learning?) номли мақоласида 106 нафар мактабгача ёшдаги болалар қатнашган тадқиқот натижасини ишончли тарзда тасвирлаб берган: “Атрофи шовқинли муҳитда икки ёшли болалар гуруҳига иккита янги сўз ўргатилган. Шовқин даражаси ўқитувчининг товушидан аввалига 10, кейин эса 5 децибелга пастроқ бўлган. Токи шовқин баландламагунча болалар сўзларини муваффақият билан ўзлаштириб олишган, аммо у кучайгани сари улар вазифани уddeлай олишмаган”.

Хазаннинг қайд этишича, хийла каттароқ ёшдаги болакайлар иштирок этган иккинчи тест ҳам айнан шундай натижа берган. Учинчи тест эса агар кичик ёшли болалар янги сўзларни ilk бор тинч вазиятда

эшитишган бўлса, кейинчалик уларнинг талқинини ҳатто баланд шовқин остида тушунтирсангиз ҳам эслаб қолишар экан.

Шовқиннинг ўкув жараёнида қандай акс этишини (айниқса каттариқ ёшдаги ўқувчилар учун) аниқлаш борасида ҳали кўплаб тадқиқотлар зарур бўлса-да, айни кундаги мавжуд натижалар синфдаги шовқинли фон билимларни ўзлаштиришга таъсир этишини кўрсатмоқда. Бу ҳолат мен учун ўқитувчи сифатида ўз синф хонамни имкон даражасида тинчроқ жойга айлантиришга ундаиди. Ушбу бўлимда ҳикоя қилган стратегия шовқинли фон (муҳит) ва стрессни истисно қилиш орқали ўқувчиларнинг яхши кайфиятига ҳисса кўшишга, ўқиш учун хотиржам шароит яратиб беришга йўналтирилган. Куйида ушбу мақсадларга эришиш йўлида ёрдам берувчи бир нечта тавсиялар келтириб ўтилган.

## ТАЯНЧ ЖАДВАЛИНИ ТУЗИНГ

Бу ишни ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорликда тузилган қоидаларидан бошлаган маъқул. Биз уларни Америкада ҳам, Финляндияда ҳам, болалар билан бирга алоҳида методикага таянган ҳолда ўйлаб топганмиз. Ҳаммаси жуда осон: ўкув йилининг биринчи ёки иккинчи ҳафтасида болалардан бир-бирларига нисбатан ўзини қандай тутиш ҳақидаги ғояларини айтишларини илтимос қиласман, кейинроқ уларга тузилган рўйхатни (одатда, бу анча узун бўлади) қисқартиришга ёрдам бераман ва уларнинг ичидан бир нечта энг муҳим кўрсатмаларни сақлаб қоламан.

Бизнинг қоидалар инкор қилиб бўлмайдиган учта асосий ғоя атрофида тўпланади: ўзини, бошқаларни

ва атроф-муҳитни ҳурмат қилиш. Шу билан бирга, қайси ёшда бўлишидан қатъий назар, таянч жадвали деб номланувчи қоидаларни биргалашиб яратиш фойда бераётганини кўп бора кузатганман. Чунки бу туфайли қоидалар анча тушунарлироқ чиқади. Бунда жадвалнинг мақсади – болалардан кутилаётган хулқатворни ўта аниқ ва тушунарли қилиб тасвирлаб бериш ҳамда у ёки бу мақсадга эришиш учун зарур бўлган ҳар бир ҳаракатларни аниқ санаб ўтишдан иборат. Масалан, бир-бирини ва ўқитувчини диққат, дўстона ҳурмат билан эшита олиши синфдаги тинч муҳитни ушлаб туриш бўйича амалга ошириладиган стратегиянинг таркибий қисми ҳисобланади.

Бундай таянч жадвалини ўқувчилар билан биргаликда тузишингиз учун сизга бир варақ қоғоз ва фломастер керак бўлади. Бутун жараён 10-15 дақиқача вактни олади. Жадвалнинг кўриниши ҳам оддий: юқорида мақсад кўрсатилади, пастда муҳокамани керакли оқимга томон бошқариш учун бир нечта саволлар санаб ўтилади. Ўқитувчи иш жараёнида ўқувчилар томонидан айтилаётган ғояларни ёзиб боради. Бу вазиятда мақсад – ўқув жараёни учун зарур саналган хотиржам шароитнинг қандай бўлишини болаларнинг ўзлари аниқлаб олишларига эришишdir. Натижада шундай таянч жадвали юзага келадики, унга йил бўйи мурожаат қилиш мумкин. Мана бир мисол.

## ШОВҚИН ЎЛЧАГИЧ ЯСАНГ

Синф хонасидаги тинч вазият бўйича кутилаётган умумий натижани (қоидалар ва таянч жадвали ёрдамида) аниқлаш ўта муҳим вазифа. Аммо гап

атрофдаги шовқинли мұхит ҳақида кетадиган бўлса, уни ўлчаш учун доимий мезон воситаси керак бўлади. Шунинг учун “шовқин ўлчагич” ясашингизни тавсия қиласман ва у доска олдида, кўзга ташланадиган жойда тургани маъқул. Ўқитувчи ва ўқувчи доимий тарзда ушбу асбоб кўрсатаётган маълумотларга қараб вазиятни баҳолаб турсин. Фикримча, бу ишни ўқувчиларнинг ўзига топширганингиз яхши. Бундай вазиятда болалар ўзини ўзи назорат қилишни ҳам ўрганади.

## МУВОЗАНАТНИ ТОПИНГ

Финляндиядаги дарсларда кўп кузатганим, ўқувчи мустақил иши устида bemalol ишлайдиган сукунат мұхити ўзимга ҳам маъқул бўлса-да, жамоавий баҳслар ва мунтазам мулоқотга бўлган эҳтиёжни ҳам назардан четда қолдирмаслик лозим. Ана шундай вазиятда қандай қилиб мувозанат нуқтасини топиш мумкинлигини ўйлаб кўринг. Масалан, болаларнинг аксари ўз партасида мустақил ишласин, аммо қайсиdir ғояни мұхокама қилмоқчи бўлган, ўз саволига жавоб олгиси келган ёки ўртоқларини ҳамкорликка чорлашни истаётган бошқа ўқувчилар бундай вазиятда ҳеч кимга халақит қилмаслик учун хонанинг улар учун ажратилган алоҳида бурчагига ўтишсин.

\* \* \*

Бугунги кунда дунёдаги барча мактабларда долзарб аҳамият касб этаётган анъаналардан бири – бу онглилик. Тан олишим керак, биринчи марта эшилганимда, бунга шубҳа билан қараганман (Ростини айтсам, бошида бу

менга ғирт сафсатага ўхшаб кўринган).

Аммо ўқув вақтидан оз-моз сарфлаш талаб этиладиган ушбу методнинг афзаллик томонлари ҳақида қанчалик кўп ўқиганим сари, шунчалик уни ўз синфимда жорий этишни истаб қолдим. Тадқиқотчи Аманда Морено хонимнинг маълумотларига қараганда, онглилик машқлари болаларга нафақат дарсларда диққатни жамлашга, яна улар шовқин қилишса ва дарслардан чалғий бошласа, тезроқ тинчланишга ҳам имкон беради, шунингдек, бир вазифадан бошқасига осон ўтилади. Бошланғич синф ўқувчилари мунтазам равишда онглилик техникасини амалда қўллашларини кузатиш учун маҳсус эксперимент ҳам ўтказилган. Олимлар томонидан қуидаги ўзгаришлар қайд этилган:

- а) болалар стрессни яхшироқ енгишган, уларда ҳаётга муҳаббат ортиб, когнитив (онгли) назорат ўнгланган;
- б) хайриҳоҳлик ва жисмларга кенг маънода қарашибилияти ортиб, ўз-ўзига баҳо бериш даражаси ва ҳиссиётини назорат қилиш кўнкимаси яхшиланган;
- в) ўқувчилар депрессия белгиларидан камдан-кам ҳолларда нолий бошлишган ва синфдошларига нисбатан агрессивлик ҳам камайган;
- г) болалар жамоат манфаатлари ҳақида кўпроқ ўйлайдиган бўлишган;
- д) бундай болаларнинг социометрик (ижтимоий ўлчамдаги) мақоми ортган (ўртоқлари орасида анча обрў орттиришган).

“Онглилик” атамасини биолог Жон Кабат-Зинн 1970 йиллари фанга олиб кирган. Лорен Кассани Дэвиснинг *Atlantic* журналида ёзишича, ушбу атама “ақлнинг

ҳолатини, яъни мақсадга йўналтирилган диққат”нинг айни бир дақиқага қаратилган ҳолатини англатади. Киши ушбу дақиқага нисбатан холис муносабатда бўлади. Аммо онглилик бу дунёвий фалсафа ва усул бўлиб, у буддавий медитация анъаналари асосида ишлаб чиқилган ва бир неча минг йиллик тарихга эга...”.

Синфда онглиликка оид турли машқларни кўллаш мумкин, улар бор-йўғи бир неча дақиқа, ҳатто, бир неча сония ҳам давом этади. Нью-Йорқда инглиз тили ва адабиётдан дарс берадиган Аргос Гонселос ҳар бир машғулотида бундай машқларни бажариш учун алоҳида беш дақиқа ажратади. Бу вақтда унинг ўқувчилари ҳис-туйгуларини англаб етишлари ёки маълум бир ритмда нафас олишлари мумкин.

Патриция Женнингс “Ўқитувчилар учун онглилик” (Mindfulness for Teachers) номли китобида турли ёшдаги ўқувчиларга тўғри келадиган бир нечта усуllibар ҳақида ёзади. Улар “инсонни ўз-ўзига қулоқ солишига ёрдам беради, когнитив, эмоционал ва ахлоқий жиҳатлардан ўзини бошқара олишга ҳисса кўшиб, стресс даражасини пасайтиради”.

\* \* \*

Женнингснинг сўзларига кўра, онглиликни ривожлантиришга ёрдам берувчи энг кенг тарқалган амалиётлардан бири бу – “онгли эшитиш”дир. Буни бажариш учун сизга энг оддий ёки хитой қўнгироқчасининг ўзи етарли бўлади. Ушбу машқ айниқса ўтиш даврлари учун фойдали, масалан, ўқувчилар тушликдан қайтгач ёки машғулотларни тугатишдан олдин бажарса бўлади. Китоб муаллифи

ўқитувчининг болаларга айтиши учун тахминан қуидагиларни тавсия қиласи: “Ҳозир биз онгли эшишиш бўйича машқ бажарамиз ва у бизга ўзимизни бўш қўйишимизга, дикқатимизни жамлашга ёрдам беради. Келинг, ҳаммамиз тўғрига қараб ўтирамиз ва қўлларимизни тиззаларимиз (ёки парталар) устига қўямиз.

Бир неча дақиқадан кейин мен қўнгироқчани чаламан ва то овози тингунича ҳаммамиз қулоқ солиб турамиз. Масалан, мен қўзларимни юмсан яхшироқ эшитиляпти, лекин кимгадир бу нокулай бўлса, шунчаки пастга қараб, қўлларингизга термилиб ўтиринг”.

Ҳамма тайёрланиб бўлгач, ўқитувчи қўнгироқчани чала бошлайди ва овоз тиниши билан дарсни бошлаш мумкин бўлади.

Яна бир самарали машқ – “онгли пиёда юриш”. Буни юриш учун майдон бор жойда қўрсатинг. Масалан, спорт зали жуда мос келади. Женningс ўқитувчига қуидагиларни тавсия этади:

“Болаларга айтинг: ‘Бугун қандай юришимизга эътибор беришни ўрганамиз. Ҳозир мен сизларга буни қандай бажаришни кўрсатиб бераман’. Оҳиста қадамлар билан уларнинг олдидан ўтинг, бутун дикқатингиз ҳаракатга қаратилган бўлсин ва оғирлигингиз қандай қилиб товонингиздан оёғингиз кафтига, ундан кейин оёқ учига кўчиб ўтаётганини тасвирлаб беринг.

Болалардан сизга қараб сафланишларини илтимос қилинг ва айланга бўйлаб секин юришни бошланг. Бир неча дақиқадан сўнг тўхтанг ва ўқувчилардан нимани ҳис қилаётганини сўранг. Эҳтимол, улар секин юриш

унчалик ҳам осон эмаслигини тушуниб етишлари мүмкин”.

Онглилик билан ўзаро бөглиқ бўлган ушбу одатлар ўзлаштириб бўлингач, Женнингс “уларни кун тартибингизга киритишингизни ва барча иштирокчилар тинчланиши учун кун давомида мунтазам равишда бу машқларга вақт ажратишингиз керак” лигини маслаҳат беради.

## **II БОБ**

### **ДАХЛДОРЛИК**

Олимларнинг фикрича, баҳтнинг асосий таркибий қисмларидан бири – бу дахлдорлик туйғусидир. Унга эришиш учун ўқитувчи синфда ҳар хил стратегияларни қўллаши мумкин.

### **ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИ ЖАМОАДАН ФОЙДАЛАНИНГ**

Бошидаёқ аниқлик киритай, дахлдорлик ҳақида гап кетганда мен нафақат ўқувчиларни назарда тутяпман, балки мактаб доирасида ва ундан ташқаридаги катта ёшлиларни ҳам эътиборга олиш лозим. Ўқитувчи уларнинг барчаси билан алоқа ўрнатиши лозим. Муаллим ва ўқувчи ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга ёрдам берувчи стратегияларга ўтишдан олдин сиз ёрдамига таянувчи катта ёшлилар уюшмасининг роли қанчалар аҳамиятли эканини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Буни мен АҚШда ўтказган йилим, яъни касбимдан кўнглим совишига озгина қолган маҳалда тажрибамдан яхши англағанман. Педагогик фаолиятим бошида яхши ўқитувчига айланиш учун эртадан кечгача ҳарақат қилас, бу эса атрофдагилар – ҳамкасблар, дўстларим ва ҳатто оилас билан бўлган алоқаларимни заифлаштириб қўйганди. Оддийроқ айтганда, одамлар билан бўладиган муносабат мен учун устувор аҳамиятга эга эмасди. Мен

уларни ушлаб туришга уринмадим, натижада касбим сабаб яккаланиб қолищ түйғуси пайдо бўлди.

Ўша ачинарли ва иложсиз таътилдан сўнг ўзимни ҳадеб четга тортавериб, қанчадан-қанча нарсани бой берганимни тушуниб етдим. Инсонлар билан муносабатларимга кўпроқ эътибор қаратишм билан қалбимга яна дахлдорлик түйғуси қайта бошлаганини пайқадим.

Фин мактабига келганимда мен таниган-билган кўплаб Америка ўқув муассасаларидан фарқли равища бу ердаги ўқитувчилар ҳамкаслари билан бўладиган мулоқотларга жуда катта аҳамият беришларини дарҳол пайқадим. Эҳтимол, бу қисман дарс жадвалига ҳам боғлиқdir, чунки бу мамлакатда иш куни қисқароқ, танаффуслар эса анча кўп, фин педагогларининг бўш вақти ҳам сероб. Аммо бунда кўп нарса муносабатларга ҳам боялик, ахир Финляндияда ўқитувчиликка бошқалар билан доимий ҳамкорликни назарда тутувчи жараён сифатида қаралади (бу ҳақда 5 бобда батафсилроқ ҳикоя қилинади).

Америкалик педагоглар вақтларининг асосий қисмини ўқувчилар билан ўтказиб, ҳамкаслари билан кам мулоқот қилгандари учун одатда ўзларини ёлғиз деб ҳисоблашади. Аммо фин мактабларининг кўпида мутлақо бўлак манзарани кузатиш мумкин. Бу мамлакатда педагоглар илгор тажриба алмашишга, муаммоларни биргаликда ҳал қилишга ва шунчаки оддий дўстона муносабатларга кўп вақт ажратишларини амалда кўриб, ишонч ҳосил қилдим.

Агар ҳар куни мактабдан сўнг қайта куч тўплашни мақсад қилиб, дахлдорлик ҳисси таълим сифатига ижобий таъсир этишини ва бизни янада баҳтилироқ

қилишини тан олсангиз, у ҳолда бўш вақтингизнинг бир қисмини мунтазам равишда бошқа ёши катта инсонлар билан ўтказганингиз маъқул. Шу қоидани тушуниб етгач, доимий тарзда ҳамкасларим билан тушлик қилишни (авваллари тушлик пайти дарсга тайёрланиш учун синфхонамда қаққайиб ўтирадим), танишларим билан телефонда янгиликларни муҳокама қилишни, кечкурунлари болаларни ухлатгач, аёлим билан бирга чой ичиб ўтиришни одатта айлантира бошлаганман.

Бундан ташқари, ўқитувчиларга анчайин самарали методни, яъни “ўқувчиларни қўллаб-куватловчи жамоа” билан мунтазам равишда учрашиб туришни тавсия қиласман. Бу Финляндия бўйлаб барча жойларда, шу жумладан, Хельсинкидаги мактабимиизда ҳам қўлланади. Маҳаллий таълим тизимининг яна бир ўзига хослиги ҳам шунда. Ўқитувчилар зарурат туғилишига қараб мактабда (директор, ҳамшира, ижтимоий соҳа вакили, психолог, дефектолог лавозимларида) ишлайдиган бошқа соҳа профессионаллари билан бирга йиғилиб, болаларнинг индивидуал эҳтиёжларини муҳокама қилишади. Ана шундай жамоа билан бўладиган учрашувдан бир кун олдин фин ҳамкасларим ушбу ажойиб методнинг ижобий самараси ҳақида ҳикоя қилиб берди ва шу кундан бошлаб, болаларнинг баҳти учун ёлғиз ўзим жавоб бермаслигимни ҳис қила олишимга ишонтириди.

Учрашувдан олдин ўқувчиларимнинг ўзлаштириши ва ижтимоий эҳтиёжлари ҳақидаги саволлардан иборат қисқа сўрвномани тўлдирдим. Ҳамкасларим жимгина жавобларимни ўрганишар экан, мактаб

директори мендан сўради: “Хўш, синфингизда аҳвол қандай?”

Директор хоним авваллари ҳам менга бу оддий саволни берар, аммо бу сафар у алоҳида аҳамиятга эгадек бўлиб туюлди. Ўқувйили энди гина бошланганди (воқеа октябрь ойида бўлган), лекин мен ўзимни аллақачон мактабда ишлайдиган бошқа турли касб эгалари даврасида турганимни англадим. Уларнинг ҳаммаси мени тинглашга ва маслаҳатлари билан ёрдам беришга тайёр эдилар. Учрашув якунида ҳаммамиз аниқ ҳаракатлар режасини ишлаб чиқдик. Ҳамкасабам мени алдамаган экан: энди ёлғиз эмаслигимни сездим ва дахлдорлик туйғуси билан уйга кетдим.

Ўша куни электрон почтамни очсам, бошқа синф ўқитувчисининг хатини кўрдим. Унда менинг бир неча ўқувчим иштироқида юз берган нохуш ҳодиса ҳақида ёзилган эди. Тўгри, бу кўнгилсиз ҳолат, бироқ мен энди бундай вазиятларда нима қилиш кераклигини яхши билардим. Эртаси куни ижтимоий соҳа вакилининг хонасига бордим ва ундан маслаҳат сўрадим. Ўқувчиларга жавобгарлик масъулияти борасида ҳамкаслардан қўпроқ маслаҳат сўраш кераклигига ишонавердим.

Хельсинкидаги синфимга ана шундай нуқтаи назар билан қарай бошладим (яъни, энди бу нафақат менинг синфим, балки бизнинг синфимиз эди) ва бу менга жуда кўп ёрдам берди. Тахминимча, қўплаб американлик ўқитувчилар учун ёлғизликни ҳис қилиш бу бошқа мутахассислар билан яқинроқ алоқа ўрнатиш кераклигининг бир белгиси ҳисобланади. Фин мактабларида “ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш гуруҳи” мунтазам равищда тўпланиб туради. Фикримча,

америкалик педагоглар ҳам ушбу тажрибани қўллашса фойдали бўлар эди.

АҚШдаги ўқитувчилар ҳеч бир қийинчиликсиз унча катта бўлмаган пухта профессионаллар гурухини тўплашлари ва уларни ўқувчиларнинг ўқишидаги, ижтимоий ва руҳий (маънавий) ҳаётдаги эҳтиёжларини муҳокама қилиш учун бир йилда икки-уч марта қисқагина учрашувларга таклиф этишлари мумкин. Бошқача айтганда, мунтазам равишда ўзига хос диспансеризация ўтказиб туриш лозим. Ўқув иилининг бошида синфдаги вазиятга нисбатан ташқаридан берилган холис назар ўта фойдали бўлишини амалиётда синадим.

Балкисизмактабташқарисидан ҳам профессионаллар гурухини таклиф қилишни истаб қоларсиз: ўйлашимча, бу яхши натижа беради. Аммо бундай вазиятда болаларни аноним тарзда, яъни исмларини яширган ҳолда муҳокама қилишни маслаҳат бераман, чунки шахсий ҳаёт даҳлсизлигини сақлаб қолиш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Шу тариқа дарс бериш сизга қувонч келтиришини истасангиз, доимий равища даҳлдорлик туйғусини ўзингизга сингдириб боринг. Аниқ биламан, бошқа мутахассислар билан алоқада бўлиб турған ўқитувчилар учун даҳлдорлик туйғусини мустаҳкамлашга ёрдам берувчи навбатдаги олтига стратегияни қўллаш осон кечади: ҳар бир болани яхши билиб олинг, ўқувчилар билан бирга ўйнанг, натижаларни тан олинг, жамоавий орзуга интилинг, ўқувчиларни таъқиб этишларига йўл қўйманг, оталиққа олиш тизимини қўлланг.

## ХАР БИР БОЛАНИ ЯХШИ БИЛИБ ОЛИНГ

Хельсинкидаги бешинчи синф ўқувчиларим билан илгари, яъни биринчидан тўртингчи синфгача бир муаллиманинг ўзи ишлаган эди (Финляндияда таълим шундай жорий этилган). Ўқув йили бошида барча ўқувчиларнинг ilk устозга жуда ўрганиб қолишганини пайқадим. Биринчи кунданоқ бешинчи синфларим тамаддихонада муаллималарининг қучогига отилишганини ва у билан нималарнидир қизғин мұхокама қилишаётганини, хурсанд бўлиб биргаликда кулишаётганини кўрдим.

АҚШдан фарқли ўлароқ, Финляндияда бошланғич синф ўқитувчилари ҳар йили ўзгариб турмайди. Хельсинкида ишлаш давомида бу ёндашувнинг оқилона эканига ишончим комил бўлди. Ўзим ҳам ўқувчиларим билан икки йилни бирга ўтказдим. Бешинчи синфларим олтинчига ўтиб, ёзги таътилдан сўнг мактабга қайтгач, одатий иш тартибиға ҳаммамиз нечоғлик тез қайтолганимизга ҳайрон қолганман.

Бундан ташқари, ҳар бир болани яхши билганим ва унда ўзига хос ноёб бир шахсни кўра олганим учун бу ҳолат менга ва ўқувчиларимга иккинчи йилги ўқиш чоғида кўпроқ қувонч келтирди, ўқув жараёнинг сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

Ўқувчилар билан танишиб олиш учун маълум бир вақт кераклигини ҳар бир ўқитувчи жуда яхши билади. Лекин бутун дунёда кўплаб ўқитувчилар ўқув йилининг охирига келиб, яъни айнан ўқувчилар билан ўзаро ишончли муносабатлар ўрнатилиб бўлингач хайрлашишга мажбур бўладилар. Гарчи АҚШда камдан-кам ўқитувчи худди фин ҳамкаслариdek

ўқувчилари билан кейинги босқичга ўта олса-да, ўқувчиларни яхшироқ билиб олиш учун бир неча соддороқ усуллар мавжуд.

Мана, жуда осон ва тушунарли усуллардан бири (мен буни илк бор Финляндияда қўллай бошлаганман): эрталаб эшик олдида туриб олиб, кимки синфга кираётган бўлса, у билан саломлашардим. Бир-биримизга муштларимизни теккизиб, қўлларимизни қисар ёки “беш ташлардик”. Баъзан ўқувчилар ўйинга олишиб, ҳеч нарсани гумон ҳам қилмай, ёнимдан айланиб ўтишга ҳаракат қилишарди. Бу бизнинг ўзаро ички ҳазилимиз эди. Бундай таомил ўқитувчига ҳар бир ўқувчи учун эътибор қўрсатишга имкон беради: ўқувчиларга синфимизни шунчаки оддий болалар гуруҳи эмас, балки ҳар бирини алоҳида шахс сифатида қабул қилишимизни қўрсатишга ҳаракат қиласардик. Эшик олдида туриб уларни мақтаб қўйишга ҳам улгуурардим: кимнидир янги соч турмагини мақтардим ёки кечаги спорт тадбири қандай ўтганини сўрардим. Арзимас нарсалар дейсизми? Бироқ шундай усул билан ўқитувчи ўқувчига ишора беради, яъни “Мен сени кўриб турибман” деб. Ўқув кунини якунлашда ҳам шунга ўхшаш таомилни яна бажаришга ҳаракат қиласардим: кўпинча оstonада туриб болалар билан самимий хайларашар эдим.

АҚШда кўўпгина бошланғич синф ўқитувчилари “эрталабки давра” учун алоҳида вақт ажратадилар. Бунда синфдошлар бир-бирлари билан ҳар хил саломлашадилар: масалан, ёнидагиларнинг қўлини сиқиб кўришадилар ё бирорта илиқ гап айтадилар. Мен ҳам ич-ичимдан бу амалиётни қўллаб-қувватлайман ва ўқитувчилик фаолиятимнинг бошиданоқ ундан

фойдаланиб келаман, аммо ўқувчи билан ҳар қуни бўладиган шахсий алоқани эътибордан қочирмаслик керак. “Эрталабки давра” синфда ажойиб жамоавий муҳитни яратишда самара беришини пайқаганман, аммо бу метод ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида шахсий муносабатларни мустаҳкамлашга ёрдам бермайди.

Финляндияда қўллаганим ва менга болалар билан алоқа ўрнатишга ёрдам берган яна бир оддий усул бор. Бу бирга тушлик қилиш анъанаси. Хельсинкидаги мактабимизда тушлик чоғи ўқитувчилар синфига кўз-кулоқ бўлиб туришлари лозим, шу боис бу анъанани жорий этиш менга унча қийинчилик туғдирмаган. Лекин шу ерда ҳам нималарнидир олдиндан режалаштиришга тўғри келган. Одатда катта танаффус чоғи ўқитувчилар стол атрофида ўзаро ёки бир неча ўқувчи билан бақамти ўтирадилар. Мен бўлсам бу варианtlарни галма-гал алмаштириб турар, чунки нафақат ҳамкаслар билан мулоқотга, балки болаларга ҳам вақт ажратиш муҳим эканини англаганман. Гарчи тушлик 20 дақиқа давом этса-да, шу вақтнинг ўзи улар билан эркин суҳбатлашиб олишга bemalol етарди. Биз болалар билан тез-тез ҳазиллашиб, қизиқишиларимиз ҳамда севимли машгулотларимизни муҳокама қиласдик. Баъзан улар менга Америкадаги ҳаёт ҳақида саволлар беришарди.

Битта стол атрофида 25 бола ўрин ололмагани учун кун давомида бошқа ўқувчиларнинг ҳам олдига боришга ҳаракат қиласдим. Одатда кимдир мени тушликни баҳам кўришга таклиф этар, агар ўша қуни у билан бирга овқатланолмасам, кейинги сафар албатта бирга ўтиришга ваъда берардим. Тушлик чоғи ҳар қандай мавзуни эркин муҳокама қила оладиган

дақиқалар кейинчалик шахсий муносабатларнинг жипслashiшига беҳад ҳисса қўшганди.

Ўқувчилар дикқат-эътиборни қачон бир жойга тўлиқ жамлаш кераклигини билишлари учун ўқитувчи дарсга жиддий эътибор беришини уларга қўрсатиши муҳим экан. Аммо уларга ҳам, ўзингга ҳам нафас ростлаб олиш учун бироз вақт бериш муҳим.

Эҳтимол, мактаб қоидаларидаги фарқулар сабаб АҚШга қараганда Финляндияда болалар билан тушлик қилиш анъанасини жорий этиш осонроқ кечар. Лекин бундай амалиётни синфида қўлладиган америкалик ҳамкасларимни ҳам биламан. Ўта содда усул дуруст алоқа ўрнатишдан ташқари болаларга яхши феълатворини қўрсатишга, дўстлари билан ҳурмат-одобни сақлаб суҳбат қуришга ҳам ёрдам беради. Ишонинг, буларнинг бари ўқувчи учун фойдали. Лекин жараёнга ҳаддан зиёд киришиб кетманг.

Ҳар куни болалар билан тушлик қилишга имконингиз етса-да, бундан тезда толикиш ҳеч гапмас. Гоҳи ҳамкаслар билан суҳбатлашиш ёки бир бурчақда тинчгина тамадди қилиш, ташвишларинг ҳақида ўйлаб олиш ҳам керак экан. Ўртадаги мувозанатни сақлаш зарур.

Агар ўқувчилар билан бирга тушлик қилишғояси сизга маъқул бўлса, буни энг кичик қадамдан бошлишни тавсия қиласман. Ҳафтасига битта катта танаффусни бир неча бола билан бирга овқатланишга ажратиш мумкин. Ҳар бир ўқувчи эътиборда бўлиши учун ўзингизга кичикроқ жадвал тузиб олсангиз ёмон бўлмайди. Тизимлилик ҳар доим керак.

Саломлашиш, биргаллашиб тушлик қилиш қатори болалар билан муносабатингизни сезиларли даражада

яхшилайдиган яна бир самарали метод мавжуд. Бу уларнинг уйига ташриф буюриш. Хельсинкида ишлаган биринчи йилим бу имкониятдан фойдалана олмаганман, чунки мен бешинчи синфларим билан ўқув йили бошлангунга қадар таниша олмаган эдим. Шундай бўлса-да, ушбу метод дунёниг ҳар қандай мамлакатида яхши натижалар беради, деб ўйлайман.

Америкада дарс берган пайтларим ёзги таътил пайтлари айрим ўқувчиларимнинг уйига бориб келганман. Гарчи бунга шахсий вақтимни сарфлашимга тўғри келган бўлса-да, шунга арзирди. Тушунишимча, энг қийини, ташриф ҳақида олдиндан келишиб олиш, чунки таътил вақтида одамлар бир жойда ўтиришмайди. Лекин учрашув белгилангач, деярли қўшимча тайёргарлик керак бўлмайди. Мен учун блокнот ва ручканинг ўзи етарли бўлган: унга американлик устозимнинг маслаҳати билан муҳокама қилинадиган саволларимни ёзib олардим. Саволлар ҳар хил эди, масалан, “Болангиз нимага қизиқади?” ёки “Қизингиз ёки ўғлингиз янги ўқув йилидан нималарни кутмоқда?”. Тащрифнинг ўзи икки қисмдан иборат эди. Аввалига ўқувчилар билан ҳеч қандай расмиятчиликларсиз гаплашиб кўрганман, биз шунчаки суҳбатлашганмиз, хоҳишига қараб улар менга уйларини кўрсатишган ва нимани муҳим деб билишса, ўша ҳақида гапириб беришган. Кейин уларнинг отоналари ёки бокувчилари билан суҳбатлашганман: улар фарзандлари ҳақида нима дегилари келса, барини дикқат билан тинглаганман ва болаларнинг янги ўқув йилидаги хоҳиш-истакларини аниқлаганман.

Бундай ташрифлар жуда фойдали, чунки ўқитувчи шу йўл билан ўқувчи ва унинг яқинларига уларнинг ҳар

бирини яқындан билмоқчи эканини намойиш этади. Фикримча, бу битта гурух билан бор-йүғи бир йилгина ишлайдиган ўқитувчиларга жуда мос келади, чунки (күпчилик фин ўқитувчиларидан фарқли равищда) уларда ўқувчи ва унинг ота-онаси билан яхшилаб танишиш учун имконият камроқ бўлади. Аслида бунга бир неча йил керак бўлади-да.

Болаларни ҳар доим саломлашиб кутиб олиш, биргалиқда тушлик қилиш, уларнига ташриф буюриш каби усувлар ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради. Мен бу ерда бор-йүғи бир нечта усувларни санаб ўтдим, аммо ишончим комилки, ўз ўқувчиларини яхши билишни истаган педагоглар, албатта, яна бир қанча самарали методларни топадилар ва бу нарса охир-оқибат уларнинг ўзларига ҳам, ўқувчиларига ҳам мактабни яхшироқ ўрганишга ёрдам беради. Кейин бари ўқишининг янада қизиқ машғулотга айланишига ҳисса қўшади.

## БОЛАЛАР БИЛАН ЎЙНАНГ

Бошида фин мактабида ишлаб кетишимга кўзим ҳам етмаганди. Чунки атрофда шунча яхши тайёрланган ўқитувчи ва беҳад юқори натижаларни қайд этолган ўқувчилар турарди. Аммо кейинчалик Америкада ҳам нимадир қилишни, яъни ўқув йилини тўғри бошлишни ўрганганимни эслаб, бироз хотиржам тортдим. 2013 йили Хельсинкига кўчиб ўтиш учун юкларимни тайёрлай туриб, ўзим билан педагогик олий таълим муассасаларига мўлжалланган ва қатор синовлардан ўтган “Мактабнинг ilk кунлари” (The First Days of

School) номли дарсликни олишни унутмагандим. АҚШда мұмтоз дарсликлар қаторида бўлған ушбу асар муаллифлари Гарри ва Розмари Вонглар қуидагича ёзадилар: “Бутун ўқув йили давомида эришадиган ютуқларингиз мактабдаги дастлабки кунларни қандай ўтказишингизга боғлиқ”. Китобдаги шу парчанинг атрофини қалам билан чизиб қўйдим ва илҳомланганимдан “Ҳа!”, деган сўзни ёзиб қўйдим.

“Ўқув йили бошлангунгача барини ташкил қилиш ва астойдил тайёрлаш керак”, дея тавсия қиласи дарслик муаллифлари. Менга таниш кўпгина америкалик ўқитувчилар қатори бу маслаҳатни юрагимга шунчалар яқин олгандимки, Массачусетсда иш бошлашим билан дастлабки кунлари дарсларнинг дақиқаларигача батафсил режалар тузишни одат қилгандим. Бу режалар асосан биринчи синф болакайларини эски, аммо ўта муҳим амалларга ўргатишга мўлжалланган эди: дафтарлар қаерда туради, ҳожатга қандай сўраш керак ва ҳоказо. Финляндияда ҳам ўта муҳим ҳисобланган мактабнинг биринчи куни учун “барчасини ташкил қилиш ва астойдил тайёрлаш”га уриниб ўзимнинг америкача тажрибамни яна бир бор такрорладим: ёз кунларини кундаликларни тўлдириш ва кабинетимни жиҳозлаш билан ўтказдим.

Ўқув йили бошланганида эса ғалати бир ҳолатни пайқадим. Кўпчилик фин ҳамкасларим бутун ёз давомида умуман мактабга келишмаган эди. Машғулотлар бошланишидан бир кун олдин ёш муаллимани учратганимда у илк ҳафтада болаларни нима билан машғул қилиши ҳақида ҳали ўйлаб кўрмаганини тан олди. Бундан роса ҳайрон қолдим. Мендек бир америкалик учун шунча мақтовларга

сазовор бўлган фин педагоглари ўқув йилининг бошланишига дурустроқ тайёрланмагандек бўлиб кўринди. Шу билан бирга, улар содда ва беташвиш кўринишар, мен эса дарсларим намунали ва ибратли чиқишини ўйлаб, ҳаддан зиёд асабийлашаётган эдим.

Эсимда қолгани, ана шундай астойдил тайёрланган дарсларнинг бирида бешинчи синфларга йўлақда бир-биримизнинг ортимиздан тинчгина юришни ўрганамиз, деб айтдим, жавобига эса пишқириш ва инграшларни эшитдим. Маълум бўлишича, ўқувчиларим бу нарсани биринчи синфданоқ яхши билишар экан. Мен хижолат тортиб бу топшириқдан воз кечдим ва навбатдаги вазифага ўтдим.

Агар вақтни астойдил назорат қилсам ва иш муҳитини тўғри ташкил этолсам, синфимда ҳаммаси яхши бўлади деган ишонч билан ўқув йилини бошлагандим. Аммо фин ҳамкасларим ва ўқувчилар бу қоидани гумон остида қолдиришди. Назаримда, улар хотиржам, bemalol ва ҳатто, бўшашибган вазиятда ўқишига киришишни истаётгандек эди. Ушбу ёндашувни яхшироқ тушуниш мақсадида ҳеч қачон ўқув йилини “тўғри” бошлашга ўқитилмаган фин педагоглари билан гаплашиб кўрдим ва бу ҳақда уларнинг фикрини билдим.

– Менимча, болалар мактабдаги тартибга ўрганишлари учун оз-оздан бошлаш жуда муҳим, – деб ҳисоблайди Куопио шаҳридаги Martti Ahtisaari номли бошланғич мактаб муаллимаси Йоҳанна Хопиа. Одатда Хопиа ўз синфида ўқув йилининг биринчи кунларини ёзги таътилни муҳокама қилишга, ўйинлар ва жисмоний машқларга бағишилар экан. Бу пайтда у болаларга дарсликлар ҳам тарқатмайди ва ҳеч қандай вазифа ҳам бермайди.

Хельсинкидаги Maapula номли ўрта мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Ере Линнанен ҳам ўқувчиларни ўқишиг қайтиш жараёни табиий кечишини афзал билади.

– Ўқув йилининг бошланиши мен учун ҳам, болалар учун ҳам, ҳеч қачон стрессга айланмаслиги керак, – дейди бу ўқитувчи. Кейин у ўтган йили август ойида болалар рақс тушишлари, футбол, баскетбол ва покемон каби ўйинлар ўйнашлари учун ҳамкаслари билан бирга тўртта тўққизинчи синфни шу яқиндаги паркка олиб боришганини эслайди. Линнанен мактабнинг дастлабки кунларини “туһмäyttämipen” сўзи билан тасвирлади. Бу сўзма-сўз таржима қилингандা “гуруҳ тузиш” деган маънони англатади, аммо инглизча “тимбилдинг” атамасига яқин.

Бизнинг Хельсинкидаги мактаб ўқитувчилари ҳам тахминан худди шундай тамойилга риоя қилишади: бошида юкламалар арзимас бўлиб, одатий ўқув жадвали иккинчи ҳафтадан кучга киради.

Финляндияда ҳатто катта синфларда ҳам янги ўқув йилининг биринчи кунида одатий дарслардан воз кечиши амалиёти кенг тарқалган. Вантаа шаҳридаги Martinlaakso номли катта ёшлилар мактабининг чет тили муаллимаси Тару Похтоланинг айтишича, уларнинг мактабида янги шароитларга мослашиб олиш учун болаларга қўшимча ўқув куни берилар экан:

– Биз болаларнинг ҳақиқий иш бошланишидан олдин яхшироқ мослашишини хоҳлаймиз.

Финляндияда биринчи дарс бераётган кунларим катта танаффусда болалар билан гуруҳ ўйинларини ўйнаш ниятида бешинчи синфларимни олиб мактабимизнинг спорт залларидан бирига борганман.

Яъни мен шуни танладим ва ўқувчилар менинг қоидамга амал қилиб, ортимдан эргашиши лозим эди. Бироқ бу тартиб тез орада болаларни зериктириб қўйди, чунки мендаги болаларга ўргатишим мумкин бўлган қизиқарли ўйинлар заҳираси тугаб қолди. Бахтимизга бир малласоч болакай “12 таёқча”ни ўйнашни таклиф қилди. Буни уларга тўртинчи синфда ўқитувчиси ўргатган экан. Рози бўлдим. Болалар зумда доска топиб келишди ва биз унга таёқчаларни териб чиқдик.

Келаси ҳафталар ҳам кунига камида бир мартадан синфим билан “12 таёқча”ни ўйнадим. Болакайлар бошқа ўйиндан қатъий бош тортиб, мен бошловчи бўлишимни талаб қилиб туриб олишди. Ҳар томонга учиб кетган таёқчаларни йиғиб келгунимча болалар яширинишар, мен эса уларни қидириб топишга ҳаракат қилардим.

Агар мен ҳаммани топсам, ўйинда ютган бўламан. Афсуски, ҳеч қачон бундай бўлмас, чунки болалардан кимдир сездирмай келиб қолар ва тантанали ҳайқириқ билан тахтачани босар, мен тўплаган таёқчалар эса, яна ҳар тарафга учиб кетар ва барча асиrlарим ўз-ўзидан озод бўлишарди.

“12 таёқча”га қизиқиб кетган пайтларим бир ҳақиқатни англадим: ўқув йилининг илк кунлари қилишим зарур бўлган ягона иш – бу фин ҳамкасларим каби ўқувчилар билан бемалол мулоқот қилишдан роҳатланишим экан. Бу вақтга келиб ўртадаги муносабатларни мустаҳкамлаш нечоғлик муҳимлигини ич-ичимдан тушуниб етгандим. Аммо олдимда бир тўсиқ турарди: мен ҳамма нарсани бошиданоқ тўғри қилишим зарурлигини чин дилдан ҳис қилиб турардим. Кўплаб фин педагоглари билан суҳбатлашдим ва улар

синф ишларини ташкил этиш маълум бир қоидалар ва кетма-кетликларга асосланиши кераклигини, кейинчалик уларга амал қилиш лозимлигини инкор этишмади. Лекин уларнинг барчаси биринчи навбатда синфда самимий муҳитни шакллантириш ва тушкунлик даражасини минимумга тушириш зарурлигини таъкидлашди. Гарчи Америка мактабларида ўқишни юмшоқ усуллар билан бошлаш амалиёти бўлмасада, болалар билан муносабатимизни аста-секин мустаҳкамлаб, хотиржам муҳитни шакллантириш эвазига самарали ўқув йили учун асос яратишимииз мумкин.

Чинданам, нима учун мактабнинг биринчи қунида болалар билан шунчаки ўйнаб кўрмаймиз? Бу сизни тинчлантиради, ўқув йили бошидаги асабийликни камайтиради ҳамда дўстона муҳит шаклланишига ҳисса қўшади.

Сизга ўзимнинг “одам лотереяси” деб номланган ўйинимни маслаҳат беришим мумкин. Бу муносабатларни мустаҳкамлашнинг қизиқарли, фаол ва мутлақо эркин усули бўлиб, ҳар қандай ёшдаги болага мос келади. “Одам лотереяси”нинг қоидаси турлича бўлади, лекин сизга педагогика журналларининг бирида ўқиган энг oddий вариантини сўзлаб қилиб бераман.

Ўйиннинг ҳар бир иштирокчиси лотереяга ўхшаш карточкаларни олади. Аммо рақам тўлдириладиган катакларда қисқа жумлалар ёзилган бўлади. Масалан, “Мен Европа бўйлаб саёҳат қиласман” ёки “Мен отда саир қиласман” каби. Кейин 10 ёки 15 дақиқа вақтга қўйилади, болалар эса ажратилган вақт давомида синф бўйлаб айланиб юриб, жумланинг мазмунига мос келадиган синфдошини топишга ҳаракат қилишади.

Үйнаётганлар карточкада баён қилингандың мазмунга мос келдиган одамны қидириш чоғи ўқувчилар ўзига хос ижтимоий сүров үтказадилар (сүров үтказувчи карточкада ёзилган жумланинг айнан ўзини эмас, балки ундағы талабни аниқлашга ёрдам берувчи бошқачароқ саволлардан фойдаланади) Масалан, “Сен ҳеч Европада бўлганмисан?” ёки “Отда юришни биласанми?”. Талабга мос келдиган одам топилиши билан у маълум бир катакчага имзо қўйиши керак. Бу ерда иккита ҳолат чекланган: биринчидан, сўровчининг ўзи ушбу талабларга тўла мос келганда ҳам ўзи имзо чекмаслиги керак. Иккинчидан, битта ўйинчидан битта имзо олиниши керак.

Тадбир охирига келиб, ўйин қандай ўтди, деган мазмунда хулоса қилиш лозим. Бундай вазиятда мен энг аввал фаол иштирокни эътироф этиб, бир нечта саволлар бераман, масалан, “Кимгадир биттадан ортиқ одам мос келдими? Иккитадан ортиқ-чи?”. Шу тариқа болалар қўлларини кўтармай қўйгунларича давом этавераман. Агар вақт етса, ўқувчилардан бир-бирлари ҳақида қандай янгиликларни билиб олганларини яхшилаб таҳлил қилишларини сўрайман ва: “Билганларингиздан нимадир сизни ҳайрон қолдирдими?”, дея савол бераман.

Ҳар бир ўқитувчи бошиданоқ, яъни дастлабки машғулотларининг биридаёқ болаларда яхши таассурот ўйғотишини истайди. Шунинг учун Google’да юқорида қайд этилган ўйинга мос тайёр карточкаларни осонгина топиш мумкин эса-да, уларни ўқувчиларимнинг эҳтиёжларига тўлиқ мослаштириш учун ўзим мустақил равишда тузиб чиқишини афзал, деб биламан. Финляндияда “Мен Европа бўйлаб саёҳат қилганман”,

деган жумланинг ўрнига “Мен Америкада бўлганман”, дейиш мантиққа мос келиши мумкин.

Ўқишини эндиғина ўрганаётганлар (мактабгача ёшдагилар ва биринчи синфлар) учун жумлалар ўрнига катақчаларга расмчалар жойлаштирилса ҳам бўлади ва уларнинг мазмунини ўйин бошида тезда тушунтириш мумкин. Гарчи ҳар бир педагог захирасида “Одам лотереяси” сингари ўйинлардан бир нечтаси мавжуд бўлса-да, менимча, ўқувчиларнинг ўзига худди бешинчи синфларимдек ўқитувчи билан бирга ўйнаса бўладиган бирортасини танлашларига имкон бериш лозим. Илк кунданоқ ўйин майдончасида ўқувчиларга қўшилиб ўйнашни тавсия қиласман. Фикримча, уларга раҳбарлик қилишга ҳожат йўқ, шунчаки ўйинга қўшилиш самаралироқ. Агар сиз ўрта ва катта ёшдаги болалар мактабида дарс берсангиз, ўқув йилининг биринчи ҳафтасида худди Ере Линнанен ўзининг тўққизинчи синфлари билан бажаргани каби қизиқроқ тадбир ташкил этинг ва уни эркинроқ шароитда ўтказиб кўринг.

## НАТИЖАЛАРНИ ТАН ОЛИНГ

Финляндияда икки йил дарс бериш асноси кўпгина янги ва қизиқарли нарсаларни билиб олдим. Хусусан, маҳаллий мактаб дастурларида мен илгари АҚШда ҳеч қачон учратмаган ўқув фанлари мавжуд, масалан, рўзгор тутиш (болалар ошлазликка ва бичиш-тикишга ўргатилади) ёки дурадгорлик. Бўш вақтларимда жараёнларни ичкаридан кузатиш мақсадида бир неча марта ҳамкасларимнинг дарсларига қатнашдим.

Бир куни рўзғор юритиш машгулотида бўлдим. Бу дарс бир нечта ўчоқ-плиталар, идиш-товоқ ювадиган ускуналар ва иш столлари турган катта бир хонада ўтказилаётган эди. Бу ерда тўққизинчи синфлар нафақат овқат пиширишни ўрганишар, балки ўз меҳнатлари меваларидан лаззатланишаётган эдилар. Педагоглар ҳар бир дарсда болалар ўз натижаларидан олган қувончларини бўлишиб олишлари учун алоҳида вақт ҳам ажратадилар.

Ҳаммаси жуда оддий кўринарди, аммо менимча, бу болаларнинг тиришқоқлигини тақдирлаш учун энг маъқул методга ўхшаб кўринди. Болалар ўзлари тайёрлаган нарсаларни еб бўлишлари учун муаллима дарс охирида атайлаб 15 дақиқа вақт ажратади. Кейинчалик ҳам икки марта рўзғор юритиш машгулотларини бориб кўрдим ва ҳар сафар болаларнинг ўзлари ижод қилган егуликлардан баҳраманд бўлишлари учун вақт ажратилганига гувоҳ бўлдим.

Ўйлашимча, ушбу оддий усул болаларни қизиқтириб қўйди ва таълим натижасига ижобий таъсир қилди. Шу билан бирга, дахлдорлик туйғуси ҳам мустаҳкамланади: ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамжиҳатлиқда осон бўлмаган мақсад сари интилишади ва охирида яна биргаликда тутатилган ишларининг эътирофини кўришади.

Таомланишга ўтиришларидан олдин улар чекланган вақт оралиғида кўп ишларни бажаришлари керак эди: овқат тайёрлаш, иш столларини йигиштириш, идиш ювадиган машинани тўлдириш, кир ювиш машинасини ишга тушириш, ликопчалар, финжонлар ва турли овқатланиш анжомларини столга териб, дастурхон безатиш шулар жумласидан. Мен беихтиёр ўсмирлик

давримни эсладим. Ўшанда ошпазлик дарсига жиддий эътибор беришни хаёлимга ҳам келтирмаган эканман. Лекин ҳозир атрофни кузата туриб, қизлар ҳам, ўғил болалар ҳам бор кучи билан ширин таом тайёрлашга енг шимарганини ва барча вазифаларни ажойиб тарзда уддалай олишаётганини кўрдим.

Шунда тушуниб етдим: тиришқоқ ўқувчилар ички мотивацияси түфайли рўзғор тутиш дарсларида уста ошпазларга айланишар экан. Лекин менга улар бу ишларни ўқитувчини қувонтириш ёки юқорироқ балл олиш учун қилаётганга ўхшаб туюлмади. Жараён уларга ёқиб тушгани учун болалар яхши овқат пиширишди (қолаверса, бу ерда баҳтнинг ўша учта таркибий қисми кўзга ташланади, яъни дахлдорлик, мустақиллик ва моҳирлик). Бундан ташқари, дарс охирида таом еб маза қилиш истаги ҳам уларни завқлантириб юборганди.

Менимча, ана шу байрамни кутиш кайфияти ҳам уларни тўла самараадорлик билан ишлашга ундаган эди.

Ўзим ҳам китоблар ва мақолаларим матнлари устида ишлай туриб, худди шунга ўхшаш феноменга дуч келганман. Уларнинг нашр қилинганини кўрганимда эса узоқ соатлар давомида сабот билан қилинган меҳнат зое кетмаганини тушунганман ва энди бир нафас ростлаб, эришилган натижалардан роҳатланиш имкони борлигидан чексиз мамнуният ҳиссини туйганман. Тўғрисини айтганда, бу одамни жуда илҳомлантиради ва куч беради. Яна тан олай, ўқитувчилик ишимдан чин маънода фаҳр ҳиссини, афсуски, жуда кам ҳис этаман. Хўш, нега шундай бўлади?

Бунинг сабабларини таҳлил қилаётиб, ўйланиб қолдим: эҳтимол, ҳамма гап ўтмишими дадир, мен ўз ўқувчиларимнинг ютуқларини камдан-кам ҳолларда

тан олганимдадир? Бу масалада ёлғиз бўлмасам керак, деб қўрқаман.

Вазиятни зудлик билан тўғрилаш лозим. Бу йўналишдаги биринчи қадам қўйидагиларни талаб этади: педагоглар бундан бу ёғига болалар эришган ютуқларни текин илова, кераксиз қўшимча иш сифатида қабул қилишмасин, балки буларни болалар меҳнатининг мазмуни, уларнинг янада самаралироқ ўқиши учун мотивация берувчи ва ўқувчилар жамоасига ижобий ҳисса қўшувчи омиллар сифатида талқин этишлари лозим. Вақти келса, Финляндиядаги рўзгор ишлари машғулотлариdek 15-20 дақиқани курбон қилиш ҳам мақсаддга мувофиқ бўлади. Эътибор беринг-а, бу ишга (нисбатан) унчалик катта бўлмаган вақтни сарфлашнинг ўзи қандай натижа беришга қодир!

Фин мактабларида ишларканман, синфимда “Китоблар ҳақида ҳикоялар” номли тадбирни мунтазам равишада ўtkазишни қоида қилиб олдим. Бу жуда оддий: болалар билан биргалашиб уларнинг даражасига мос келадиган битта китоб танлаб олардим, шундан сўнг ўқувчиларим навбати билан мўъжаз маъruzалар тайёрлашар ва уларни тақдим этиш баробарида ўқиганларини синфдошларига ҳикоя қилиб беришарди. Авваллари бундай тадбирларни ўқишининг натижаларидан мароқланиш, дея қабул қилмасдим, аммо тез орада, айнан, шу нарсага эришдим.

Бир неча олтинчи синф ўқувчилари уларнинг ўзларига ҳам ҳам янги китоблар ҳақида ҳикоя қилиб бериш ва бошқа ўртоқларни ҳам тинглаш жуда қизиқарли эканини тан олишган. Тақдимот чоғи болалар муҳокама қилинаётган асарлар уларни

қизиқтириб қўйгани ва энди уларда ҳам асар матни билан бевосита танишиш истаги туғилгани ҳақида гапиришарди. Бир сафар маъruzachi эндиғина ўқиб чиқсан китобини синфдошига қарзга бераётганини ҳам кўрганман. Ўқувчилар ўз ҳикоялари билан бир-бирини илҳомлантиришар ва ўртоқларини янги билимларни эгаллашга қизиқтириб қўйишарди, бу эса менга катта қувонч олиб келарди.

Болалар ўқиганларининг натижасини омма олдига олиб чиқишаркан, бу уларга қўшимча рагбат беради, кейинчалик китобни дикқат билан ўқишга ҳамда кишини ўйлантирадиган маъruzalar тайёрлашга ундайди. Кўпчилик “Китоблар ҳақида ҳикоялар” тадбирини синфдошларига бирор бир китобни тавсия этиш ёки маълум асар эътиборга лойиқ эмаслиги ҳақида уларни огоҳлантирувчи имконият сифатида қабул қилди. Аммо энг муҳими, билим олиш жараёнида ўқувчилар ўзаро янада яқинлашдилар. Улар бир-бирларини ўрганишди ва бир вақтнинг ўзида бир-бирларига ўргатишди. Назаримда, меҳнатдан бундай қувониш ҳисси уларда дахлдорлик туйғусини янада мустаҳкамлай олди.

Кўйида ўқиши натижаларини тан олишнинг яна бир нечта усулларини келтираман:

- Сўз санъати дарсининг охирида бир неча дақиқани ўқувчиларнинг ўзлари ёзган шеър ва ҳикояларни ўқишга бағиашлаш мумкин. Бостонда ишлаган охирги йилим бу амалиётни ўзимизнинг “адабий устахонам”да кўллаганман. Бу биринчи ва иккинчи синф ўқувчиларимга жуда ёқиб тушганди. Уларни жипслаштириб, дарс пайти яхшироқ ёзишларига ундаган эдим.

- Синфингиз ўқувчилари бутун мактаб учун ижодий кече ташкил этиши ва унда ўз ютуқларини намойиш қилиши мумкин. Айрим мактабларда катта күргазмалар, ҳақиқий ижод байрамларини кузатганман. Бу тадбирлар ўқитувчидан албатта узоқ тайёргарликни талаб этади. Аммо мұйжаз тадбирчалар ҳам ажойиб самара бериши мумкин.

Америкалик муаллима Дебби Миллер “Англаб ўқиши” (Reading With Meaning) китобида “Шеърий қаҳвахона” номли кечани тасвиrlаган. Буни у биринчи синф болалари ва уларнинг ота-оналари билан бирга ташкил этган.

“Орқадан трубада Майлс Дейвис мусиқаси янграмоқда, унинг товуши синф хонасини тўлдириб одамлар овози устида муаллақ учмоқда. Ота-оналар кенгаши томонидан топиб келтирилган қадимий қаҳва қайнатгичда шоколад қайнайпти, унинг ёнидаги каттакон идишда зефир шарчалари уюм-уюм бўлиб кўринади. Ярим ойчалар билан безатилган узун ва тўқ- мовий қоғоз тасмалар дeraзаларни тўсиб, хонани нимқоронги қилган. Уни фақат тик турган фонулар ва шифтдан осилиб тушган митти оқ маржон чироқчалар ёритиб турибди.

Шинам мұхит яратиш мақсадида ялтиратиб ювилган столларнинг ҳар иккитаси битта қилиб териб чиқилган. Миттигина сопол тувакчаларда кўлда ясалган қоғоз гуллар, шеър тўпламлари, бурама кулчалар тўла ликопчалар, ёзув анжомлари учун мўлжалланган кичик идишчалардаги япалоқ бўрчалар, қайчилар, ёпишқоқ қоғозлар, қалам ва елимлар ўрнини эса бугун шеър тўқиши учун сўзлар битилган магнитли тахтачалар тўплами эгаллаган. Болалар ва ота-оналар

бирга ўтиришибди, бурама қулчалардан чайнаб, уйларидан олиб келган идишларида парланиб турган шоколадлардан симиришмоқда ва Элоиз Гринфилд, Майи Энжелоу, Эйлин Фишер, Жейн Йолен, Валери Уорт, Жоржи Херд каби ҳурмат-эътиборга сазовор шоирларнинг шеърларидан ўқишишмоқда. Қани топинг-чи, даврадагиларга қайси шеър ҳаммасидан кўпроқ ёқади?

Табиийки, уларга ўзлари ёзган, машинкада терилган ва ҳаммага етадиган ҳажмда китобча қилинган шеърлари ёқади”.

• Ўқувчиларнинг ютуқларини рағбатлантириш мақсадида синфнинг электрон саҳифасини (блогини) яратиш мумкин. Гарчи бу гоя ҳар қандай ёш гуруҳи учун мос келса-да, каттароқ ёшдаги болалар учун бу алоҳида аҳамият касб этади ва улар ўқитувчи раҳбарлиги остида барча ишларни ўзлари амалга оширишлари мумкин.

Соддороқ айтганда, педагоглар натижаларни эътироф этишда ҳар қайси ўқувчига яхши бажарилган иши учун ҳамжихатликда миннатдорлик билдириши керак.

## **ЖАМОА ОРЗУСИ САРИ ИНТИЛИНГ**

Финляндияда ўқиш “мактаб лагери” номли тадбир билан яқунланади: бу кенг миқёсда нишонланадиган чинакам байрамдир. Болалар бу воқеани йиллар давомида кутишади ва кўпчилик синфларда пул йиғиш олдиндан бошланади. Қуйидаги иккита сабаб туфайли ушбу фин анъанасини қадрлайман.

Аввало сафар харажатларига жавобгарлик ўқувчилар зиммасига юкланиши мени қойил қолдиради.

Барча болалар мактаб лагерига бориши имконига эга бўлишлари учун каттагина сумма талаб қилинади (одатда, бу бир неча минг еврони ташкил этади), шунинг учун тайёргарликни олдиндан бошлаш керак бўлади. Ўқувчиларнинг ўзлари турли хил тадбирлар ташкил этишади, масалан, “ширинликлар ярмаркалари” ёки мактаб дискстекаларини ўтказадилар.

Иккинчидан, агар болаларнинг жамоавий орзузи пайдо бўлса ва улар буни рўёбга чиқариш учун биргаликда ҳаракат қилишса, бу уларни бирлаштиради. Мен билан параллел бўлган олтинчи синф ўқитувчиси мактаб лагерига биздан олдинроқ борди. Улар қайтиб келишганида эса унинг ўқувчилар билан бўлган муносабатларидаги ижобий ўзгаришлар кўзга яққол ташланиб туради.

Кейинчалик шунга ўхшаш феноменни синфимда ҳам кузатдим. Мактаб лагеридан сўнг ўқувчиларим энди 24 боладан иборат ногиронлар гуруҳига эмас, аҳил жамоага кўпроқ ўхшарди. Сафар ўта кучли бирлаштирувчи омил бўлиб хизмат қилганди. Бунинг олдинроқ юз бермаганидан афсусландим, ахир улар билан нақ икки йилни бирга ўтказгандим-да!

Нима бўлганда ҳам, Финляндиядаги тажриbam, мактаб лагерига ўхшаш тадбирлар синфи жипслаштириш учун қанчалар муҳим эканини кўрсатиб берди. Даҳлдорлик баҳтнинг таркибий қисми ҳисобланаркан (мактабдаги қувончнинг манбаи ҳам), ўқитувчиларга қандайдир жамоавий орзуни рўёбга чиқариш мумкинлигини ўйлаб кўрсинлар дейман. Финча усулдаги мактаб лагери беҳад ажойиб ғоя, аммо бундай турдаги тадбирлар анчагина вақт ва маблағ талаб қиласди, қолаверса, ҳаммага ҳам тўғри

келавермаслиги мумкин. Яхшиямки орзулар ўта хилма-хил. Масалан, ўқувчиларнинг ўзлари тўқиган ва куйлаган қўшиқлар альбомини ёзиш фикрига нима дейсиз? Ёки ўқув жараёнида фойдаланиш учун бирорта электрон илова-чи? Ёки ҳамма биргалашиб тоғга чиқса-чи? Имкониятлар чексиз.

Хўш, жамоавий орзуни қай тариқа рўёбга чиқариш мумкин? Аввалига ўқувчилар билан бамаслаҳат бир қарорга келиш лозим. Бу ерда кўпчилик ўқитувчи болалар учун қарор чиқариб қўйишга сабабчи бўлиши мумкин. Финляндиядаги биринчи йилим ўзим ҳам худди шундай хатони қилганман: синфим учун орзуни ўқувчилар билан келишмасдан туриб танлаганман. Бу ҳам етмагандек, ўқув йили бошлангунгача бутун бошли концепция ишлаб чиқсанман. Кўзимга қизиқ ва фойдалироқ кўринган битта фанлараро лойиҳани ҳам ўйлаб топгандим, негаки ўша лойиҳа бошқаларга кўмак беришга ва хайрли ишлар қилишга йўналтирилган эди. Биз эзгу ишга маблағ жамғарамиз (фин паралимпиячиларини моддий жиҳатдан қўллаб қувватлаш учун) ва бир вақтнинг ўзида имконияти чекланган спортчилар мурожаат қилиши мумкин бўлган жамғармаларнинг (нисбатан) камлиги ҳақида маълумот ҳам тарқатамиз деб тусмоллагандим. Ўқувчиларим паралимпиячилардан бир нечта интервью олишади ва бу ҳақда ўз блогларида ёзишади, эҳтимол, бу муаммони бутун Финляндия бўйлаб муҳокама қилиш ташаббускорига айланармиз, деб ўйлаган эдим! Ҳали Хельсинкидаги мактабда ишга тушмасидан фин паралимпиячилари билан келишиб ҳам олдим, чунки мен ҳали танимайдиган бешинчи синфларим

бу ташаббусимни қўллаб-қувватлашларига ишончим комил эди.

Мана энди тушуниб етяпманки, қарорим аввал бошиданоқ муваффақиятсизликка маҳкум экан, чунки қарорни ўқувчилар билан биргалашиб қабул қилиш лозим эди, ахир орзу жамоаники-ку!

Ўқув йилининг биринчи кунлари бешинчи синфларимни лойиҳанинг айрим жиҳатлари илҳомлантирганга ўхшаганди, айниқса, спортчилар билан учрашувлар. Аммо улар менинг айнан нимани хоҳлаётганимни тушуна олишмагандек эди. Мен кўпроқ пул йиғиш муҳим, деб ўйлардим, ўқувчиларим эса анча тушунарли бўлган гумонларини баён қилишди. Мактаб лагери учун кўпроқ пул тўплаш уларнинг режаларига зид эди.

Кун ўтган сайин бу ишнинг омадли якун топмаслиги аён бўла бошлади, ахир орзу жамоавий эмасди. Яна моҳиятан қараганда ҳам уни бажариб бўлмасди. Ҳафсалам ўлди. Лекин мен омадсизликни тан олиш ва шунчаки олдинга интилишни тўғри йўл деб билдим. “Ойнинг ўн беши ёруғ – ўн беши қоронғи”, деганларидек, режалаштириш жараёнига ўқувчиларни қўшиш ва олдимга аниқ мақсадлар қўйиш қанчалар муҳим эканини тушуниб етдим. Бахтимга, бу хатоимни, кейинчалик тўғрилаш имкони туғилди ва мактаб лагерини умумий мақсадимиз сифатида танлаб олдик ҳамда янги жамоавий орзумизни амалга оширишдан мамнун бўлдик.

Хуллас, болалар билан баҳамжиҳат бутун синф учун ҳақиқатдан бажарса бўладиган орзуни танладик. Энди ўз ролингизни муҳокама қилиш ва мажбуриятларни тақсимлаш зарур. Масалан, мактаб лагерига тайёр-

гарлик чоғида ўқувчиларим асосан маблаг тўплашга жавобгар бўлишиди, мен эса уларни қўллаб-кувватлаб турдим ва умумий назоратни унутмадим. Ўқувчиларга ишларини режалаштириш учун танаффус пайти синфда қолишлирга рухсат бердим ва “ширинликлар ярмаркаси”, мактаб дисқотекаси каби тадбирлар чоғида доим уларнинг ёнида бўлдим.

Лекин тадбирларда ўзим фаол иштирок этмадим, чунки бу ўқувчиларнинг вазифаси саналади. Айни ҳолат ҳеч кимни ҳайрон қолдиргани йўқ, чунки Финляндияда ўқитувчилар ҳам, ота-онаю ўқувчи ҳам бундай ёндашувни тўғри деб билишади.

Ёш ўқувчиларимга мураккаб тувлган томонларни синчков назорат қилдим, масалан, сафаримизга хайрия тўлови ўтказган бир ўқувчининг отаси билан ҳамкорлик қилдим.

У мактаб лагери учун банқда алоҳида ҳисоб рақами очди ва биз унга йигилган пулларимизни қўйдик. Ҳар бир тадбирдан сўнг ўқувчилар жамоа бўлиб, қўпинча математика дарсида тўпланган пулларни санашарди. Кейин мен нақд пулларни ота-оналар кенгashiдан вакил келиб, олиб кетгунига қадар ишончли жойга яшириб қўярдим. Ҳисобимиэда етарли сумма тўпланганидан сўнг ўша боланинг отаси банк орқали тўловни амалга оширди. Тайёргарлик жараёнида биз у билан ҳам ва бошқа барча ота-оналар билан ҳам мулоқот қилдик. Вазифаларимдан бири, бу саёҳат учун зарур бўлган нарсаларни буюртма қилиш эди. Бизга овқат, турар жой ва автобус керак эди. Ҳамкасларимдан уларнинг сафарида ҳаммаси яхши ўтганини эшитгач, мен ҳам саёҳатни ўша жойга режалаштира бошладим. Чунки ўқувчиларим ўз тенгдошлари сафар қилган

жойга борищдан хурсанд бўлишади, деган қарорга келгандим. Аммо бу хато бўлиб чиқди: умумий мажлис чоғида кўпчилик болалар бошқа жой ҳақида фикр билдиришди, ҳатто аллақачон ҳаммасини буюртма қилиб қўйганим ҳам уларни тўхтата олмади.

Кайфиятим сал бузилди, аммо бундай вазиятда масалани овозга қўйиш оқилона иш бўлади, деган қарорга келдим. Олтинчи синфларнинг кўпчилиги иккинчи вариантни танлашди. Болаларнинг хоҳишига рози бўлишимга тўғри келди. Албатта, мен учун қўшимча қийинчиликлар пайдо бўлди, аммо бу ўзгариш охирига келиб болаларни қанчалар қувонтирганини кўрганимда ўзим ҳам фахрланиб кетдим. Сафардан бир кун олдин биз яна овоз бериш йўли орқали мактаб лагерида нима билан машғул бўлишимизни ҳал қилдик.

Жамоавий орзуни муҳокама қилиш чоғи ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам бир-бирига ён беришига тўғри келиши эҳтимолдан ҳоли эмас, яхши томони, ушбу демократик жараён синфни ўзаро бирлаштиради.

Мактаб лагерида бир неча кун яшадик. Бу вақт ичida олам-олам қизиқарли тадбирларни ўйлаб топдик: флагбол (Америка футболининг бир тури) ўйнадик, камондан отдик, судзик, фрисби бўйича жамоалар турнирини ўтказдик ва ҳатто кичик олимпиада ҳам ташкил этдик.

Бир куни кичикроқ кўл бўйидаги саунани ижарага олдик. У ердаги сув шунчалар совуқ эдики, унга шўнғиётганлар бор овозлари билан чинқириб юборишарди. Бошқа сафар дарё бўйида маҳсус жиҳозланган майдончага бордик ва маршмеллоу пластинкаларини гулханда пиширдик ҳамда қуёш ботаётган уфқдан завқланганча қулупнай мурабболи

қүймоқлар едик. Ўша кеч болаларга қүймоқларни сувда суздиришни ўргатдим, аммо буни құрсатаётган пайтимда оёғим тойиб күлга тушиб кетдим ва яхшигина шалаббо ҳам бўлдим. Ўтган воқеанинг устидан кейинчалик ҳам анча вақтгача кулишиб юрдик.

Хельсинкига қайтгач, бутун бошли дарсни сафар муҳокамасига бағишиладим ва шундай қисқа вақт оралиғида қанчалик кўп умумий хотираларга эга бўлганимизни кўриб, жуда таъсирандим. Мактаб лагери улар билан бирга ўtkазилган икки йилнинг энг ажойиб якунига ўхшаб туюлди менга. Балки бундай тадбирлар ҳаммамиз учун билимлар уммони бўйлаб амалга оширган икки йиллик саёҳатимиэзнинг энг ажойиб дебочаси ҳам бўлгандир.

Саёҳатнинг камчилиги деб синфимизнинг ҳамма ўқувчилари тўлиқ иштирок эта олмаганини айтиш мумкин. Бир нечта болалар шахсий сабабларга кўра, мактаб лагерига бормасликка қарор қилишди ва ўша кунлари улар параллел синфга қўшилиб машғулотларда иштирок этишди. Уларнинг танловига ҳурмат билан қарадим, аммо улар ҳам бу тажрибани бошқалар билан баҳам кўришларини хоҳлардим. Қайттанимиздан сўнг боролмаганлар ўзларини бироз яккалангандек ҳис қилишди, чунки бошқа барча синфдошлар бир-бирлари билан мактаб лагери ҳақида завқланиб сўзлашишарди.

Синфи билан жамоавий орзуни амалга оширмоқчи бўлган ўқитувчилар яна бир нарсани эсда тутишлари лозим. Бундай лойиҳани амалга оширишда иштирок этмаган ўқувчи уларнинг лойиҳада қатнашган ўртоқларида пайдо бўлган кучли дахлдорлик ҳиссидан маҳрум бўлади. Шунинг учун бундай тадбиргра имкони борича барча ўқувчини тўлиқ жалб этган маъқул.

Хельсинки мактабида жамоавий орзуни рўёбга чиқариш бўйича тўплаган шахсий тажрибам муваффақиятли чиқди, аммо ҳамкасларим, ўқувчилар ва ота-оналарнинг кўмагисиз мустакил равишда ҳеч қачон буни эплай олмаган бўлардим. Шунинг учун ҳам сизга ёрдам берувчи ва лойиҳангизга келиб қўшилувчи бошқа бир педагог топишни чин дилдан тавсия қиласман.

Эҳтимол, сиз ҳам ҳамкасбингизга худди шундай ёрдам кўрсата олишингиз мумкин.

Мактаб лагеридаги уч кун давомида бизга ҳамроҳлик қилиб, бирга юрган тажрибали фин муаллимасидан чексиз миннатдорман. Бу ажойиб аёл жўнашимиздан олдин мен учун кутилмаган воқеа бўлган бир неча ишларни бажаришимизни талаб қилиб туриб олди: у телефон орқали олдиндан берган буюртмамизни тасдиқлатиб берди, очиқ ҳавода пишириладиган маҳсулотларни сотиб олди, мен билан учрашиб, барча муҳим масалалар бўйича яна бир бор гаплашиб олди. (Сафар чоги ҳатто икки ўқувчимиз билан қўймоқ учун хамир ҳам тайёрлади). Қисқасини айтганда, ҳамкасабам бизга олижаноблик кўрсатди ва у туфайлигина ҳаммаси рисоладагидек ўтди. У асабларимни асраримга ва чексиз қувонч ҳиссини туйишимга ёрдам берди: ахир бошқа педагогнинг ёрдами туфайлигина бор эътиборимни вазиятни назорат қилишга эмас, балки курсандчилик қилишга ҳам муваффақ бўлдим.

Мавзу бўйича фикрларимни туттарканман, алоҳида таъкидлашим зарур: орзунгиз қанча буюк бўлмасин, уни ўқувчи ва ўқитувчи эътиборига ҳавола қилинг. Энг муҳими, бу орзулар чиндан ҳам жамоавий ва уларни бажариш имкони бўлсин.

## ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАЪҚИБ ҚИЛИШЛАРИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ

Мактабдаги таъқибларни нафақат тўхтатиш, балки уларни ўз вақтида бартараф этиш учун ҳам биз жуда кўп иш қилишимиз мумкин. Қўлингиздаги китобда мен қайд этган стратегиялар (ҳаракатлар), яъни ҳар бир болани билиш, ўқувчилар билан бирга ўйнаш, натижаларни эътироф этиш, жамоавий орзулар сари интилиш – ҳаммаси шу мақсадга ҳисса қўшади. Айтганларимнинг бари синфда кечеётган жараёнларга дахлдорлик ҳиссини мустаҳкамлаб, таъқибларнинг олдини олишга хизмат қиласди. Бироқ баъзан ўқувчилар ўртасида шафқатсиз муносабатлар учраб туради. Бундай вазиятда педагоглар дарҳол вазиятга аниқлик киритишлари лозим.

АҚШ Миллий фанлар академияси ҳисбботига кўра, америкалик болалар ва ўсмирларнинг 18–31 фоизи таъқибларга дуч келади. Таъқиб деганда нима тушуниш керак? Буни турфа талқин қилиш мумкин. Журналист Роксана Хамсининг қайд этишича, “ушбу вазиятда энг кенг тарқалган таъриф – бу хафа қилувчи кимсанинг такрорланувчи, атайин ва тажовузкор ҳаракати бўлиб, бу ҳолат кучларнинг нотенглиги реал ёки нореал бўлишидан қатъий назар юзага келаверади”.

АҚШдалигимда учта мактабда ишлаганман (иккитаси давлатники, биттаси хусусий) ва ҳамма жойда педагоглар таъқибни бартараф этишининг ўта оқилона усулларини қўллаганига гувоҳ бўлганман. Буларга “эрталабки давра”, мунтазам равищда ўтказиладиган умуммактаб мажлислари, таъқибга қарши кураш бўйича маҳорат дарслари, ушбу ҳолатга қарши курашишни

зиммасига олган ўқувчиларнинг имзоси туширилган катта-катта плакатлар киради. Профилактика олий даражада эдию, аммо ҳеч бир мактабда таъқибни тагтомири билан йўқ қила олишмасди.

Финляндияда эса, мана, 10 йилдирки, бу муаммони давлат даражасида ҳал қилишга уринишади. Хельсинкида дарс берәтиб ана шу мақсадда ишлаб чиқилган ва 90 % мактабнинг барчасида фойдаланиб келинаётган бир дастур билан танишдим. У KiVa деб номланади. Ушбу аббревиатура “kiusaamista vastaan” сўзларидан олинган бўлиб, фин тилидан “таъқибга қарши” дея таржима қилинади. Бундан ташқари бу ерда сўз ўйини ҳам бўлиб, “kiva” сифати “жонажон, ёқимли” каби маъноларга ҳам эга.

Ушбу давлат дастурининг дастлабки натижалари кишида умид уйғотмоқда. 7000 фин мактаби иштирок этган тадқиқотларда KiVa жуда кўп таъқибга учраган болаларнинг руҳий соғлигини анча яхшилашга ёрдам бергани қайд этилган.

KiVa стратегияси моҳияттан профилактик тадбирларни ўз ичига олади: ўқувчилар компьютер дастури ёрдамида салбий вазиятни моделлаштиришади; бундан ташқари, синфларда ролли ўйинлар ўтказилади. KiVанинг энг катта ижобий томони шундаки, кимки мактабда таъқибга учраган бўлса, у бажариши лозим бўлган ҳаракатлар батафсил баён қилинади. (Шу соҳада маҳсус тайёргарлиқдан ўтган Хельсинкидаги собиқ ҳамкасабам Паула Хаву бу ҳақда батафсил айтиб берганди.)

Мана, амалда у қандай ишлайди. Фараз қилайлик, бир неча ўқувчиларда можаро юзага келди.

Болалардан кимдир синфдошларини таъқибга ўхшаш хулқда айблайди, масалан, болалар у билан

ўйин майдончасида бирга ўйнашдан мунтазам равища воз кечишади. Бундай ўқувчилар синф раҳбари билан гаплашиб кўришлари ва ундан KiVa дастури бўйича учрашув ташкил этишни илтимос қилишлари мумкин. (Бужараёнда содир этилган воқеаларнинг гувоҳларини, яъни педагоглар ва синфдошларни ҳам жалб этиш мумкин.) Учрашувда синф раҳбари ўқувчилар билан бирга сўровнома тўлдиради ва унда кўнгилсизлик қисқача баён қилинади ва шундан сўнг навбатдаги музокараларнинг вақти ва жойи тайинланади. Кейин анкеталар маҳсус папкага жойлаштирилади ва бу папкани доимий равища KiVa учун масъул бўлган педагоглар кўздан кечириб турадилар. Ушбу ўқитувчилар юзага келган вазият ҳақида маҳсус ўқув курсларини ўтаган ёши катта ўқувчиларга ҳам сўзлаб берадилар ва бу болалар конфликтолог ролида можаронинг ечимида иштирок этадилар. Шу билан бирга, бундай болалар ўқитувчилар билан бир қаторда музокараларда иштирок этишади ва уларни ўтказища ёрдам беришади.

Музокаралар одатда танаффус чоғида ва бирорта бўш хонада ўтказилади. Томонларнинг ҳар бири ўз тахминини илгари суради, биринчи босқичда энг муҳим вазифа – бу бир-бирини тинглашдир. Кейин ўртадаги воситачилар жанжал қатнашчиларидан можаро пайтида ўзларини қандай тутганини баҳолаб кўришни илтимос қиласилар, ушбу ҳолатда бошқача йўл тутиш мумкинмиди ва айнан нима қилиш керак эди кабилар. Бу келаси сафар ҳам шундай вазият юзага келса, ўқувчилар олдиндан чора кўришлари ва жанжалнинг эҳтимолий ечимини топишлари учун зарур бўлади. Ҳар иккала томон бундан кейин ўйлаб топилган ва

можаронинг олдини олувчи чорани қўллашга ваъда берадилар, воситачилар уни ёзib олишади ва шу билан музокаралар тугайди.

KiVa қоидаларига биноан агар одам кечирим сўрашни истамаса, ҳеч ким ундан буни талаб қилиб ўтирамайди, дейди Паула Хаву. Чунки сендан босим остида кечирим сўрашингни талаб этишадиган бўлса, у ҳолда кўпинча бундай узрлар чин дилдан чиқмаган бўлади. Бунинг ўрнига биз болалардан муаммонинг моҳиятига, улар ўзларини қандай тутишига ва юзага келган вазиятда қандай ечим топиш мумкинлигига эътибор қаратишни сўраймиз.

Орадан икки ҳафта ўтиб, одатда ҳар икки томон вакиллари назорат учрашувига таклиф этилади. Агар муаммо аввалгидек қолаётган бўлса, баённома тузилади ва бу ҳақда ота-оналарга хабар берилади.

Фин мактабларида тазийқ қилиш қатъян ман этилган, аммо KiVa стратегиясида анча-мунча салбий хусусиятга эга воқеликни бартараф этиш учун оддий ҳаракатлар таклиф этилгани самаралидир. “Бу шунчаки жуда ажойиб дастур”, – дейди Паула ишонч билан.

АҚШда ҳам педагоглар KiVa дастурининг муҳим элементларини амалда қўллаб, улардан анча фойда олишлари мумкин, деб ўйлайман. Ҳозир ортга назар ташларканман, синфдошларига тазийқ ўтказишга ўхшаш хулқ-автор мен ишлаган Америка мактабларида ҳам учраб турганини англаб етяпман, аммо бундай вазиятда қандай чора кўришни билмаганман. Менимча, барча ўқитувчиларнинг мунтазам равишда ўқувчилар билан бошқаларга шафқатсизлик қилиш ва бунга қарши қандай курашиш ҳақида муҳокамалар ўтказиш оқилона ечимдир.

Бундан ташқари, бизда ҳам ўқувчилар шикоятларига жавоб қайтариш мүмкін бўлган тизимни яратиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Одатда мен жанжаллар назорат чизигидан чиққанидан кейингина уларга аралашаман. Эҳтимол, ўқувчилар ўзаро муносабатлар чоғида юзага келувчи қийинчиликлар ҳақида ўқитувчига ўз вақтида айтиб бериши учун ҳар бир синфда KiVa папикаларига ўхшаш маҳсус қутилар жорий этиш яхши ғоядир.

Бундай вазиятларда менинг хатоим кечирим сўрашга ургу беришим экан. Аслида конфликт ечимини қидириш асосий қалитлигини энди тушуниб етяпман. Одатда болаларни кечирим сўрашга ва ушбу ёқимсиз вазиятни эсдан чиқаришга ундардим. Лекин уларнинг мақтагулик ижобий амални қўллашлари мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрмабманам. Финляндияда бу масалада узоқни ўйлаб, жуда оқилона йўл тутишади, яъни томонларнинг таклифларини ёзиб олишади ва кейин назорат учрашуви ҳам белгиланади.

Мактабларда ўтказилаётган тазииклар ўқишидаги кувончдан маҳрум қилиши ойдек равшан. Хайриятки, KiVa дастури турли усулларни таклиф қиласди. Унинг ёрдамида педагоглар синфдаги ижобий кайфиятни сақлаб турадилар ва мазкур салбий воқелик билан курашиш учун болаларга ташаббусни намоён қилишига ёрдам берадилар.

## **ОТАЛИҚҚА ОЛИШ ТИЗИМИНИ ҚЎЛЛАНГ**

Хельсинкидаги мактабимизда жуда ажойиб оталиққа олиш тизими мавжуд. Унга кўра олтинчи

синфлар биргалашып машғулот ўтиш учун биринчи синфлар билан бирлашадылар. Бошида бу амалиётни ташқаридан кузатиб, завқланган эдим. Кейинчалик бешинчи синфларим олтига ўтгач, менга ҳам гал келди. Ўша йили кузда ўқувчиларим биринчи синфларни оталиққа олдилар.

Илк учрашувдаёқ ҳаммамиз “Хазина қиðириш” билан шуғулланганимиз ҳамон эсимда. Ушбу саргузашт ўйинни васийлигимиздаги синф муаллимаси тайёрлаб қўйганди. Фикримча, оталиққа олиш тизими биринчи синфларнинг мактабга қўникишлари учун жуда катта ёрдам берди.

Танаффус вақтлари ўйин майдончасида болакайлар ўқувчиларимнинг ёнига келаётганини ва уларни меҳр билан қучоқлаб олаётганини жуда кўп кузатганман. (Айрим болакайлар ўзларининг катталарга боғланиб қолганини шунчалар эҳтирос билан изҳор қилишардики, оқибатда вазиятга ўзим аралашибимга тўғри келарди, яъни олтинчи синфларим буни миннатдорлик рамзи сифатида қабул қилишлари учун уларни болакайларнинг жўшқин ҳиссиётларидан асраб қолардим).

Ўша ўқув йили ҳамжиҳатлиқда кўп ишлар қилдик. Биргалиқда ўтадиган дарсларимиз энг камида (ҳафтасига) иккита бўларди ва бу пайтда катта ёшлилар кичикларнинг вазифаларини бажаришда ёрдам беришарди. Бундан ташқари шаҳарга ҳам бирга бориб келардик. Одатда, ҳеч қандай ғайриоддий нарсани режалаштирасдик, шунинг сабаб тадбирларимизни тайёрлаш осон кечар, вақт ва куч сарфи ҳам унча сезилмасди. Умуман олганда, оталиққа олиш жуда фойдали бўлди, деб ўйлайман: бу кичкинтойларга

мактабни ўзлаштириш учун ёрдам берди, менинг ўқувчиларим эса анча меҳрибон ва жонкуяр бўлиб қолишиди.

Оталиққа олиш тизими фин мактабларида мажбурий эмас ва мамлакатда унчалик ҳам кенг тарқалмаган. Аммо Хельсинкидаги мактабимда танишиш насиб этган анъана менга жуда ёққанди. Чунки у дахлдорлик туйғусини туйишга ёрдам беради. Собиқ ҳамкасабам Паула Хаву (у биринчи синфларга дарс берар, мен эса ундан тажриба ўрганиш учун тез-тез дарсларига кириб турардим) бу соҳадаги тажрибасини батафсил сўзлаб берарди.

– Гарчи синфимда эҳтиёжманд болаларни ҳам қўшганда 28 ўқувчи бўлса-да, оталиққа олиш тизимининг ёрдами туфайли биз турли жойларга бора олардик. Олтинчи синф ва уларнинг ўқитувчисидан муентазам равишда ёрдам келарди. Ҳа, албатта, олтинчи синф боласи ҳали гўдак бўлади, аммо унга ваколат бериб, ишонч билдирангиз, ўзининг кичкина вассалчалари пайдо бўлса, ўспириналар ўзгаради. Энди уларга энг зўр бўлишнинг кераги йўқ, ўзларини ҳаммадан кучли қилиб кўрсатишларига ҳожат ҳам йўқ. Шунчаки кичкина ўртоғига ёрдам бериши ва унинг ўзига тақлид қилиши учун намуна бўлиш керак, холос.

Нима сабабдан оталиққа олиш тизими бундай яхши ишлашини тушунтириш учун Пауланинг қизиқ назарияси бор:

– Баъзан синфда қандайdir муносабатлар юзага келади ва ўқувчилар ўз зиммаларига маълум бир ролни оладилар. Агар турли синфдаги болаларни аралаштириб ташласангиз, ҳаммаси ўзгаради. Масалан, жанжалкаш

ва безори бола учун энди ўзининг “зўр бола” деган обрўйини ушлаб туришнинг кераги йўқ, чунки унинг шундайлигини синфдошлари билади ва энди у бошқа бир гуруҳга бориб қўшилиши керак.

Паула билан телефонда сўзлаша туриб, унга АҚШда аксар ўқитувчининг ҳамкаслари билан мулоқот қилишга вақти йўқ, кўпи ўта банд ва доимий тарзда стрессни бошдан кечириши ҳақида айтиб бердим.

– Ана шу стресс пайдо бўлишига сабаб ҳамма ишни ўзинг бажаришинг кераклигида. Агар ўша ишни ким биландир баҳам кўришни бошлишингиз билан бирдан енгил тортасиз, – дея эътиroz билдириди у.

Хельсинкидаги мактабимиизда олтинчи синфларнинг биринчи синфларни оталиққа олиши яхши натижа берди. Ўйлашимча, худди шу тадбир каби бошқа варианtlарнинг ҳам имкони бор. Нима учун саккизинчи ва олтинчи синфларни бирлаштирумаймиз? Ёки иккинчи синфлар болалар боғчасидаги гуруҳларни оталиққа олишса-чи? Ҳатто ёшларида унчалик катта фарқ бўлмаган болалар ҳам бир-бирлари билан мулоқот қилишдан фойда олишади.

Аввал айтганимдек, оталиққа олиш тизимини кўллаш учун маҳсус тайёргарлик талаб этилмайди. Энг муҳими, ўқувчилар (ўқитувчилар ҳам) бутун ўқув йили давомида кучли бир даҳлдорлик туйғусидан мароқланиб юришлари учун мактабнинг дастлабки кунлариданоқ ўз синфингиз ва бошқа бир синф ўртасидаги яхши алоқани йўлга қўйиш лозим.

### III БОБ

## МУСТАҚИЛЛИК

Финляндияда ишлаган дастлабки йилимда ўқув йили бошланишидан бир кун олдин педагогик кенгаш бўлиб ўтди. Уйга кетишдан аввал директор хоним ўқитувчиларнинг унга саволи бор-йўқлиги билан қизиқди. Шахсан менда бундай саволлар кам эмасди, аммо улардан бири ҳаловатимни ўғирлаганди: машғулотдан сўнг бешинчи синфларни қаерга олиб бориш керак?

Америкада мен ишлаган барча мактабларда ҳар куни, дарсдан сўнг ўқитувчи ўқувчиларни мактаб дарвозаси олдига олиб боришига тўғри келади. Кейин улар ё автобусга ўтиришади, ё ота-оналари ҳамроҳлигига кетишади (жуда камдан-кам вазиятларда болакайлар ёлғиз уйга қайтадилар). Хельсинкида ҳам вазият таҳминан шундай бўлса керак деб ўйлагандим. Бироқ бу саволимдан ҳамкасларим ҳайрон қолишганди.

Мана, ҳозир ортга назар ташларканман, уларни нима лол қолдирганини тушуниб турибман. Фин ўқитувчилари дарслардан кейин болаларни кузатиб қўйишмас экан. Бу ерда ўқувчилар шунчаки синфдан чиқиб, ўзлари эркин равишда уйларига отланишаркан. Ҳамма, ҳатто биринчи синфлар ҳам.

Мен ҳам ўқув йилининг биринчи куни фин ҳамкасларимнинг бу одатига амал қилдим. Сўнгги дарс тугаши билан бешинчи синфимни ортиқча

кузатувсиз эшикка томон қўйиб юбордим ва уларнинг қай тариқа гардеробдан кийим олишларини қизиқиб кузатавердим. Бир нечаси телефонини чиқариб, ота-онасига телефон қилди. Кўз ўнгимдагилардан ҳайратим ошаверди. Айримларнинг уйга ўзи мустақил кетаётганини ота-онасига билдираётганини эшитиб лол қолдим.

Эртаси куни гап орасида ким уйига ёлғиз ўзи кетишини сўрадим. Синфнинг тўртдан уч қисми қўлинини кўтарди. Маълум бўлишича, айрим болалар метрода, кимдир трамвайда, қолганлари пиёда ёки велосипедда кетаркан.

Ўша ўқув йили иккинчи синфда ўқийдиган қизалоқ билан танищдим. У уйга бир ўзи қатнашини айтди (йўл Хельсинкининг маркази орқали ўтар ва бир километрча масофани ташкил этарди). Бу ҳам етмагандек, қизалоқ ота-онасининг фақат кечга яқин уйга қайтишини айтди. Лекин у бўш ўтирмас, мустақил равишда дарсларини қилар ва ўзига оддийроқ егулик ҳам тайёрлар (севимли егулиги қовурилган тухум экан) эди. Ўша қизча ҳақида бир жуфт бешинчи синфга айтганимда улар буни мутлақо бефарқ қабул қилишди: “Ҳа, бу одатий ҳол”, дея қўл силташди. Бир бола боғчадалик пайтиданоқ уйига ўзи қатнаганини айтиб берди. Ўшанда: “Қайси сайёрадаман?”, дея ўйга толганим эсимда.

Фин болалари американлик тенѓдошларига нисбатан анча эркинга ўхшайди, бироқ бу ҳолат генетика билан мутлақо боғлиқ эмас.

Кузатувларимга қараганда, ушбу феноменнинг сабаблари қуидагича бўлиши мумкин, яъни уйда ҳам, мактабда ҳам уларга катта ёшлиларнинг кузатувисиз кўп ишни бажариш учун имкониятлар берилади. Шу

сабаб ҳам улар ўқищда сезиларли даражада эркинликка эришадилар.

АҚШда ишлаб юрган кезларим ҳар доим болалардаги эркинликни ривожлантиришга ҳаракат қиласа, айниқса, ўқув йилининг бошида бунга астойдили киришардим. Аммо Финляндияда бу ёндашувимни ўзгартиришимга тұғри келди. Негаки бешинчи синфларимда мен хоҳлаган сифат шундоқ ҳам керагидан ортиқ экан. Ўзим ҳам мустақиллик томон интила бошладим. Олимларнинг аниқлашларича, мустақилликни ҳис қилиш баҳтнинг энг мухим компонентидирва Хельсинкида ишлаган икки йиллик тажрибам орқали бунга чуқур ишонч ҳосил қылдым: агар ўқувчиларимга ихтиёрий нимадир ишониб топширсам, улар яйраб кетишарди.

Куопио шаҳридаги Niirala номли тайёрлов мактабининг бир гурух тарбиячилари билан суҳбатлаша туриб, уларнинг машғулотларидағи қувончли мұхитта гувоҳ бўлдим. Ушбу мұхитда ниманинг ҳиссаси кўплиги ҳақидаги фикрларига қизиқдим. Тарбиячилар иккинчи ўринга (ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги яхши муносабатдан кейин, яъни дахлдорлик туйғусидан сўнг) болаларнинг ўқув жараёнинг таъсир эта олишини кўйишиди. Чунки бусиз қувонч ҳиссини туйиш мумкин эмас. Финляндиядаги сўнгги ислоҳотлар натижасида болаларнинг (мактабда ҳам, ундан ташқарида ҳам) эркинлиги ва мустақиллигини ривожлантиришга ургу берувчи таълим дастури қабул қилинди. Унда бошқа устувор йўналишлар қатори ўқищдан қувониш ва ўқитувчи билан ўқувчи ҳамкорлиги ҳам қайд этилган.

Педагог сифатида болалар мустақиллигига ёрдам бериш ўта мұхим вазифа деб биламан, аммо тан олай,

бу борада ҳали бош мезонни аниқлаб, зарур шароитни яратиши үрганишим шарт. Айни вақтда ҳаддан зиёд мустақил бўлган фин болалари билан икки йил ишлагач, ўзим учун ўқувчиларнинг эркинлигига ҳисса қўшувчи бир нечта стратегияларни ҳам аниқлаб олдим.

## **ИШНИ ЭРКИНЛИК БЕРИШДАН БОШЛАНГ**

Талабалик йилларим ўқитувчиларим ҳамиша доно педагог болани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши керак, деб уқтиришарди. Ўзим қуидаги назарияга таянардим: болаларни астойдил назорат қилган ҳолда, уларга юклатилаётган жавобгарликни аста-секин кучайтириб бориш керак. Яъни уларнинг эркинликка тайёрлигини кўргач мустақил ҳаракат қилишига изн беришимиз мумкин. Кўп йиллар давомида бор кучим билан ўкув жараёнини ҳам, ўқищдан ташқари тадбирларни ҳам тўлиқ назорат қилишга уринганман.

Аммо Хельсинкида иш бошлагач, бу принцип у қадар ўринли эмасдек туюлаверди: агар уларга мактабдан ташқарида эркинлик берилса, бешинчи синфларим жуда кўп нарсанинг уддасидан чиқадигандек эди. Ўзимча ўйланиб, балки бундай вазиятда аксинча ҳаракат қилган маъқулроқдир дедим. Уларнинг эркинлигини чегаралашдан эмас, балки кенгайтиришдан бошласам-чи? Ўкув йили бошланганидан бир неча ҳафта ўтиб қилинган бу қашфиёт мен учун ҳақиқий силжиш бўлди.

Мактаб лагери учун пул тўплаш мақсадида бешинчи синфларим “ширинликлар ярмаркаси”ни ўтказишига қарор қилишди. Ростини айтсам, бошида бу гояни шубҳа билан қабул қилдим: бўйнимга яна бир ташвишни осгим

келмаганди. Аммо ўқувчилар менинг ёрдамимсиз ҳам тадбирни дүндириб ўтказа олишларига ишонтиришди. Шундан сўнг яшил чироқни ёққандим, тан олишим керак, болалар мени ҳайрон қолдиришди. Бешинчи синф болалари тадбирни жўнаштирадиган рекламани тайёрлаб, иштирок этишни хоҳлаган барчани рўйхатдан ўтказиши, уйларидан идиш тўла пишириқлар келтириб, бино ичидаги мебелларни тартиблашди. Мен ҳар доим ёрдам беришга тайёр эканимни айтдим, аммо бошдан охиригача ўқувчиларимнинг қўлидан судрамадим. Илк “ширинлик ярмаркаси” нафақат мактаб лагерига деб тўпланган пул сабаб, яна уларга берилган мустақиллик туфайли аъло даражада ўтди. Агар болаларга имкон берсангиў, қанчадан-қанча индивидуал ва жамоавий ишларни амалга ошира олишларини амалда исботлашди.

Кейинроқ параллел бешинчи синф ўқитувчилари билан бирга “Мустақил ўқиш ҳафталиги” номли тажрибани ўтказдик ва унда бир нечта бошқа фан ўқитувчилари ҳам иштирок этиши. Биринчи куни ўқувчиларга топшириқлар рўйхатини тарқатиб, бир неча кун одатдаги дарсларингиз бўлмайди, деб огоҳлантириб қўйдик. Бунинг ўрнига мустақилравища ўзлари танлаган тезлиқда вазифаларни бажаришлари мумкинлигини айтдик. Агар болаларга ёрдам керак бўлса, бизга мурожаат қилишларига ишонгандик.

“Мустақил ўқиш ҳафталиги” чоғида ҳеч биримиз синф кезмадик, уларнинг елкаси оша мўраламадик ҳам. Аксинча, болаларга барини ўзлари мустақил уddeлашлари учун имкон бердик. Ҳамкасбим иккимиз бешинчи синflаримиз учун анчагина ўқув соати ҳам (15 соат) ажратдик. Энг қизиги, ҳеч қандай хавотир

ҳиссини туймадим. “Ширинликлар ярмаркаси” ва бошқа тадбирлар туфайли мустақил ишлашга кенгроқ имконият бўлса, ўқувчиларим муваффақиятга эришишларини яхши билардим. Бу гал ҳам улар мени яна ижобий маънода ҳайрон қолдиришди. Эҳтимол, кимгадир кўпроқ вақт керак бўлгандир, аммо болалар топшириқларни муваффақиятли уddyаладилар.

Америкада педагоглар ўқувчиларга билимларни етказиб берадиган “доно-хабар тарқатувчилар” ролида чиқувчи анъанавий моделдан бир четда турганча, фақат зарурат бўлгандагина ёрдам берувчи, маъноларни ўзлари мустақил шаклантиришга ундовчи “гид кузатувчи” моделига ўтиш муҳимлигини муҳокама қилаётганларини кўп марта эшитганман.

Ўйлашимча, иккинчи ёндашувнинг маълум афзалликлари бор, аммо эркинлик беришни бошлаш учун бироз бошқачароқ стратегияни таклиф қилмоқчиман.

Финляндиядаги иш тажрибамдан билдимки, болаларга ўқув жараёнининг унча катта бўлмаган элементларига таъсир кўрсатишлари учун тез-тез рухсат бериш керак экан. Хельсинкида ўтган икки йилим давомида ўқувчилар ишончимни оқлашган ва уларнинг мустақил равишда қанчалар кўп нарса қила олишларини кўриб, кўп бора ҳайрон қолганман.

Эркинлик бериш принципи қисман дастлабки тест ўтказишга ўхшаб кетади, яъни ўқувчилар янги материални ўзлаштиришдан олдин уларда бу мавзуда аввалдан қанча билим борлигини намойиш қила оладилар. Агар тўғри ташкил этилса, дастлабки тест синови оқилона усул. Ўқитувчига дарсни нимадан бошлаш кераклиги ҳақида маълумот беради. Бу эса

янада самаралироқ үқитищ учун пойдевор дегани.

Финляндияга келгунимгача, ўқув йилининг бошида янги материалларни ўрганарканман, лойиҳа устида иш бошлашдан олдин болаларга ўта кўп эркинлик беришни унчалик хоҳламас, чунки ёрдамимсиз болалар йўлларини тополмай қолишлари мумкин деб ўйлардим. Аммо энди эркинлик беришдан бошлаш мақбул йўл экан, зеро бу дастлабки тест каби болаларнинг нималарга қодир эканини кўриш имконини беради. Баъзан ўқувчилар биз учун ўта мураккаб кўринган ишлар билан шуғуланишни хоҳлайдилар, масалан, ўзлари тушуниши қийин бўлган китобларни ўқиши ёки ўта мураккаб математик топшириқни ечишини исташади. Бундай вазиятда ўқитувчининг олдида иккита вариант туради: ё болаларга ушбу муаммо билан курашишга имкон бериш, ё донолик билан уларни четга олиш.

Америка мактабларида ишлаган чоғларимдан биламанки, агар педагог ўқувчиларга эркинлик берса, улар илҳомланиб кетишади. Гарчи устоз эҳтимолий хатарни кўриб турган бўлса-да, бу унинг ўқувчиларга билдирган ишончини англатади. Агар ўқувчилар қийин вазифаларни уddyалай олишмаса ҳам бунинг зиёни йўқ. Ҳеч бўлмаганда, ҳали тайёр эмасликларига ишонч ҳосил қилишади.

Финляндияда ишлаган иккинчи йилим бир ўқувчимдан электрон почта орқали хат олдим. У машғулотларда Kahoot номли онлайн викториналар учун мўлжалланган тестлар ва сўровномалардан иборат дастурини қўллашимни тавсия қилганди. Бола ўзини илҳомлантирган ушбу сервиснинг имкониятларини қисқача тасвирлаб берганди. Унда ўқувчилар ўқитувчи

түзган тестларга планшет, смартфон, яъни интернетга уланган ҳар қандай ускуна орқали жавоб бериши мумкин эди. Аввалига бунга худди “ширинликлар ярмаркаси” бўйича қилинган таклифга ўхшаш муносабатда бўлдим. Биринчидан, Kahoot’ни кўллаш ўқувчилар ўргасида рақобатни юзага келтиради. Бундай “ғалва”дан узокроқ юришни истардим. Иккинчидан, ўша компьютер дастурини ўзлаштира олишимга кўзим етмасди!

Шундай бўлса-да, таклиф қатъий инкор қилмадим ва ажойиб ғояни этика дарсида ўртага ташлашни сўрадим. (Дарвоқе, Финляндияда биринчидан тўққизинчи синфгача танлов асосида этика ёки дин тарихини ўрганишади, масалан, лютеранлик ёки ислом тарихини). Ўқувчилар билан сервисни қўллашнинг этик томонларини муҳокама қилишни истагандим. Негаки унда лойиҳа иштирокчиларининг рейтинги унда очиқ- ойдин акс этиб туарди.

Охир-оқибат, бизга қанчалик тўғри келишини билайлик деб Kahoot’ни амалда синааб кўришга аҳд қилдик. Болалар бу гал ҳам ташаббусни қўлга олиб, вазифани бажаришга киришдилар. Бир неча бола ташаббускор ўқувчи бошчилигига мустақил равишда ўша куни этикадан ўтган мавзу юзасидан викторина саволларини тузищди. Шундан сўнг бу мен ўйлаганчалик қийин эмаслигини тушундим. Бу сафар ҳам ўқувчиларнинг ташаббускорлиги ҳал қилувчи роль ўйнади.

Кейинги этика дарсида бутун синф билан викторинани синааб кўргандик, болаларнинг боши осмонга етди. Интернетга уланган, гаджети бор ҳамма олтинчи синфлар сайтга киришди ва

ўртоқлари билан биргалашиб саволларга жавоб берса бошлаши. Ёқимли мусиқа остида бир неча варианлар орасидан ўзимиз танлаган жавобларни ола туриб, роса мароқландик. Ўйлашимча, улар бу қизиқарли тест шаклини ўқитувчи эмас, ўзлари ўйлаб топишганидан илҳомланиб кетишли. Агар ўшанда олтинчи синфдаги ташаббускор боланинг ғоясига қулоқ ҳам солмай, рад этганимда, бошқа вақт ва муҳитда ушбу қизиқарли дастурни самарали ўзлаштиришимга кўзим етмасди. Энг муҳими, эркинлик берилмаса, ўша бола ва унинг синфдошлари нималарга қодир эканини кўролмаган бўлардим. Бу мен учун навбатдаги кашфиёт бўлди ва баъзида оммавий ғазоратдан воз кечиш, аввал бошиданоқ ўқувчиларга жавобгарликни зиммага олишда имкон бериш қанчалар муҳим эканини тушундим.

## ЗАХИРАДА ОРАЛИҚ БЎШ ВАҚТ ҚОЛДИРИНГ

Фин мактабида бир йил ишлагач, сўз санъати фанидан машғулотларни қайта тузиб чиқишига қарор қилдим. Олтинчи синфларнинг кўпроқ ўз матнлари устида ишлашларини хоҳладим. Бунинг учун материаллар тўплаш, қоралама тайёрлаш, уни оқقا кўчириш, таҳрир, ишни ўзаро ҳамда мен билан муҳокама қилиш каби амаллар бажарилиши керак. Чиндан яхши ёзишни ўрганиш учун имкони борича чинакам ёзувчилар қандай ишлайдиган бўлса, худди шундай ишлашни синаб кўрмоқчи бўлдим.

Ўша йили кутубхонага уланган компьютер хоналарида кўплаб машғулотлар ўтказдик. Ҳар сафар

янги вазифани бажаришдан аввал лойиҳалар баёнини тарқатар, қисқа муҳокамадан сўнг болаларга мустақил ишлашни таклиф қиласардим.

Олтинчи синфлар мен билан учрашувга ёзилишлари учун синф доскасининг бир четидан алоҳида жой ажратдик. Ўз навбатида, мен ҳам бирортаси билан ёлғиз суҳбатлашишни хоҳласам, худди шу чизмадан фойдаланадиган бўлдим. Одатда бундай учрашув чоги биз ёзилган изоҳларни муҳокама қилиб, кейинги режаларни белгилаб олардик.

Ушбу схемани дарсда жорий эттагач, тез орада ижобий ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдим: менда болалар билан қайта алоқа учун кўпроқ вақт пайдо бўлди, улар эса мураккаб иншолар устида чуқурроқ ишлай бошладилар.

Ижодий машғулотлар пайти олтинчи синфларим лойиҳаларнинг турли босқичларида астойдил тер тўкишди: бири дафтарига янги ғояларни ёзib олар, бошқалари хона ўртасидаги стол атрофида туриб, маслаҳатлашишар, учинчиси компютерда қораламалар ёзар, тўртингиси кутубхонада бош қўтармай ўқирди. Бир неча ўқувчи эса синфда MP3-плеер эшлиши мумкинми, деб сўради. Асосий дарсдан чалғимаслик шарти билан уларга руҳсат бердим.

Аммо ҳаммаси ҳам бир текис кетмади. Айрим олтинчи синф ўқувчилари иш жараёнини қийинчилкларсиз ташкил эта олишди. Уларнинг матнлари “адабий устахона” усулига тўлиқ мос келди, ҳатто кутганимдан-да зиёда чиқди. (Улар ишларини ўзаро муҳокама қилиб, аралашувимсиз ҳам буни яхши уddyалашди). Аммо бошқа ўқувчилар ҳам бўлиб, уларга ўқитувчининг кўрсатмалари керак бўлди ва

бу босқичда оралиқ захира вақт қолдириш қанчалар мұхим эканини тажрибамда күрдим.

Бириңчи йили шунчалар батағсил режа тузардимки, ҳар қаңдай чалғиган бола ёки бошқа бир кутилмаган ҳолат режамни бажаришимга осонгина халақит бера оларди. Ҳар доим үқув жараёнини үзгартириш имкони бўлиши учун захирага вақт асраб қўйиш қанчалар мұхим эканини айнан Финляндияда аниқ тушуниб етдим.

Фин мактабларида кун бўйи дарслар оралиғидаги 15 дақиқалик танаффуслар меъёрий ҳолат ҳисобланиб, бу нарса бошиданоқ жорий қилинганд. Агар бирор үқувчига вазифани қўшимча равища тушунтироқчи бўлсан, ана шундай танаффуслар жонга ора киради. Агар улар бир неча бола баравар келса, 15 дақиқада муаммони ҳал қиласа бўларди. Финларнинг дарс жадвалидаги бундай үзига хослик менга чиндан ҳам яхши ёрдам берди. Шу билан бирга, вақтни мослашувчан қилиб тақсимлашнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд.

Биз үқитувчиларда дарсларни захира вақтлар қўшиб режалаштириш имкони бор эди. Сўз санъати фанидан машғулот шаклини үзгартирганимда буни аниқроқ тушундим. Бундай янгилик кўпчилик үқувчимнинг жуда яхши ёза олишини, бошқалари эса үзларини йўқотиб қўйишини кўриш имконини берди. Ўшанда айрим мониторларда 45 дақиқадан кейин ҳам бир нечта сўз ёзилгани ёки болалар китоб ўқиши лозим бўлган кутубхонадан қизғин мұҳомма овозлари эшитилгани ҳамон эсимда. Аввалиға “адабий устахона” машғулотининг тузилиш модели ҳамма учун қулай эмасди, кимларгадир ёрдамим кўпроқ керак бўлган.

Дарслар оралиғидаги 15 дақықалик танаффұс үқувчилар билан гаплашиб олишга жуда қулай бўлсада, бўш вақтларни машғулотлар давомида қолдириш қанчалар мұхим эканини тушуниб етдим, акс ҳолда қимматли үқув вақти беҳуда сарф бўлади. Болалар нақ 45 дақиқа кута олишмас, уларга қайта алоқа зудлик билан керак бўлади. Хайриятки, машғулотнинг янги тузилемаси бу нарсани таъминлашга имкон берди.

Ҳамма мустақил ишлаётгани учун мен ҳам ишларимни бошқариш имконига эга бўлдим: индивидуал консультациялар ўтказдим, кичик гуруҳлар билан суҳбатлашдим ёки ким нима қилаётганини кузатиш учун синфни бир қур айланиб чиқдим. Ўқувчиларга қўпроқ мустақиллик бериш эвазига ўзим ҳам унга эришдим.

“Адабий устахона” машғулотларида болаларга имкон борича аввалдан маслаҳат беришга ҳаракат қилдим, чунки улар дарслардан қўпроқ фойда олишга улгуришлари лозим. Аммо олтинчи синфларнинг барчаси ишга киришиб, диққатларини матнларга қаратмагунча бу ишни бошлашдан маъно йўқ эди. Болалар лойиҳалар устидаги ишларини қайта бошлари учун дастлабки бир неча дақиқани дарснинг бирмунча секин бошланиши учун ажратиб қўйдим. Ўзим эса уйда унутиб қолдирилган дафтарлар, компьютерларнинг етишмаслиги каби ташкилий ишлар билан шуғулланиб турдим. Ҳаммалари ишга киришишлари билан кимки доскага мен билан учрашишини олдиндан ёзib қўйган бўлса, ўшалар билан индивидуал консультацияларни бошлаб юбордим.

Буларнинг ҳаммаси яхши, аммо ўқувчиларнинг айримларини барибир назорат қилишга тўғри келди.

Масалан, кимдир иш билан машғул бўлиш ўрнига МРЗ-плеерни кўпроқ эшиштаган бўлса, жараёнга аралашиб вақти келгани аён бўлиб қоларди. Қоидага кўра, бир ўқувчи билан маслаҳатимни тугатиб, иккинчиси билан бошлишдан олдин дарсдан чалғиган болага эътиборимни қаратар эдим.

Финляндияда ўтаётган иккинчи иш йилимда “адабий устахона” модели ҳали мукаммал даражага етказилмаган эди, аммо унга оралиқ вақт киритилиши эвазига мустақил ишлаш учун анчагина имконият яратилганди. Ҳаракатларида эркин бўлишни истаган ўқитувчилар айнан шу моделни жорий этишлари шарт эмас (бироқ бу ҳам ўйлаб кўришга арзиди). Энг муҳими, ўқитувчи учун қайта алоқани таъминлай олишга ва ўқувчиларга мустақил ишлашлари учун имкон беришга етарли бўлган вақт захирасини сақлаб қолиш лозим.

Вақтажратиш учун ўқув кунининг энг муҳим палласи – “иш режимини ўзгартириш” зарур бўлган биринчи дарс соатидир. Болаларда иш кайфияти шаклланиши учун дарс аввалида бир неча дақиқа ажратилиб, ундан кейингина дарс бошланадиган бўлса, бу аъло натижга беради. Бу борада шахсий тажриbamни баҳам кўришим мумкин: синф доскасида керакли хабарни ёзиб қўяр, ўқувчилар эса хонага кириб, саломлашганимиздан сўнг хабарни ўқишишади. Одатда бу бир неча дақиқага мустақил ишлаш учун топшириқ бўлиб, масалан, мос равищда қизиқроқ китоб ўқиш ёки математикани машқ қилиш мумкин бўларди. Тажриба ва маслаҳатларим туфайли ушбу маросим болалар учун одатга айлангач, ўтиш даври учун зарур бўлган қимматли дақиқалар пайдо бўлди.

Бундай тартиб ёрдамида болалар кайфиятларини навбатдаги ўқув кунига мослаштираётган чоғ мен болаларнинг уй вазифаларини бажаргани, уларнинг соглиги каби бир қанча масалалар билан шугулланишга улгуардим.

Қолаверса, ушбу одатни болалар синфга қайттан ҳар қандай дарснинг бошида самарали қўллаш мумкин. Бу уларга дарсни осонгина бошлишга кўмак беради. Дуг Лемов “Ўқитувчи маҳорати” китобида бу усулни “Ҳозир бажар”, деб атайди ва бу яхши дарс учун биринчи қадам эканини таъкидлайди. “Ҳозир бажар” – синфга кирган ўқувчиларни кутиб турувчи доскадаги ёки қоғозга чиқарилган қисқа топшириқлар мажмуи. Нима бўлгандা ҳам бу усул ўқитувчи дарсни бошламасдан олдинроқ “ишлай” бошлайди”.

Лемов ўз китобида “Ҳозир бажар” машқлари жавоб бериши лозим бўлган тўртта мезонни ажратиб кўрсатади.

- Болалар синф хонасига кириши билан қаерга қараашларини аниқ билишлари учун уларга тайёрланган кўрсатмаларни ҳар доим битта жойда қолдириш керак, яъни доскада ёки қоғозга ёзиб деворга осиб қўйиш лозим.

- Топшириқлар ҳамма учун бир хил ва ўқитувчи ҳамда синфдошларидан қўшимча маслаҳат сўрамай-диган даражада ўта аниқ ифодаланган бўлиши керак.

- Асосий дарснинг ҳамма вақтини банд қилмаслик учун машқлар уч-беш дақиқадан ортиқ чўзилмаслиги муҳим. Лемовнинг фикрича, “ўқитувчи натижаларни осонроқ кўра олиши учун” болалар албатта ёзма топшириқ бажаришлари керак. (Мен бу масалада унинг фикрига қўшилмайман. Чунки тажрибамдан маълумки,

агар ҳаммада бир хил қизиқарли китоб бўлиб, ундан бирор нарса ўқиладиган бўлса, бу ҳам “Ҳозироқ бажар” туркумидаги жуда самарали машқлардан бирига айланади.)

• Лемов фикрича, “Ҳозир бажар” методининг янг яхши танланган машқлари “янги дарсга кириш ёки яқинда ўтилган мавзу учун тақрорлаш бўлиши керак”. (Бу интилишга арзигулик мақсад бўлиб, агар ўқувчилар бирданига мустақил равишда ёзма топшириқни бажариш ёки китоб ўқишга киришиб кетишса, самараси тезда билинади).

“Шу билан бирга, ўқитувчи топшириqlар жавобини баҳолай туриб, баъзида вақтни назорат қилолмай қолади, – дея ёзади Лемов. – 15 дақиқадан кейин “Ҳозироқ бажар” машқи дарснинг асосий қисмини эгаллаб қўйгани маълум бўлади”. Вақтни тўғри тақсимлаш учун текширишга 3-5 дақиқа сарфлаш ва буни ўқувчилар билан биргаликда бажарган маъкул. Оқилона фикр-а? “Ҳозироқ бажар” машқларининг асосий ютуғи – улар ҳаракатни ўзгартириш учун имкон яратиб беради ва янги дарсдан олдин ақлни чархлайди. Шу боис бутун синфга бир хил вазифа тақлиф этиш масаласида муаллифнинг фикрига қўшиламан. Агар ўқувчиларда танлов имконияти пайдо бўлса, бу қўшимча мотивация уйғотади. Қолаверса, варианtlарнинг хилма-хиллиги ўқув жараёнига фойда келтириши синовдан ўтган.

## **БОЛАЛАРГА ТАНЛОВ ИМКОНИНИ БЕРИНГ**

Гарчи “Мустақил ўқиши ҳафталигимиз” мұваффақиятли үтган бўлса-да (яъни барча топшириқни бажара олиш мазмунида), унинг битта камчилиги бор: бешинчи синфларга танлов имкони берилмади. Ўзимни оқлаш маъносида айтай, бунинг ўрнига уларга анчагина эркинлик бердик. Ахир 15 соат ўқув вақтида улар қайси вазифани қачон бажаришни ўзлари ҳал қилишди-ку!

Аммо бу далилим ўқувчиларни қониқтирумаслиги тайин.

“Мустақил ўқиши ҳафталиги” якунига етгач давра қуриб, муҳокамани бошладик. Шундан кейингина мен аниқ ва тушунарли қайта алоқага эга бўлдим. Кўпчилик математика бўйича кўпроқ топшириқ берилди, деб ҳисоблар, бундан ташқари, ҳафталиқ топшириқлар зерикарли бўлиб, уларни танг аҳволга солиб қўйган экан. Булар фойдали изоҳлар бўлиб, тан олиш керак, уларни тинглаш мороқли эмасди. Масаланинг ижобий жиҳатига диққатни жамлашга тиришдим (ахир, натижада ҳамма топшириқни бажара олди-ку!). Аммо кўпчилик “Мустақил ўқиши ҳафталиги”нинг асосий камчилигини, яъни уларда танлов имкони бўлмаганини ўргага ташлашни афзал кўрди.

Болаларнинг танқиди ўринли эканини тан олдим. Чинданам, “Мустақил ўқиши ҳафталиги” чогида уларнинг индивидуал қобилиятлари ва мойилликлари ҳисобга олинмади, негаки ўқувчиларга мутлақо бир хил вазифани бергандик-да! Болаларда танлаш имконияти йўқ эди. Улар ўқув режасига тўлиқ амал

қилган ҳолда, шунчаки менинг кўрсатмаларимни бажаришди, холос.

Шундан сўнг “Мустақил ўқиш ҳафталиги”ни тақороран ташкиллаштиришни истамай қолдим. Йўқ, бу унчалик фожиали воқеа эмасди. Ўқувчилар астойдил ишлашди ва муваффақиятга ҳам эришишди. Энди тадбирни қайта ўтказиш учун (тўпланган тажриба асосида) унга анчагина тузатишлар киритиш лозимлигини тушуниб турардим. Болаларда танлов имконияти бўлиши учун уларнинг қизиқишиларини ўқув режаси билан мослаштириш керак эди (кейинроқ бу ҳақда батафсилроқ ёзиб ўтаман). Тан олай, биз тадбиркорлик қилмадик: “Мустақил ўқиш ҳафталиги” чоғидаги кўпчилик топшириқлар стандартлар асосида бўлиб, уларни барча ўқувчилар уddeлай олиши кўзланганди (масалан, математика бўйича ишчи дафтардаги топшириқларни ечиш керак эди). Очиғи, биз барчани бир хил даражада кўрдик.

Кейинчалик Куопио шаҳридаги Niirala номли тайёрлов ўқув муассасасининг мактабгача тарбия соҳасидаги педагоглари билан учрашишга мусассар бўлдим. Улар ўзларининг асосий вазифасини болаларнинг қизиқишилари ва ўқув дастури ўртасида алоқа ўрнатишида деб билишларини айтишди. Кўйилган мақсадга эришиш учун аввалига тарбияланувчиларнинг қизиқишиларини аниқлаб олиш лозим, ўзининг учун ҳам уларнинг мактабида болаларни кузатиб бориш ва қизиқишиларини муҳокама қилишга алоҳида эътибор қаратилишини тушунтиришди. Агар бола Angry Birds ўйинига қизиқадиган бўлса, унинг ишқибозлигини машғулотларда қўллаш мумкин деди бир тарбиячи.

Рости, бу менга бироз муболағадек туюлди, аммо баҳслашиб ўтирадим. Учрашув охирида эса айтилган ғояни амалиётда қай тариқа синааб кўриш мумкинлиги билан қизиқдим ва аниқроқ мисоллар келтиришини илтимос қилдим. Фин педагоглари иштиёқ билан хилма- хил варианtlарни баён қила кетишидди: масалан, Angry Birds қаҳрамонлари ҳақида ҳикоялар тўқиши, топишмоқлар ўйлаб топиш, болаларга “категорияларга ажратиш” ва “ҳисоб” каби мавзуларни тушунтириш ёки ролли ўйинлар ташкил этиш мумкин...

Ярим ҳазил, ярим чин маънода “Етарли!” демаганимда эди, улар бир-бирига навбат бермай турли ғояларни санашда узоқ давом этган бўлишарди.

Фин ҳамкасларим юқоридаги методикани жуда оддий баён қилишаётганга ўхшарди: ўқувчиларнинг қизиқишлирини аниқланг, уларни ўқув дастури билан боғланг ва болаларга танлов учун қизиқарли имкониятлар беринг. Куопиода гаплашган педагоглар беш ёшдан етти ёшгача бўлган болалар билан ишлашади, лекин уларнинг ёндашуви ҳар қандай ёшдаги болага мос келади. Албатта, ўқитувчилар ўқув дастурини яхши билишлари лозим. Синфда ишлаш учун болани завқлантирувчи ва маъноли вазифаларни таклиф этмоқчи бўлсак, ўқувчиларнинг қизиқишлирини аниқлаб олиш ўта муҳимдир.

Ростини айтсан, педагогик фаолиятимнинг бошида ўзим ҳам ҳар бир боланинг қизиқишига ҳамиша эътибор қаратмаганман ва бу жиддий хато бўлган. Ҳеч қачон ҳаммасини ягона қолигига солишга уринмаслик лозим.

Болалар қизиқишини ўқув режаси билан боғлашнинг оддийгина йўли ҳам мавжуд экан. Бу вазифаларни

кенгроқ шакллантириш. Масалан, бутун синфга битта китоб бўйича маъруза тайёрлаш ўрнига, ҳар бир ўқувчи ўз хоҳишига кўра асар танлашига тақдимот ҳозирлаб, плакат, слайд-шоу ёки веб-сайт ёрдамида у ҳақда сўзлаб беришига рухсат бердим. Болалар дастурга биноан адабий таҳлил бўйича ўз малакаларини намойиш қилишди ва танлаш имконига эга ҳам бўлишди.

Финляндияда ишлаган иккинчи йилим мактаб директори билан тарих дарсларида янги методикани синаб кўрдик (Финляндияда ўқув муассасаларига раҳбар сифатида профессионал педагогларни тайинлашади ва улар ҳафтасига бир жуфт дарс ҳам ўтадилар).

Олтинчи синфлардан дарслеклар ва конспектларга таянган ҳолда Финляндия тарихи бўйича ҳозир ўтаётган мавзумизга оид илмоқли саволлар тайёрлаб келишни илтимос қилдик. Ўқувчиларим бунаقا саволлар бошқаларидан батафсил тадқиқот ва муҳим асослар талаб қилиши билан ажralиб туришини аввалги дарсларимиздан яхши билишарди. Одатда улар “нима учун” ёки “қандай” каби сўзлар билан бошланади. Ҳар бир ўқувчи ўзининг илмоқли саволлар рўйхатини тузади, масалан, “Нима учун Финляндияда узоқ вақт бронза бўлмаган?”. Биз директор билан ўқувчиларга синфи айланиб чиқиб, синфдошлари орасидан у ёки бу муаммони ўрганиш истаги бўлган ҳамфирлар қидириб кўришни таклиф этдик.

Қизиқиш гуруҳлари шаклланиб бўлгач, тадқиқот мавзусини тасдиқлаб олиш ва зарур бўлса тузатишлар киритиш мақсадида болаларнинг ҳар бири билан алоҳида гаплашиб чиқдик. Шундан сўнг болалар мавзуга оид плакатлар тайёрлаш учун мустақил

равищда материаллар қидиришни бошладилар. Кейинроқ улар синф олдида тақдимотларини намойиш қилишди. Эҳтимол, бу лойиҳанинг ортиқча ҳайрон қолгулик тарафи йўқдир, аммо у болаларнинг қизиқишилари билан ўкув дастури ўртасида алоқа бoggади, мустақил ишлаш эса болаларнинг ўзларига ҳам жуда ёқиб тушди.

Педагогларнинг ўкув материалларини ностандарт усулларда тушунтириши (худди Niirala тайёрлов мактабидаги сингари) ёки болаларнинг ихтиёрий илмий тадқиқотлар ўтказиши (юқорида қайд этилган тарих фани бўйича ўтказилган лойиҳа каби) мустақил ҳаракатга ёрдам берувчи ажойиб методлардир. Шундай бўлса-да, уларни қуйида баён қилмоқчи бўлган стратегия билан қиёслаб бўлмайди.

## ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН БИРГА РЕЖАЛАШТИРИНГ

Фин мактабида дарс берган биринчи ҳафтамда ўқувчиларни режалаштириш жараёнига жалб этиб, Хельсинкидаги ишимнинг якунида бу соҳада анчамунча юксалишга эришдим.

Эсингизда бўлса, ҳаммаси толиқиб қолган ва юзига қизил тошма тошиб кетган болакайнинг финча усулдаги танаффусни қўллашимга туртки берганидан бошланган эди. Ундан кейин ўқувчилар коридорда қандай юришлари ҳақида айтиб бериб, мени шармандалиқдан қутқариб қолишганди. Мен эса бешинчи синфларимни йўлақда ғозларга ўхшаб тизилиб юришга ўргатмоқчи эдим-а... Болаларни режалаштириш жараёнига жалб этиш қанчалик

муҳимлиги бошиданоқ эътиборимни тортганди. Ўқувчиларим жуда доно бўлиб чиқишиди, аммо энди уларга фикрларини овоз чиқариб айтишлари учун имконият беришм лозим эди.

Финляндияга ишга келгунимгача режалаштириш ўқитувчига ота мерос иш эканига қаттиқ ишонар, шунинг учун ҳам йиллар бўйи ўзимни ва болаларни мустақил ишлашга ундовчи ажойиб усулдан маҳрум қилиб келган эканман. Хельсинки мактабидаги ишимнинг биринчи ҳафтасида бир нечта бебаҳо сабоқлар олдим ва режалаштириш жараёнига болаларни ҳам қўшиш муҳимлигини англаб етдим. Масалан, 10 кишидан иборат чоғроқ гуруҳ билан этика дарсида “демократия” тушунчасини ўргандик (бешинчи ва олтинчи синфларнинг ўқув режасида бу тушунча марказий ўринни эгаллайди).

Синф ўртасига қўйилган стол атрофига тизилиб, демократияни микро даражада муҳокама қилиб, унинг асосий таркибий элементларини аниқлаб, Хельсинкидан парламентга номзодини қўйган шахс мисолида Финляндия давлат бошқарув тизимини ҳам таҳлил қилдик. Аммо асосий баҳс демократия мактабда қандай кўринишга эга экан деган савол муҳокамасига уланиб кетди.

YouTube каналидан Американинг Sudbury Valley мактабига бағишлиланган видеони болаларга кўрсатдим. Унда ўқувчиларга деярли тўлиқ танлов имконияти берилганди. Бу моделни юз фоизлик демократик таълим намунаси сифати жуда кўп мақтاشган, шунинг учун ҳам олтинчи синфларим бунга қандай муносабат билдириши менга қизиқ эди. Ўқувчиларга шунчалик эркинлик берилаётганини кўргач, улар

бундай ёндашувни чин дилдан яхши күриб қолишиади, деган тахминим бор эди. Sudbury Valley мактабида болаларнинг ўзлари ўкув режани аниқлаб, дарс жадвалини ҳам ихтиёрий тузишади. Мактабда тартиб-қоидага амал қилинишини ўқитувчилар эмас, балки ўқувчилардан ташкил топган маҳсус интизом комиссияси назорат қиласи. Ўқув куни давомида мактаб ҳудудида бир неча ёши катталар навбатчилик қилиб, кимдир ёрдамга муҳтоҷ бўлса, кўмак беришади. Ушбу видеода бир ўсмир авваллари кун бўйи компьютер ўйнагани, ниҳоят энди у ёшдан ўтиб олгани ҳамда ақли анча қуилганини айтади.

Томошани тугатиб, муҳокамага ўтдик ва шу ерда кўпчилик бу моделни ўта радикал деб ҳисоблашини эшитиб ҳайрон қолдим. Хусусан, Sudbury Valley мактабидаги айрим ўқувчилар ўзларининг қимматли вақтларини компютер ўйинларига сарфлаётганидан ҳатто айримлар хафа ҳам бўлишди. Танқиддан, рости, ҳайрон қолгандим. Чунки бу сўзларни гаджетдан умуман ажралмайдиган болалар айтганди-да. Ўша куни этика дарсида олтинчи синфлар менга мустақил ўқишини хоҳламаётганликларини маълум қилишди.

Албатта болалар мустақил бўлишни исташар, лекин Sudbury Valley мактабидагидек тўлиқ эркинлик ҳам ёқмаган эди, яъни улар ушбу икки тушунчани аниқ чегаралаб қўйишганди.

Бироз кутилмаган бурилиш бўлди. Очиғи, курсанд ҳам бўлдим, анча енгил тортдим. Sudbury Valley мактабининг тажрибасини эшитгач, олтинчи синфларим Финляндияда кенг тарқалиб, анъанага айланган ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан ишлаш моделига қарши норозилик билдира бошлашади, деб

қўрққан эдим. Лекин болалар ўқитувчи ва ўқувчи етакчилик ваколатларининг ўзаро уйғунлигини кўришни хоҳлашган эди.

Мана, кўрдингизми, ўқитувчи ва ўқув жараёнидаги масъулиятни ўзаро баҳам кўришига мўлжалланган режалаштириш стратегияси нақадар муҳим роль ўйнаркан. Ушбу стратегия дарслардан имкон борича унумли фойда олишга ва биргалиқда ишлашга имкон яратади. Финляндиядаги сўнгги таълим ислоҳотларида мустақилликни ривожлантиришга ургу берилмоқда ва барча умумтаълим мактаблари (биринчидан тўққизинчи синфгача) ҳар йили ўқувчилар учун жуда қизиқарли мавзуда биттадан фанлараро ўқув модулини<sup>8</sup> ишлаб чиқиб, ўқувчиларга таклиф этишлари керак. Мавзуни эса ўқувчиларнинг ўzlари танлашлари лозим.

Биргалиқда режалаштириш усулининг имкониятларига ишонганим учун демократияни ўрганиб бўлгач, ўқувчилар билан маҳсус лойиҳани амалда қўллашга енг шимардим. Ўқув режамиизда мавжуд бўлган “табиатдан оқилона фойдаланиш” тушунчасини танлаб олдик. Муаммонинг нима эканини умумий маънода кўриб чиққанимиздан сўнг ҳаммамиз якуний модулни режалаштира бошладик (демократик мактаб гоясини муҳокама қилганимиздан кейин бу иш анча ўринлидек кўринди). Табиатдан оқилона фойдаланишга оид турли хил мисолларни таҳлил қилган ҳолда “ақлий ҳужум” уюштирдик.

Олтинчи синфларимни илҳомлантирган мавзулардан бири “Экологик тоза энергия манбалари” мавзуси

<sup>8</sup> Фин мактабларида модулли ўқитиш амалиёти жорий қилинмоқда. Бу ўқув жараёнини ташкил этишнинг бир усули бўлиб, унда ўқув маълумотлари блок-модуллар асосида баён этилади.

бўлиб, болаларни қуёш батареяларидан фойдаланиш масаласи қизиқтириб қўйди. Катта синф ўқувчилари иштирокида мактабимизда қуёш панелларини ўрнатиш бўйича лойиҳа бошланганини кўпчилик эшитган экан. Мавзу катта иштиёқ уйғотгани туфайли охирги модулни унга багишлишга қарор қилдик. Афсуски, ўқувчиларда ғоя кўп эдию, барчасига ҳам вақтимиз етмади. Аввалига синфда фойдаланиш учун қуёш панелини сотиб олсакмикин, деб ҳам ўйладик (эсимда, олтинчи синфлардан бири интернетдан нархларни ўрганиб, менга илова ҳам юборган эди).

Аммо охирида осонроқ йўлни тутдик: синфга қуёш энергияси бўйича мактаб дастурига жавобгар бўлган ўқитувчини таклиф қилдик ва ундан биз учун бу нарсаларни тақдимот қилиб беришини сўрадик. Кейин ўқувчиларим “эксперт”га қуёш батареялари ҳақида билганларини гапириб бериб, унга нималарнидир ўргатмоқчи ҳам бўлишди. Бундан ташқари, катта синфлар билан бирга ушбу лойиҳада қатнашиб кўришга ва бу жараёнга параллел синфдагиларни ҳам жалб этишга қарор қилдик. Болалар бошқа синфдаги ўртоқларини ҳам лойиҳага қизиқтириш ниятида Kahoot! сервиси ёрдамида маҳсус мавзули викторина ҳам бошлаб юборишиди.

Бу иш ўқув йилининг энг охирги паллаларида ташкил этилгани учун тайёргарлик учун бор-йўғи бир-икки ҳафта вақтимиз бор эди (тажминан тўрт соатлик синф иши қолганди). Аммо ана шу қисқа вақт ичida ўқувчиларим биргаликда режалаштириш қанчалик қимматли эканини яна бир бор тасдиқлаб беришиди. Ишларни сифатли бажаришлари учун иштиёқ, қизиқиш ва хоҳиш-истак қанчалар тез ортиб

боришини мамнуният билан қузатиб турардим. Қуёш батареялари ҳақидағи тақдимот учун баҳо қуйиш режалаштирилмаган эди, аммо ўнта олтинчи синф ўқувчиси мисли күрилмаган шижаат ва тиришқоқлик билан меңнат қилаётганини кўриб турардим.

Дастурнинг асосий таркибий қисмини аниқлаб олганимиздан сўнг биз биринчи бўлиб (ўқувчиларнинг қуёш батареялари бўйича берган саволлари асосида) слайднинг тахминий режасини тайёрладик. Таянч тизимимиз пайдо бўлиши била смартфонлар ёрдамида кичик гурухларда ушбу саволларни ўрганишга ўтдик. Синфимизнинг компьютерини икки бола тақдимот тайёрлаш учун банд қилган эди. Жараён қандай кетаётганини ҳамма кўриб туриши учун барчаси мунтазам равища экранда намойиш этиб борилаётганди. Айрим ўқувчилар тавсия ёки кўрсатмаларимсиз тақдимотлари устида мактабдан ташқарида ҳам биргаликда ишлаш учун лойиҳаларини Google Drive’га юклашган. Бу уй вазифа эмасди, аммо презентация ўқувчилар учун шунчалар қизиқарли бўлиб чиқдики, улар барини ташаббус билан мустақил равища тайёрлаб чиқишли. Жўнашиб кетган ишлар мени ҳам жуда қувонтиради.

Қисқаси, ҳамма чин дилдан меңнат қилди. Тақдимот куни болалар ҳамкасабам ва унинг синфига навбатма навбат барини баён қилиб беришди. Болалар ўқув материалини ҳақиқатанам батафсил ўрганиб чиқишигани кўриниб турарди. Улар қуёш энергияси ҳақида жудаям тушунарли қилиб, катта иштиёқ билан сўзлаб беришди. Бунга жавобан иккинчи ҳамкасабам лойиҳамиз ҳақида сўзлаб берганида, икки томон учун ҳам фойдали бўлган маълумот алмашинуви бўлди.

Үқувчиларим тайёrlаган Kahoot! шаклидаги викторина эса ширинлик устидаги гултожга айланди.

Биргалиқдаги режалаштиришни турли усулларда күллаш мумкин. Үқувчилар билан үқув жараёнининг йўналишини муҳокама қилишга мавзу ёки лойиҳа бошланишидан олдин вақт ажратиб олиш ўта муҳим ҳисобланади.

Баъзан дарсимни KWL жадвалини тузишдан бошлардим. Ушбу машхур методни 1980-йиллари Донна Огл ишлаб чиққан. KWL қисқартмаси кўйидагича талқин қилинади: “what we Know?” (“биз нимани биламиз?”), “what we Want to know?” (“биз нимани билишни истаймиз?”) ва “what we Learned?” (“биз нимани ўргандик?”). Ўқитувчи KWL жадвалини одатда катта бир варақда ёки доскада учта устунча шаклида ифодалайди, ўқувчи ушбу мавзу ҳақида мактаб дастури доирасида айни пайтгача нимани билишини, ўқув жараёни давомида бу ҳақда нималарни билишни хоҳлашини ва ниҳоят, модулни ўқитиш якунига етгач мавзу ҳақида нимани ўрганганини ёритиб беради. KWL жадвали амалда қўйидагича тузилишга эга бўлади:

K (Биз нимани биламиз?)	W (Биз нимани билишни истаймиз?)	L (Биз нимани ўргандик?)

KWL жадвалини тузиш – болаларга таянч билимларни бериш ва уларнинг ўқишида қанчалик

олдинга силжиганларини кўриш имконининг самарали ва оқилона усулидир. Аммо ушбу методиканинг маълум мавзудаги материалларни ўзлаштиришга жиддий таъсир ўтказишига унча ишона олмайман. Менга жадвалдаги устунлар шубҳали туюлади. Ўқувчиларим у ёки бу мавзу доирасида қўшимча маълумот олишни хоҳлашлари ҳакида бир неча бор фикр билдиришган ва биз уларни жадвалга ёзиб қўйғанмиз. Бироқ бу дарс йўналишига ҳеч қандай таъсир ўтказмаган.

Эҳтимол, ўртадаги устун болаларнинг ўзлари нималарни дебилишни исташлари учун фойдалидир. Лекин уларга режалаштиришда иштирок этиш учун имконият бериш анча фойдали. Жараёнга ўқувчиларни жалб этишни истаган ўқитувчи болалар нимани билишни хоҳлаётганига кўпроқ ургу бергани ўринли.

Бир неча йил олдин Виржиния университети профессори Кэрол Энн Томлинсон раҳбарлигига бир ҳафталик малака ошириш курсини ўтаганман ва дарсда дифференциаллашган (фарқланган) таълим технологияларини ўзлаштирганмиз. Айни шу машгулот кейинчалик бир воқеани тез-тез эсга олиб туришимга сабаб бўлганди.

Илк машгулотдан бир кун аввал, кечга яқин барча қатнашчилар аудиторияга йиғилишди, аспирантлар ва магистратура талабалари раҳбарлик қиласидан кичикроқ гуруҳларга бўлинишди. Улар ҳаммамииздан дифференциаллашган таълим соҳасида бизни айнан нима қизиқтираётганини сўраб, олинган жавобларни катта қозоғида батафсил ёзиб олишди.

Меҳмонхонага қайтаёти, аудитория олдида ўша қоғозларнинг бир дастасини ушлаб турган

профессор Томлинсон хонимни кўрдим. Хоним эртага машғулотларни қандай қилиб яхшироқ ўтишни билиш ниятида ҳозироқ уйига бориб, қўлидагиларни ошхона столига ёйиб қўяди ва шу кечадаёқ жавобларимизни батафсил ўрганиб чиқади, дея хаёлимдан ўтказдим. Айнан ана шу биргаликда режалаштириш бўлади: ўқувчиларга олдиндан ўз хоҳишларини айтиш учун имкон берилади, ундан кейин истаклар эътиборга олинган ҳолда ўқув жараёни ташкил этилади.

## **ТАЪЛИМНИ ҲАЁТ БИЛАН БОГЛАНГ**

Соат 9:45. Ролли ўйин бошланишига ҳали бир соат бор. Ўнлаб финляндиялик олтинчи синф ўқувчилари асабийлашганча мисоли кичик шаҳарчани эслатувчи, ўз ҳокимияти, банки ва дўконлари мавжуд 550 кв.м. майдонга эга залнинг алоҳида-алоҳида бўлмаларида эдилар. Ҳозирча қисқа йўл-йўриқ кўрсатиш авжида, кўпчилик нималарнидир пичирлайди, ноанъянавий ўқув муҳитини ўзлаштира туриб, бир-бирларига нималарнидир кўрсатишади. Бугун ҳар бир ўқувчи маълум бир компанияда, қайсиdir касб эгасининг ролини бажаради (масалан, журналист, сотувчи ёки менежер). Ўқувчилар ўз “иш жойлари”да соат 13:25 гача, яъни биринчи ярим кунлик тутагунча меҳнат қиласидилар.

Қаршимдаги 12-13 яшар ўғил-қизлар бир неча ҳафта давомида ўз мактабларида бир кунлик тадбирга астойдил тайёрланишган ва “Тадбиркорлик асослари”, “Ишлаб чиқариш цикли”, “Фуқаронинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари”, “Иқтисодиёт қонунлари” каби мавзуларни батафсил ўрганишган. Энди эса

ула “иш жойлари”да бир кунлик иш тартиби ва касбий мажбуриятларини ўрганишмоқда, маҳсус тайёргарликдан ўтган катта ёшлилар эса зарурат туғилганда уларга ёрдам беришмоқда. Ўқувчиларини бу ерга олиб келган синф раҳбарларини кичкина шаҳарча кафесига таклиф қилишди ва улар энди ўша ерда ўтириб, бироз ҳордиқ чиқаришади, бир финжон қаҳва ичиб, бўлаётган ишларни кузатишади.

Соат 10:45 да иш куни бошланади ва жажжигина шаҳарча жонланади. Ўртага ҳар бир фирманинг фойдаси ва обрӯи тикилган. Айрим болалар ўзларининг бўш вақтларидан фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда: улар маҳсулот ва хизматлар сотувчи шаҳар компанияларига тўловларни амалга ошириш учун тўлов карталарини олишмоқда. Аммо аксар иштирокчи ишни бошлаб юборган: бошлиқлар ходимларга маошларини тўламоқда (электрон банк тизими ёрдамида) ва энергия етказувчи, чиқинди олиб чиқувчи компаниялар билан шартномалар тузишмоқда, оддий ходимлар эса мижозларга хизмат кўрсатяпти. Шаҳарда ҳаёт қайнамоқда: 80 нафар бола бир вақтнинг ўзида ролли ўйинга киришмоқда.

Бу йил финляндиялик олтинчи синфларнинг 70 фоизи “Мен ва менинг шаҳрим” (Yrityskylä) дастури туфайли ана шундай тажрибага эга бўлишди. Бу ташаббус ҳозир анъанага ҳам айланди. 2010 йилдаги синов тадбирида 800 нафар ўқувчи қатнашган эди, бугун уларнинг сони 45 000 нафарга етди ва бу дастур мамлакатнинг саккизта турли худудларини ҳам қамраб олди. “Мен ва менинг шаҳрим” дастурини Финляндиянинг Иқтисодий маълумотлар бюроси ташкил этади (бу нотижорат ташкилот бўлиб, 70 йилдан

буён фаолият юритади), зарур маблағлар Тაълим ва маданият вазирлиги, маҳаллий бошқарув органлари (муниципалитетлар), хусусий жамғармалар ва бир нечта маҳаллий корпорациялар томонидан ажратилади. Шунингдек, ўтказилаётган тадбирлар доирасида болалар ролли ўйинлари учун ўқув майдончалари билан таъминланади.

“Мен ва менинг шаҳрим” дастури инновация сифатида халқаро эътирофга сазовор бўлган бўлсада, финларни ушбу дастурни яратишга қисман Американинг “Ёшларнинг муваффақияти” ҳудудлараро жамоат ташкилоти (Junior Achievement) томонидан жорий қилинган BizTown дастури илҳомлантирган эди. Паси Сальбергнинг фикрича, Финляндия АҚШдан педагогик ғояларни ўзлаштириш, кейинчалик уларни ривожлантириш ва давлат миқёсида амалга оширишга ўрганиб қолган. Лекин нима учун Америкада ҳокимият маҳаллий инновацион ғояларга етарлича эътибор қаратмайди?

Шу саволни Сальбергга бергандим, у вазият таълим сиёсатидаги фарқлар билан боғлиқ эканини тушунтириди.

– Америка мактабларидағи тадбирлар – деди у,  
– мактаб кенгашининг қарорлари билан белғилаб берилади.

Финляндияда эса давлат даражасида тасдиқланган, аниқ бир таълим сиёсати амалга оширилади ва унда “бутун тизимнинг устувор вазифалари, қадриятлари ва асосий йўналишлари аниқлаб берилади”, шунинг учун мамлакат бўйлаб барча педагогларда “Мен ва менинг шаҳрим” каби ғояларни лойиҳаларга айлантириш учун ҳаракат эркинлиги пайдо бўлади.

Юқорида қайд әтилған дастур ўқув жараёнига ўта ижобий таъсир күрсатади ва бу ҳолатни 2016 йил августидә бўлиб ўтган Европа иқтисодий таълим ассоциацияси конференциясида тақдим әтилған маъруза ҳам тасдиқлаб турибди. Яқинда ўтказилган тадқиқотлар давомида 900 нафар финляндиялик олтинчи синф ўқувчисининг ҳар бири жавоб варианtlари мавжуд бўлган иккитадан сўровнома тўлдиришди (“Мен ва менинг шаҳрим” тадбирида иштирок этишдан олдин ва кейин). Мақсад – уларнинг иқтисодий билимлари ва маблағ жамғариш бўйича малакаларининг даражасини аниқлаш эди. Мана, ўша саволлардан бири: “Кутубхона – давлат муассасаси. Уни молиялаштириш механизми қандай?” Вааса университетининг иқтисодиёт ўқитувчиси, финляндиялик тадқиқотчи Пану Калми натижалар устида ишлагач, “Мен ва менинг шаҳрим” дастурида иштирок этиш болаларнинг “иқтисодиёт ҳақидағи билимларини анча оширади” ва уларга туртки беради дея хуроса қилди. 75 % олтинчи синф тадбир уларнинг иқтисодий масалаларга бўлган қизиқишини орттиргани ва жамгармаларини яратишга иштиёқ уйғотганини таъкидлади. Тадқиқотчиларнинг кузатишича, олтинчи синфлар энди пулни шунчаки иқтисод қилмай, уларни кўпайтириш йўлларини ўрганишмоқди.

Ўтган йили олтинчи синфлари билан шу тадбирда иштирок этган хельсинкилик муаллима Мона Пааланен менга: “Ўқувчиларим ‘Мен ва менинг шаҳрим’ дастурида иштирок этганидан бошлари осмонда, – деб ёзди электрон почта орқали. – Кўп болалар дастур ҳақида эшитиб юришган экан. Барчаси

тадбир бошиданоқ шундай иштиёқ билан ишлашдики, болаларга мотивация беришга ҳам ҳожат қолмади”. Пааланеннинг ўқувчилари учун энг ҳаяжонли дақиқалардан бири у ёки бу ишни олиш учун ўтказилган суҳбат бўлган. Ушбу қоидани дастур ташкилотчилари тайёргарлик босқичида киритишган эди.

Муаллима олтинчи синфларнинг ҳар бири билан шахсан суҳбатлашиб, улар ижро этишни истаган роллар ҳақида чигал саволларни берган. Суҳбатдан кейин болалар муаллима уларни “қаттиқ” сўроққа тутгани ва бу “бироз қўрқинчли” бўлганини кулиб муҳокама қилишган. Ўша куниёқ синф раҳбарига бир ўқувчи қизнинг онаси хат ёзиб, қизи шаҳар ҳокимининг ролини синаб кўришни жуда ҳам хоҳлаётганини ва у билан телефон орқали суҳбат ўтказиб кўришини илтимос қилган. Пааланеннинг сўзларига кўра шу қизнинг ўзига бўлган “ищончи” унга ўзи истаган ролини олишга ёрдам берган.

Шунингдек, “Мен ва менинг шаҳрим” дастурида ўқувчилари билан иштирок этган бошқа фин ўқитувчилари билан ҳам гаплашиб кўрдим. Уларнинг бари бир овоздан дастур ўқувчиларнинг иштиёқини ўйғотгани ва бу уларнинг ўқишига ёрдам берганини таъкидлашди. Мен ҳам тажрибамда бунга ишонч ҳосил қилдим.

Ўша эсда қоларли кунда олтинчи синфларим анчагина асабийлашган эди. Сал четда туриб уларнинг митти-катта одамчалардек касбий мажбуриятларини бажаришини кузатиб турдим.

Елкаларига юклатилган вазифаларни лаёқат билан бажараётганларини кўриб, чин кўнгилдан фахрландим. Ўқувчилар кун бўйи берилиб ишлашди ва кўпининг

тадбирдан мароқлангани яққол кўриниб турарди. Аммо ҳамманинг ҳам иши бир текис кетмади. Битта гуруҳда ҳамкорлик унчалик яхши бўлмади. Гарчи бу масалани кун давомида ҳал қилиш осон кечмаган бўлса-да, болалар реалликка яқин шароитни бошдан кечиришди. Айнан ана шундай тайёргарлик уларнинг келажақдаги ишларида катта фойда келтиради.

“Мен ва менинг шаҳрим” дастури ўқувчиларим учун аллақандай ўзига хос намуна бўлди: бари байрамона муҳитда ўтиб, болаларга амалда билимларини синааб кўриш имконини берди. Агар синфдаги ўқиши реал оламдаги ҳаётни эслатиб турса, болалар нима учун ўқиётгандарини осонроқ тушунадилар.

Масалан, ўқитувчи сифатида касбий тайёргарлик менинг орзу-ҳавасим билан бевосита боғлиқ эканини кўриб тураман. Агар яхши ўқитишни ўргансам, кўнглимда кувонч ҳиссини туюман. Бу масалада ҳам ёлғиз эмасман. АҚШ, Финляндия ва бошқа мамлакатлардаги қўплаб педагогларни танийман, уларни ҳам ана шу туйғу профессионаллик сари етаклайди. Бироқ болаларда бу ҳолат бошқача кечади: ўқувчилар ўқишининг “чинакам ҳаёт” билан ўзаро алоқадор эканини кўра олишлари учун уларга кўпинча ёрдам керак бўлади.

Буни дарс бера бошлаган дастлабки кунларимдан бери билар, ўқувчиларим ўз мақсадларини аниқлаб олишлари учун шароит яратишга ҳаракат қилдим, аммо кўпинча ўзимни омадсиз сезардим.

(Тан олишим керак, ўзим ҳам мактаб ва ҳаёт ўртасидаги боғлиқликни доим ҳис қила олмаганман). Авваллари бирор нарсани (масалан, математик тушунчани) нима учун ўрганиш кераклигини айтиб

беришнинг ўзи етарли деб ўйлардим. Бироқ ўзлари бажараётган ишнинг маъносини тушуниб етишлари учун менинг сўзларим уларни қониқтира олмаган деб ўйлайман. Бу ерда ўқиши билан реаллик ўртасидаги боғлиқликни кўрсатиб бера оладиган кўргазмали мисол талаб этилган. Маҳаллий мактабларда “Мен ва менинг шаҳрим” дастури билан бир қаторда мавзуга оид яна кўплаб қизиқарли нарсаларни кўрганим учун фин педагогларидан жуда миннатдорман. Бир куни ҳамкасабам Пауле Хавунинг дарсига кириб қолгандим у ерда биринчи синф болалари кўлларида ҳақиқий игна билан ишлаётганини кўрдим.

Кўз ўнгимдагилардан сал қўрқдим. Чунки Пауленинг ўзини тополмай қолгандим (кейинроқ уни кичкина стол ёнида ўтириб, болалардан бирига тикишни ўргатаётганини кўрдим). Қаршимдаги миттивойларнинг ростакам игнадан фойдаланаётгани менда катта таассурот қолдириди, аммо Пауленинг ўзи дарсдан унчалик қониқмаётганга ўхшарди. Кейинчалик у менга игналар рисоладагидек ўткир эмаслигини айтди. Фин ҳамкасабам синфидағи шу кичик малла соч болакайлар беҳуда шўхлик қилишмас, бир-бирига игна санчишмас, уни асл мақсадда қўллашар, яъни тикишни ўрганишарди. Эҳтимол, кўпчилик педагогларга (шу жумладан, ўзимга ҳам) дарс пайти болаларга ҳақиқий игна бериш жуда хавфли ҳисобланар, аммо Пауле ҳақиқий вазиятни яратиш орқали синф ишини чинакам ҳаётга яқинлаштира олган, бу ҳолат машғулотни ўкувчилар учун янада аҳамиятлироқ қилганди.

Шунга ўхшаш феноменни дурадгорлик машғулотида ҳам кузатдим. Машғулот ўтказиладиган жой учга тўрт метрлик оддий хона бўлиб, дурадгор устахонасига

ўхшарди. Дурадгорлик фани муаллимининг рухсати билан унинг дарсига кириб, ўқувчиларим топшириқни қандай уддалаётганини кўриш мақсадида синфни айландим. Бир ўқувчим бурчақда ниманидир пайвандлар, бошида каттакон ойна қалпоқ, маҳсус ҳимоя ниқоби бўлиб, кўлларида чинакам пайвандлаш чирогини ушлаб турарди!

Икки қават юқорида рўзгор ишлари хонаси жойлашган бўлиб, бу америкаликлар учун яна бир ноодатий ўқув маркази эди. Унда ошхона жиҳозлари, катта пичоқлар, музлаткич ва кир-чир пешбандларни ювадиган кир ювиш машинаси ҳам бор эди. Икки йил давомида бу синфга бир неча бор кириб, ҳар сафар ўқувчиларнинг ишга кўмилиб ўтиришгани устидан чиқардим. Менимча, муаллиманинг болаларга берган эркинлиги бунга имкон яратган (болалар ўзлар мустақил равишда таом тайёрлашарди), лекин яна бошқа омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатган бўлса керак.

Бу ерда энг муҳими, болалар мақсадни аниқ кўра олишгани эди. Ўсмиirlар бутунги машғулотларнинг ҳаётда керак бўлишини англаган ҳолда овқат пиширишни ўрганишарди. Ана шу глобал мақсад жараёндаги (нисбатан) зерикарли бўлган амалларга, масалан, идиш-товоқ ювиш, стол безатиш ёки кир ювиш кабиларга ҳам муҳимлик белгисини бериб турарди.

Фин боғчаларининг бирида болакайларнинг музқаймоқ киоскаси ўйинини кузатгандим, табиийки, музқаймоқ ҳам, пуллар ҳам ҳақиқий эмасди. Агар болаларга ҳақиқий нақд пуллар ва ҳақиқий музқаймоқ таклиф қилишганида, жараён реалликка яқин бўларди, ўйлашимча, ана шундай оддий ўйин ҳам математикани

ҳаёт билан боғлашга катта ёрдам беради. (Айтганча, тарбиячи менга болаларни баъзан шу яқин атрофдаги киоскага олиб боришини ва улар ота-оналари берган ҳақиқий пулга музқаймоқ сотиб олишларини ҳикоя қилиб берганди).

Ўқиши ҳаёт билан боғланг деган стратегияни жорий қилиш “Мен ва менинг шаҳрим” ёки синфхонада музқаймоқ киоскасини жиҳозлаш каби дабдабали бўлиши шарт эмас. Бу дарсда ҳақиқий игнани ишлатишдек кичик бир детал бўлиши ҳам мумкин. Асосийси, синфда ўқувчиларга қувонч олиб келувчи, мақсадни ҳис қилиш имконини берувчи шароит яратишидир.

## **БОЛАЛАРДАН МАСЪУЛИЯТНИ ТАЛАБ ҚИЛИНГ**

Хелсинкида дарс бериш ва фин педагоглари билан мулоқот қилиш жараёнида доим “масъулият” сўзини эшитардим. Америкалик педагоглар билан суҳбат чоги бу сўз ҳеч қачон ёдга олинмасди. Бунинг ўрнига АҚШда “ҳисобот бериш” атамаси қўлланган. Финляндияда ўқитувчиларни стандартлаштирилган тестлар ёки мактаб инспекцияси ёрдамида текшириб туришмаса-да, айтишим мумкинки, ҳисобот беришнинг етишмовчилиги у ерда ўқув жараёнига ҳеч қандай таъсир ўтказмайди: негаки мамлакатда касбий масъулиятнинг юқори даражаси мавжуд бўлиб, у жамият томонидан билдирилган ишончнинг юқори даражаси туфайлигина юзага келган эди.

Кўпинча ҳамкасб педагоглардан “Ўқитувчиларга Америкадан кўра Финляндияда кўпроқ ишонишади”,

деган гапларни эшитганман. Буни турлича талқин қилишади. Хусусан, Финляндияда ўқитувчи мақоми баланд, малакали педагог бўлиш учун магистр даражасига эквивалент бўлган илмий даража олиш талаб этилади. АҚШдан фарқли равища фин университетларида ўқитувчилар тайёрлаш дастурлари жуда кам ва педагог мутахассислар учун иш ўринлари ҳам чегараланган. Ўқишни тугатаётган талаба магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиши лозим, бу эса осон иш эмас. Америка ОТМларининг иқтидорли битирувчиларини танлаб олиб, шаҳар мактабларига ишга жойлаштириб қўядиган “Америка учун ўқитинг” (Teach for America) ташкилот номзоднинг беш ҳафталик ўқув курсини битиришини талаб қиласди. Финляндияда биргина бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш дастури нақ беш йил давом этади.

Ўйлашимча, америкаликларга нисбатан фин ўқитувчиларига чиндан ҳам тўлиқ ишонишади. Бу ерда гап умуман мақомда эмас, балки ишониш маданиятида бўлса керак. Ҳар икки мамлакатда ҳам меҳнаткаш педагогларни қўп учратганман. АҚШнинг мактаб тизимидағи муаммо – қўп эътибор ҳисобот беришга қаратилганида (ва бунинг ортида қўрқув туради), масъулиятга эса жуда кам эътибор берилади (бунинг ортида эса ишонч туради).

Финляндияда ҳатто болаларга эрта ёшдан ишона бошлашади ва уларга турли масалалар бўйича масъулият юклашади. Эсингизда бўлса, Хельсинкидаги ўқувчиларимнинг кўпчилик қисми ҳар куни катталарнинг қузатувисиз мактабга бориб келишар эди. Мен бунданам ғайриоддий мисолларни

кўрганман, масалан, боғларда ота-оналарисиз сайр қилиб юрган, мактаб ошхонасида ўзига овқат сузиб олаётган ёш болалар, йўлакларда ўқитувчи кузатувисиз юрган болакайларни олайлик. Фақат “юқори мақоми” туфайлигина уларга ишонишмайди, балки катта ёшлилар, болаларнинг ўзлари ҳам муваффақиятга эриша олади, деб ҳисоблашади.

Финляндиядаги педагоглар ҳам ўзига нисбатан худди шунга ўхшаш муносабатни ҳис этадилар. Бу мамлакатда таълимдаги амалдорлар ҳам, ота-оналар ҳам ўқитувчиларга ишонишини пайқадим, чунки уларнинг касбий маҳоратини ҳурмат қилишади. Бу ўлкада кучли оммавий ишончни ҳис қиласман ва ўқитувчи ташқи босимсиз ҳам ишини яхши уddeлай олади. Бундан эса барчамиз фақат ютиб чиқамиз, деб хулоса қилиш мумкин. Доимий равишда натижалар ҳақида ҳисбот бериш олдидағи қўрқув инсоннинг жараёнда муайян бир масъулиятни ҳис қилиш қувончини бошдан кечиришига тўскىнлик қилади.

Бу ҳолат болалару катталар учун ҳам бир хил аҳамиятга эга. Яқинда юқорида баён этилган принципнинг ўғли Мисаэлем билан мулоқотда қандай намоён бўлишини пайқадим. У тўрт ёшга тўлганида машина ойнасини кўтариб-туширишни ўрганди. Аввалига онаси билан мени бу янги ўзлаштирилган кўникма бироз ташвишлантириди. Гарчи болакай ўриндиққа ишончли қилиб боғлаб қўйилган ва у ердан мустақил равишда чиқа олмаса-да, бари бир унинг (қандайдир йўл билан) машинадан тушиб қолишидан қўрқардик. Шунинг учун биз Мисаэлемга чеклов қўйдик: унга бир неча сантиметрга ойнани очишига рухсат бердик-да, ундан ортиғини тўсиб қўйдик.

Үғлимиизга нисбатан ишонч етишмаслиги, яъни буни деразани очишга тўсиқ қўйиш шаклида намоён бўлиши тўрт яшар болакайни ташвишлантириб қўйди. Ойнани тушириш имконияти кутилмаганда уни қониқтирмай қўйди ва у машинада кетаётган пайтларда инжиқлик қила бошлади. Бу ҳолатни бир неча марта бошдан кечиргач бошқатдан уриниб қўрадиган бўлдик ва энди ойнани пастга туширишга тўсиқ қўймадик. Унинг ўзи биз қўйган чекловгacha тушириб-кўтаришни уddyалай олармикин, дея барини ўзига қўйиб бердик. Натижани узоқ кутмадик: боланинг кайфияти бирданига кўтарилганини пайқадик. У бизнинг қоидамизни хурмат қилган ҳолда ойнани ўша бир неча сантиметрдан ортиқ туширмайдиган бўлди.

Аввалига болага бўлган ишончимиз камлигидан унга чекловлар қўявердик, натижада масъулият ҳисси етарли бўлмади. Аммо унга ойнани назорат қилишни ишонишиб топширганимизни кўргач, ўғлим ўзини омадли ва баҳтли ҳис қилолди.

Вақт келиб, Америка мактаб тизими финларнинг ишонч маданиятини импорт қилиши даргумон бўлса-да, биз ўқитувчилар ушбу муносабатларни синф даражасига кўчириб ўтказиш имконига эгамиз. Ўқувчиларнинг ёшларига муносиб тарзда масъулиятни ўз зиммаларига олишлари учун уларга кўпроқ мустақиллик бериш лозим.

Ушбу боб аввалида эркинлик беришни бошлаш стратегиясини айтиб ўтгандим. Бу ёндашув ҳам ишончга асосланади. Аммо бўлимда мен таклиф қилаётган, болалардан кўпроқ масъулият талаб қилинг деган стратегия анча кенг қамровга эга.

Бу күпроқ йўналтирувчи принцип бўлиб, ўқитувчилар уни нафақат дарс бошида ёки мавзуни ўрганишдан олдин, балки ҳар куни машғулотда қўллашлари мумкин. 2015–2016 ўқув йилларининг Fulbright стипендияси совриндори, Финляндиянинг Вантаа шаҳрида яшовчи муаллима Тару Пахтола кузги семестрини АҚШнинг Индиана штатида ўтказди. Унинг фикрича, ўқувчиларга синфда кўпроқ масъулият юкланса, америкалик ўқитувчилар изтироб чекаётган стресснинг даражасини пасайтириш мумкин.

“Умумлаштирмоқчи эмасман, аммо кўпгина Америка мактабларида (ҳар ҳолда буни Финляндияга қараганда АҚШда кўпроқ кўрдим) педагоглар ҳар куни ўқувчининг уй вазифаси ёзилган дафтарларини йиғишини, кейин уларни соатлаб текширишини кўрдим. Эҳтимол, ўқитувчилар буни бажариш шарт деб ўйлашса керак, чунки улар стандартлашган тестлар ва бошқа нарсалар туфайли ўзларига нисбатан босимни ҳис қиласидилар, аммо ҳар доим ўқувчининг уй вазифасини текшираверсанг, у ҳам стрессни бошдан кечириши мумкин. Менда шундай савол туғилди: бу ўқищдан (таълимдан) олинадиган қувончни камайтириб қўймайдими? Гарчи Финляндияда ҳам болаларга уйга вазифа берилса-да, унга камдан-кам баҳо қўямиз, шу жумладан, синфдаги ишларга ҳам. Дарсда вазифанинг бажарилишини биргалашиб муҳокама қилишни афзал биламиз. Буларнинг бари ўқув жараёнининг бир қисми саналади. Ўқувчиларга кўпроқ ваколат бериш – бу ўқитувчи юкламасини камайтиришнинг табиий усулидир. Шунинг қаторида ўқувчиларни ўз зиммасига масъулият олишга ўргатиш

ҳам ўта мұхим, чунки бундай малака уларга келгуси ҳаётида ҳам ёрдам беради.”

Биз ўқитувчилар уй ишларига қўйиладиган баҳо учун жавобгарликни ўқувчилар билан ҳам баҳам кўришимиз мумкин. Тарунинг айтишича, охирги вақтлари у болаларга ўз ишларини текширишга, баъзан ўзларига баҳо қўйишларига ҳам рухсат бераётган экан. Бу иш ҳажми ва стрессни камайтириш имконини беради, дейди у: “Масалан, сўзларни билиш бўйича тестларга баҳо қўйиш ўрнига, мен ўқувчиларга шунчаки тўғри жавобларни кўрсатаман, майли, ҳар бири мустақил равишда ўз натижаларини назорат қилсин. Шу тариқа, тестдан кўра мұхимроқ ишларга эътиборимни жамлашим мумкин ва ўқувчилар ҳам кўпроқ нарсани ўзлаштирадилар, чунки бу шу заҳотиёқ қайта алоқани таъминлай олади. Болалардан кимдир ёрдамимга мұхтож эканини, ким яна машқ қилиши кераклигини билишим учун дарс охирида тестларни йиғиб кўришим мумкин. Натижада, тестларни ўзим текширганимдаги маълумотга эга бўламан, аммо анчагина вақтимни тежаб қоламан”.

Болаларга синфда кечеётган жараёнлар учун масъулият юклашнинг жуда кўп усуллари мавжуд, аммо ҳар қандай вазиятда ҳам ҳаммаси ишончдан бошланади. Ўқувчилар нозик елкачаларига сезиларли даражада масъулиятни ола билишлари учун уларга мунтазам равишда етарли даражада эркинлик бера оламиزمи? Ҳа, албатта, бу таваккал билан боғлиқ (улар буни уддалай олишмаса-чи?), лекин олиниши мумкин бўлган фойда ҳаддан зиёд катта: стресс даражаси пасаяди, ўқитувчи юкламаси камаяди ва энг қувонарлиси, ўқувчиларнинг ўқув жараёнига таъсири

ортади. Натижада, болалар материалларни яхшироқ ўзлаштирадилар ва қувонч туйгусини кўпроқ ҳис қиласидилар.

Эсимда, фин мактабида эндиғина дарс бера бошлаган пайтларим, яъни ўқув йилининг бошида бешинчи синфларнинг ҳаммасига ҳужжат тикадиган иш жилд етишмаганидан қаттиқ асабийлашганман. Мактабдаги барча ўқитувчилар қатори менга ҳам чизиқли, катакли ва чизиқсиз дафтарлар беришган эди. Аммо боланинг ҳужжат тикадиган иш жилди бўлмаса, у алоҳида варақларни қаерга қўяди, деб хавотир олганман. Чунки АҚШда иш жилдисиз юрган бирор болани учратмаган эдим.

Хайрият, етарли миқдорда картондан ясалган журнал қўйгичлар топиб келдим ва ўқув материалларини жамлаб бориш учун уларни ўқувчиларга тарқатиб чиқдим. Бешинчи синфлар берганларимни парталари устида тутишар ва уларга алоҳида варақларни тахлаб қўйишарди. Вақт ўтиши билан яна бир жиддий муаммога дуч келдим: яратган тизимим тартибни сақлашда болаларга умуман ёрдам бермади. Дарсларда тез-тез уларга схемалар тарқатардим, кейинроқ уларни ўша картон иш жилдларида тўпланаётганини кўрдим. Охир-оқибат, улар тўлиб-тошиб кетди. Баъзан машғулотлардан сўнг ўз материалларимни синфда титилиб ётганини кўрадиган бўлдим ва уларни сақлананаётган жойига қайтариб қўя бошладим. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг иш дафтарларини текшира туриб, дикқатимни ошаверди: улар материалларни жуда ёмон конспект қилишган, чунки мен тарқатган кўплаб жадваллар уларни мустақил равища конспект ёзиш имконидан маҳрум қилаётган эди.

Биринчи ўқув йили якунига келиб, барча картон иш жилдларини ташлаб юбордим (уларнинг кўпи шундоқ ҳам ҳеч нарсага ярамай қолганди) ва янги тизимни жорий қилишга қарор қилдим. Хельсинкидаги ҳамкасларимга ўхшаб мен ҳам болаларга фақат дафтарларни берадиган бўлдим, бундан кейин ўз нарсалари учун масъулиятни уларнинг ўзлари зиммаларига оладиган бўлишди.

Кўринишидан майда, арзимаган ўзгариш бўлди, аммо ўша йили ўқувчиларимнинг янада тартиблироқ бўлганини кўрдим. Ўзим эса синфни камроқ тартибга соладиган бўлдим. Бундан кейин болалар маълумотларни ўзлари ёзиб олишлари учун схемаларни суиистеъмол қиласликка қарор қилдим, натижада ўқувчилар конспектларини яхшироқ юритишни ўрганишди.

Мана шу тажрибам туфайли, журнал қўйгич ва қўшимча схемалар каби таянч бўладиган “ҳассачўплар”ни чеклаш кераклигини тушундим. Болаларга ўзларининг кундалик ўқишини тартибга соладиган усулларни ўзлари ишлаб чиқишлиари учун имконият яратиб бердим. Улар ўқиш давомида масъулиятни зиммаларига олишлари учун синфда ҳаммага етарли даражада эркинлик бериш кераклигини, бу эса менинг ўқитувчи сифатида энг олий вазифаларимдан бири эканини аниқ тушуниб етдим.

**МОҲИРЛИК**

2001 йилнинг 4 декабрида PISA тестларининг биринчи натижалари эълон қилинганда Финляндия ИХТТга (OECD) аъзо давлатлар ичидаги биринчи ўринни эгаллаган ва ушбу мамлакат ўқувчилари мутлақо барча йўналишлар – ўқиш, математика ва табиий фанлар бўйича юқори натижаларни кўрсатишиган. Паси Сальберг “Фин дарслари” китобида бу воқеани шундай таҳлил қиласиди: “Энг аввало, илгари мавжуд бўлган Япония, Корея, Ҳонконгдан ортда қолиш ҳолати енгиб ўтилди. Олинган маълумотларга кўра, фин ўқувчилари бошқа мамлакатлардаги тенгдошларидан фарқли ушбу дастур тестларидан ўтишда намоён қилган билимлари ва малакаларини ҳеч қандай репетиторларсиз, дарсдан кейинги қўшимча машғулотларсиз ва катта ҳажмдаги уй вазифаларисиз ўзлаштирганлар. Унданам муҳими, Финляндияда ўқувчиларнинг ютуқларидаги ўзгаришлар даражаси мамлакат бўйича олиб қаралганда ҳам бошқа давлатларга нисбатан жуда паст бўлиб чиқди... PISA тестларининг 2003 ва 2006 йилларда ўтказилган кейинги иккита босқичида Финляндия етакчи мамлакат сифатидаги обрўсини барқарор ва мустаҳкам сақлаб қолди ҳамда жаҳон оммавий ахборот воситаларининг финча мактаб тизимига бўлган қизиқишини янада ошириб юборди”.

Гарчи 15 ёшли финларнинг 2009, 2012 ва 2015 йиллардаги PISA тестлари бўйича кўрсаткичлари бироз ёмонлашган бўлса-да, Сальбергнинг қайд этишича, тестдан олинган умумий маълумотлар ушбу шимол мамлакатидаги ўқувчилар оиласининг ижтимоий- иқтисодий шароитидан қатъий назар юқори натижаларни намоён қилмоқда”

Қайсиdir соҳада ўзининг лаёқатли эканини хис қилиш – баҳтнинг таянч элементларидан биридир. Раж Рагунатан буни инсоннинг моҳирликка бўлган табиий эҳтиёжи, дея таърифлайди. Биз ўқитувчилар ушбу эҳтиёжни қондириш баробарида ўқув жараёнидан қувонч олишга хисса қўшишимиз мумкин. Хельсинкидаги мактабда дарс бериш қатори бутун Финляндиядаги ўқув муассасаларига ташриф буюарканман, фин педагогларидан ўрганиб, қабул қилса бўладиган бир нечта стратегиялар, яъни ҳаракат усувларини ўзим учун кашф этдим: дарсликнинг ресурсларидан фойдаланинг, ўқитишининг техник воситаларини (ЎТВ) суистеъмол қилманг, мусиқа қўйиб беринг, тез-тез тренер ролини бажариб туринг, билимларни тасдиқлашларини талаб қилинг ва якуний баҳоларни ўқувчилар билан муҳокама қилинг.

## **ЭНГ МУҲИМ НАРСАНИ ЎҚИТИНГ**

АҚШда ишлай туриб, дифференциаллашган ўқитиш, “Ҳозиржавоб синф” (Responsive Classroom) методикасини қўллаш ва лойиҳали ўқитиш каби ностандарт ўқитиш усувларига жудаям қизиқсанман. Масалан, дифференциаллашган ўқитишда барча ўқувчиларнинг эҳтиёжларини эътиборга олиш

ва буни ўринлатиш учун ўқитищда сезгирикни намоён қилишни ўргандим. “Хозиржавоб ўқитиш” методикасидан ўз ишимнинг асосида қўллаш учун ўқитишининг ижтимоий- эмоционал схемасини ўзлаштирдим, лойиҳали ўқитищдан эса ўқув режасини тузишда комплекс ёндашувни ўзлаштирдим. Буларнинг барини қизиқарли ва илҳомлантирувчи воситалар деб билганман. Аммо амалиётга жорий қилиш бобида энг мураккаби мен учун лойиҳали ўқитиш модели бўлиб чиқкан.

Бу тушунчани турли талқин этишлари туфайли фанлараро ёндашув ҳақида шахсан ўзимда қандай тасаввур қолганини тушунтиришга уриниб кўраман. Лойиҳали ўқитиш доирасидаги алоҳида модель, одатда, ўқитувчини ҳам, ўқувчини ҳам қизиқтира оладиган ва илҳомлантирадиган юқори сифатли оригинал маҳсулотни яратишга бағишлиданади. Тажрибамдаги якуний маҳсулот (масалан, ўқувчилар томонидан яратилган китоб, спектакль ёки компьютер иловаси) – моделнинг бир нечта ўқув фанлари билан боғлиқ бўлган энг муҳим аспекти ҳисобланади.

Одатда лойиҳали ўқитиш доирасидаги фанлараро модуллар табиий ва ижтимоий фанларнинг дастурлари билан боғлиқ тарзда ташкил этилади ва бу режага ҳар доим ўқиш, ёзиш бўйича ўқув мақсадлари ҳам киритилади. Мазкур вазиятда асосий ғоя – мактаб дастурини жонлантиришdir. Бунда ўқувчилар бир вақтнинг ўзида бир нечта фанни ўқий туриб, нафақат билим олади, балки уларни амалда ҳам қўллайди. Юқори сифатли ва аҳамиятли якуний маҳсулот яратишга ҳаракат қилиш жараёнида модулга таклиф қилинган профессионал мутахассислар билан мулоқот

қилиш бошқаларга ҳам фойда келтириши назарда тутилади.

Финляндияда эндиғина дарс беришни бошлаганимда болалар билан албатта лойиҳали ўқитиш методини қўллашга қарор қилдим. Мактабимизнинг 500 варактлик дастури билан қуролланиб, июль ойидаёқ ушбу фанлараро модулни режалаштира бошладим. Бу вақтда ҳали директор билан бирор марта ҳам учрашмаган ва дарс жадвалини ҳам кўрмаган эдим. Ўқув йилининг бошланишини қандайдир тантанали бўлишини хоҳлаган эдим. Афсуски, ҳаммаси аксинча бўлиб чиқди.

Лойиҳали ўқитиш доирасидаги фанлараро модулни режалаштира туриб, уни “Олимпиадага йўл” деб номладим. Олимпиада ўйинларидан мисоли лупадек фойдаланмоқчи бўлдим, яъни болалар улар орқали мактаб дастурида назарда тутилган тарих ва география фанларидағи мавзуларни яхшироқ тушунишларини хоҳладим. Ана шу 10 кунлик модуль давомида, образли қилиб айтганда, “асрлар оралаб тарих кезамиз” деб ўйладим: аввалига Қадимги Юнонистон тарихи контекстида Олимпиада ўйинларини ўрганамиз, кейин аста-секинлик билан ҳозирги замонга ўтамиз. Ушбу ташкилий тамойилни шакллантириб олгач, олдимизда қандай аниқ вазифалар турганини ва параллел равища мактаб дастуридаги қайси мавзуларни ўрганишимизни ёзиб чиқдим.

Ўқув модулимизга жон киритиш мақсадида Олимпиада ўйинларида иштирок этадиган спортчи қиз ва унинг тренерини ҳам мактабга таклиф қилдим. Бундан ташқари, ҳали ўқув йили бошланмай туриб маҳаллий паралимпиячи билан боғландим. У ҳам ўқувчиларим билан эҳтимолий хайрия лойиҳаси устида

ишлашга ва жамғармасида молиявий етишмовчилиги бор финляндиялик ёш паралимпиячиларга бажонидил пул йигишга рози бўлди.

Мана ўша 2013 йил ёзида (ўқув йили бошланишига бир неча ҳафта қолганда) фанлараро модулнинг режасига киритган ва бироз тузатилган баёнотим:

“Олимпиадага йўл” модули ўз олдига болаларда ўзгаларга бўлган хурмат, билимларни ўзлаштиришга бўлган масъулиятни, ҳамдардлик қобилиятини ривожлантиради. Саволларга жавобларни мустақил топиш орқали билим олиш малакасини, асосий тушунчаларни ўзлаштириш давомида эса синфда сифатли ишлаш маданияти, инглиз тили, география, тарих, сўз санъати соҳаларидағи билим ва кўникмаларини ривожлантиради. Бундан ташқари, болалар ёш паралимпиячилар учун муҳим бўлган хайрия лойиҳасида иштирок этадилар.

Мактабдан ташқари ташкил этиладиган амалий фаолият ва мутахассислар билан учрашувлар ўқув жараёнини сезиларли даражада бойитади.

Қоидага кўра, лойиҳали ўқитишда бир ёки иккита фан биринчи даражага чиқарилади. Биздаги ҳолатда булар – тарих ва география фанлариидир. Тил компетенциялари иш фаолиятига мослаштирилган ҳолда ривожлантириллади. Йил давомида бу табиий фанларни ўрганишда қандай қилиб ўз ифодасини топади? Уларга навбатдаги лойиҳада урғу берилади. Натижада, йиллик режалаштирилган мавзуларнинг барчаси ўкувчилар томонидан ўзлаштириб олинади. Баъзан бир ёки иккитадан кўпроқ фанларга ҳам мурожаат қиласиз. Бу ҳолат турли ўқув предметларини чуқурроқ ўзлаштириш учун зарур.

Ўн ҳафталик “Олимпиадага йўл” лойиҳали ўқитиш модули давомида болалар кўпроқ ёзишларига тўғри келади. Ҳар бир ўқувчи ўз шахсий блогини юритиб боради. Дастлабки уч ҳафтада биз буни дарсларда бажарамиз, демак, иш сифатига алоҳида эътибор қаратамиз. Бундан ташқари, модул доирасидаги дарсларда бошқа топшириқларни (ўқиши ва математика бўйича) бажариш ҳам назарда тутилган.

Ўқув йили бошида ўқувчилар кўплаб турли-туман тушунчаларни ўзлаштиришлари керак бўлади, аммо асосий урғу тарих фанига берилади. Wiki форматидаги синф веб-сайти ўқиши жараёнида олинган билимларни қайд этиш ва дастурни чуқурроқ ўзлаштириш имконини беради. Модомики, инсониятнинг минг йиллик тарихини ўрганар эканмиз, бизнинг юз йилликлар оша ҳаракатимизни кузатиб бориш учун самарали усуслар керак бўлади”.

Сиз режамдаги камчиликларни пайқадингизми? Шахсан мен бир нечтасини топдим, аммо энг асосийси, бажариш учун жиiddий куч сарфланиши керак бўлган катта ҳажмдаги янги вазифалар эди: булар жумласига Wiki форматидаги синф веб-сайти, паралимпиячилар учун пулйиғишибўйича кенг қамровли кампания қабилар киради. Умуман олганда, ҳар бир пунктни бажариш мумкин, аммо бу режа юқорида қайд этилганидек, мактаб дастурининг энг муҳим элементлари билан ҳам, ўқувчиларнинг қизиқишлиари билан ҳам яқиндан боғланмаган эди.

Ҳозир лойиҳанинг баёнини қайта ўқиб чиққанимдан сўн мен гўё мактаб дастурини ўз режамдаги тадбирларга мослаштирмоқчи бўлганимни тушундим. Олимпиадани мутлақо ҳамма нарса билан боғлаш

ғоясини яхши күриб қолғандим. Агар ўқитувчи 10 ҳафта ичида “инсониятнинг минг йиллик тарихини тадқиқ қылмоқчи бўлса”, унга режасини амалга ошириш ўта қийин бўлади. Финляндияда лойиҳали ўқитишни жорий қилишга уриниб кўриб, мағлуб бўлдим, чунки ўзим дарс бермоқчи бўлган мактаб дастуридан жуда ҳам узоқлашиб кетдим.

Ўйлашимча, лойиҳали ўқитиш доирасидаги “Олимпиадага элтувчи йўл” номли фанлараро модуль бир неча сабаблар туфайли амалга ошмай қолди. Энг асосий сабабларидан бири – диққат бир жойга тўпланмагани бўлди, яъни аниқ бир ўқув дастурининг мақсади ва мазмуни унинг учун асос қилиб олинмади. Бу хато Хельсинкидаги ўқитувчилик карьерамнинг бошидаёқ заиф томонларимни очиб ташлади: яъни мен режалаштиришнинг иккинчи даражали аспектларига осонгина чалғиб кетдим. Масалан, мактабдаги ишимнинг дастлабки ҳафталарида болаларга мотивация бериш мақсадида машҳур спортчиларни келишга кўндириш ёки ёш паралимпиячиларга маблағ йигишни ташкил қилиш учун жуда кўп вақт ва куч сарфладим. Буларнинг бари асосий вазифаларимга кирмас эди.

Бостондаги мактабда дарс берган чоғларимда дарс жадвалининг ўзига хослиги сабаб, яъни синф ишларига анчагина соат ажратилгани учун режалаштириш жараёнида асосий мақсаддан чалғиб кетиш мумкинлигини англаб етмаган эканман. Дарсларни тўлдириш учун маълум бир эркинликка эга эдим. Ҳар доим оқилона чегара билан, асосий йўналишдан унча узоқлашмаган ҳолда ҳаракат қиласдим, аммо ўқув жараёнини имкониятим даражасидан кўра самарасизроқ режалаштирган эканман.

Финляндияда ўқувчилар билан ишлаш учун менда жуда кам вақт бўлгани учун мактаб дастурига бевосита боғлиқ бўлмаган нарсалар билан шуғуланишга шунчаки имкониятим йўқ эди. Хоҳлайманми-йўқми бутун бошли модулларни ва алоҳида дарсларни янада аниқроқ режалаштиришга тўғри келган, чунки бошқа йўли йўқ эди. Шу тариқа, янги шароитга тушиб қолгач ўқитишининг ёрдамчи аспектларини орқа планга суриб қўйишга мажбур бўлдим ва аслида ҳам, уларнинг ўрни ўша ерда эди. Финляндияда биринчи йил ишлаганимда бешинчи синфларнинг ўқув режасига биноан биология, география, кимё, физика ва этика сингари фанлар учун ҳафтасига 45 дақиқадан вақт ажратилишини кўриб ҳайрон қолганим ҳамон эсимда. Ҳатто математикага бор-йўғи уч соатлик стандарт дарс ажратилган эди. Ростини айтсан, бошида қайси бир ўқув фанини олмайин, ҳаммасига ўқитиш учун вақтим етмаётганини сезиб турардим.

Ўқитувчининг юкламаси унчалик катта бўлмаган дарс жадвали билан тўқнаш келганимдан сўнг бу бир вақтнинг ўзида ҳам нафрат, ҳам раҳмат эканини пайқадим: бир томондан, Хельсинкида режалаштириш ва ҳамкасларим билан ҳамкорлик қилиш учун менда кўпроқ вақт пайдо бўлди, иккинчи томондан, ўқувчилар билан ишлашга вақтим кам эди. Фин ўқитувчилари дарсларни режалаштиришга бошқача ёндашишим учун ва диққатимни фақатгина асосий нарсаларни ўқитишига жамлашим учун катта ёрдам беришди. Уларнинг ўзлари эса ҳар бир дақиқадан ҳайрон қоларли даражада рационал (ҳисоб-китоб билан) фойдаланишар эди. Аста-секин мен ҳам улардек тескари томондан режалаштиришга ўргандим, яъни дастур ва методик

қўлланмалар билан биттама-битта қиёслаб, захирада қолган соатлар миқдоридан келиб чиққан ҳолда режа тузга бошладим.

Маҳаллий педагогларни кузатар эканман, уларнинг илгор ёки инновацион методлардан узоқда бўлган, оддий методлар ёрдамида яхши ютуқларга эришаётганини пайқадим. Аввал бошида мен умид қилган натижаларнинг акси ўлароқ Финляндияда кўпинча эски ва синалган ёндашувдан фойдаланишади: ўқитувчи ўқувчиларга мунтазам равишда янги материални тушунтириб боради. Бу мамлакатдаги дастлабки иш йилим фин мактабларида анъанавий равишда дарсликлардан фойдаланишларини англаб етдим. Ҳатто биринчи синфлар ҳам турли фанлар бўйича иш дафтарларидағи машқларни бажариш билан кўп вақтларини ўtkазишади. Ўқитувчиларнинг қандай дарс ўтишини бутун Финляндия бўйлаб жуда кўп соатлар давомида кузатдим ва ўқувчиларнинг синф хонасида дарсликни ўрганиб, конспектлар ёзаётганини, бўр ёки маркер билан доскада ёзилган матнларни дафтарга кўчираётганини кўп учратдим. Бундай “ерда туриб” дарс ўтиш фин таълим тизимининг халқаро оммавий ахборот воситалари томонидан яратилган жимжимадор образига мос келмас эди. Тан олишим керак, кўрганларим мен учун кашфиёт бўлди ва бошида нима деб ўйлашни ҳам билмай қолгандим.

Охирида фин ўқитувчилари ўқув материалини мавзулар ва дарслар бўйича тақсимлашда уларга ёрдам бергани учун дарсликларни яхши кўришади, деган хulosага келдим. Фин дарсликларидағи боблар сони у ёки бу фан бўйича ўтиладиган дарслар сонига мос келишини пайқаб қолдим. Масалан, ўқув йили

давомида тарих фанидан 36 та дарс режалаштирилган бўлса, фаннинг дарсликдаги боблари сони ҳам 36 тани ташкил этишини кузатиш мумкин.

Ҳа, фин ўқитувчилари дарсда ўз ишларига унчалик ҳам ижодий ёндашишмайди ва бу мантиққа зид бўлиб кўриниши мумкин, айниқса, уларнинг репутациясини ҳисобга олганда: ахир улар машғулотларда болаларга анча эркинлик беришади, дейилганди-ку?! Аммо бу ўзига хослик уларнинг кундалик ҳаракатларига барқарорлик бахш этади, ўқувчиларга эса материални яхши ўзлаштириш имконини беради.

Кўп йиллар ўқитувчи сифатида улғайишга ҳаракат қилдим, аммо тан олай, фақат яқиндагина дарсларни оқилона, тартиби билан режалаштира оладиган бўлдим. “Энг муҳимини ўқитинг” стратегияси учун, яъни материални ўқитувчи раҳбарлигида ўрганиш фойдасига педагоглар мустақил ишларга йўналтирилган методларни курбон қилишлари керак бўлади. Мен шунчаки режалаштириш чоғида энг муҳимини эътибордан четда қолдирмасликни ва устуворликни жой-жойига тўғри кўйишини тавсия қиласман.

Финляндияда вақтни янгитдан тақсимлашни, алоҳида дарс режалари ҳамда бутун бошли ўқув модулини дастурларга мослаштиришни уddyдай бошлаганимдан сўнг болалар материалларни енгил ўзлаштирадиган бўлишди. Бу ерда олимпиадачиларни мактабга таклиф қилиш ва блогларни ишга тушириш каби иккинчи даражали нарсаларга чалғимасдан, таянч билимларга ургу беришим талаб қилинаётган эди. Доим олий мақомда бўлишингиз учун имконият берувчи энг яхши усууллардан бири – бу дарслик ресурсларидан фойдаланишдир.

## ДАРСЛИК РЕСУРСИДАН ФОЙДАЛАНИНГ

АҚШда дарс берган давримда муаллифлар томонидан тайёр ўқув дастурларини таклиф этувчи услугий қўлланмалар кўзимга бироз шубҳали кўринарди. Финляндияда бу “мутлақо ҳамма ўқитувчиларга мос келади” деган фикр муҳим аҳамият касб эта бошлайди (яъни ҳар қандай саводли одам ушбу услугий қўлланмадаги стандарт режага амал қилган ҳолда дарс ўта олиши мумкинлиги назарда тутилади). Шу билан бирга мен бунга ўхашаш нашрларни америкалик ҳамкасларим томонидан ҳам қабул қилинмаганини кўрганман: улар тайёр дастурга амал қилиш (сценарийларни бажариш) ижодий эркинликни бўғиб қўяди ва охир-оқибат ўзингнинг профессионаллигингни ҳис қилиш даражасини пасайтириб юборади, деб ҳисоблашарди. АҚШдаги давлат мактабларининг бирида ажойиб муаллима билан танишганимда у математика бўйича стандарт дастурга риоя қилиш ва ундан бир қадам ҳам ортда қолмаслик кераклигидан ваҳимага тушарди. Ҳар куни биттадан дарс режалаштирилган, гарчи муаллима кўпчилик ўқувчилари материалларни ўзлаштиришга улгурмаётганини ҳис қилиб турган бўлса-да, у ҳар қандай вазиятда ҳам жадвалдан чиқиб кетмаслик учун олдинга ҳаракат қилишга мажбур эди.

Айрим америкалик педагоглар услугий қўлланмаларга шунчаки ишонишмайди эмас, балки бундай материаллар ўқувчиларнинг манфаати учун яратилганига ҳам шубҳа билан қарашади. Бундай дастурлар вақти келганда ўқувчиларни стандартлашган тестларга тайёрлаш учун бир воситага айланади

ва тестларни қўлланмалар муаллифлари ишлаб чиқадилар, деган фикрлар ҳам бор.

Аммо Финляндияда ўқитувчиларнинг дарслерага нисбатан мутлақо тескари муносабатларига дуч келдим ва бу мени лол қолдириди. Ўқитувчилар ваҳимага тушиб, услугбий қўлланмалардан воз кечиш ўрнига, амалда улардан тўлиқ фойдаланишарди. Хельсинкида ишлашни бошлаган биринчи йилим бошланғич синфларни ўқитган бир ҳамкасабам билан суҳбатлашгандим. У ўзи фойдаланган тайёр дастурни мақтаганди. Унинг хонасида суҳбатлашарканмиз, у менга бажонидил ўқитувчилар учун яратилган турли қўлланмаларни кўрсатди ва бу материаллар тажрибали, амалиётда ишлаган педагоглар томонидан туэйлганини тасдиқлади. Бошқача айтганда, ушбу муаллима тайёр дастурларга ишонарди. “Агар бу ишончли ресурс бўлса, унда мен нима учун ундан фойдаланмаслигим керак?”, дерди у.

Ҳамкасбимнинг нима демоқчилигини тушуниб турар, аммо охиригача уни қабул қила олмасдим. Айнан шундай муносабат АҚШда кузатганларимдан катта фарқ қиласарди. Хельсинкидаги ўқитувчилар ушбу қўлланмалардан фойдаланишни, ўзларини меҳнат қилиш қувончидан маҳрум этувчи бир юк сифатида эмас, балки қимматли кўмакчилар сифатида қабул қилишарди. Фин суҳбатдошларимнинг фикрича, дарслерага ҳақиқатданам уларга дарс беришда ёрдам беради, хусусан, энг муҳим нарсага диққатни жамлашга ва маромни ушлаб туришга имкон беради. Уларга таянган ҳолда, дарсни осонроқ ва тезроқ режалаштириш мумкин, чунки ўқув модулларини бошидан бошлаб ишлаб чиқишига ва алоҳида дарсларнинг мавзуларини ўйлаб топишга зарурат қолмайди.

Финляндияда тайёр дарс режалариға бўлган муносабатим кескин ўзгарди. Мен уларга ўта фойдали манба сифатида қарай бошладим. Йўқ, мен услубий қўлланмалар муаллифига ўзимнинг синфдаги бош ролимни бериб қўймоқчи ва уларнинг кўрсатмалариға батафсил амал қилмоқчи эмасман, аммо Америкада деярли ҳеч қачон қилмаган ишимни бу ерда бажаришга тайёрман, яъни дарслекнинг манбаларидан тўлиқ фойдаланмоқчи эдим.

Таълим соҳасида маслаҳатчи ва тажрибали педагог Майк Андерсон 2010 йили нашр этилган “Ўқитувчи ҳаётидаги гармония” (The Well-Balanced Teacher) китобида дарслекларни қабул қилишда худди шунга ўхаш силжишни тасвирлаб беради: “Бир неча йилдан кейин математика бўйича ўқув дастурини ўқитишнинг ягона воситаси сифатида қўллашдан узоклаша бошладим ва унга шунчаки қимматли ресурс сифатида қарайдиган бўлдим. У ерда санаб ўтилган мавзуларга ва материалларни баён қилиш кетма-кетлигига амал қилдим ҳамда фақат ўқувчиларимга мос келадиган вазифалардангина фойдаландим.

Услубий қўлланмаларнинг муаллифлари таклиф этган айрим ўйинлар ўқув дастурини ўзлаштирища жуда қизиқ ва фойдали бўлиб чиқди. Дарс режаларини кўпинча ўқув режасининг мақсади ва тавсиялари асосида тайёрлар, лекин уларни янада қизиқарлироқ тарзда ўтишга ҳаракат қиласкердим: назарияни амалиёт билан бояладим, алоҳида ёндашув асосида болаларга танлов имкониятини таъминлаб бердим. Бундан ташқари, зерикарли экани якъол кўриниб турган ёки ўқувчиларимнинг билим даражасига мос келмайдиган мавзуларни қолдириб кетдим.

Геометрияниң навбатдаги бүлімінің үргана туриб, геометрик шаклардан қурама күрпа тайёрладик ва уни фахр билан синфимизга осиб қойдик. Оддий ва ўнлик касрлардан фойдаланишни билиш учун хона ва бутун мактаб бўйлаб “Хазина ови”ни уюштиридик. Ўйин шаклида сонларнинг ўрнини ўзлаштириб олдик. Шу тариқа, математика дарслари нафақат ўқувчилар учун балки ўзим учун ҳам қизиқарлироқ машғулотга айланди. Кунлик машғулотлар энди менга кўпроқ қувонч келтирас, чунки улар ўқувчи эҳтиёжига мос келиб, уларга ёқарди. Режалаштиришнинг ўзи ҳам менга ҳузур бағишлай бошлади, чунки дарсларни ижодий жиҳатдан ташкил этишга қизиқиб кетдим, ўқувчиларнинг эҳтиёжига мос вазифаларни ўйлаб топдим. Натижада, ўзимни дастурда кўрсатилганларни баён қилувчи робот сифатида эмас ўқитувчи сифатида англай бошладим”.

Хельсинкида ўтказган икки йилим охирида фин ҳамкасларимнинг ёндашуви оқилона эканига амин бўлдим: агар нашриётлар таклиф этаётган ишончли материаллардан фойдаланадиган бўлсак, улар ўқувчига материалларни ўзлаштиришда албатта ёрдам беради. Аслида бундай ресурслар намунавий ва юқори сифатли бўлиши лозим. Бироқ шундай бўлмагандага ҳам барис бир улардан фойдаланиш мумкин.

“Яхшироғини қолдиринг ва ўшанга эътибор қаратинг”, дея маслаҳат беради Андерсон. Хельсинкида директор билан бирга олтинчи синфларга тарихдан дарс берар, машғулотга тайёрланиш чоғлари тез-тез дарсликни кўздан кечириб, фақат ўзимизнинг машғулотимизга тааллуқли материалларни олардик. Болаларга таянч матн керак бўлар, қанчалик нуқсонли

бўлмасин дарслик бу ролни яхши бажарган. Директор иккаламиз ҳеч қачон тарих фани бўйича услубий қўлланманинг чанглзори оралаб кезмасдик, балки шунчаки унинг ресурсларидан фойдаланаардик, холос. Хельсинкида дарс берарканман, кўпинча тайёр ўқув режасига риоя қиласдим (менга у ерда мавзуларнинг кетма-кетлиқда баён қилингани ёқарди), аммо ўқувчиларга вазифаларни танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқишиларини таклиф қиласдим. Уларнинг дарсликлари фин тилидан инглиз тилига таржима қилинган ва баъзан болалар у ерда йўл қўйилган арзимас хатоларни пайқаб қолишарди. Ноаниқликларни доимий равишда қидириш баробарида улар катта қизиқиш билан математикани ўрганишарди.

Яқинда PISA тестининг навбатдаги натижаси чиқди. Математика бўйича эстониялик ўқувчилар яхши натижа кўрсатишди. Бир гурӯҳ эстониялик педагог фин мактабимизга келишганида улар билан эришилган натижалар ҳақида сұҳбатлашмоқчи бўлдим. Тушлик ҷоғи эстониялик муаллима билан ҳамсуҳбат бўлиб, унга фин мактабларидағи дарсликлардан фойдаланиш амалиёти ҳақида гапириб бердим. У ҳам ўзюртида худди шундай ёндашувга амал қилинишини айтди. Унинг тахминича, Эстониянинг PISA тестларидан етакчи ўринга чиқишига айнан ана шу омил сабаб бўлган. Шунда беихтиёр ўйланиб қолдим: қисман бўлсада финларнинг таълим тизимидағи ютуқларининг барқарорлиги, уларнинг мунтазам равишда тайёр дарсликлардан фойдаланишлари эвазига эмасмикин?

Қолаверса, ҳар қандай вазиятда ҳам педагоглар ўйламай-нетмай “Шу дарсликни ташлаб юборинг” (Ditch That Textbook) каби баландпарвоз даъватларга

амал қилмаслиги лозим. Педагогика бўйича 2015 йили нашрдан чиққан китоб айнан шундай номланади. Ўқувчилар яхши тушунишлари ва материални ўзлаштиришлари учун барча воситалар фойдали. Шунинг учун сизга яхши ёзилган дарсликларни қидириб кўришни тавсия қиласман. Улардан фойда чиқиши аниқ.

## **ЎҚИТИШНИНГ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИНИ СУИСТЕММОЛ ҚИЛМАНГ**

Хельсинки марказидаги янги мактабимга биринчи марта келганимда директор хоним мен учун экспурсия уюштириди. У менга хонамни, ўқитувчилар хонаси ва кутубхонани кўрсатди. Шундан сўнг у икки ўқитувчи ва 450 ўқувчига мўлжалланган иккита компьютер синфини намойиш қилишга қарор қилди. Тан олишим керак, у ерда ҳафсалам пир бўлди. Йўқ, мен давлат мактаби техниканинг сўнгги ютуқлари билан жиҳозлаб қўйилган бўлса керак, деб умид ҳам қилмагандим.

Мен кутган нарса анчакамтарин эди, аммо шу умидим ҳам ушалмади. Бир неча йил олдин, яъни АҚШда ўз синфимга эга бўлгунимгача Массачусетсдаги тўртта комплексдан иборат бошланғич мактабда информатика фанидан штатдан ташқари ўқитувчи бўлиб ишлашимга тўғри келганди. Гарчи ўша ўқув округида молиявий етишмовчилик яққол кўриниб турган бўлса-да (у ерда ишлаб турган пайт иқтисод қилиш мақсадида ўша мактабларнинг биридаги ягона котибани ҳам ишдан бўшатиб юборишганди), компьютер синфлари жуда яхши эди: уларнинг ҳар бирида 25 тадан замонавий компьютер турар, қолаверса, барча техника мунтазам

равищда қанчадир йилда бир марта янгиланарди. Ҳар йили бу комплекс икки информатика ўқитувчисини ва бир мутахассисни ишга ёллар, мутахассис эса компьютерларнинг ҳолати ва дастурий таъминотини назорат қилиб турарди. Ҳозир Хельсинкида директор билан бирга Массачусетсдан кўра анчагина бойроқ саналган районда жойлашган ўкув муассасаси бўйлаб кезарканман, бошқача манзарани кўргим келгани рост.

Биз кирган биринчи компьютер синфида кўринишидан ўн йиллар олдинги 20 га яқин ноутбуклар турарди. Кейин досканинг алоҳида ажратилган бурчагида ўқитувчиларнинг қайси компьютер ёмон ишлаётгани ҳақида ёзиб қўйганларини ҳам пайқадим. Уларнинг айримлари умуман ишдан чиққан эди.

Гарчи компьютер синфи кутганимдагидек бўлмасада, тилимни тийишга қарор қилдим. Биз бир хона оралаб иккинчи компьютер хонасини кўриш учун зиналардан юқорига кўтарилдик. Бу ер ҳам биринчисидан унча фарқ қилмасди. У ерда ҳам 25 тacha компьютер турар ва кўринишидан бари дарҳол алмаштирилиши зарурга ўхшарди.

Финча мактабимиздаги ҳар бир хона қоидага биноан биттадан кўчмайдиган компьютер, унга уланган ҳужжатли камера ва экранли проектор билан жиҳозланган. Шунингдек, айрим синфларда SMART Board интерфаол доскалар ҳам бор эди, аммо маъмурият ўқитувчиларни улардан фойдаланишга мажбурламаган. Мен ишлаб кўрган Америка давлат мактабларидан фарқли ўлароқ, бу ердаги ходимлар штатида ҳатто информатика ўқитувчиси ҳам йўқ эди.

Ўқитувчилар бу техникалардан ўзлари зарур деб ҳисоблаган вазиятларда фойдаланишар, агар муаммо

туғиладиган бўлса, компьютерни яхши биладиган икки ўқитувчидан бирига мурожаат қиласар, уларнинг иккаласи ҳам ҳамкасларига ёрдам беришаётгани учун маъмуриятдан арзимас қўшимча ҳақ олишарди.

Хельсинкидаги мактабда ўқитувчилар ўқитишнинг техник воситаларига жуда ҳам ишқибоз эмасдилар: бошқа мактабларда ҳам худди шундай ҳолатни қузатдим. Финляндияга келгунимга қадар ҳамма яхши мактабларда шак-шубҳасиз бундай ускуналарнинг энг яхши тўплами қўйилган бўлса керак, деб ўйлагандим, аммо ундай бўлиб чиқмади. Бу мамлакатда ЎТВга АҚШдагидан кўра анча кам маблағ сарфлашади.

Хельсинкида техника билан ишлаш чекланган (ўқитувчи ўқувчи учун ҳам) синфхонада ўқишига диққатни жамлаш осонроқ кечишини пайқадим. Мени ҳам бирор кимса ЎТВни ўқув жараёнига жорий қилишга мажбуrlагани йўқ. Маъмурият томонидан ҳам на бевосита, на билвосита ўтказилган босимни сезмадим, шунинг учун ҳам ушбу воситалардан қачон мақсадга мувофиқ бўлса, ўшанда фойдаланаардим.

Синфда техникадан фойдаланиш муҳим эмас, деган фикрдан йироқман. Назаримда, мактаблар ўртасида технологик узилиш мавжуд ва бу муаммони ҳал қилиш лозим, аммо бунга сарфланган вақт ва пулнинг номутаносиблиги жуда улкан. Кўплаб технологиялар ўқитувчини энг муҳим нарсадан чалғитиши мумкин. Буни шахсий тажрибамда ҳам билдим, қолаверса, бу ҳолатни илмий тадқиқотлар ҳам тасдиқлаб турибди.

2015 йили ИХТТ (ўша PISA тестларини ишлаб чиқсан ташкилот) болаларнинг қай дарражада рақамли технологияларни эгаллашлари ҳақидагимаълумотларни матбуотда эълон қилди. “Компьютерлардан меъёрида

фойдаланадиган болалар ўқищда улардан доимий фойдаланадиганларга қараганда анча баланд натижалар кўрсатишгани”, маълум бўлди. Лекин мана сизга кутилмаган бурилиш: “компьютерлардан тез-тез фойдаланувчи ўқувчилар, ҳатто уларнинг ижтимоий ва демографик кўрсаткичларини ҳисобга олганда ҳам анча паст натижаларни кўрсатишиди”.

Йўқ, ИХТТ бундай кашфиёт туфайли мактабдан техникани мутлақо чиқариб ташлашни таклиф қилаётгани йўқ. Шунчаки, илғор технологиялардан фойдаланиш қалити ҳали ҳам аввалгида ўқитувчининг қўлида эканига эътибор қаратмоқда. ИХТТ таълим департаменти директори Андреас Шляйхер буни жуда оқилона изоҳлади: “илғорт технологиялар” билимларни эгаллаш имконини кенгайтирувчи муҳим усуllibардан бири ҳисобланади, дейди. Ушбу технологияларни қўллаш имконияти амалга ошиши учун педагоглар ҳар доим тайёр туриши ва ўз вақтида фан-техника тараққиётининг ютуқларини ўқув жараёнига жорий қилишлари лозим”.

Финляндияда ҳамкасларимнинг бу билан мунтазам шуғулланишини кўрдим, бироқ қўлам торроқ эди. Дарсларда документ-камера, яъни оддий гаджет кўпроқ қўлланади. Бу ускуна мен борган барча мактабларда мавжуд. Эски урфдаги диапроекторни тасаввур қилиб кўринг, фақат унинг кичкинагина видеокамераси бор. Ҳамкасларимнинг ҳар куни тушунтирилган материални мустаҳкамлаш учун ундан фойдаланганларини кўрардим. Бундан ташқари, ўқувчилар ҳам ушбу ускуна ёрдамида ўзлаштирган нарсаларини осонгина намойиш қила олади. Масалан, ўзим ҳам кўпинча болалардан ушбу гаджет ёрдамида

математик вазифаларнинг бажарилишини бутун синфга намойиш қилишларини сўрардим. Нотўгри ўйламанг, мен ҳамма ўқитувчини шундай ускуна олишга даъват қилаёттаним йўқ. Фақаттина мактабда ишлатилаётган техника унчалик мураккаб бўлмаслиги, шу билан бирга жуда самарали бўлиши мумкинлигини айтмоқчиман.

– Юқори технологияларнинг таълимдаги роли ўта бўрттириб юборилган, деб ўйлайман, – дейди Хельсинки шаҳридаги Maunuла ўрта мактабининг тарих ўқитувчиси Ере Линнанен. – Тўғри, бундай технологияларни, асосан, ёрдамчи воситалар сифатида қўллаш мумкин. Аммо бу асбоб ҳеч қачон таълим жараёнида энг асосий нарса бўлмаслиги керак.

Линнаненning сакизинчи ва тўққизинчи синфлар билан ишлаганда Google Classroom ресурсидан тез-тез фойдаланиб туради. Мазкур текин сервис ёрдамида унинг ўқувчилари биргалиқда тақдимот ва турли хужжатлар тайёрлайдилар. Ере ҳаётдан орқада қолгани учунгина шундай оддий сервисдан фойдаланади, деб ўйлайсизми? Бўлмаган гап, шунчаки Google Classroom унинг ўқувчиларига жуда мос келади. Линнанен илгари таълим соҳасидаги рақамли технологиялар билан шуғулланувчи Финляндиянинг стартапини бошқарган ва халқаро бозорга чиқа олган, шунинг учун ҳам кейинги йилларда бу соҳада юз бераётган жараёнларни диққат билан кузатиб боради.

Мана шундай тажрибали педагог: Сиёсатчилар таълимни ўрни келса деярли уринишларсиз, шунчаки ҳамённи очиб, ҳал этиш мумкин бўлган вазифага айланишини хоҳлайдилар. Улар тахминан қуидагича мулоҳаза қиласидилар: ‘агар таълим технологияларига қанчадир сармоя киритсак, ўшанда мана шунча натижা

оламиз. Бизнинг рейтингларимиз бирдан осмонга чиқиб кетади, шунинг учун келинг, мана бу тутмачани босамиз'. Бироқ бу ишда таълим технологиялари умуман муҳим роль ўйнамайди. Бунда муҳими – ўқитувчилар томонидан тўплланган ва бошқалар билан баҳам кўриши мумкин бўлган тажриба ҳисобланади”, – дейди.

Рақамли технологияларни қўллаш ўқув жараёнининг қайси жойида чинакам фойда берадиган бўлса, айнан ўша ўқитувчи ва ўқувчиларга қувонч олиб келишга қодир. Педагог Уилл Ричардсоннинг таъкидлашича, “улар ёрдамида ғайриоддий нарсаларни яратиш, бутун дунёдаги одамлар билан реал вақт режимида ёки носинхрон мuloқot қилиш имконига эга бўлиш, бутун сайёрамиз учун материалларни эълон қилиш, нарсалар, дастурлар, артефактлар яратиш ёки оддий кундалик ҳаётда имконсиз бўлган қашфиётлар қилиш мумкин.

Юқори технологиялар фин мактабларида “нимадир ғайриоддий бирор нарсани амалга ошириш” учун камдан-кам қўлланишини тажрибадан билдим. Бу ерда болаларни ўқув жараёнидан чалғитишга эмас, балки ушбу жараёнини қўллаб-куватлаш учун техникадан фойдаланиш кенг тарқалган амалиёт ҳисобланади. Узоқ йиллар давомида энг янги гаджетларга каттадан-катта инвестиция киритмасдан туриб ҳам керакли билим ва малакаларни самарали ўзлаштириш мумкин эканини финляндиялик ўқувчилар исботлаб келишмоқда. Назаримда, бу бутун дунё педагоглари учун сабоқ бўлиб хизмат қилиши керак. Агар болаларни нимагадир яхшироқ ўргатишни хоҳласак, келинг, техникадан тўғри фойдаланайлик, унга фақатгина қўлимиздаги ёрдамчи восита сифатида қарайлик, ундан ортиғи эмас.

## МУСИҚА ҚҮЙИНГ

Бир куни Куопиодаги Kalevala ўрта мактабида Минна Ряйхянинг дарсига киришга қарор қилдим. У олтинчи синфларга дарс ўтаётган синф хонасига кирдиму, хона тўрида бошқа мусиқа асбоблари билан бирга турган барабанлар мажмуасига кўзим тушди. Тўрт яшар ўғлим барабан чалишни жуда яхши қўриши, аммо ўзим бу асбобни умуман чала олмаслигимдан нолиб гапирдим. Минна менга олтинчи синфлардан бирортаси албатта буни ўргатиб қўйишини ваъда қилди. Табиийки, катта танаффус пайти ноғора чалишнинг устаси бўлган бир бола хурмат билан мени ушбу тўпламнинг олдига етаклаб келди. Болаларнинг кичикроқ гуруҳи ярим айланга бўлиб атрофимда туриб олишди. Аввалига йигитча менга зарбли асбоблар мажмуасига кирувчи бас-барабан, кичик барабан, хай-хэтларни кўрсатди ва бу асбоблар ҳақида гапириб берди. Кейин у менга таёқчани берди ва мен барабанлар олдига ўтирдим.

Бошида сал адашдим: мажмуанинг барча асбобларини кўшиб чалиш жуда қийин масала экан.

Аммо олтинчи синфдаги болакай ва унинг синфдошлари ундан бош тортишимга йўл қўйишишмади.

Кўлим келишиб олгунича улар тажрибали ўқитувчилардек маслаҳатлар бериб, умид ва ишонч билан қўллаб туришди. Ютуққа эришаётганимни кўрган болалар қувонч билан мени олқишлий бошлашди.

Ўша куни Минна менга ўқувчиларнинг ўзлари мустақил равишда ёзган компакт-дискни кўрсатди. Дискнинг қанчалар усталик билан тайёрланганини кўриб лол қолдим. Миннанинг айтишича, синф

жадвалида мусиқадан ҳафтасига бир нечта қўшимча дарслар бор, чунки бир неча йил илгари болакайлар ўз ташаббуслари билан ушбу фанни чукур ўрганишга қарор қилишган. Бундай амалиёт Финляндиянинг бошқа давлат мактабларида ҳам кенг тарқалган.

Миннанинг синфи мусиқа йўналишида эди, аммо шунга ўхшаш ҳолатни ўзимизнинг Хельсинки мактабидаги “оддий” синфларда ҳам кўрдим. Бизда кўпгина мусиқа асбоблари сақланадиган катта мусиқа хонамиз бўлиб, ҳамкаслар вақти-вақти билан уларни машғулот учун олишар эди. Баъзан ёнимиздаги олтинчи синфларнинг хонасидан бас-барабаннинг овозини эшишиб қолардим.

Сўнгги йилларда Америка мактабларида санъат фанини ўқитиш учун сарфланадиган харажатларни қисқартиришди, айрим жойларда эса мусиқа дарсларини умуман мактаб дастуридан чиқариб ташлашди. Финляндияда эса бу масала бошқача йўлга қўйилган. Хельсинкида ишлаган биринчи йилимда бир нарсани кўриб ҳайрон қолганман: бешинчи синфлар учун математика дарси қанча бўлса, шунча мусиқа дарси ҳам бўлиб, ҳафтасига уларнинг ҳар бири учун уч соатдан вақт ажратилганди. Аввалига бу ерда “иккинчи даражали” фан учун шунча вақт ажратилиши ғалатироқ туюлди. Кейинчалик бу борада илмий тадқиқотлар олиб борган муаллифларнинг, мусиқага ўқитишнинг таълим муваффақиятлари билан боғлиқ экани ҳақидаги қарашлари билан танишдим ва шундан кейин бу борадаги фикрларимни ўзгартирдим.

Масалан, кам таъминланган оиласарнинг юзлаб болалари иштирок этган 2014 йилги тажрибада мусиқий саводхонлик тил билиш қўникмаларини

ривожлантиришга ёрдам бериши маълум бўлди. АҚШ Шимоли-Фарбий университетининг нейробиологи Нина Краус Америка психологарининг 122 конференциясида ушбу ўзаро боғлиқлик ҳақида баён қилган: “Тадқиқотлар камбағаллик шароитида ўсган болаларнинг миясида улардаги билимларни ўзлаштириш қобилиятига таъсир этувчи ўзгаришлар юз беришини аниқлади... Гарчи ота- оналари муҳтож ўқувчиларга нисбатан таъминоти яхши оиласлар болалари янча юқори натижаларни намоён қилган бўлишса-да, мусиқага ўқитиш асаб тизимиға ўта ижобий таъсир кўрсатиб, ўқиш қобилиятини оширишга ва мавжуд фарқларни енгид ўтишга ёрдам беради”.

Шу билан бирга, тадқиқотчилар мусиқа дарслари асаб тизимларига шовқинли шароит (мактаб ҳовлисидаги шовқин)ни енгид ўтишга ҳам ёрдам беради, деган холосага келишган. Мазкур ўзгаришлар туфайли болаларда хотира яхшиланади, машғулотларда диққатни жамлаш қобилияти ортади, натижада, улар ўқув материалларини яхшироқ ўзлаштирадилар.

Бу масалада фин педагогларига анча осон, чунки дарс жадвалида мунтазам равищда мусиқа дарслари қўйилган. Аммо мактабингизда бундай дарсларни бекор қилишган бўлса, барибир нимадир ўйлаб топиш мумкин. Синфи барабанлар мажмуаси билан жиҳозлаш ёки у ерга ўнлаб классик гитараларни олиб келиш (Хельсинкида ўқувчилар билан айнан шундай қилгандик) ажойиб гоя, аммо бу ерда ўта чираниш умуман шарт эмас. Қолаверса, дарс ўқув дастурида назарда тутилмаган бўлса, ўқитувчи қандай қилиб мусиқани ўқитишга вақт ажратса олиши мумкин?

**Фикримча мақбул йўли – мусиқани ўнчаки кундалик дарслар қаторига (дарс жадвалига) киритишдир.**

Хельсинкидабешинчисинфлар биланишлаганимда “Сюжет элементи” (сўз санъати дарсларида) ва “Сувнинг агрегат ҳолати” (табиатшунослик дарсларида) каби мавзуларни ўқитиш жараёнида хип-хоп жанридаги композициялардан фойдаланганман. YouTube’да инглиз тилидаги матнлари бўлган кўплаб қизиқарли видеолар топилди. Биз биргалашиб сўзларни оҳангга солар ва ритмга амал қилиб ашула айтардик. Бу янги материални қизиқиб ўрганишдан ташқари Крауснинг тадқиқотлари тасдиқлаганидек, нейронларнинг мустаҳкам алоқани юзага келтириб, тил қўникмаларини ҳам ривожлантиришга ҳисса қўшарди.

Мусиқачи, математик ва Math Musical Minds компанияси асосчиси доктор Анна-Мария Оресковичнинг фикрига кўра, математика дарсларида биз мусиқадан фойдаланишимиз эвазига ўқищдаги натижаларни яхшилашимиз мумкин. Олима кичкентойлар учун оддий машқларни тавсия қилади: ўқитувчи ёқимли ва бир маромдаги ритмик мусиқани кўяди; болалар бирор асбоб (масалан, қошиқ) билан ритмга мос тақиллатишлари ва бир вақтнинг ўзида тўғри ёки тескари тартибда санашлари керак бўлади. Оресковичнинг фикрича, ушбу машқлар қонуниятларни тушуниб, таркибий тузилмаларни кўра олишга, рақамларнинг кетма-кетлигини эслаб қолишига ёрдам беради. Каттароқ ёшдаги болаларга у рақамлар кетма-кетлигини тузишни ва уларни аккордлар шаклида тасаввур қилиб кўришни тавсия этади. Олима “мусиқани математик элементларга бўлиб чиқиши,

математикани эса мусиқа шаклида тасаввур қилиш мүмкин”, деб ҳисоблайди.

Юқори синфда ўқиётган пайтим ўқитувчимиз бир куни магнитофон олиб келиб, Брюс Спрингстиннинг қўшигини қўйиб берган ва бизга қўшиқ матнини таҳлил қилишни айтганди. Педагог ўшанда нисбатан кам куч сарфлагандио, аммо мен ўша дарсни бутун умрга эслаб қолгандим. Негаки бу ҳаддан зиёд қизиқ ва завқли машғулот бўлган. Мусиқий элемент ўшанда ўкув муассасасига тириклик нафасини олиб кирганди.

Бошлангич мактабларда бир машғулотдан бошқасига ўтиш учун ҳам мусиқадан фойдаланишлари ҳақида эшитганман. АҚШда кичкина ўқувчилирига мусиқа ёрдамида қитъаларнинг номлари сингари таянч билимларни ўқитадиган педагоглар билан танишдим. Бир неча ой компьютер саводхонлигидан дарс берган Массачусетсдаги мактабда болалар ўқитувчилари билан бирга куйлашган “Қитъалар ҳақида қўшиқ”нинг (Continents Song) бир неча вариантларини эшитганман. (Кейинроқ Google Maps дарсини ўтаётган чоғимиз болакайлар беихтиёр ўша қўшиқни куйлашганини кўриб, қувониб кетганим эсимда.) Ўқитувчилар бунинг учун ҳаммага маълум бўлган қўшиқлардан масалан, “Уч қўрсичқонча” номли қадимий инглиз қўшиғини фойдаланишарди.

Кейинчалик ўз синфим пайдо бўлгач, бу тажриба мени шунга ўхшаш машқларни кичик болалар учун синаб қўришга илҳомлантирган ва ўз тажрибамда ўқишнинг бундай усули болакайларга ёқишига ишонч ҳосил қилганман.

Ўқитувчининг ўзи мусиқага унчалик ошно бўлмаса-да. ҳаракатлар режасидан бироз четга чиқиб,

машғулотларда мусиқа қўйиб кўриши лозим. Бунда озроқ эксперимент қилиш, ўқитувчига ҳам, ўқувчиларга ҳам қўпроқ мос келадиган вариантни танлаб олиш мумкин. Ана шунда мусиқа ўқиш фаолиятида албатта ёрдам беради ва жараёнга қувонч олиб келади.

## ТЕЗ-ТЕЗ ТРЕНЕР РОЛИНИ ИЖРО ЭТИНГ

Хельсинкидаги мактабимизнинг дурадгорлик устахонасига биринчи марта кирган чоғимдабеихтиёр “Амалиёт орқали ўрганамиз” деган плакатга қўзим тушган. Кейинчалик ҳар гал ўша ерда бўлганимда, ушбу принципнинг қандай ишлашини кўп марта кузатавердим. Ўқувчилар ўзларининг қизиқарли ва бирмунча мураккаб лойиҳалари устида ишлашарди. Дурадгорлик бўйича ўқитувчи ҳамкасбим одатда синф бўйлаб айланиб юрар ва худди тренерга ўхшаб болаларга маслаҳатлар бериб, қайта алоқани таъминларди.

Худди шундай манзарани болалар тикиш ва тўқиши ўрганадиган рўзгор тутиш машғулотлари чоғида ҳам кузатдим. Ишончим комилки, ушбу фан ўқитувчилари узоқ йиллар давомида амалиёт орқали ўқитишга риоя қилишган ва бундай содиқлик уларнинг педагогик методларига асос бўлган. Шунинг учун синфда улар кўп вақтларини тренер сифатида намоён қилишади.

Кўпчилик бирор малакани ўзлаштиришнинг энг яхши усули уни амалда, яъни “реал ҳаёт” шароитида синаб кўриш эканини билади. Аммо мактабдаги ўқиш анъанавий равища ушбу методдан узоқда бўлган. Болалар табиий фанларни ўрганиш чоги, қоидага кўра

хужжатли фильмлар кўришади, дарсликларни ўқишидаи ва лаборатория ишларини бажаришади, лекин улар худди ҳақиқий олимлар сингари ўз экспериментларини ўйлаб топиб, амалга оширишмайди. Аммо ўқитувчи тренер сифатида ўргатадиган бўлса ўқув жараёни учун жавобгарлик нариги томонга, яъни ўқувчиларнинг ўз зиммасига тушади.

“Амалиёт орқали ўрганамиз” деган оқилона тамойилнинг мевасидан фақатгина дурадгорлик ёки рўзгор тутишга ўхшаган ўзига хос фанлар ўқитувчисигина баҳраманд бўлмаслиги керак, менимча. Мақсадни ўзгартиринг, методлар ҳам бирдан ўзгариб кетади.

Америка мактабида эндиғина ишлай бошлаганимда устозимдан шундай матални эшишиб, бир умрга эслаб қолганман: “Билимларга иш жараёнида эришилади”. Ўзимнинг ўша биринчи йилимни эсларканман афсус билан пешонам тиришади: ўшанда дарс пайтида қилган асосий ишим – биринчи синфларим билан гиламда ўтириб олиб, сухбатлашишдан иборат бўлган.

– Бу йил ҳали жуда кўп янги билимларни ўрганаман, – дедим бир куни устозимга.

– Бунга шубҳам йўқ, – деди тажрибали устоз, – ўқувчиларингизчи, улар қанчалик кўп нарса ўрганишар экан?

Чинданам, у нишонга аниқ урганди. Ўзим ҳам кун бўйи менга қулоқ солиб, мен билан гиламда ўтирган болалар деярли ҳеч нарса ўрганмаса керак, деб гумон қилгандим.

Вазиятни ўзгартириш учун “доно башоратчи” ролидан воз кечиш кераклигини ўзим ҳам яхши билардим. Кейин тажрибалар ўtkаза бошладим.

Аввалига Америкада, кейин Финляндияда ўқувчиларим күпроқ билим олишларига уриндим. Бир куни мавзууни тушунтириш жараёнимни қисқартириш умидида синфга таймер олиб келдим. Орадан маълум вақт ўтиб, мини-дарслар қулайдек кўринди ва ўқувчиларимда ҳам кўпроқ амалиёт ўтишга фурсат қолди.

Гарчи ўша пайтлари бундай янгиликлар киритишлар менга қониқиши олиб келган бўлса-да, Финляндияга келиб, бунинг кам эканини тушундим. Дурадгорлик ва рўзгор тутиш фанлари ўқитувчилари амалиётда мустақил ўрганиш учун болаларга қўпроқ имконият бериш қанчалар муҳим эканини менга кўрсатиб беришди.

Учинчи бобда сўз санъатидарсларининг кўринишини ўзгартирганимни тасвиirlаб бергандим, яъни болаларга худди ҳақиқий ёзувчилардек ишлашлари учун имконият бергандим. Ўзим эса муҳаррир, бошқача айтганда, тренер ролини бажарганман. Захирада оралиқ бўш вақт қолдириш стратегиясига бағишиланган бўлимда бундай танаффуслар болаларда мустақиллик туйгусини ривожлантиришини қайд этиб ўтгандим. Келинг, энди шу ва шу каби усувлар маҳоратга қандай ҳисса қўшишини кўриб чиқамиз.

Шу тариқа сўз санъати дарсларида ўқувчиларга матнларни тузишлари учун кўпроқ вақт бердим ва бу ҳолат ишнинг яхши бошланишига ёрдам берди. Аммо бунинг ўзи камлик қиласарди. Дўстим, педагог Ере Линнанен ўқувчиларга кўпинча бир туртки керак бўлади, йўқса улар тараққиётта эришмасдан аввалги даражаларида қолиб кетаверадилар, дейди. Бешинчи синфларга ўша турткини бердим ва бу билан яхшигина қайта алоқа ҳам ўрнатдим.

Мен сизни ҳамма болаларга мукофот тариқасида елим қофоз тарқатиб, “Яшанглар!” деб бақиришга даъват этаётганим йўқ. Асло бундай ўйламанг. Мен кўргазмали, тўғри ва конструктив шарҳни назарда тутяпман. Ўзим блог юритиб, мақола ва китоблар ёзганим учун шунга мутаносиб равишда олинган қайта алоқа қанчалар муҳим эканини яхши биламан. Тажрибамдан аёнки, профессионал муҳаррирлар мақтовга унча сахий бўлишмайди. Улар бир-иккита яхши чиққан нарсаларни қайд этиб қўйишилари мумкин, аммо асосий эътиборни такомиллаштириш керак бўлган жойларга қаратишади. Аввалига бироз хафа ҳам бўлдим. Ахир муаллифни олқишилаш уларнинг асосий вазифаси эмасми?

Ҳозир бундай ёндашувга ўзим ҳам қўшиламан ва уни фаолиятимда қўллаб тураман: педагоглар ўқувчиларни камроқ мақташлари, объектив, кўргазмали ва конструктив танқидга ургу беришлари лозим. Агар муҳаррирнинг тақризи бир жуфтгина сўздан иборат бўлса ҳам ҳафсалам пир бўлмайди, чунки бизнинг “тренер” билан мақсадимиз битта – биргалашиб ишни сифатли қилишни хоҳлаймиз. Ишончим комил, синфда шундай муносабатларни яратиш орқали болаларнинг яхши ўқишига ёрдам берамиз.

Тараққиётга эришиш учун заиф жойларни бартараф этиш лозим, айнан ана шундай вазиятларда тренернинг ёрдами керак бўлади. Яхши тренер таълимдаги бўш жойларни аниқлади, ундан кейин ўқувчига зарур ёрдамини кўрсатади. Қоидага кўра, у болага тақлид қилиши учун намуна кўрсатади ва бу орқали тўлақонли қайта мулоқотни таъминлайди. Синфда мақтов ўринли ҳолат, лекин бу масалада

ўқитувчи алоҳида тайёргарлик кўриши шарт эмас, деб ўйлайман. Менинг тажрибамга кўра, устозларда бу табиий равишда юзага келади.

Агар сиз, жумладан мен ҳам, тренерлик малакасини оширишни истасак, дарснинг тузилишини шу вазифага мослаштиришимиз керак. Бунинг учун амалиёт ёрдамида ўқитишга мос келадиган тизим ва тўлақонли қайта алоқани яратиш учун кенг имкониятлар керак бўлади. Намуна сифатида “устахона” моделини олдим. Бу модельнинг кўплаб турларини кўрдим, аммо унинг ичидан учта асосий элементни ажратиб кўрсатиш мумкин: бугунги мақсадни белгилаб олиш учун кичкинагина кириш дарси, фаол мустақил иш ва аниқ мақсад сари қанчалар силжий олганингизни жамоа бўлиб муҳокама қилиш. (Бир куни собиқ ҳамкасабам Паула Хаву олийгоҳда уларга идеал дарсни худди шундай тасвирлаб беришганини айтганди).

“Устахона” ҳақида биринчи марта Бостондаги бошланғич мактабда дарс берган ҷоғларимда эшитган эдим. Шундан буён ушбу модельни синфларимда қўллаб келсам-да, ҳар доим ҳам ундан муваффақиятли фойдалана олмаганимни энди тушуняпман: баъзан кириш қисмига ва якуний таҳдилга ҳаддан зиёд кўп вақт сарфлаган эканман. Бунинг ўрнига, болаларга мустақил ишлашлари учун вақт берилса, тўғрироқ бўларди. Ахир ўқувчиларда топшириқларни бажариш учун етарли вақт бўлсагина, ўқитувчи тўлақонли қайта мулоқотни таъминлай олиши мумкин.

Синфда ўқувчиларнинг ишини координация қилиб, улар билан қайта алоқани таъминлай оладиган аниқ ва эришса бўладиган мақсадларни қўйиш керак. Таълимнинг мақсадлари у ёки бу масалада ривожланиш

имконини берувчи воситалардан бири эканини англаб етдим. Шу боис, уларни дарс бериш жараёнида ва мунтазам равищда жорий қилиб бориш лозим.

Фақат таълимнинг мақсадини методик вазифалар билан ҳеч қачон адаштириб қўймаслик керак.

Педагоглар Конни Мосс ва Сьюзен Брукхарт “Таълимнинг мақсадлари” (Learning Targets) номли китобида қўйидагиларни ёзишади: “Номидан ҳам кўриниб турибдики, методик вазифалар дарс бериш жараёнини йўналтириб туради, шунинг учун ҳам уларни педагогик нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда шакллантирамиз. Улар мавзуси ўзаро боғлиқ дарсларни ёки бутун бошли модулни умумлаштириб туради...

Таълим мақсадларининг вазифалари эса мутлақ бошқача. Яна номидан ҳам кўриниб турибдики, улар материалларни ўзлаштириш жараёнини йўналтириб туради. Таълим мақсадлари қўйидагиларни: бир дарсга мўлжалланган билимлар ҳажми, ўқувчи эгаллаши лозим бўлган кўникмалар ва мантиқий асосларни тасвирлаб беради. Биз уларни ўқувчи нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда шакллантирамиз ва болаларнинг ўзлари уларга қараб йўналишларини топиб олишлари учун жорий дарс давомида ифода қилиб борамиз”.

Тажрибамга кўра, “устахона” таълим мақсадлари билан жуда яхши ишлайди, чунки унда амалиётга ургу берилади, бу эса ўқитувчига тренер ролини ўйнашга йўл очади.

Қандай қилиб шундай мақсадни аниқлаб олиш мумкин? Мосс ва Брукхартнинг таъкидлашича, ўқитувчи аввалига дастурнинг маълум элементини танлаб олиши ва уни бир ёки бир нечта дарснинг

мақсади билан бирлаштириши зарур. Шу билан бергә, ушбу вазиятда у қандай натижага эришишни режалаштираётганини аниқ күрсата олсин. Кейинги қадам – ўқувчига тушунарли бўлиши учун мақсадни қайта шакллантириш керак, яъни ўқувчи синфда ушбу мақсад сари қандай ҳаракат қилиши кераклигини тушуниб етсин. Мосс ва Брукхарт педагогнинг бир неча босқичда фаолият юритишини тавсия этишади. Назаримда, бу борадаги энг муҳим қадам – қандай қилиб “дарснинг олдига қўйилган мақсадни болалар тушуна олганини намойиш қилишидир”. Мазкур босқичда, бир ёки бир нечта дарс давомида ўқувчилар эришган натижаларини ўзлари қандай тасдиқлашлари мумкинлигини ўйлаб кўришади.

Мосс ва Брукхарт математика муаллимасининг амалиётидан мисол келтиришади. Бунда муаллима олтинчи синфларга ўзгарувчан ва ўзгармас қийматларни тушунтиради. Ўқитувчи қўйидаги методик вазифаларни аниқлаб олади: “Ўқувчилар тасодифийлик элементи қандай қилиб маълумотларни танлашдаги вариацияларга олиб келишини тушунтириб беради” ва “Буни кўргазмали тарзда тасвирлаб берадиган диаграммани тузадилар”. Шунда сўнг муаллима ўқитишининг мақсадини шакллантиради: “Диаграммаларда кўр-сатилган шоколад бўлакларининг печеньеларга тақсимланганини кўздан кечириш, уларнинг бир-бирига айнан ўхшаш ва бошқача бўлган элементларини кузатиш натижасида, болалар ўзгарувчан ва ўзгармас бирликларни аниқлаб олишади”.

Мақсадга эришиш учун муваффақиятли натижа қандай кўринишга эга эканини синфга кўрсатиш керак. Одатда бизга ютуқлар мезонини шунчаки баён қилиш осондек туюлади (бу анча тез ҳам бўлади).

Лекин болалар мисолларни ўрганиш давомида муҳим элементларни ўзлари “кашф этсалар” ёки аниқласалар, улар анча самарали ишлашларини пайқадим (бу ерда қисман, “Эркинлик беришдан бошланг” стратегияси ҳам амал қиласы).

Мосс ва Брукхарт китобларида олтинчи синфларни нотиқлик сањатига ўқитишнинг иккита сценарийсини кўриб чиқишиди. Биринчи ҳолатда ўқитувчи ўқувчиларга бугун улар биргаликда ишонарли нутқ учун зарур бўлган тезисларни қандай тузиш кераклигини ўрганишлари ҳақида эълон қиласы. У мезонлар рўйхатини тарқатиб чиқади, ўқувчилар 30 дақиқа ичидаги мос келувчи тезисларни ўйлаб топишлари кераклигини маълум қиласы ва уларга омад тилайди. Иккинчи сценарийда муаллима дарсга сифати ҳар хил тезислар тўпламини олиб келади: айримларининг шошилиб ёзилгани яққол кўриниб турар ва улар унчалик ҳам тушунарли эмас, бошқалари эса, пухта ўйланган ва усталик билан тузилган (муаллима материалларни методик қўлланмалардан териб олган, тезисларни ўзи ўйлаб топган ёки аввалги дарслардан сақланиб қолган). Дарс бошида ўқитувчи худди биринчи ҳолатдаги каби синфга бугун ишонарли нутқ учун зарур тезисларни қандай тузишни ўрганишларини эълон қиласы. Аммо аввалгидек мезонлар рўйхатини тарқатиш ўрнига у доскага қуидагиларни ёзади. “Нотиқнинг ишонарли нутқидаги яхши тезиснинг таркибий элементлари нималардан иборат?”.

Шундан сўнг у синфни бир нечта кичик гуруҳларга бўлади ва ҳар бирига бир нечтадан тезис беради. Беш дақиқа давомида ўқувчилар уларни ўрганиб чиқишилари ва доскага ёзилган саволни ўйлаб кўришлари керак

бўлади. Кейин муаллима улардан навбат билан сўраб чиқади. Табиийки, муаллима дарсдан олдин энг муҳим мезонларни ўзи аниқлаб олган бўлади ва бу ерда болалар масъулиятни зиммага олишларини ва ушбу мезонларни уларнинг ўзлари “кашф қилишларини” истайди. Агар ўқувчи гапларни тузишда қийналса, педагог унга ёрдам бериши мумкин.

Қисқа муҳокамадан сўнг ўқувчилар таъсирили тезиснинг энг муҳим элементларини аниқлашади. Мана энди уларнинг кўз олдида муваффақият манзараси турибди ва улар таълимнинг мақсадига йўналтирилган. Ўқувчилар тренер ролини ўйнаётган ўқитувчи раҳбарлиги остида ана шундай тезисларни тайёрлаш учун яхшигина амалиёт ўташга тайёр бўлишди.

“Ўқувчилар нуқтаи назаридан олиб қаралганда, таълимнинг мақсадлари ўқитувчининг илтимосини бажариш ва билимни мустақил тарзда ўзлаштириш ўртасидаги фарқни очиб беради,” деб ёзишади Мосс ва Брукхарт. “Ўз билимини мустақил ўзлаштирган ўқувчиларда юқори даражадаги мотивация намоён бўлади, улар кўпроқ билишга интиладилар ва кенг қамровли билимларга асосланган кўникмаларини фаолроқ ривожлантирадилар”.

## **БИЛИМЛАР ТАСДИФИНИ ТАЛАБ ҚИЛИНГ**

Фин таълим тизими стандартлашган тестлар (қисман бўлса-да) йўқлиги билан машҳур. Айнан ана шу сабабдан, фин ўқитувчилари гўёки ўқувчиларнинг билимларини умуман текширмайди, деган янглиш тасаввур кенг тарқалган. Ишонтириб айтаманки,

ҳақиқатда эса, мутлақо бундай эмас. Масалан, Финляндияда бошланғич мактаб ўқитувчилари АҚШдаги ҳамкасбларига қараганда күпроқ якуний назорат ўтказадилар. Бунинг сабаби билимларни баҳолашнинг анъанавий финча тизимида ётиди, унда, ҳатто бошланғич синфлар учун ҳам семестр охирида ҳар бир фан учун балларда баҳолар қўйилади: 4 дан (энг пасти) 10 гача. Натижада педагог асосланган ва объектив баҳони чиқариш учун ўнлаб тестнинг ўртacha балини ҳисоблаб чиқишга мажбур бўлади.

Нима бўлганда ҳам Финляндияда сўнгги вақтларга келиб, анъанавий тест ўтказиш ва баҳо қўйишга нисбатан муносабат ўзгариб бормоқда. 2016 йили кучга кирган таянч дастурларда бошланғич синфлар учун балли тизимга унчалик урғу берилмаяпти: энди ўқитувчиларга баҳолаш даврининг охирига келиб, билимларни сўз орқали изоҳлаш имконияти берилмоқда. Бундан ташқари, бугун фин мактабларида оралиқ назоратларга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Гарчи мен анъанавий баҳо қўйиш тизимини қўллаб-қувватламасам-да (чунки бу ўқувчини билим олиш завқидан маҳрум қиласди ва қандай бўлса ҳам билим олиш кераклига ишонтира бошлайди), менга ўқувчилардан билимларнинг тасдиғини олиш жуда ёқади, чунки айнан шу туфайлигина маҳорат ортиб боради. Хельсинкида ҳамкасбларимнинг якуний назорат учун ўзлари савол тайёрлаётганини кўп кўрганман. Баъзан ўқув қўлланмаларидан қандайдир элементларни олишади, аммо уларнинг тайёр матнлардан нусха кўчириб олишганини камдан кам

кўрганман (лекин тан олай, АҚШда ўзим кўпинча шундай қилганман).

Синфда ўрганилган билимларга уларни баҳолаш методикаси ўзаро мос келиши учун фин ҳамкасларимнинг ҳар бири ўз тестларини ўйлаб топишарди. Бундай йўл орқали ўқувчилар билимларини самаралироқ тасдиқлашарди. Бундан ташқари, яна бир ўзига хосликни пайқадим. Бу ерда биринчи бўлиб кўзимни фин устозим очди ва у мендан ҳар доим ўқувчилардан *perustella*'ни сўрашимни айтди. У ушбу фин сўзига мос келадиган эквивалентни бирданига топа олмади ва унинг маъносини муҳокама қилгач, шундай холосага келдикки, бу сўз “асослаб бермоқ”, “мотивация бермоқ” деган маъноларни англатар экан. Бошқача айтганда ушбу муаллима ўқувчилардан материални қай даражада ўзлаштирганлклари ҳақида исбот сўрайти ва уни намойиш қилишни талаб қилмоқда.

Ўқитувчилар тузган тестларни ўрганарканман, барча юқорида қайд этилган принципга амал қилганини пайқадим. Эҳтимол, ана шу кенг тарқалган амалиёт фин ўқувчиларининг PISA тестларида кўрсатган юқори натижаларига ойдинлик киритар. Ахир 15 ёшли ўспирин у ерда ижодий ва танқидий фикрлай олишини намойиш қилиши керак бўлади-ку!

*Perustella*'нинг нима эканини аникроқ ҳолатда битирув имтиҳонларининг саволлари мисолида тушуниш мумкин. Асосий фанларни ўзлаштириб бўлгач финляндиялик катта синфлар битирув чоғида давлат имтиҳонларини топширишлари керак. Бу имтиҳонларни ташкил қилиш билан маҳсус Битирув имтиҳонлари бўйича миллий қўмита шуғулланади ва улар барча мактаблар учун бир кунда бўлиб ўтади.

Аттестат олиш учун ихтиёрий танлаган ҳар қандай учта фандан ва мажбурий тарзда она тилидан (фин, швед ёки саам тилларининг биридан) имтиҳон топшириши керак. Паси Сальбер китобида Финляндиядаги битирув имтиҳонларининг бутун дунё бўйлаб ўтказилаётган стандартлашган одатий тестлардан асосий фарқи, уларда кутилмаган вазифаларни уddyалай олиш қобилияти баҳоланади, дея тушунтиради.

Масалан, Калифорнияда ўртамактаб ўқувчиларининг давлат битирув имтиҳонлари чалғитувчи (сиёсий одоб, баҳсли ёки бир-бирини инкор қилувчи) саволларсиз тузилган бўлса, Финляндияда бунинг мутлақо акси кузатилади. Бу ерда ўқувчилардан эволюция, ишсизлик, парҳезга мойиллик (ёки фастфудга), замонавий сиёсий вазият, тажовуз, уруш қўзгаш, спортдаги этика, жинсий муносабатлар, гиёҳванд моддалар ва оммавий мусиқа каби масалалардан қай даражада хабардор эканликларини кўрсатишни мунтазам равишда сўраб келишади. Қоидага биноан, ушбу мавзулар бирданига бир нечта ўкув фанларига дахлдор бўлади ва кўп ҳолларда турли соҳалардаги билим ва малакаларни намойиш қилиш талаб этилади. Масалан, фин битирувчиларига имтиҳонларда таклиф этиладиган айрим саволлар:

- Она тили. ОАВ ҳар доим аудитория учун курашади. Нима деб ўйлайсиз, бу қандай оқибатларга олиб келади ва нима учун?
- Фалсафа ва этика. “Бахт” ва “фаровонлик” этик категорияларми? Фикрингизни асослаб беринг.
- Соғлиқни сақлаш. Давлат томонидан овқатланиш бўйича бериладиган тавсиялар нималарга асосланган ва уларнинг мақсади нима?

\* \* \*

Хелсинкида фин ҳамкасларимнинг намуналаридан илҳомланиб, ижодий ва танқидий фикрлашга ундайдиган қизиқарли ва ошкора саволлар тузиб, болалар ўз билимларини тасдиқлай олишлари учун навбатдаги мавзуни ўрганишни якуний назорат билан тугатишга ҳаракат қилдим. Ўқувчиларга ўқув дастурининг маълум бир бўлимини тушунишини кўрсатувчи исботлари учун баллар қўйдим.

Натижада ўқувчиларимнинг материалларни қанчалик даражада ўзлаштирганини анчагина яхши тасаввур қиласдиган бўлдим. Болалар чинданам билимларини тасдиқлашган эди, авваллари бунинг учун якуний тестларнинг саволлари жуда осон, тор маъноли ва бир томонламадек эди. Энг қизиги, финча усуlda текшириш методлари ўқувчиларга материалларни янада чуқурроқ билиш ва тушунишларини мутлақо эркин намойиш қилиш имкониятини яратиб берди.

Аксар ҳолларда ушбу якуний назоратлар ўқувчиларимга анча мураккаблик қилди, аммо уларнинг кўпчилиги бундан мураккаб ва ошкора саволларга жавоб бера туриб, таҳлилий фикрлаши ва ижодий қобилиятини ишга sola олганидан фахрланаётганини кўрдим. Авваллари ўқувчиларнинг тестлардан кейин бунақа тўғри маънода фахрланганини камдан-кам пайқаганман. Қуйида олтинчи синфларим учун тузган топшириқлардан мисоллар келтираман:

- Физика. Яшин йўналтиргич мисолида ерга уланган ҳимоя симининг вазифасини тушунириб беринг. Кенгайтирилган жавоб беринг ва унга схема чизинг.

- География. Ўсимликлар зонаси иқлим зонасидан нимаси билан фарқ қиласы? Қиёсий жадвал тузинг.
- Тарих. Одамлар Финляндияга нима сабабдан күчиб кела бошлашган? Буни аниқ мисоллар билан тушунтириңг.
- Этика. Этика бүйича биринчى имтихонда сиз ҳаётимизда учраши мумкин бўлган одоб-ахлоқдаги дилеммадан мисоллар келтирғандингиз. Энди эса бирорта ижтимоий дилеммани танланг ва уни батафсил тасвирилаб беринг. У ҳақиқий ҳаётдан олинган (масалан, янгиликлардан эшиттандирсиз) ёки ўйлаб топилган (яъни ўз ҳаёлингиздаги) бўлиши мумкин. Бу дилемманинг чиндан ҳам ижтимоий эканини исботлаб беринг.
- Кимё. Тасаввур қилинг, сиз тиш пастаси ишқорли бўладими ёки унинг таркибига кислота ҳам кирадими, деган масалани эксперимент йўли билан аниқламоқчисиз. Олимларга ўхшаб фикрланг ва ҳаракатингиз тартибини тасвирилаб беринг.

Агар ўқувчиларимиз ўқув материалларини ҳар томонлама ўзлаштиришларини хоҳласак, фин педагогарининг усулига риоя этиб, якуний назоратлар ва имтихонлар учун саволларни алоҳида-алоҳида тайёрлашимиз керак. Майли, болалар қийин саволларга мустақил жавоб қайтаришмасин (уларга таклиф этилган жавоб вариантларидан бирини танламасин) ва шу билан бирга, албатта ўз фикрини асослаб беришсин.

“Билимлар тасдигини талаб қилинг” стратегиясини нафақат якуний имтихонлар чоғида, балки кундалик дарслардаги муҳокамаларда, гуруҳларда ишлаганда ва оралиқ назоратларда ҳам қўллаш мумкин.

# ЯКУНИЙ БАҲОЛАРНИ ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН БИРГА МУҲОКАМА ҚИЛИНГ

Финляндиянинг Вантаа шаҳридаги Martinlaakso номли катта ёшли болалар мактабида Пекка Пеуранинг дарсига илк маротаба ташриф буюрганимда нималарни кўришим мумкинлигини ўзим ҳам кутмаган эдим (олдинроқ бу ўқитувчини математика бўйича тестлардан бутунлай воз кечганини эшигтан эдим). Унинг ўнинчи синфлари хонанинг турли бурчакларида кичик гурухларга бўлинниб ўтиришар ва кўринишларидан бутунлай хотиржам эдилар.

Эҳтимол, эрталаб Пекка улар билан кичик бир дарс ўтгандир, аммо мен буни пайқамадим. У мени ва яна бир жуфт ташриф буюрувчиларни ўқувчиларга таништирди-да, болаларга бутунлай эркинлик бериб қўйди, улар эса нима қилиш кераклигини жуда яхши билишарди. Дарс давомида ўқувчилар олдида дафтарлари ва математика дарсликлари очилган ҳолда турага улар турли мавзулар устида мустақил ишлашар эди. Пекка синфда айланниб юрага ва ўз шогирдлари билан суҳбатлашиш учун тез-тез тўхтарди.

Мен бир ўқувчидан уларнинг устози амал қилаётган тизимни тушунтириб беришини илтимос қилдим. Бола ўқув дастуридаги асосий тушунчалар баён қилинган математика бўйича луғат-маълумотномани менга кўрсатди. Бу тушунчалар таянч мавзулардан бошланиб, энг мураккабига қадар, маълум бир кетма-кетлик бўйича жойлаштирилган бўлиб, ҳар бирининг остида машқ қилиш учун топшириқлар ва мисоллар рўйхати келтирилган эди. Луғат-маълумотномада топшириқлар

калити ҳам бўлиб, уларга амал қилган ҳолда ўқувчи ўз билимини объектив баҳолаши ҳам мумкин эди.

Орқа қаторда бейсбол майкасини кийиб олган икки боланинг компьютер ёнида ўтиргани диққатимни тортди. Иккисининг олдига бориб қарасам, улар YouTube’да математикага мутлақо алоқаси бўлмаган эркин кураш бўйича мусобақани томоша қилиб ўтиришарди. Болалар буни мендан яширишга уринмаганларидан ҳайрон ҳам қолдим ва улардан наҳот сизларга шунчалар кўп эркинлик беришади, деб сўрадим. Болалардан бири ким қандай ишни қайси пайтда яхшироқ бажаришини ўзи ҳал қилишига ўқитувчи рухсат берганини айтди. Ўсмирнинг гапларига кўра, айни вақтда унинг математика билан шуғулланишга кайфияти йўқлиги учун YouTube’да нимадир томоша қилишни хоҳлаётган экан. Ахир дарсда қилолмаган вазифасини уйда ҳам қилиши мумкин-ку...

Бундан ташқари, Пекка болаларга анъанавий шаклдаги дарс ҳам ўтмаётган эди. Назарий жиҳатдан, унинг ўқувчиси бутун бошли олти ёки етти ҳафта (бу фин мактабларида катта синфларга баҳо қўйилиши учун белгиланган стандарт давр) давомида уйида умуман ҳеч нарса қилмаслиги ҳам мумкин.

Бироқ бу салбий оқибатларга олиб келган бўларди: маълум бир категориядаги топшириқларни ечишга эътибор қаратмаган ўқувчи ўз вақтида янги, яъни янада юқорироқ даражага ўта олмаган бўларди.

Сўнгги етти йил ичидаги Пекка шундай бир тизим ишлаб чиққандикни, унда болалар доимий равища ўзини ўзи баҳолаб боради. Ҳар олти ёки етти ҳафтада у ҳар бир ўқувчи билан индивидуал равища 5-10 дақиқа

сүхбатлашади ва ҳаммалари бирга яқуний баҳони қўйишида. Одатда баҳони ўқувчи таклиф қиласди. Пекканинг сўзларига кўра, бола эришган ютуқларнинг аниқ қиймати ҳисобланади. Бу тизимни жорий қилгач, Пекка бунинг анъанавий методдан, яъни ўқитувчи томонидан назорат топшириғи учун балл ҳисоблаб чиқилишидан умуман қолишмаслигини аниқлаган.

Шахсан мени лол қолдиргани — ишни текшириш ва билимни баҳолаш масъулиятини Пекка ва ўқувчилар teng шерикликда зиммаларига олишлари эди. Анъанавий тарзда ўқув жараёнининг бу иккала таркибий қисми ҳар доим ўқитувчининг қўлида бўлиб келган-ку! Олдинги бўлимда, яъни билимларни тасдиқлаш талаб қилиниши зарурлиги ҳақида гапирилганда, асосан, уларни текшириш назарда тутилган эди. Бу ерда эса билимларни баҳолаш билан боғлиқ бошқа бир кучли стратегияга ўтамиз.

\* \* \*

Фин мактабида ишлай туриб, ҳамкасларимни ҳисботларни қофозга нашр этишдан аввал болалар билан уларнинг яқуний баҳоларини муҳокама қилганини кўп марта эшитганман. Қоидага кўра, бундай суҳбатлар анча қисқа давом этарди.

Ўқитувчи ўқувчига қандай баҳо қўймоқчи бўлаётганини айтгач, ҳар бир бола бу масалада ўз фикрини айтиш имконига эга бўлади. Англашимча, бундай амалиёт, яъни ўқувчиларни ўзларининг ўқишидаги натижалари ҳақида мулоҳаза қилишга таклиф қилиниши, педагогларнинг болаларга бўлган юксак ҳурматини намойиш қиласди ва ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлайди.

Албатта, ўқувчиларнинг мулоҳаза қилишга бўлган эҳтиёжлари ҳақида ҳали якуний баҳолар қўйилмасдан олдин ўйлаб кўриш керак. Бунда баҳоларни муҳокама қилиш амалиёти ўта муҳим роль ўйнайди. Маълум бўлишича, ҳатто мулоҳаза қилишга унчалик мойил бўлмаган болалар ҳам ўқув йилининг охирига келиб, орқага қараб, ўзи эришган ютуқларни муҳокама қилишни истайди. Биз ўқитувчилар нима деб ўйлашимиздан қатъий назар, якуний баҳолар ўқувчи учун кўп нарсани англатади. Шу сабабдан, ўзларининг нимани билгани ва ўргангани ҳақида ўйлаб кўриш учун болаларга ёрдам беришнинг энг қулай фурсати, бу баҳоларни қўйиш вақтидир ва бу имкониятни ўтказиб юбормаслик лозим.

Болаларга баҳо қўйиш менга ҳеч қачон ёқмаган. Хусусан, балл қўя туриб, минг бир уринишлар эвазига ўз синфимда жорий қилишга уринаётган хурсандчилик муҳитини умуман бузиб қўядигандек бўламан. Асосий муаммо шундаки, болалар анчагина кенг тарқалган қарашлардан келиб чиқиб, ўзига ўзи баҳо бериш масаласини фанлардан оладиган баҳолариға боғлашга мойил бўлади: юқори балл – ақлли бола, паст балл – ақлсиз бола. Инсон ҳақида унинг баҳоларига қараб ҳукм чиқариш кулгили эканини биз яхши биламиз, аммо болалар бошқача хуласа чиқарадилар.

Ўқитувчилардан мунтазам равища баҳо қўйиш талаб этиларкан, бундан қочиб қутулишнинг иложи йўқ. Тан оламан, фин ҳамкасларимнинг илғор тажрибасини кўзим билан кўрган бўлсам-да, ўқувчилар билан уларнинг баҳоларини муҳокама қилишни кўпинча яхши уddyалай олмасдим: менга бундай қилиш ноқулай эди, шунинг учун ҳам уларга бу ҳақда гап очмасдим.

Шунчаки баҳоларни қўйиб чиқиб, табелларни қоғозга нашр қилгач, якуний натижа болаларни хафа қилмаса керак, деб умид қиласдим.

Қизиқ, АҚШнинг давлат мактабида таълим олган боланинг шахсий тажрибаси қўйиладиган баҳони ўқитувчи нуқтаи назаридан идрок этишимга қанчалик таъсир қилган бўлиши мумкин? Ўрта мактабда ўтказган шунча йилларим давомида ҳеч бир ўқитувчи индивидуал тартибда болалар билан якуний баҳоларни муҳокама қилмаган. Шахсан мен ҳам буни тушуна олмайман. Ўйлашимча, техник жиҳатдан бунинг барчасини ташкил этиш жуда осон (масалан, синфдаги мустақил ишлар вақтида). Аммо мен баҳоларни ота-онам билан муҳокама қилганимни жуда яхши эслайман ва бунинг ўзи етарли бўлмаганини энди тушуняпман. Ўқитувчиси билан ўзлари қўйган баҳолар хусусида қисқача суҳбатлашиш ўқувчи учун фойдали бўлиши мумкин.

Келажакда “Якуний баҳоларни ўқувчилар билан бирга муҳокама қилинг” стратегиясини яхшироқ қўллашни ўрганмоқчиман. Пекка Пеура ва бошқа фин ўқитувчилари бунинг ўта муҳим эканлигига мени ишонтиришди. Олинган билимларни муҳокама қила туриб, ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш ўта муҳим, ахир бундай стратегия камолотимиизда ёрдам беради.

## ДУНЁҚАРАШ

Ўқув куни узоқ давом этадиган, таълим стандартлари педагогларнинг ижодий эркинлигини қаттиқ чегаралаб, маълум бир қолипга солиб қўядиган, асабни қўзғовчи мажбурий давлат тестлари ва охири кўринмайдиган текширувлар ичida яшовчи АҚШдаги ўқитувчилар дуч келадиган кўплаб қийинчиликларга қарамай, юртимда ҳақиқий ташаббускор ва чинакам педагогларни кўп учратганман. Шахсан менга Финляндияда касбим нуқтаи назаридан энг кўп етишмаган нарса – бу мақсадга интилевчан ва ўз касбини қаттиқ севадиган педагогларнинг катта бир жамияти эди. Америкадаги таниш педагогларимдан кўпи касбий ўсишга чин дилдан интилевчи, малака ошириш учун ҳар йили ўз ҳисобидан анчагина маблағ ва бир олам вақтини сарфларди. Финляндияда эса мутлақо бошқа манзарани кузатдим.

Турфа маҳаллий мактабларга ташриф буюрганимда хизмат вазифасини самарали уддалаётган, қобилиятили ва меҳнатсевар ўқитувчиларнинг кўпини учратдим. Лекин Финляндиянинг деярли ҳеч қаерида касбий жиҳатдан комилликка эришиш учун ўз ихтиёри билан мақсадли қадам ташловчи, масалан, мунтазам равишда мутахассислиги бўйича китоблар ўқийдиган, ёзги семинарларга қатнашадиган ёки синфида янги методикаларни қўллайдиган педагогларни кўрмадим.

Эҳтимол, бунинг сабабини миллий менталитетнинг ўзига хослигидан қидириш керакdir, чунки бундай хулқ-автор биргина ўқитувчиларга хос хусусият эмасди. Афтидан, финларнинг кўпчилик қисми “Ишлаш учун яшаш эмас, балки яшаш учун ишлаш керак”, деган шиорга амал қилишарди. Умуман олганда, бу ерда одамлар, ҳатто агар ўз касбини жуда яхши кўрса ҳам, бўш вақтларида куч ва маблағларини касбий ўсиш учун сарфламайди, балки дам олишни ва ўзлари қизиқдан нарсалар билан шуғулланишни афзал кўришади.

Кимнинг ёндашуви оқилона эканига шубҳаланиб қолдим: америкалик ўқитувчиларникими ёки фин ҳамкасларимники? Биз баҳт ҳақида гапиранканмиз, ҳалигача фақат баҳтнинг тўртта таркибий қисми, яъни яхши кайфият, даҳлдорлик туйғуси, мустақиллик ва маҳорат ҳақида фикр юритдик. Аммо яна бир таркибий элемент мавжуд, бу дунёқараашдир. Кимки мактаб ҳаётига қувонч олиб киришни истаётган бўлса, бу ўта муҳим масала ҳисобланади.

Тадқиқотчи Раж Рагунатаннинг фикрича, ҳаётга нисбатан мутлақо бир-бирига зид иккита қараш мавжуд: “Дунёқараашни икки усулдан бири билан тасвирлаш мумкин. Икки қарама-қаршиликнинг бири – танқисликка (очкўзликка) йўналтирилган ёндашув, яъни бунда сизнинг ютугингиз бошқаларнинг муваффақиятсизлиги эвазига юз бериши керак (бу эса, шубҳасиз, рақобатга олиб келади). Иккинчи ёндашувни мен мўл-кўлчиликка (тўқчиликка) йўналтирилган деб аташим мумкин, яъни ютуқقا эришиш учун бу дунёда ҳаммага жой етарли, деб қаралади”.

Тадқиқотчининг қайд этишича, “ташқи эталонлар” чалғитмаган болалар, одатда, иккинчи вариантни афзал

кўришади ва ўзларига энг кўп қувонч олиб келувчи нарсалар билан шуғуланишни хоҳлашади.

Финляндияда тўкин-сочинникка йўналтирилган бундай ёндашувни ёқловчи кўпгина муаллимлар билан танищдим. Улар учун ўзларини бошқалар билан қиёслаганда қандай кўринишлари мутлақо муҳим эмасдек туюлади ва худди шу қарааш уларнинг меҳнатини қувонч билан тўлдиради. Ушбу ёндашувнинг Финляндия мактабларида мен гувоҳи бўлган ёрқин амалий ифодаларидан бири, бу ҳамкаслар билан доимий ҳамкорликдир. Ўқитувчилар бир-бирини ўзаро рақобатчи деб билса, 15 дақиқалик доимий танаффуслар ва қисқа иш кунлари давомида мен бир марта бўлса-да шундай кайфиятни пайқаган бўлардим.

Танқисликка йўналтирилган ёндашув америкалик ўқитувчилар орасида камдан-кам учрайдиган ҳолат эмас. Масалан, АҚШда “буюк педагог” деган иборани кўп эшитганман. Бундай сифат беришнинг нима учун кераклиги менга доим қизиқ: бу инсоннинг касбий маҳоратини тасвирлайдими ёки унинг устунлигини таъкидлаб турадими? Табиийки, Финляндияда ҳам “буюк педагоглар” бор, аммо ҳеч қачон бирор кишининг уларни кўкларга кўтарганини эшитмадим.

Twitter бу маънода унчалик яхши намуна эмас. Унда мен қанчадан қанча америкалик ўқитувчиларнинг таржимаи ҳолларига кўзим тушган бўлса, бу ерда уларнинг қизиқишиларига эмас, балкитақдирлашгалойиқ хизматларига ургуберилишини ҳайронқолдиради. Бунданам қизиги, уларнинг орасида таълимнинг у ёки бу соҳасида эришган муваффақиятлари учун виртуал равища тақдирланишлар кенг оммалашиб бормоқда ва бу ютуқларни ҳамкасларим ижтимоий тармоқларда

фаҳр билан намойиш этишмоқда. Эҳтимол, ушбу феноменнинг турли талқинлари бордир, менимча бу ўзини кўз-кўз қилишнинг шунчаки бир усули бўлса керак. Ўқувчи фикримга қўшиладими-йўқми билмадим, аммо ишончим комилки, Кўшма Штатларда ўқитувчилар ўз ишларига танқисликка йўналтирилган ёндашувни аралаштириб юборишади. Агар чиндан шунаقا бўлса, биз Рагунатанинг ҳисоб-китобига кўра жиддий муаммога дуч келамиз. “Тўлақонли ва баҳтли ҳаётнинг рецептси охир-оқибат шундай хуносага олиб келадики, бунда танқисликка йўналтирилган, деб аталмиш ёндашувдан воз кечиб, дунёқарашибни буткул ўзгартириш керак бўлади”.

Синфда кўпроқ қувонч бўлиши учун биз ўқитувчилар, қандай бўлмасин, мўл-кўлчиликка йўналтирилган ёндашувни сингдириб боришшимиз лозим. Мен сизларни келажакда обрўга эриштирувчи мақсадларни қўймасликка даъват қилмаяпман, аммо рақобат тизимидан узоқ туриш ва ҳаммадан зўр бўлишга интилмаслик керак. Бунинг ўрнига бошқа педагогларнинг ишлари қандай бўлишидан қатъий назар, имкон борича ўзимиз яхши ишлашга ҳаракат қилишшимиз лозим.

Ушбу бобда ўқитувчилик касбида қўллаш мумкин бўлган мўл-кўлчиликка йўналтирилган ёндашувга ҳисса қўшувчи олтита стратегия келтириб ўтилган. Мени илҳомлантирган фин педагоглари айнан шуларга амал қиласидилар. Шундай қилиб, булар қуйидаги стратегиялардир: “оқим” ҳолатига интилинг, терингиз қалин бўлсин, бир финжон қаҳвани ҳўплаб, ҳамкаслар билан ҳамкорлик қилинг, экспертларни таклиф қилинг, таътилда чиндан дам олинг ва қувончни унутиб қўйманг.

## “ОҚИМ” ҲОЛАТИГА ИНТИЛИНГ

Бостон яқинидаги мактабда дарс бериб юрган кезларим бир ҳамкасабам болаларнинг ишларини ўз хонаси ёнидаги йўлак деворларига осиб қўйишни яхши кўрарди. У ерда маҳсус доска йўқ, аммо бундан у хижолат чекмасди. Қоидага кўра, ушбу муаллима ишларнинг жуда кўпини деворга шунчаки елимлаб чиқарди. Ҳар сафар шу ердан ўтиб кетаётib, ўзимда аллақандай нохушликни сезардим. Менинг синфимга тегишли ахборот доскаси нариги бурчакнинг ортида эди. У ерда одам кам бўлар, мен эса доскага болалар ижодининг камдан-кам намуналарини осиб қўярдим.

Бунитан олиш қанчалик уятли бўлса-да, шумуаллима ғашимга тегишини айтишим керак. Йўлақдан ўтаётган чоғим гўё ана шу чала тайёрланган кўргазма мени педагог сифатида ҳамкасабамдан ожизроқ эканимга ишора бераётгандек туюларди. Мен эса ғуддайиб, йўлагимга фақатгина “олий сифатли” ишларни осиб қўйишм ҳақида ўйлардим.

Вақт ўтиб, ўшанда кучимга ишона олмаганим, мени дарс беришдан оладиган қувончимга қанчалар халал берганини тушуниб турибман. Бу дилсиёҳлиқдан орттирган салбий ҳисларимни синфга олиб кирава қўшни хонадаги муаллимадан кўра яхшироқ ишлаш учун елкамга қўшимча юкламаларни ортиб олардим. Ишимдан хотиржам лаззатланиш ўрнига доим устунликка эришаман деб одамни ўта ҳолдан тойдирадиган вазифаларга чалғиб юрардим.

Устунлик – бу ўта мафтункор мақсад, дея қайд этади Раж Рагунатан. Олимларнинг аниқлашича, юқори мақомдаги индивидлар ўзига анча юқори

баҳо бериб, ўзларини анча мустақил ҳис қиласидилар. Бу баҳтни ҳис қилишни янада кучайтиради. Аммо Рагунатан фикрича, тинмай устунликка эришишга уриниш керак эмас, чунки юқори мақомга эришиш йўлида қилинган зўриқиши ушбу туйғуни ҳис этиш даражасини камайтириб қўйиши мумкин. У “оқим” ҳолати деб аталмиш туйғуга интилишни оқилона иш деб ҳисоблади.

Бу нимани англатади? Кўп ҳолларда “оқим” ҳақидаги назариянинг чинакам билимдони дея эътироф этилувчи руҳиятшунос Михай Чиксентмихайи бу ҳолатни қуидагича тасвирлайди: “Сиз фақатгина фаолиятнинг ўзига бутунлай берилиб кетгансиз. “Эго” чекинади. Вақт билинмасдан ўтиб кетмоқда. Ҳар бир воқелик (ҳаракат ёки фикр) албатта олдингисининг натижаси ўлароқ юзага келади, сиз гўё жаз мусиқасини чаляпсиз. Бутун борлиғингиз фаолиятга берилиб кетган ва малакангизнинг сўнгги имкониятигача фойдаланасиз”.

Шахсан мен дарс бера туриб, онгимнинг ана шундай ҳолатидан мароқланаман. Ўқувчилар билан биргалиқда амалга ошираётган ишимга қоришиб кетганча, бунга ўзимни қувонч билан фидо қиласман. Аммо, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, “оқим” ҳолати нафақат шунчаки ёқимли туйғуларни уйғотади, балки у бир вақтнинг ўзида меҳнат унумдорлигини ошириши ва фойдали кўникмаларни ривожлантириши ҳам мумкин.

Бунда, унумли ишлаш ва маҳоратингизни ошириш жараёнида ижобий эмоцияларни бошдан кечирасиз.

Чиксентмихайи “оқим”га бир неча омиллар ҳамроҳлик қиласди, дейди. Бундай ҳолатга кира олган

одам ўзида ички мамнуният уйғотувчи, маълум бир мақсадга йўналтирилган ва анчагина қийин бўлса-да бажариш мумкин бўлган вазифа устида ишлай олади.

“Оқим” ҳолатига кириш учун эришмоқчи бўлган мақсадимизга диққатни қаратишимииз керак. Ўзим ҳам мутлақо чалғимайдиган бўлсам, ўқитувчилик фаолиятини яхшироқ уddyалайман: масалан, “адабий устахона” пайти болалар мустақил равища завқ билан ижод қилишади, мен эса ўқувчилар билан суҳбатлашаман, диққатимизни ҳеч ким бўлмайди. Қоидага кўра, педагог ҳам бутунлай дарс бериш жараёнига эътибор қаратса олиши учун ўқувчиларни диққатни жамловчи фаолиятга ўргатиши лозим.

Бутун синф “оқим” ҳолатига киришини истасак, чалгитувчи омилларни камайтиришимиз лозим (гаджетларни йигиштириб, мавзуга алоқаси бўлмаган гапларни бас қилиш). Бу масалада қоидаларнинг ўқувчилар билан бирга тузилган мўъжаз рўйхати жуда яхши асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Лекин мен шунчаки юзада ётмаган ва кучли чалгитувчи омил саналган ҳолат билан курашибимга тўғри келган.

АҚШда ҳамкаслардан “устунроқ” бўлиш ҳақидаги ташвишлар яхшироқ ишлashingма халал берарди. “Оқим” ҳолатига интилиш ўрнига ўзимни қай тариқа яхши томонимдан кўрсатар эканман, дея ташвишланар ва бунга қимматли вақтим, кучимни сарфлардим.

Назаримда, дарс ўтишга бўлган бугунги ёндашувим кўпроқ мўл-кўлчиликка йўналтирилган. Финляндияда кўпгина ўқитувчилар билан танишарканман, уларни устунликка эришиш масаласи умуман безовта қилмасди. Оддийроқ айтганда, улар ўзларининг қобилияти профессионаллар, деган мақомидан мутлақо мамнун

әдилар ва бу рақобатта йўналтирилмаган ёндашув педагогларга биргаликда самарали ишлаш учун имконият яратиб берарди. Бундан ташқари бу уларга мунтазам равишда “оқим” ҳолатига киришга ҳам ёрдамлашарди.

Агар ўқитувчи бошқалардан илгарилаб кетишга интилмаётган бўлса, бу нафақат ўзига, балки ўқувчиларга ҳам фойдали бўлади. Ахир болалар бизга эргашади-ку! Агар биз имкон борича яхши ишлашга интилиб, ўзимизни бошқалар билан қиёслашга ҳаракат қиласак, рақобатдан ҳоли муҳит шаклланишига ҳисса қўшган бўламиз. Агар ўқувчи ҳар доим “оқим” ҳолатини бошдан кечиришини истасак, у ҳолда бошқалар билан мусобақалашиш деган кучли чалғитувчи омилни паст даражага туширишимиз лозим.

## ТЕРИНГИЗНИ ҚАЛИН ҚИЛИНГ

Хельсинкида ўтган икки йилимда ажойиб устозни кўрдим ва у менга мутлақо кутилмаган вақтда ҳам ёрдам беришга шай турарди. Кузда мактабимизда ота-оналар мажлиси бўлди ва йўлакда ота-оналар ёппасига менга ташланиб қолиши. Устоз муаллимам охирги меҳмон кетмагунча бу манзарани ёнгинамда жимгина кузатиб турди. Шундан кейин у мендан ота-оналарни ҳаддан ортиқ эркалатиб юбормаяпсизми, деб сўради. Ростини айтсам, бу гапидан ҳайрон қолдим.

Унинг саволи, аввалига ичимда ҳимоя реакциясини уйғотди. Чунки ҳамма вақт ўқувчиларимнинг ота-онаси билан мулоқот қилиш қобилиятимдан ғуурланиб юрар ва айни вазиятда ҳам ўзимни тўғри тутганимга ишонардим. Ўша куни ота-оналар билан

нимә ҳақида гаплашганимни ҳозир эслай олмасамда, ушбу сұхбат фин устозимда ота-оналарға жуда ҳам ёқишиңға ҳаракат қылаётганимдек таассурот қолдирибди. Таъкидлашича, унинг үзи ота-оналар билан мұлоқот қылған чогида уларға қуидаги қоидани сингдиришга ҳаракат қыларкан: “Үйда сиз бошлиқсиз, мактабда эса – мен”. Ушбу тажрибали муаллимә менга, үзимнинг профессионал эканимга бир сония ҳам шубҳа қылмаслигим көркөнгінің үқтириди ва “теримни қалин қилиш”имни маслаҳат берди. Унинг тарифика, “кевларға<sup>9</sup> үрәниб олинг”.

Бундай нүктәи назардан лол әдим. Бунгача гоҳи ота-оналар билан мұлоқот қылиш қийин иш экани ҳақида сұхбатлашардыму, ҳеч қаңон бунақа психологияк бардошни кузатмаган әдим. Америкалик үқитувчилар билан сұхбатлашганимда шундай холосага келгандым: “оғир” ота-оналар уларда журъатсизликни үйготар экан. (қолаверса, үзим ҳам авваллари шундай түйгүни ҳис қылардым). Бундай вазиятларда уларни тинчлантиришнинг иккита усули мавжуд: ёки сен уларнинг талабига түлиқ рози бўласан, ёки қочиб кутуласан.

Ўша кеч териси қалин бўлиш қанчалар муҳим эканини тушуна бошладим. Баъзида ота-оналар, үқитувчилар ва ҳамкаслар билан мұлоқот қылиш шунчалар қийин кечадики, беихтиёр баридан кўнглинг совиб кетади, шаштинг пасаяди. Синфдаги қувончни сақлаб қолиш учун үқитувчилар ўзларидаги бардошни ривожлантириши керак.

<sup>9</sup> Кевлар (ингл.) – иссиққа чидамли кучли синтетик тола бўлиб, Номекс ва Технора каби бошқа арамидлар билан боғлиқ. 1965 йили кимёгар олима Стефани Кволек ишлаб чиқсан юқори қувватли мато, материал – (таржимон).

Териси қалин бўлиш – ҳамма вақт ва ҳар қандай йўл билан бўлса-да ўз фикрингда туриб олиш дегани эмас. Устозим қайта алоқани бутунлай бепарво қолдиришни эмас, балки ўзимдаги профессионализмга ҳеч қачон шубҳа қилмасликни тавсия этмоқда. Агар мен профессионал бўлсам, ўзимни шунга муносиб кўрсата билишим лозим.

Болалардаги бардошни тарбиялаш ва уларнинг қийинчиликлар олдида ожиз қолмаслиги ҳақида кўп ёзилган, аммо бу сифатни ўқитувчиларга ҳам сингдириш ҳақида деярли ҳеч бир адабиётда ўқимаган эканман. Шундай бир қонуниятни пайқадим: қайси педагогнинг синфида қувонч овози кўп эшигилса, унинг ўзи ҳам бардошли инсон.

Бундай ўқитувчиларнинг ўзига бўлган ишончи ҳеч қандай расмий кўрсаткичларга боғлиқ эмас. Агар улар хато қилишса, ўша заҳоти тузатиб, ўзларини қайта тиклаб олишади.

Финляндиядаги педагогларнинг кўпи мени ўзларидаги ота-оналар, ҳамкаслар, ҳатто, ўқувчилар билан бўладиган низоларни ҳал қила олиш қобилиятлари билан ҳайрон қолдирди. Ўқитувчи учун ишда муаммо бўлиш-бўлмаслиги эмас, балки унинг қачон юзага келиши муҳим. Шунинг учун терининг қалин бўлиши дарс беришдан оладиган қувонч туйғусини сакълаб туришимизга ёрдам беради.

Фин тилида “sisu” деган сўз бор. Бу сўз кичкина шимол мамлакатида ҳаммасиданам қадрланадиган бир фазилатни англатади ва одатда у фин халқининг ўзига хослиги билан bogлиқ. Ушбу қисқагина сўз “қатъийлик” деб таржима қилинади, аммо ундан-да кўпроқ маънолари ҳам бор: вазминлик, бардошлилик,

такдир бевафолиги олдидағи жасурлик ва ҳатто маълум маънода яшашга ундовчи күч-қувват манбай ҳисобланган қайсарлик кабилар ҳам шулар жумласидан. Устозимнинг сўзларида айнан “sisu”ни англадим: сиз профессионалсиз, тамом!

Хелсинкида ўзимдакўпроқ “sisu” пайдобўлаётганини ҳис қилдим. Ушбу мактабда янги одам эканим, бегона мамлакатдалигим мени кескин фикрлардан ҳимоя қилмасди, аксинча, яхшигина танқидга нишон бўлдим. Айнан шунга ўхшаш тушунтиришлар ўз ишимни ўнглашга ёрдам берди. Баъзан танбеҳларни эшитиб бўлгач, уларга рози бўлмай, ён беришдан бош тортган ҳолларим ҳам бўларди. Бу маълум маънода айрим одамларни ранжитар, аммо охир-оқибат, уларга қарши тура олишим мумкинлигини тушуниб етдим. Ўзимнинг профессионал эканим ва ишимни имкони борича аъло дараҷада бажара олишим мумкинлигини яхши билардим. Қолаверса, терининг қалинлиги менга синфдаги қувончни сақлаб қолишга ёрдам берарди.

Буни мисолларда тушунтираман. Хусусан, терининг қалинлиги: ғазабланган ота-она томонидан аччиқ мазмунда тайёрланган мактубни олгач, кайфиятингизни бузмасдан барчасига аниқлик киритишга тайёр бўлгунингизгача уни четга суриб туришдир. Бундан ташқари, сиз ҳам жон куйдириб ишлаган бўлсангиз-да, директор бошқа ҳамкасбингизни мақтаб, сизни эсга ҳам олмади. Айни вазиятда кайфиятни туширманг, ўқувчи сизга ошкора қўрслик қилса ҳам, буни юрагингизга яқин олманг.

Касбим бўйича жиддий қийинчиликлар юзага қалқса, қуидаги амалиётни синаб кўрардим: уйкуга кетишдан аввал вақт ажратиб, кундалигимга шу

куннинг хавотирли ҳолатларини ёзиб чиқардим. Агар муаммоларимни аниқлаб олмасам ва уларга холис назар ташлаб кўрмасам, умуман ухлай олмайман. Ўша куни ота- оналар, ҳамкасб ва ўқувчилардан эшитган сўзлардан кўпроқ ранжишимни англаб етдим. Одатда, кундалик юритмайман, аммо ўзимга ташвиш келтирган сабабларни ёзиб чиқиш, гарчи оддий метод бўлса-да, тушкунлиқдан халос бўлишга яхшигина ёрдам беради. Шундан сўнг тиниқиб ухлайман.

Кундаликни жуда оддий юритаман: саҳифани иккига бўлиш учун ўртадан битта вертикал чизиқ тортаман. Чап томонига “Безовта бўлиш учун сабаб”, ўнг томонига эса: “Аслида вазият қандай?” деб ёзаман. Кейин бир неча дақиқа ўқув кунида мени хавотирга солган ўйларнинг ҳаммасини эсга оламан ва чап томонга ёзиб чиқаман. Буни тугатгач, ўнг томонга ўтаман ва ҳар бир пунктнинг қаршиисига битта ёки иккитадан гап ёзаман.

Ана шу иккинчи устундаги гаплар менга хавотирларимни кўпиртириб кўрсатмаслигимга ёрдам беради.

Бу ерда асосий мазмун вазиятни имкон борича объектив баҳолашдадир. “Аслида вазият қандай?” устунини тўлдира туриб, оптимизмни йўқотмасликка ҳаракат қиласман ва эртаси куни қилишим мумкин бўлган ижобий амалларни таклиф қиласман.

Амалда у мана бундай кўринишга эга:

– руҳингиз чўккан ва нима қилишни билмаётган бўлсангиз, бундай кундалик кўп вазиятларда сизни кутқара олади.

– яна бир оддий усул бор ва уни ҳамма вақт қўллаш мумкин: ошкора ёки юзма-юз туриб миннатдорлик

билдиринг. Риверсайддаги Калифорния университети үқитувчиси Соня Любомирский миннатдорликни “метастратегия” деб атайды, чунки у Раж Рагунатан айтганидек, “турли хил вазиятларда бахтни ҳис қилишни күчайтириб, муносабатларни мустаҳкамлады”.

Бугун айни шу тажрибани түлиқ тасдиқладыган бир нечта илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

Миннатдорлик машқи – бу носоғлом истакнинг бошқаларидан устунликка эришишини камайтирувчи амалиётдир. Рагунатаннинг фикрича, у “бу дунёда ҳеч ким ҳеч нарсага фақат ўз кучи билан эриша олмайди, деган ғояга асосланади”.

## **ҲАМКАСБЛАР БИЛАН БИР ФИНЖОН ҚАҲВА УСТИДА ЧАҚЧАҚЛАШИНГ**

Ушбу китоб учун маълумотлар тўплай туриб, турфа мактабларда ҳар хил ёшдаги болалар билан ишлайдиган фин үқитувчиларидан интервьюлар олдим. Уларнинг үқитувчилик тажрибалари ҳақида сўзлаб беришларини ва педагоглик касби ҳақидаги мулоҳазаларини баҳам кўришларини жуда хоҳлагандим. Ҳар бир ҳамсуҳбатимга иккитадан савол бердим: “Сизга үқитувчи сифатида нима қувонч келтиради?” ва “Сизнинг үқувчиларингизга нима қувонч олиб келади?”

Ўқитувчилар кўпинча биринчи саволга жавоб бера туриб, ҳамкорлик ҳақида гапиришарди. Бу мени унчалик ҳайрон қолдирмасди. Куйида “Тизимни ағдар. Таълимни энг пастдан ўзгартирамиз” (Flip the System: Changing Education from the Ground Up) китобим учун ёзган эссадан қисқа бир лавҳа келтираман.

“Финляндияда мактаб таркибий тузилиши ўқитувчилар ўртасида кенг миқёсдаги ҳамкорликка имконият яратишини тушуниб етдим. Дарсларнинг ярмини шерикларим, яъни бир ёки икки ҳамкасбим билан бирга ўтишим керак эди. Мактабимиздаги ўқитувчилар нафақат анъанавий тарзда бўлганидек дарсларни бақамти режалаштириш ва ўтиш маъносида ҳамкорлик қилишарди, балки улар ўқитишнинг барча ташвишларини бирга баҳам кўрган ҳолда қўлни қўлга бериб меҳнат қилишарди.

Ҳамкасбларига келгуси дарслар учун керакли манбаларни топишга ёрдам бериб, ўқувчиларни қандай қилиб яхшироқ қўллаб-қувватлашни муҳокама қилишади. Ўқитувчилар ҳамжиҳатликда ўқув дастурини таҳлил қилиб, танаффус чоғи болаларга кучларини қайта тиклаш учун қандай ёрдам беришни ўйлаб кўришади. Бундан ташқари, назорат ишларини ҳам бирга текширишади. Мени ҳайрон қолдиргани, буларнинг бари кўпинча ҳар бир дарсдан кейин бўладиган 15 дақиқалик танаффуслар чоғида бир финжон қаҳва атрофида ҳал қилинади”.

Тадқиқотчилар Энди Харгривз ва Дэннис Ширли ҳам ушбу маҳаллий ўзига хосликни қайд этишади: “Финляндияда ўқитувчилар ҳар доим ҳамкорлик қиласидилар ва бу қандайдир аниқ бир топшириқни бажариш мақсадида юзага келади... Бу ерда ҳамкорликни дарсдан кейинги қўшимча фаолият деб қабул қилишмайди. Бу жамоа бўлиб вақтинча ишлаш ёки педагогик кенгашда ўқувчиларнинг муваффақиятлари ҳақидаги маълумотларни биргаликда таҳлил қилиш билан якун топмайди. Ҳамкорлик деганда ўқитувчиларнинг ўқув дастурларини

биргалиқда тузишлари ва бошқа барча ишларни бағамжиҳат амалга оширишлари тушунилади. Таълим вазирлигидаги амалдорнинг бизни ишонтириб айтишича, “ўқитувчиларга фақаттина керакли ресурсларни берсангиз бўлди, муаммони ечиш усулини улар албатта топишади”. Фин мактабларининг истиқболдаги ривожланиши ва таълимнинг мақсадлари стратегик режаларда шунчаки ёзib қўйилмайди: бу ерда уларни бирга муҳокама қиласидилар ва ҳамкорлик кундалик жараёнда амалга оширадилар” .

Фикримча, америкалик педагоглар ҳам худди фин ҳамкасбларига ўхшаб бирга ишлашдан бўйин товлашмайди. Бу ерда асосий муаммо – беҳад катта юклама уларни бундай имкониятдан маҳрум этишидадир.

Ҳамкорлик қувончини ҳис қилишни ва унинг барча афзалликларини ўз тажрибаларида бошдан кечиришни истаган ўқитувчи, биринчи навбатда, дунёқарашини ўзгартириши керак бўлади. Бу ўз қўлимиизда. Тўғри, фин педагогларида енгилроқ дарс жадвали бор (қисқароқ ўкув куни ва мунтазам равишдаги 15 дақиқалик танаффуслар), аммо улар ҳамкорликка зарурат сезганликлари учун шунга келишадилар.

Юқорида айтганимдек, Хельсинкида дастлабки иш йилим дарсларимнинг деярли ярмини бошқа ўқитувчилар билан бирга ўтиш баҳтига мұяссар бўлдим. Ҳайратланарлиси, биз режалаштириш билан жуда кам шуғулландик. Методистлар шунчаки хонамга келиб, менга ёрдам беришар ва чиқиб кетишарди. Ўшанда бўш вақтларда ҳамкорлик қилиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган эдим: бу менга унчалик қулай кўринмас, қолаверса, ёлгиз ўзим ҳам буни яхши уddyдалай оламан, деб ўйлардим.

Иккинчи йили күпроқ ҳамкасбларимга таянадиган бўлдим. Бунга куз ойларида ишимдан кўнглим совиб, бошдан кечирган инқизотим асосий сабаб бўлди. Ўшанда бир неча ҳамкасбим қайта тикланишимга ёрдам беришганди. Назаримда, ҳамкорлик туфайлигина иккинчи ўқув йилим ажойиб ўтди. Буни ҳамкасбларим хизмати эвазига эришилган галаба деб ҳисоблайман.

Ҳамкасбларим билан ҳамкорлик қилиш касбий маҳоратимни оширишга имкон беради, деб қарор қилгач бу йўналишдаги фикрларимда ўзгариш юз бера бошлади. Ҳозир китобимни ўқиётганларга “бир финжон қаҳва атрофида ҳамкорлик” стратегиясини тавсия қиласканман, ҳамкасблар билан ишлашнинг “табиий” усуларини қидириб кўришни маслаҳат бераман. Бугун кўпгина ўқитувчи (шу жумладан, ўзим ҳам) атрофдагилар билан ижтимоий тармоқлар ва касбий форумларда мулоқот қилишдан кўпроқ фойда оламиз. Аммо аввалги эски русумдаги мулоқот турига қайтишимиз, ҳамкасбларимиз билан шахсан ҳамкорлик қилишимиз ҳам керак. Агар ҳамкасбларнинг қўллаб-куvvatлаши эвазига камол топаётган бўлсак, улар ҳам бундан қувонишади. Бу ўзига хос икки томонлама жараён ҳисобланади.

Илгари эски андозаларим асосида фикрлар ва ҳамкорлик жараёнини таҳминан қўйидагича тасаввур қиласдим: чарчаган икки ўқитувчи бир-бирига термилиб, бошини эгиб олган ва асабийлашганча дарс режаларини ўрганишмоқда. Аммо Финляндияда бундай манзарани жуда кам учратдим.

Одатда барчаси мутлақо табиий ҳолатда, яъни ўқитувчилар хонасида, қаҳва атрофида рўй берарди.

Бугун ўқитишининг сифатини ошириш ва ўқув материалини ўзлаштириш учун ҳамкаслар гуруҳи (икки ва ундан ортиқ киши) биргаликда амалга оширадиган ҳар қандай фаолиятни мактаб соҳасидаги ҳамкорлик деб ҳисоблайман. Бунда ота-онанинг электрон хатига нима деб жавоб бериш ҳақидағи икки дақиқалик сўзлашиш ҳам ҳамкорлиқдир. Худди шунингдек, материалларни ўзлаштиришда қийналаётган болага ёрдам бериш учун ажратилган беш дақиқалик сұхбат ҳам айнан ҳамкорлиқдир.

Ўйлашимча, ҳамкорлик дунёқарашимиз билан чамбарчас боғлиқ. Агар сиз бошқалар билан ҳамжиҳат бўлиб ишласангиз, касбий маҳоратингиз ошаётганига чинданам ишонсангиз, унда буни бажаришнинг оддий йўлларини ҳам топасиз. Бунинг учун Хелсинкидаги ҳамкасларим жуда кўп уринишган, деб ўйламайман.

Уларнинг дунёқараашлари биргаликдаги ишлари учун пойдевор бўлиб хизмат қилган.

Ҳамкорлик чиндан ҳам сермаҳсул бўлиши учун “мен” олмошининг ўрнига “биз” олмошини тез-тез қўллаш лозим ва ўзингизни ҳамкаслар жамоасининг бир қисми сифатида қабул қилишингиз керак. Ўқув йили бошлангандан сўнг уч ой ўтиши билан уч ҳамкасбим менинг ўқитувчилар хонасида кам вақт ўтказаётганимдан ташвишлана бошлагани ҳақида биринчи бобда ҳикоя қилгандим. Бир муаллима у ерга озгира нафас ростлаш ва ҳамкаслар билан мулоқот қилиш учун келишини қўшимча қилганди. Ўқитувчилар хонасида тез-тез бўла бошлагач бошқа педагоглар билан бир кунда бир неча дақиқа шунчаки бирга ўтиришнинг ўзи фаол ҳамкорликнинг асосини ташкил этишини тушуниб етдим.

## ЭКСПЕРТЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛИНГ

Хельсинкида ишлай туриб, фин ўқитувчилари ўз дарсларига тез-тез ҳамкасбларини таклиф қилишларини пайқадим. Ана шундай қисқа дўстона ташрифлар уларнинг ўзига ва ўқувчиларга қувонч олиб келарди.

Бир куни физика ўқитувчиси ўқувчиларимни ўрта ёшли болалар ўқийдиган илмий лабораторияга, “Электр токи” мавзусининг кириш машғулотига таклиф қилди. У шунчалар жонкуяр эдики, бу дарсни ўзидағи бўш соатларнинг бирида ўтиб берди. Бошқа сафар мен ҳам pH шкаласи бўйича машғулот режалаштиридим ва ўша лабораториядан фойдаланмоқчи бўлдим. Шунда бир ҳамкасбим дарсдан кейин қолиб, керакли материалларни тайёрлашимга кўмаклашди. Менга кимёвий бирликлар ҳақида қисқа тушунтириш берди, эртаси куни мен бу маълумотлардан машғулотимда фойдаландим.

Ёки яна бир мисол: биология курси доирасида дарсимни жинсий мулоқотларга багишлишам керак эди, аммо бироз хижолат чекиб турардим. Шунда бир ҳамкасабам ўз хонасида қизларнинг саволларига жавоб беришни зиммасига олди, мен эса ўғил болалар билан машғулот ўтказдим. Бунгача шу ҳамкасабам синфнинг бир бурчагида ўғил болалар ўзларини қизиқтирган хижолатли аноним саволларни ёзиб қолдиришлари учун алоҳида қути ташкил қилишга ёрдам берганди. Кейинроқ ана шу ҳамкасабам мени ўз машғулотига таклиф этган ва мен бу дарсда Қўшма Штатлардаги ҳаёт ҳақида ҳикоя қилиб берганман. Унинг ўқувчилари “Давлат бюджетининг

шаклланиши” мавзусини ўрганишаётган экан. Мен уларга Бостон яқинида ишлаган чоғим даромадимнинг учдан бир қисми ҳали солиқларга чиқариб ташланмасидан тиббий суғуртамни тўлашга сарф бўлишини айтиб берганимда улар роса ҳайрон қолишганди.

Аввал менга ҳамкасларни дарсга таклиф қилиш бўйича маҳаллий анъана унчалик ҳам ёқмаганди.

Лекин вақт ўтиши билан бу амалиётнинг ашаддий тарафдорига айландим. Ўқув йили давомида ҳамкасларимни бир неча марта дарсимга таклиф қилгандим, улар ўқувчиларим учун вақтларини холисона сарфладилар. Бу ҳақда келишиш ҳам қийин эмасди, шунчаки таклиф қилсангиз, одамларнинг ўзи бажонидил ёрдамга келишарди.

Таклиф қилинган эксперталар синфимга кўпроқ кела бошлагач, ўзимни мисоли бошқа мутахассисларни жалб этган ҳолда намунали ўқув тадбири уюштирган ресурслар бўйича менежерга ўхшата бошладим. Бу янги ёндашув елкамдаги юкнинг бир қисмини олиб ташлашга ёрдам берди, чунки энди ҳамма нарсани биладиган моҳир уста ролини бажаришнинг зарурати бўлмай қолди.

Танқисликка йўналтирилган ёндашувдан қутулмоқчи бўлган ўқитувчилар, аввало, бошқалардаги профессионализмни тан олиши керак (мактаб жамоаси ичida ҳам, ундан ташқарида ҳам) ва улардан фойдаланиш лозим. “Экспертларни таклиф қилинг” стратегияси мўл-кўлчиликка йўналтирилган ёндашувни мустаҳкамлайди.

Мен бу масалада ҳамкаслаб ўқитувчилар битмас туганмас бойлик эканини кўрдим. Фараз қилайлик,

Мексикада бўлиб қайтган ҳамкасбингиз бор, сиз эса ушбу мамлакат ҳақида машғулот ўтмоқчисиз. Ундан саёҳат чогида олган фотосуратларини кўрсатишни ва қандайдир фойдали воқеаларни айтиб беришни илтимос қилишингиз мумкин. Ёки ўқувчиларингизни мунтазам равишда кундалик тутишларини хоҳляяпсиз ва худди шу иш билан узоқ йиллардан буён шуғулланиб келаётган бошқа бир ўқитувчини биласиз. Хўш, нима учун уни синфга таклиф қиласлик керак? Ўқитувчи ушбу одатнинг афзалликлари ҳақида сўзлаб, бу ишни нимадан бошлаш кераклиги ҳақида маслаҳат бериши мумкин-ку!

Эҳтимол, ҳамкасбингиз сиз учун қимматли вақтини сарфлаётгани ноқулай туюлар. Бундай вазиятда ролларни алмасиб туришни таклиф қилинг, яъни у сизнинг синфингизда таклиф этилган ўқитувчи бўлиб турган чоғда сиз уникига бориб дарс ўтиб туринг. Финляндиялик ҳамкасабам Паула биринчи синфларига дарс берган йили уларни бешинчи синфлар билан алмаштириб дарс ўтганини қизиқиш билан ҳикоя қилганди.

Машғулотларга ҳамкасларни (бошқа эксперtlарни, дейлик, ота-оналарни) таклиф қилиш орқали ўқувчиларингизга бошқалардан ҳам нимадир ўрганмоқчи эканингизни кўрсатасиз. Агар биз сиз билан қайсиидир жиҳатдан ўхшаш бўлсак, бундай муносабат ҳатто ўқувчиларни ҳам маълум бир масалаларда мутахассис сифатида кўришга ёрдам беради. Паула синфингизга нима қувонч олиб келиши ҳақидаги саволга жавоб бера туриб, ўқувчиларга ишониш кераклигини ва баъзан уларга бошқаларни ўқитишга ҳам имкон бериш кераклигини таъкидлаған эди:

– Мутахассис ўқувчига доим нималарни дидер үргатиш ўрнига бор тажрибасидан ҳам тез-тез фойдаланиб туриши керак.

Финляндияга келгунимга қадар синфга эксперларни таклиф қилиш ғоясини ҳеч қачон үйлаб ҳам күрмаган эдим ва тан олишим керак, бу борада тасаввурим жуда тор, бир томонлама экан. Мактабим ичидаги мутахассисларни бой берган эканман. Эсингизда бўлса, Хельсинкида биринчи йил иш бошлаганимда синфимга паралимпиячиларни таклиф қиласман, деб қанча куч сарфлаган эдим. Ҳозир ортга қараб, бунинг учун мактаб жамоасидаги мавжуд ресурслардан фойдаланганимда, бир неча бор самарали бўлиши мумкинлигини яхши биламан. Йўқ, четдан эксперт чақиришга қарши эмасман, чунки бу ўта фойдали бўлиши мумкинлигини яхши биламан. Аммо атрофга назар солиб, бунга мос инсонларни жамоангиз орасидан қидириб кўриш афзал эканини айтмоқчиман. Улар сизнинг ўқувчиларингизга кўпгина қизиқ ва фойдали нарсалар ҳақида ҳикоя қилиб бериши мумкин, шу билан бирга, ўзларини яна бир марта қадрли мутахассислар сифатида ҳис қилишади, умумий айтганда, бу ерда ҳар икки томон ҳам ютиб чиқади.

## ТАЪТИЛДА ЧИНДАН ҲАМ ДАМ ОЛИНГ

Гарчи ўз вақтида Хельсинкига келиб, бешинчи синфларни ўқитиш ҳақидаги таклифдан роса қувонган бўлсам ҳам, ўзимга унчалик ишонолмас ва аллақандай журъатсизликни сезардим. Финляндияда қандай қилиб яхшироқ дарс бериш борасида миллионлаб саволлар мени безовта қилаётганди.

Маҳаллий мактабдаги директор муаммоларимни фаҳмлари шекилли, июль охиригача таътилда бўлишини мъълум қилди. Бўлажак бошлиғим билан боғлана олмаслик ҳолати мени анча ҳайрон қолдирди, чунки Америкада мен таниган-билган мактаб директорлари худди бутун ёз давомида тўхтовсиз ишлайдигандек эди. Аммо уларнинг фин ҳамкасабаси ширинсўзлик билан ҳамма саволларимни ўринбосар хонимга буриб қўйганди.

Ҳеч нарсани ўйламай ўша хонимга хат ёздим ва кейинги ҳафта суҳбатлашишга умид қилдим. Шу ерда яна бир қизиқ ҳолат юз берди: директор муовини ҳам менга тезда жавоб бермади, ниҳоят жавоб ёзганида мулойимлик билан таътилдан кейин гаплашиб кўришни таклиф қилди ва ўзининг ҳозир шаҳардан ташқарида эканини важ қилиб кўрсатди. Шундан сўнг қизиқ бир қонуниятни тушунгандек бўлдим: яъни фин ўқитувчилари ёзда ҳақиқатда дам оладиганга ўхшаб кўринди.

Бундай ёндашув аввалига менда ишончсизлик уйғотди. Ахир ҳеч бир ўзини ҳурмат қилган педагог болалар таътилга чиққани учунғина ишини тўхтатиб қўймайди-ку! Ўзим ҳам бундан истисно эмасдим: АҚШда ёзинг асосий қисмини ўқитувчилар учун бўладиган семинарларга бориш, мутахассислик бўйича адабиётлар ўқиш ва ўқувчилар, ота-оналарнинг уйларига бориб суҳбатлашиш билан ўтказардим. Ёзги таътилни яхши кўрадим, чунки энди ишлашим учун кўпроқ вақтим бўларди.

Аммо Финляндияда, ОАВ таъбирича, таълим тизими билан машҳур бўлган мамлакатда кўп ўқитувчи ёзда деярли алоқага чиқмайди. Мен ҳам секин-аста финлар

орасида оммабоп бўлган ушбу амалиётни қадрлай бошладим.

Узоқ йиллар давомида дам олишга унча вақт ажратмагандим. Ҳордиқ етарли миқдордаги қувватни тиклаб олишда ажойиб танлов эканини энди тушуняпман, ўқитувчи учун навбатдаги ўқув йилига тайёргарлик кўришида ёрдам бермай қўймаскан. Финляндияда педагог таътил чоғи мактаб ишлари билан жуда кам шуғулланади. Ҳатто ҳозир, яъни бу мамлакатда бир неча йил яшаганимдан кейин ҳам масалага бундай ёндашув қўзимга ғайриоддий бўлиб кўринади. Менга кўпроқ аралаш вариант ёқади: узоқ таътил чоғида ўз вақtingни шундай тақсимлагинки, у тўлақонли дам олишга ҳам, касбинг бўйича билимларингни оширишга ҳам етарли бўлсин. Шахсан мен ёз ойларини ўз ишинг ҳақида мулоҳаза юритишнинг ва кейинроқ синфда қўллаш учун янги гояларни топишнинг айни вақти эканини тушуниб етдим.

Америкалик педагоглар тўлақонли дам олиш ҳақида баъзан қайгуришмайди, натижада муаммо юзага келади. Тўйиб ухлаш ва ажойиб китобни ўқиб чиқиш яхши, бироқ етарли дам олиш эмас. Фин ҳамкаслардан ўзлаштириб олинган “Таътилда чиндан ҳам дам олинг” стратегиясига амал қилишингизни тавсия қиласман. Қайтараман: мен бутун ёз давомида ишдан бутунлай воз кечишли таклиф қилмаяпман. Аниқроғи, керак бўлганда ишни бир четга суриб қўйиш учун вақт ажратиш зарур деб ҳисоблайман.

Бриджит Шалти “Ишга кўмилганлар” китобида Ҳарвард бизнес мактаби томонидан Бостондаги консалтинг фирмаларининг бирида қилинган тадқиқот

ҳақида ҳикоя қиласы. Үнда тұлақонли дам олиш зарурат эканы тасдиқланады.

Үзингиз ҳукм чиқаринг:

“Тадқиқотчилар икки гурух ходимларни қиёслаб күришди. Биринчи гурух ҳафтасига 50 соатдан ёки ундан ҳам күпроқ ишлаган, таътилларидан тұлиқ фойдаланмаган ва бир вақтнинг ўзида гаджетлари ёрдамида ишхона билан доимий алоқада қолишган.

Иккинчи гурух иштирокчилари эса, 40 соатдан меңнат қилишган ва таътилларининг охиригача дам олишган. Улар айборлик ҳиссини түймаслик, хизматдаги муаммоларини мунтазам равища үйламаслик, мижозларнинг әхтиёжларини ҳам қондирисш ва ишхона билан доимий алоқада қолиш ниятида навбатчилік жадвалини тузишган. Хүш, сизнингча, қай бир гурухда меңнат унумдорлиги юқори бўлган? Табиийки, мунтазам равища дам олган гурух аъзолари ўз ишларидан яхшироқ қониқиши ҳосил қилиб, иш ва оила ўртасидаги оқилона мувозанатни топа олишгани маълум бўлган. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Иккинчи гурух ходимлари күпроқ ўқийдиган бўлишган, бошқа ходимлар билан муюмалани яхшилаб, “идеал” ходимлар сафидаги ҳамкасбларига қараганда сермаҳсулроқ бўлиб чиқишиган.

Бошқа тадқиқотлар эса таътилларидан тұлиқ фойдаланадиган ходимлар камдан-кам ишдан бўшаб кетишиларини ва қайта аттестация чоғида яхшироқ натижаларни намойиш қилишиларини тасдиқлаб берди. Улар анчагина ижодкор, эътиборли, катта ҳажмдаги ишни бажаришга улгурадиган ва стрессни камроқ бошдан кечирадиган кишилардир. Бир сўз билан айтганда, узлуксиз хатлар оқимидан бекина олиш ва

ҳар бир хатга шу заҳотиёқ жавоб бермаслик имконига эга бўлиш “идеал” ходимларга ўхшашдан кўра яхшироқдир”.

Ўйлашимча, сизда шундай имконият бор. Ёзги таътилда бирор жойга жўнаб кетиш (оилавий, дўстлар билан ёки ёлғиз ўзингиз) оқилона қарор. Тоғларга чиқиш, круизларга чиқиш, пляжларда ҳордиқ чиқариш – вариантлар жуда кўп. Ҳа айтганча, ўзим ҳам жойни алмаштириш орқали яхши дам олиш мумкин, деб ҳисобламайман. Бу ерда сизнинг кайфиятингиз жуда муҳим. “Таътилда бирор жойга жўнаб кетиш” мумкин, аммо дам ололмаслик ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки ўзингиз билан бирга ишингизни ҳам олиб кетган бўласиз (ишонинг, бундай “таътил” кучингизни қайта тикламайди, тажрибамдан яхши биламан буни).

Таътил кайфиятида юрган чоғ (Финляндияда педагогларнинг барчаси шундай қилишади), айниқса ёз пайлари бир неча кун ёки ҳафта давомида электрон почтани очмаслик ва ижтимоий тармоқларга кирмаслик ўта фойдали эканини англадим. Шахсан бу менга фаол бўлишимда, табиатни кўпроқ қадрлашимда, кучимни яхшироқ тиклашим ва яқинларим ҳамда дўстларим билан кўпроқ кўришишимда ёрдам беради.

## ҚУВОНЧНИ УНУТИБ ҚЎЙМАНГ

Шундай бир тасаввур пайдо бўладики, ҳозир бутун дунёда қувончни мактаб таълимида устувор вазифага айлантиришга даъват қилувчи бир ҳаракат куч тўплабётгандек туюлади. Пенсильвания университети тадқиқотчиси Александро Адлер ижобий

психологияядан диссертация ёзганида Бутандаги 18 та ўрта мактабда 8000 ўқувчи иштирокида тадқиқот ўтказган. Экспериментнинг мазмуни куйидагича бўлган: бир тоифа синфларда замонавийлаштирилган режадан фойдаланилган ва унда баҳтли бўла олиш қобилиятига урғу берилган (болаларда 10 та ностандарт кўникма ривожлантирилган: онглилик, шахсларро муносабатни шакллантириш қобилияти, ўзини англаш ва ҳоказо. Бу ерда у ўзини ишонтириш тамойилига асосланган), бошқаларида эса оддий анъанавий тарбия назарда тутилган.

Тадқиқот щуни кўрсатдики, “баҳт ўқув дастури” туфайли, ўқувчиларнинг ўз ўзини ишонтириши ҳам, стандартлашган тест натижалари ҳам сезиларли даражада яхшиланган.

“Айрим мутахассисларнинг фикрига қарамай, яхши кайфият ва ўқищдаги муваффақиятлар бир-бирига зид нарсалар эмас, – деб ёзади Адлер. – Аксинча, кайфият қанчалик яхши бўлса, натижа ҳам шунчалар юқори бўлади”.

2016 йили Финляндия мактаблари янги дастурга ўтишди ва унданда ўрганилиши лозим бўлган тушунчалардан бири “баҳт” туйғусидир. Менга бу янгилик жуда ёқди, чунки тадқиқотлар унинг барчага фойдали эканини тасдиқламоқда.

Раж Рагунатан ўтказган тажрибаларнинг бирида ходимларнинг бир гуруҳига ҳафта давомида электрон почта орқали хат жўнатиб, уларга баҳт келтириши мумкин бўлган нарсаларни танлашларини таклиф қилишган. Тажриба ҳафтаси тугаганда улар худди шундай назоратда бўлган, аммо бу мазмундаги хатлар олмаган гуруҳдаги одамларга қараганда ўзларини

күпроқ баҳтли ҳис қилишганини айтишган. Рагунатан шундай тадқиқотлар туфайли инсонга ҳар куни баҳт туйғуси сари ҳаракатланиш ҳақида эслатиб турилса, ҳаётда унчалик катта бўлмаса-да, қувонч келтирувчи нарсаларга интилиши ҳақида айтади.

Мазкур китобда баён қилинган барча стратегиялар ичида энг муҳими, қолаверса, энг оддийси бўлган қувончни унутиб қўйманг. Оғир кунларда (ҳамманинг бошида бор) баъзан мактаб синфхонасида қувонч устувор бўлиши кераклигини унутиб қўйиш осон. Гоҳида тиришқоқ ота-оналарнинг номаъқул талабларига эргашишни хоҳлаймиз ёки болаларнинг ўқишидаги муваффақиятларини тан олмасдан, уларни танаффусларсиз ишлашга, олдинга интилишга мажбурлагимиз келади. Охири қўринмас тестларга асосланган ҳисботлар замонида америкалик ўқитувчиларга ҳам осон эмас.

Аммо қувончомилименга ўқитувчилик фаолиятимни давом эттиришимга ёрдам берди: Финляндиями, АҚШми ёки дунёning қай бир мамлакатида бўлмайин, ҳар доим шу ҳақда эслатиб, қувончни ўзимнинг бош мақсадим қилишга уринмоқдаман. Сиз-чи, қадрли ўқувчи?

# **МУНДАРИЖА**

СЎЗБОШИ .....	7
КИРИШ .....	18

## **I БОБ**

ЯХШИ КАЙФИЯТ .....	29
ТАНАФФУСЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИНГ .....	36
ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИКНИ ЭСДА ТУТИНГ .....	44
КУЧ-ҚУВВАТИНГИЗНИ ҚАЙТА ТИКЛАБ ОЛИНГ ...	57
СИНФХОНАНИ ТУРЛИ НАРСАЛАРГА ТҮЛДИРИБ ТАШЛАМАНГ .....	64
ТОЗА ҲАВОДАН НАФАС ОЛИНГ .....	71
ТАБИАТ ҚЎЙНИГА ЧИҚИНГ .....	76
ХОТИРЖАМ ВАЗИЯТНИ САҚЛАБ ҚОЛИНГ .....	82
ТАЯНЧ ЖАДВАЛИНИ ТУЗИНГ .....	86
ШОВҚИН ЎЛЧАГИЧ ЯСАНГ .....	87
МУВОЗАНАТНИ ТОПИНГ .....	88

## **II БОБ**

ДАХЛДОРЛИК .....	93
<b>ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИ ЖАМОАДАН</b>	
ФОЙДАЛАНИНГ .....	93
ҲАР БИР БОЛАНИ ЯХШИ БИЛИБ ОЛИНГ .....	98
БОЛАЛАР БИЛАН ЎЙНАНГ .....	103
НАТИЖАЛАРНИ ТАН ОЛИНГ .....	110
ЖАМОА ОРЗУСИ САРИ ИНТИЛИНГ .....	116

ҮҚУВЧИЛАРНИ ТАЪҚИБ ҚИЛИШЛАРИГА ЙЎЛ	
ҚЎЙМАНГ .....	124
ОТАЛИҚҚА ОЛИШ .....	128
ТИЗИМИНИ ҚЎЛЛАНГ .....	128

### **III БОБ**

МУСТАҚИЛЛИК.....	132
ИШНИ ЭРКИНЛИК БЕРИШДАН БОШЛАНГ.....	135
ЗАХИРАДА ОРАЛИҚ БЎШ ВАҚТ ҚОЛДИРИНГ .....	140
БОЛАЛАРГА ТАНЛОВ ИМКОНИНИ БЕРИНГ.....	147
ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН БИРГА РЕЖАЛАШТИРИНГ .	151
ТАЪЛИМНИ ҲАЁТ БИЛАН БОГЛАНГ .....	159
БОЛАЛАРДАН МАСЪУЛИЯТНИ ТАЛАБ ҚИЛИНГ .	167

### **IV БОБ**

МОҲИРЛИК .....	175
ЭНГ МУҲИМ НАРСАНИ ЎҚИТИНГ .....	176
ДАРСЛИК РЕСУРСИДАН ФОЙДАЛАНИНГ .....	185
ЎҚИТИШНИНГ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИНИ	
СУИИСТЕъМОЛ ҚИЛМАНГ .....	190
МУСИҚА ҚЎЙИНГ.....	196
ТЕЗ-ТЕЗ ТРЕНЕР РОЛИНИ ИЖРО ЭТИНГ.....	201
БИЛИМЛАР ТАСДИФИНИ ТАЛАБ ҚИЛИНГ .....	209
ЯКУНИЙ БАҲОЛАРНИ ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН БИРГА МУҲОКАМА ҚИЛИНГ .....	215

## **В БОБ**

ДҮНЁҚАРАШ .....	220
“ОҚИМ” ҲОЛАТИГА ИНТИЛИНГ .....	224
ТЕРИНГИЗНИ ҚАЛИН ҚИЛИНГ .....	227
ҲАМКАСБЛАР БИЛАН БИР ФИНЖОН ҚАХВА УСТИДА ЧАҚЧАҚЛАШИНГ .....	232
ЭКСПЕРТЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛИНГ .....	237
ТАТЬИЛДА ЧИНДАН ҲАМ ДАМ ОЛИНГ .....	240
ҚУВОНЧНИ УНУТИБ ҚҮЙМАНГ .....	244

## Қайдлар учун

Қайдлар учун

Қайдлар учун

## Қайдлар учун

Қайдлар учун

**Тимоти Уокер**

**ФИНЛАНДИЯ ТАЪЛИМИ МЎҶИЗАСИ:  
Ҳамма гап танаффусдами?  
Мароқли дарс ўтишнинг 33 сири**

**Муҳаррир:**

Чарос НИЗОМИДДИНОВА

**Дизайнер ва саҳифаловчи:**

Абдуқодир ЮЛДАШЕВ

**Техник муҳаррир:**

Аброр ҚЎШНАЗАРОВ

**Лицензия рақами: АI № 295. 08.12.2010 да берилган.**

**Босишга 12.12.2022 да берилди.**

**Бичими 84x108<sup>1\32</sup>. Босма тобоғи 8,5.**

**Гарнитура Офсет қофози.**

**Адади 1 000 нусха. Буюртма №65.**

**Баҳоси келишилган нархда.**

**Мурожаат учун тел.: (99) 403-45-66.**

**«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп  
этилди. 100054. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,  
Чўпон ота кўчаси, 28-а уй .**

**"Xasanov Farg'od" ЯТТ да муқоваланди.  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,  
Чўпон ота кўчаси, 28-а уй**